

مادة العقيدة الإسلامية

ИСЛОМИЙ АҚИДА ФАНИ

Исломий ақида фани

Муаллиф

Др. Абу Зайд ибн Муҳаммад Маккий

Уммул-Қуро университетининг дарс бериш

қўмитаси аъзоси

Даъват ва дин асослари факултетининг ақида

қисми

Муқаддима

Барча ҳамду санолар Аллоҳ таолога бўлсин. Аллоҳга ҳамд айтамиз, У Зотдан ёрдам ва мағфират сўраймиз. Нафсимиз ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ кимга ҳидоят берса, уни адаштирувчи ва кимни адаштирса, уни тўғри йўлга солувчи йўқдир. Шериғи йўқ, ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад У Зотнинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд:

Аллоҳ таоло бандага берган неъматлари ичида энг улуғи Ислом ва иймон неъматидир. Бу неъмат орқали Аллоҳ ўлик ҳаётимизга ҳаёт бахшида қилди, зулматлардан нурга чиқарди. Бу неъмат орқали ҳар бир шахс, жамият, дунё ва охират ислоҳ бўлади, қалб ва тана бахтга тўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَوَمَنْ كَانَ مَيِّتًا فَأَحْيَيْنَاهُ وَجَعَلْنَا لَهُ نُورًا يَمْشِي بِهِ فِي النَّاسِ كَمَنْ مَثَلُهُ فِي الظُّلُمَاتِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِنْهَا كَذَلِكَ زُيِّنَ لِلْكَافِرِينَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Аввал ўлик бўлган одамни тирилтириб, унга одамлар орасида юрадиган нурни бериб қўйган бўлсак, у билан зулматлар ичида ундан

чиқа олмай юрувчи одам ўхшаш бўладими? Шундай қилиб, кофирларга қилаётган амаллари зийнатлаб кўрсатилди». (Бу ояти каримада кофир одам ўлик ҳисобида эканлиги таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло кимни иймонга ҳидоят этса, ўша одамнинг мўмин бўлиши гўё ўликнинг қайта тирилишига тенглаштирил-оқда.)

[Анъом: 122]

﴿مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنَّىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيَوةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз». [Наҳл: 97]

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أُسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا...﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган

динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди». [Нур: 55]

Инсон учун ҳидоят неъматини фақатгина унинг масалалари ва далилларини Илоҳий ваҳийдан ўр-гансагина барқарор бўлади.

Шунда у масалаларга шак-шубҳасиз иймон келтиради.

Далилларни (ўзгартирмасдан) ўрганади.

Ширк, эътироз ёки бидъатсиз, талаб қилинган амалларни бажариш ва тарк қилиш билан Аллоҳга тақво қилади.

Ўзини ҳамда жамиятини поклашда Исломиий йўлга (манҳажга) қатъий амал қилади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقْدِمُوا بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан ва Расулидан олдин шошилманглар. Ва Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир». [Хужурот: 1]

«Исломиий ақида фани» номли бу китобда иймоннинг олти аркони, уларга тааллуқли ил-

мий ишлар ва масалаларни изоҳлаб беришни хоҳладим. Мен китобни тўрт босқичга бўлишни лозим топдим. Шунда уни тўрт ўқув семестрида осонроқ ўрганиш мумкин бўлади. Бу жараёнда иложи борича ихчамлик ва сўзларнинг содда ҳамда тушунарли бўлишига ҳаракат қилдим. Аллоҳ таолодан умид қиламанки, бу китобдан муаллиф ҳам, ўқитувчи ҳам, талаба ҳам манфаат кўради. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммадга, У зотнинг оилалари ва саҳобаларига савоботу саломлар йўлласин.

Дарслик режаси:

Ушбу дарслик тўрт босқичдан иборат:

Биринчи босқич:

1. Ақида дарсига кириш
2. Рубубият тавҳиди

Иккинчи босқич:

1. Улуҳият тавҳиди
2. Исм ва сифатлар тавҳиди

Учинчи босқич:

1. Фаришталар, китоблар, пайғамбарлар ва қиёмат кунига иймон келтириш
2. Қазои қадарга иймон келтириш

Тўртинчи босқич:

1. Иймон ва куфр ҳақиқати ва кабира гуноҳи-ни бажарган инсоннинг ҳукми
2. Бошқа ақидавий масалалар

Аллоҳ таолодан тавфиқ, тўғри йўл, Расулуллоҳга эргашиш, ихлос ва тўғри мақсад беришини ва Ўз даргоҳида қабул қилишини умид қиламан. Аллоҳим бу дарсликни манфаатли ва баракали қилсин. Аллоҳ таоло пайғамбаримизга ва аҳли оилаларига салавоту саломлар йўлласин.

Биринчи босқич

Ақида дарсига кириш

Рубубият тавҳиди

Биринчи – Ақида дарсига кириш

1. Ақиданинг луғавий ва истилоҳий маъноси ҳамда Исломий ақидадан кўзланган мақсад
2. Шариатнинг луғавий ва истилоҳий маъноси. Ақида ва шариат орасидаги фарқ
3. Исломий ақиданинг аҳамияти
4. Ақида мавзулари
5. Исломий ақиданинг хусусиятлари
6. Илм олиш манбалари ва далил келтириш услуби
7. Суннатнинг маъноси. Аҳли сунна вал жамоа ва уларнинг асосий сифатлари
8. Бидъатнинг маъноси. Бидъат ва залолат аҳли ҳамда уларнинг сифатлари
9. Ақида илмининг бошқа исмлари ва шу исмлар билан номланган китоблар
10. Ақидани ўрганишнинг шахс ва жамиятга бўлган самаралари

1. Ақиданинг луғавий ва истилоҳий маъноси. Исломий ақидадан мурод

Ақида луғатда:

«Ақд» сўздан олинган бўлиб, бир нарсани атрофини жамлаб уни боғлаш ва мустаҳкамлаш маъносида ишлатилади. Аслида арқон, бино каби моддий нарсаларга ишлатилади, масалан: «Арқонни боғлади, бинога пойдевор қурди», дейилади.

Кейинчалик бу сўз маънавий нарсаларга нисбатан ҳам ишлатила бошланди, яъни уларни мустаҳкамлаш маъносида. Масалан, араб тилида қасам ичиш, аҳд тузиш, савдо шартномаси тузиш, никоҳ ўқиш каби сўзларда "Ақд" сўзи ишлатилади¹.

Ақида сўзининг шариатдаги маъноси:

Инсоннинг қалбида мустаҳкам ўрнашган, шубҳага йўл қўймайдиган ва эътиқод қилиб, уни дин тутадиган асосий ишончдир.²

¹ «Манба: Ибн Фориснинг «Мақойисул-луға» асари (4/86) ва Роғиб Асфаҳонийнинг «Мўфрадот алфозул-Қуръон» асари (576-бет)».

² Файюмийнинг Мисбоҳул-Мунийр китоби (421).

Исломий ақида — Жаброил алайҳиссалом ҳадисида¹ иймон келтирилиши талаб қилинган, қалбга оид диннинг ғайбий жиҳати. Иймоннинг олти аркони: Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат ва тақдирнинг яхшию ёмонига иймон келтиришдир.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло хабар берган нарсаларга шубҳасиз иймон келтириш ва илоҳий талабни ширксиз бажариш керак эканига эътиқод қилиш демакдир.

Яъни: «Хабарга иймон ва талабга лаббай дейиш».²

Шу ердан бизга маълум бўладики: инсон аъзолари орқали бажарадиган амаллари ҳам ақиданинг ажралмас қисмига киради. Яъни, уларни диндан эканига иймон келтириш, Аллоҳ учун ихлос билан адо этиш, фарзларини бажариш ва ширкнинг барча туридан тийилиш фарздир.³

¹ Муттафақун алайҳи, Имом Бухорий (37) ва имом Муслим (1).

² Ибн Усайминнинг «Иймон арконлари» китоби (3, 4).

³ Др, Носир ал-Ақлнинг «Салафлар ақидаси борасида тафаккур» китоби (5).

2. Шариат сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси. Ақида ва шариатнинг фарқи

Шариат луғатда:

«Шаръ» деган сўздан олинган бўлиб, аниқ йўл деганидир.¹

Шариат истилоҳда:

Аллоҳнинг диндаги қонунлари ва буйруқлари деганидир.²

Аллоҳ таоло айтади:

﴿شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ﴾

«Сизлар учун динда қонунлар тузиб берди» [Шўро: 13].

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شُرْعَةً وَمِنْهَا جَا﴾

«Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик» [Моида: 48].

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِنَ الْأَمْرِ﴾

«Сўнгра Биз сизни (дин) ишида бир шариатга йўлладик» [Жосия: 18].

¹ Роғиб Асфаҳонийнинг «Мўфрадот алфозул-Қуръон» асари (450).

² Файюмийнинг «Ал-Мисбааху ал-мунийр» китоби (310).

Ислом шариати ақида илмида икки хил маънода қўлланилади:

Биринчи маъно: «ақида» деган сўз билан бир хил маънода ишлатилади. Масалан, Ожуррий ўзининг ақида ҳақидаги китобини «Шариат» номи билан атаган. У китоб аҳли сунна вал-жамоа ақидасини баён қилишга бағишланган.¹

Иккинчи: энг кўп қўлланиладиган маъноси: «шариат» деганда Жаброил алайҳиссалом ҳади-сида зикр этилган «Ислом» назарда тутилади. Яъни, шариат деб тана аъзоларига оид диннинг зоҳирий амалларига қўлланилади. Улар шаҳодат калимаси, намозни қоим қилиш, закотни адо этиш, Рамазонда рўза тутиш ва Ҳаж қилиш.

Ислом дини — Ҳаётнинг барча жабҳаларида пайғамбарларнинг хотами Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариат билан ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилиш демакдир.

Аллоҳ таоло айтади:

¹ «Аш-Шариа» китобига таҳқиқотчи доктор Абдуллоҳ ад-Думайжий томонидан ёзилган муқаддима (1/172-173-бетлар).

﴿قُلِ اللَّهُ أَعْبُدُ مُخْلِصًا لَهُ دِينِي﴾


«Сиз: «Динимни Ўзига холис қилган ҳолимда Аллоҳгагина ибодат қилурман», деб айтинг»

[Зумар: 14].

Дунё ва охират, руҳ ва тана, шахс ва жамият фақат дин билан ислоҳ бўлади. Шунингдек, Вало (Аллоҳ учун яхши кўриш) ва Баро (Аллоҳ учун ёмон кўриш) вожиб дея эътиқод қиламиз.

Ислом дини уч мартаба устига қурилган: Ислом, иймон ва эҳсон.


Хулоса: Ақидадан мурод: иймон ва эҳсон мартабаси. Шариатдан мурод: Ислом мартабаси.



Ислом динининг
драхти:

Зоҳирий
аъзоларга
тегишли қисми
бўлиб, иймонга
таянган ҳолда
юқорига ўсади

Ислом
(шариат)



Исломдаги
эхсон

Иймон қалбга
тааллуқли, кўрин-
мас қисми. Ростан
ҳам борлигига да-
лолат қилади.

Иймон
(ақида)

пайғамбарлар
қиймат
тақдир

Аллоҳ
фаришталар
китоблар

Иймондаги
эхсон

3. Исломий ақиданинг аҳамияти

Бир нечта сабабларга кўра банда Исломий ақи-дани ўрганишга жуда ҳарис бўлиш керак:

1. Исломга тўғри амал қилиш. Агар Аллоҳ таолонинг борлиги ёки бошқа иймон арконларидан бирида шубҳа қилса, унинг Исломи қабул бўлмайди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ءَامِنُوا بِاللّٰهِ وَرَسُولِهِ ءَ وَالْكِتَابِ الَّذِى نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ ءَ وَالْكِتَابِ الَّذِى اُنزِلَ مِنْ قَبْلُ ءَ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللّٰهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ ءَ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг! Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўлади» [Нисо: 136].

2. Солиҳ амаллар қабул бўлиши учун. Чунки агар инсон намоз ўқиса, рўза тутса ва бошқа яхшиликларни ҳам адо этса-ю, аммо эътиқодида ширк бўлса, унинг солиҳ амаллари қабул бўлмайди.

Аллоҳ таоло пайғамбарлари ҳақида айтади:

﴿ذَٰلِكَ هُدَىٰ ٱللَّهُ يَهْدِى بِهِ ٱلْمَن يَشَآءُ ٱلْمَن يَعْبَادِىءَ وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحَبِطَ عَنْهُم مَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Ана ўша, Аллоҳнинг ҳидояти бўлиб, Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшани унга йўллар. Агар улар ширк келтирсалар, қилган ишлари, албатта, беҳуда кетар» [Анъом: 88].

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида эса шундай дейди:

﴿وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكَ لَئِن أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ﴾

«Батаҳқиқ, сизга ва сиздан олдин ўтганларга ҳам: «Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиёнкорлардан бўлурсан», деб ваҳий қилинган» [Зумар: 65].

3. Динда мустаҳкам туриш осон бўлиши учун. Мустаҳкам иймон инсон қалбига динни маҳкам тутиш ҳаловатини тоттиради ва ҳаётига шодлик бахш этади.

Аббос ибн Абдулмуттолибдан ривоят: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деяётганларини эшитдим:

(ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا)

«Кимки Аллоҳнинг Рабб, Исломни дин ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламни пайғамбар деб рози бўлса, иймон ҳаловатини тотибди».¹

4. Динни маҳкам тутишда барқарор ва ўрта йўлдан бориши. Шунингдек, ғулувга кетганлар ёки жафокорларга эргашмаслиги учун. Аллоҳ таоло айтади:

(وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِ ذَٰلِكُمْ وَصَّيْكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ)

«Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашманг. Бас, сизни Унинг йўлидан адаштирмасинлар. Мана шу сизга қилган амрки, шояд, тақво қилсангиз» [Анъом: 153].

5. Инсон тўғри маърифатга эга бўлиши. Ақида – инсон ўзини, ҳаётни ва оламни тўғри тасаввур қилиши учун зарур омил. Иймон арконлари сизга ким эканингизни, мавжудлигингизнинг сирини, дунёнинг ҳақиқати ва

¹ Имом Муслим «Иймон китоби» (56).

оламнинг моҳиятини танитади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿كَيْفَ تَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَكُنْتُمْ أََمْوَاتًا فَأَحْيَاكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٨﴾ هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَّا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ أَسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّاهُنَّ سَبْعَ سَمَوَاتٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٩﴾﴾

«Аллоҳга қандай куфр келтирасизлар? Ва ҳолбуки, жонсиз эдингиз, У сизга жон берди, сўнгра жонингизни оладир ва яна тирилтирадир ва сизлар Унга қайтажаксизлар. У сизлар учун ер юзидаги барча нарсани яратган Зот. Сўнгра осмонга юзланди ва уларни еттита қилиб тўғрилади. Ва У ҳар бир нарсани билувчи Зотдир». [Бақара: 28-29]

6. Тана аъзоларини ислоҳ қилиш. Мустаҳкам иймон – аъзоларни ислоҳ қилади, яхши ишларга ундайди ва ёмон ишлардан қайтаради.

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганларини эшитдим:

﴿إِنَّ الْحَلَآلَ بَيْنٌ، وَإِنَّ الْحَرَامَ بَيْنٌ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ، لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنِ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ: اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ. وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ كَالرَّاعِي يَرْعَى حَوْلَ الْحِمَى يُوشِكُ أَنْ يَرْتَعَ فِيهِ أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمًى أَلَا وَإِنَّ

حَمَى اللَّهُ مَحَارِمَهُ أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ).

«Албатта, ҳалол (нарсалар) аниқ, ҳаром (нарсалар) ҳам аниқ. Бу иккисининг ўртасида шубҳали ишлар борки, уни одамларнинг кўпчилиги билмайди. Ким шубҳали нарсалардан сақланса, дини ва обрўсини пок тутибди. Ким шубҳали нарсаларни қилса, ҳаромга кириб қолибди. Бунинг мисоли, худди қўриқланадиган ер атрофида қўй боқадиган чўпон каби: қўйлари бир кун келиб шу ерга кириб кетиши мумкин. Огоҳ бўлинглар: ҳар бир подшоҳнинг ўз қўриқланадиган ери бор. Огоҳ бўлинглар: Аллоҳнинг қўриқланадиган ери У ҳаром қилган нарсалардир. Огоҳ бўлинглар: жасадда бир парча гўшт борки, агар у ислоҳ бўлса, бутун жасад ислоҳ бўлади, агар бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинглар: у – қалбдир!»¹

7. Дунёда бахтли бўлиш. Иймон – инсонга яхши ҳаёт ато этади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أَنَّىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهُ حَيَاةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

¹ Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий «Иймон китоби» (52) ва имом Муслим (1599).

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз». [Наҳл: 97]

8. Охиратда кенглиги осмону ерлардай бўлган жаннатга кириш. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا ۖ﴾ جَنَّتٍ عَدْنٍ الَّتِي وَعَدَ الرَّحْمَنُ عِبَادَهُ بِالْغَيْبِ إِنَّهُ كَانَ وَعْدُهُ مَأْتِيًا

«Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва ҳеч зулм қилинмаслар. Раҳмон Ўз бандаларига ғайбдан ваъда қилган адн жаннатларидир. Албатта, Унинг ваъдаси келгусидир». [Марям: 60-61]

Ақида илмини ўрганишнинг аҳамияти:

- Динга тўғри амал қилиш
- Амал қабул бўлиши
- Динда мустаҳкам туриш
- Барқарор ва ўрта йўлда бўлиш
- Тасаввур ва билим тўғри бўлиши
- Аъзолар ислоҳ бўлиши

- Дунёда бахтга эришиш
- Охиратда ютуққа эришиш

4. Ақида илмининг мавзулари

Ақиданинг мавзулари олтита иймон аркони атрофида айланади, ақидага оид масалалар ва аҳли суннанинг бошқа адашган фирқалардан ажратиб турадиган жиҳатлари ҳақида сўз боради.

Ақиданинг энг муҳим мавзулари қуйидагилардан иборат:

Биринчи: Аллоҳга иймон келтириш. Бу мавзу доирасида Унинг борлигига, рубубият, улуҳият ва исм исфатларда ягона ва танҳо экани ўрганилади.

Шунингдек, Аллоҳга ибодат қилиш арконлари, унинг шартлари ва уни бузувчи омиллар каби мавзулар ҳам баён этилади.

Иккинчи: Фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, охират кунига ва тақдирга иймон келтириш.

Учинчи: Ақиданинг манбалари, хабар ва маълумотларни қандай қабул қилиш, Аллоҳнинг буйруқларига қандай итоат этиш масала-

лари ўрганилади. Шунингдек, бу бобда аҳли сунна вал жамоанинг ақида масалаларида далил келтириш услуби ўрганилади.

Тўртинчи: Аҳли сунна вал жамоа наздида иймон ва куфрнинг ҳақиқати ва кабира гуноҳ бажарган инсоннинг ҳукмини баёнлаш ҳам ақида илмининг мавзуларидандир.

Бешинчи: Аҳли сунна вал жамоа турли фирқалар ўртасидаги муътадил эканининг баёни.

Олтинчи: Саҳобалар ва аҳли байтга муҳаббат. Вало ва баро масалалари. Имомлик ва хилофатга оид масалалар.

Еттинчи: Ақида мавзуларидан яна бири — иймонда содиқ ва Исломнинг гўзаллигини кўрсатиб берувчи Исломий ахлоқ масалалари. Масалан: мўминларни яхши кўриш, уларни ҳурмат қилиш, улар билан дўст ва биродар бўлиш, уларга озор етказмаслик, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш кабилар.

Мана шулар ақидада ўрганиладиган энг муҳим мавзулар.

5. Исломий ақиданинг хусусиятлари

Тавҳид: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

أَقْبَلْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَسَمِعَ رَجُلًا يَقْرَأُ: (قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ. اللَّهُ الصَّمَدُ. لَمْ يَلِدْ، وَلَمْ يُولَدْ. وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفْوًا أَحَدٌ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَجِبَتْ. فَسَأَلْتُهُ مَاذَا يَأْخُذُ بِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ؟ قَالَ: (الْجَنَّةُ)).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга кириб келдим. Шунда бир киши: «Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ сомаддир. (Ҳожатларни ва рағбатларни қондирувчидир.) У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган. (Аллоҳ таолога бирор зот на зотида, на сифатида ва на амалида тенг бўлган эмас, бўлолмайдиган ҳам.)» деган оятларни ўқиётганини эшитдилар. Шунда Расулуллоҳ: «Вожиб бўлди», дедилар. «Нима вожиб бўлди», деб сўрадим. «Жаннат», дедилар.¹²

Тавқиф – (Ваҳий буюрган нарсани устидан қўйиб бўлиш ва ундан ўзгасига эрчиб кетмаслик):

Аллоҳ таоло айтади:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

¹ Насоий (994).

² [Ихлос сураси]

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни ба-
тамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» [Моида: 3].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилинган ишдир».¹

Исломий ақида – Фитрат ва ақлга тўғри келади ва улар ўртасида зиддият йўқ:

﴿أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ ﴿٣٦﴾ أَمْ خَلَقُوا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ ﴿٣٧﴾ بَلْ لَا يُوقِنُونَ ﴿٣٨﴾﴾

«Балки, улар, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралгандирлар?! Ёки улар яратувчиларми? Балки, улар осмонлару ерни яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар» [Тур: 36-37].

Исломий ақида – далил устига қурилган:

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ﴾

¹ Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий 2697 ва имом Муслим 1718.

فَالَّذِينَ ءَامَنُوا بِهِۦ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ الَّذِىۤ اُنْزِلَ مَعَهُۥٓ اُولٰٓئِكَ هُمُ
الْمُقْلِحُونَ ﴿١٥٧﴾

«Улар ўз хузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий, Пайғамбарга эргашурлар. Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар – ана ўшалар нажот топгувчилардир» [Аъроф: 157].

Исломий ақида – умумий: Аллоҳ таоло, коинот, инсон, дунё ва охиратга оид ақидавий масалаларни баёнлайди.

﴿وَالْعَصْرِ ﴿١﴾ اِنَّ الْاِنْسَانَ لِفِىْ خُسْرٍ ﴿٢﴾ اِلَّا الَّذِىۤنَ ءَامَنُوۡا وَعَمِلُوۡا الصّٰلِحٰتِ وَتَوَاصَوْۤا بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْۤا بِالصَّبْرِ ﴿٣﴾﴾

«Аср билан қасам. Албатта, инсон хусрондадир. Илло, иймон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар, бир-бирларини ҳақ йўлга чақир-

ганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар (ундоқ эмасдир)» [Аср: 1-3].

Васатия (ўрталиқ): ғулув ва жафо ақидасидан йироқдаги ҳақ ақида. Аллоҳ таоло айтади: «Унга ўхшаш ҳеч ким йўқ, У Зот эшитувчи ва кўрувчидир».

6. Ақида манбалари ва далил олиб келиш услуби

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقْدِمُوا بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан ва Расулидан олдин шошилманглар. Ва Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир».

Иймон неъмати Аллоҳ бандага ато
этган энг улуг неъматдир.

Динни ўрганиш манбаси «Аллоҳ ва
расули».

Оятдаги «шошилманглар» сўзи
Аллоҳ ва расулидан динни ўрганиш
услуби.

«Аллоҳга тақво қилинглр» Аллоҳ ва
расули талаб қилган ишларни бажариш
услуби. (Яъни ақидани тақво билан
ўрганиш керак)

«Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва
кўрувчи Зот», нафсни поклаш
йўли.

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا:

لَا تَقْدَمُوا بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ. وَاتَّقُوا اللَّهَ.

إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ).

«Эй, иймон келтирганлар!
Аллоҳдан ва Унинг
Расулидан олдин
шошилманглар. Ва Аллоҳга
тақво қилинглр. Албатта
Аллоҳ эшитувчи ва билувчи
Зотдир».

Илоҳий хабарларни ўрганиш

Изоҳ	Услуб
1.Қуръон оятлари ва Расулуллоҳдан собит бўлган ҳадислар орқали тўғри иймон келтириш.	Оҳод ёки мутовотир ҳадис бўлишидан қатъий назар, ҳадиснинг санади ва матни собит эканини аниқлагач иймон келтириш. Заиф ва тўқима ҳадисларни қабул қилмаслик. Улар (аҳлус сунна вал жамоа) ақидани ўрганишда Қуръон ва Расулуллоҳнинг собит бўлган ҳадисларига таянадилар. Оҳод ҳадисларни ақида илмида қабул қиладилар.
2.Саҳобалар ва биринчи уч аср имомларидан ташкил топган салафи солиҳлар онгига таяниб, илоҳий ваҳийни тўғри англайдилар.	Ақида илми Қуръон, суннат ва салафлар талқини орқали тушунилади. Ана шу йўл уларнинг тўғри тушуниш тарозиси ҳисобланади. Шу боис, илоҳий матнларни салафлар англашидан фарқли ёки унга зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас. Яъни, саҳобалар ва биринчи уч аср имомлари қандай тушунган бўлсалар, диний матнлар ҳам ўша асосда изоҳланади.

3.Илоҳий хабарларнинг саҳиҳига қаралади.	Худди масалаларни ўз ичига олгани каби, далилларни ҳам ўз ичига олади. Яъни, ҳар қандай ақидавий масала ақлий далилларга муҳтож бўлса, у, албатта, улар билан бирга келтирилади. Шунингдек, ақидавий масалалар билан саломат ақл ўртасида ҳеч қачон қарама-қаршилик бўлмайди. "Шариатда келган кўп нарсаларни ақл ва соф фитрат орқали ҳам англаб олиш мумкин", деб эътиқод қиладилар. Лекин ақл ва фитрат мустақил манба эмас, аксинча, ваҳийга тобе ҳисобланади.
4.Шак-шубҳасиз иймон	Аллоҳ тарафидан экани сабабли, унинг барчаси ҳақ ва ростдир. Ақл ундаги баъзи нарсаларни англамай қолса ёки ҳикматини тушунишда ожиз бўлса ҳам, у Аллоҳдан келгани учун унга иймон келтиради. Улар шариат матнлари бири-бирига зид ёки қарама-қарши бўлмайди, деб иймон келтирадилар. Шунингдек, бу матнлар очиқ-ойдин соғлом ақл инкор қиладиган нарсани келтирмайди; лекин ақл улуғ ҳикматларидан ҳайратда қолиши мумкин.

5.Инсонларнинг фикри ундан устун қўйилмайди.	1. Фикрлар, билимлар, маданиятлар ва ҳавои нафсларини ваҳийдан устун кўрмайдилар. 2. Завқ, ҳис-туйғулар ва одамларнинг сўзларини ваҳийдан устун қўймайдилар. 3. Одатлар, сиёсатлар ва тизимларни ҳам ваҳийдан устун қўймайдилар. Ваҳийни «илмул калом» (мантиққа суянган назариялар), ботиний йўналиш, кашф ва илҳом орқали ёки замонавий ғарб тафаккури билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.
6.Илҳодга йўл йўқ.	Ақидага оид масалаларнинг маъносини бузиб тушунмайдилар ёки ёмон фикрга бормайдилар.

Илоҳий талабларни ўрганиш услуби:

1. Қуръон ва суннатда ворид бўлган саҳиҳ буйруқларни бажариш.

Изоҳ: Оҳод ёки мутовотир ҳадис бўлишидан қатъий назар, ҳадиснинг санади ва матни собит эканини аниқлагач, унга иймон келтириш. Заиф ва тўқима ҳадисларни қабул қилмаслик.

2. Саҳобалар ва биринчи уч аср имомларидан ташкил топган салафи солиҳлар онгига таяниб илоҳий ваҳийни тўғри англаш.

Изоҳ: Ақида илми Қуръон ва суннатни салафлар талқини орқали тушунилади. Ана шу йўл уларнинг тўғри тушуниш тарозиси ҳисобланади. Шу боис, илоҳий матнларни салафлар тушунчасидан фарқли ёки унга зид равишда талқин қилиш мумкин эмас.

3. Илоҳий талабларга тўғри йўналишда қараймиз. Бошқаларнинг маданият ва фикрларини ваҳийга тарози эмас, аксинча, ваҳийни бошқалар учун тарози қиламиз.

Изоҳ: Ваҳий инсон учун ҳақиқий манфаатни таъминлайди: тана ва қалб манфаати, дунё ва охират манфаати, шахс ва жамият манфаати.

У соф фитрат ва соғлом ақлга ҳам мувофиқ келади. Гарчи унинг ҳикмати бизга тўлиқ ошкор бўлмаса ҳам, унда, албатта, ҳикмат борлигига ишонамиз.

4. Ўтироз билдирилмаслик.

Изоҳ: 1. Қадарга ўтироз билдирмаслик.

2. Ваҳийга ҳаёлий манфаатлар, ҳаром шаҳватлар, ҳавойи-нафс, шахсий фикрлар ёки тур-

ли цивилизациялар билан эътироз билдирмаслик.

3. Сиёсатлар, урфлар ва одатлар билан ҳам эътироз билдирмаслик.

5. Илоҳий хабарларни Ширк аралаштирмасдан қабул қилиш.

Изоҳ:

1. Тавҳиднинг қайси тури бўлишидан қатъий назар, унда ширк келтирилмайди.

2. Ибодатларимизда Аллоҳга муҳаббат, қўрқув ва умид билан ихлос қиламиз.

6. Илоҳий ваҳийни бидъат аралаштирмасдан қабул қилиш.

Изоҳ: Ибодатнинг вақти, ўрни, сони, миқдори, жинси ва сифатини ўзгартирмаймиз.

7. Суннатнинг маъноси. Аҳли сунна вал жамоа ким ва уларнинг энг асосий сифатлари қайсилар?

Суннат – ақида ва ибодат бобида Набий солалаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва унга ортиқча нарса қўшмаслик ёки камайтирмаслик.

Бошқача айтсак, суннат – ақида, ибодат ва муомалада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳобларига эргашиш.

Ёки суннат – бидъатдан холи бўлган соф Исломдир.

Аҳли сунна вал жамоа – эътиқод, ибодат ва муомала бобида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатиға эргашишда бирлашган тоифа.

Уларнинг энг асосий сифатлари

Қуръон ва суннатда келган барча буйруқ ва қайтариқларни қабул қилиб, уни шахсий фикр, ҳавойи-нафс, завқ, ҳиссиёт, сиёсат ва урф-одатлардан устун қўйишади.

Ақида ёки ибодатда бидъат чиқармайдилар, аксинча, фақат шариатда ворид бўлган нарсаларга чекланадилар. Қатъий (муҳкам) далилларни маҳкам тутишади ва муташобих далилларни эса муҳкам далилларга қайтаришади.

8. Бидъатнинг маъноси. Бидъат ва залолат аҳли ҳамда уларнинг сифатлари

Бидъат – ибодат сифатида ишлатиладиган, аммо, на Қуръони Каримда ва на суннатда келмаган нарсалар.

Ёки динда ўйлаб топилган, шариатга ўхшаш қилиб кўрсатилган йўл бўлиб, унга амал қилишда Аллоҳ таолога кўпроқ ибодат қилиш мақсад қилинади.¹

Таърифдан тушуниладики, бидъат:

Дунё ишларида эмас, аксинча, дин ишларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрмаган, саҳобалар ундамаган ва тўрт халифа иттифоқ қилмаган ишлардир.

Бидъат ва залолат аҳли – бидъат устида бирлашган ва одамларга бидъатни зийнатлаб кўрсатиб, уни ҳимоя қилган инсонлардир. Салафлар наздида бу янги чиққан бидъатлардан деб ҳисобланган.

Уларнинг асосий белгилари:

– Ақлни нақлдан устун қўйиш.

¹ Шотибийнинг "Иътисом" китоби (371).

- Муҳкам оятларни ташлаб, муташобих оятларга эргашиш.
- Қуръон ва суннатни менсимаслик.

9. Ақида илмининг бошқа исмлари ва шу исмлар билан номланган китоблар

Атамалар ва ақида китоблари:

1. "Шариат илми" номига муқобил равишда «Ақида» деб аталган китоблар.

Бу ном остидаги баъзи китоблар:

- Ҳибатуллоҳ Лолакойининг «Шарҳ Усули-иътиқоди аҳлис-суннати вал-жамаъаҳ» китоби. (Аҳли сунна ва жамоа эътиқоди асосларининг шарҳи) (418ҳ).

- Абу Усмон Собунийнинг «Салафлар ва муҳаддислар ақидаси» (449ҳ).

- Асбаҳонийнинг «Алҳужжату фи баяаанилмаҳажжаҳ ва шарҳу ақидати аҳлус-сунна» (Ҳақни баён қилишдаги ҳужжат ва аҳли сунна ақидаси) (535ҳ).

- Ибн Таймиянинг "Воситийя", "Тадмурийя" ва "Ҳамавийя ақидаси" китоблари (728ҳ).

2. «Ислом» сўзи билан солиштирганда ишлатиладиган «Иймон» сўзининг хос маъноси.

Бу ном билан номланган баъзи китоблар:

– Абу Убайд ибн Салломнинг «Иймон китоби» (224х).

– Абу бакр ибн Абу Шайбанинг «Иймон китоби» (235х).

– Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Иймон китоби» (241х).

– Ибн Манданинг «Иймон китоби» (395х).

3. Фиқҳул фуруъга (фиқҳ илмига) муқобил ўлароқ ёзилган «Фиқҳул акбар» деб номланган баъзи китоблар.

– Абу Ҳанифанинг «Фиқҳул акбар» китоби (150х).

4. Бидъат сўзига муқобил равишда ёзилган «Суннат» номи билан номланган баъзи китоблар:

– Ибн Абу Шайбанинг «Суннат» китоби.

– Имом Аҳмаднинг «Суннат» китоби.

– Асромнинг «Суннат» китоби (273х).

– Ибн Абу Осимнинг «Суннат» китоби (287х).

– Суннат ва жамоанинг баёни (Ақидаи Таҳовийя) (321х).

Тавҳид

5. Баъзи китоблар бир нарсанинг энг шарафли жиҳати билан намлаш бобидан Тавҳид номи билан номланган:

– Ибн Ҳузайманинг «Тавҳид» китоби (311х).

– Ибн Манданинг «Тавҳид» китоби (395х).

– Муқризийнинг «Тажридут-тавҳидул-муфийд» китоби (854х).

– Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг «Тавҳид китоби» (1206х).

6. «Шариат» номи билан номланган баъзи ақида китоблари:

– Ожуррийнинг «Шариат китоби» (311х).

– Ибн Баттонинг «Нажот топувчи фирқа шариатининг баёни» (389х).

7. Усулуд-дийн (Дин асослари)

Эслатма: Фуруъларга муқобил ўлароқ аталади, лекин, бу атама тартибсиз. Чунки баъзида унга тааллуқли бўлмаган масалалар ҳам ичига кириб, асосий масалалар чиқарилиб ташланади. Масалан, ҳодисаларнинг занжири ҳақидаги баҳс киритилса, диннинг асосий

рукнлари ҳисобланган намоз ва рўза каби ибодатлар эса ундан чиқариб ташланади».

Бу ном билан номланган баъзи китоблар:

– Абу Хасан Ашъарийнинг «Ибана фии усулид-дияна» китоби (329х).

10. Ақидани ўрганишнинг шахсга ва жамиятга бўлган самаралари

Соғлом эътиқоднинг жуда катта самаралари бор. У инсонни ислоҳ қилади, ҳаётини тўғри йўлга солади, қалби ва жисмига хотиржамлик ва бахт бахшида этади, фикрини равшан қилади ҳамда дунёсига барака олиб киради. Шу орқали у ҳалол ризқ топиб, оиласини ислоҳ қилади, жамиятга хизмат қилади, манфаатли маданият қуришда иштирок этади. Динда ғулувга кетишдан ёки бепарво ташлаб қўйишдан сақлайди. Шунингдек, инсоннинг охиратини ҳам обод қилади: уни уйдирма ва хурофотлардан асрайди, сабабларни бажарган ҳолда қалби билан Раббига суянишга ўргатади. Аллоҳга муҳаббат, қўрқув ва умид билан ибодат қилади ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам

суннатига эргаштириб, бидъатлардан йироқ қилади.

Ислом ақидасига маҳкам ёпишган жамиятда иймон ва солиҳ амаллар кенг тарқалади, уларнинг зидди бўлган ишлардан қайтарилади. Шариат ҳукмрон бўлади. Жамиятда адолат, ростгўйлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат каби Исломий ахлоқлар қарор топади. У ерда бирлик ва ҳамжиҳатликни ҳамда парокандаликдан қайтарилганини кўрасиз. Динга маҳкам ёпишилади, уламолар атрофида ўрнашилади, ҳукмдорларга маъруф ишларда қулоқ солиниб, итоат қилинади. Ҳуқуқ ва қадр-қийматлар муҳофаза қилинади.

Шайх Ибн Усаймин раҳимахуллоҳ Ислом рукнларини маҳкам ушлашнинг баъзи самараларини санаб ўтганлар. Улардан:

1. Аллоҳ таолога ва исм-сифатларига иймон келтиришнинг самараларидан:

А: Аллоҳга муҳаббат ва У Зотни улуғлаш.

Б: Аллоҳ таоло талаб қилган буйруқ ва қайтариқларни бажариш.

В: Шахс ва жамиятга икки диёрда ҳам бахт олиб келади:

﴿مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أَنَّىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيَوةً طَيِّبَةً
وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва уларни қилиб юрган амалларининг энг гўза-лига бериладиган ажр ила мукофотлармиз». [Наҳл: 97]

2. Фаришталарга иймон келтиришнинг самаралари:

А: Яратган Зотнинг буюклиги, қудрати ва ҳукмронлиги ҳақида билимга эга бўлиш.

Б: У Зотнинг бандаларига бўлган ғамхўрлиги учун шукр қилиш. Чунки Аллоҳ таоло уларни асраш, амалларини ёзиш ва бошқа манфаатларини таъминлаш билан шуғулланувчи фаришталарни масъул қилиб қўйган.

В: Фаришталарни Аллоҳ таолога мукаммал ибодат қилганлари ва мўминлар учун истиғфор сўраганлари сабабли яхши кўриш.

3. Китобларга иймон келтиришнинг самаралари:

А: Аллоҳ ҳар бир қавмга китоб тушириши ва шу китоб ила уларни ҳидоятга бошлаши, У Зот-

нинг бандаларига қанчалик меҳрибон ва ғамхўр эканини кўрсатади.

Б: Ҳар бир умматга муносиб шариат нозил қилиши Аллоҳ таолонинг қанчалик ҳикматли эканини баёнлайди. Бу китобларнинг сўнгиси Қуръон эса, қиёматгача асрлару маконларда барчага лойиқ тарзда нозил қилинди.

В: Ушбу неъматларни ато этгани учун Аллоҳга шукр қилиш.

4. Пайғамбарларга иймон келтиришнинг самаралари:

А: Аллоҳ ҳидоят ва тўғри йўлни баёнлаб беришлари учун пайғамбарларни жўнатиши У Зотнинг бандаларига қанчалик меҳрибон ва ғамхўр эканининг белгисидир.

Б: Ушбу улуғ неъматлар учун Аллоҳга шукр қилиш.

В: Пайғамбарларга лойиқ равишда мақтов айтиш, ҳурмат қилиш ва яхши кўриш. Чунки улар Аллоҳнинг элчилари ва Ўзининг хос бандалари. Улар Аллоҳга ҳаққоний ибодат қилдилар, рисолатни етказдилар ва бандаларга насиҳат қилиб, уларнинг азиятларига сабр қилдилар.

5. Қиёмат кунига иймон келтиришнинг самаралари:

А: Ўша кунда савоб олишга рағбат қилиб Аллоҳга ибодат қилишга ҳарис бўлиш ва жазосидан қўрқиб, маъсиятдан узоқ туриш.

Б: Дунё матоларидан қуруқ қолган мўмин банда охиратдаги неъматлар ва савобларни умид қилиши ва бу унга тасалли бериши.

6. Тақдирга иймон келтиришнинг самаралари:

А: Сабабларни бажараётганда Аллоҳга таяниш. Чунки сабаб ҳам, сабабчи ҳам Аллоҳнинг тақдири билан амалга ошади.

Б: Руҳнинг хотиржамлиги ва нафснинг роҳати. Чунки банда бу иш Аллоҳнинг тақдири ва ёмонлик сўзсиз содир бўлишини билса, нафс роҳат, қалб эса хотиржамлик топади ва Аллоҳнинг тақдирига рози бўлади. Тақдирга иймон келтирган инсондан кўра ҳаёти чиройлироқ, нафси покроқ ва хотиржамроқ киши йўқ.

В: Мақсадига эришганда ғурурланмаслик. Банда Аллоҳ яхшилик ва муваффақият сабабларини тақдир қилиб қўйгани учун унга эриш-

ганини билади. Шунда у Аллоҳга шукр келтириб, ғурурни тарк этади.

Истаган муродига етишмай қолганда ёки ёмон кўрган нарсаси содир бўлганда қалбдаги изтироб ва ғамни йўқотиш. Чунки бу ишлар Аллоҳ таолонинг тақдири ва ҳукми билан бўлади. Осмонлару ер унга тегишлидир, шундай экан, унинг иродаси, албатта, рўёбга чиқади. Шунинг учун банда сабр қилади ва ажр умид қилади. Аллоҳ таоло Ўз каломида ушбу нарсага ишора қилиб айтади:

﴿مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ نَبْرَأَهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«Бирор мусийбатни пайдо қилмасимиздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда, ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусийбат етмас. Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир». [Ҳадид: 22]¹

¹ Ибн Усаймин раҳимахуллоҳнинг «Аҳли сунна ва жамоа ақидаси» китоби (45-48).

Иккинчи: Рубубият тавҳиди

1. Тавҳиднинг луғавий ва истилоҳий маъноси
2. Тавҳиднинг қисмлари ва ҳар бир қисмдаги вожиботлар
3. Аллоҳнинг борлигига оид далиллар
4. Рубубият тавҳидининг таърифи ва унинг далиллари
5. Рубубият тавҳидининг ўрни
6. Рубубият тавҳидининг тақозоси
7. Рубубият тавҳидини бузувчи омиллар
8. Худосизлар ва мусулмоннинг бу борада тутган ўрни
9. Рубубият тавҳидининг самаралари

1. Тааҳиднинг луғавий ва истилоҳий таърифи

Тавҳиднинг луғавий маъноси: яккалик, яккалаш ва мислсиз деган маънолар атрофида айланади.¹

Журжоний роҳимахуллоҳ айтади: «Тавҳиднинг луғатдаги маъноси, бир нарсани ёлғиз деб ҳукм қилиш ёки ёлғиз деб билиш».²

Тавҳиднинг истолаҳдаги маъноси:

Аллоҳдан бошқа Рабб йўқ деб билиш У Зотни рубубиятта яккалаш демакдир

Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқ деб билиш улуҳиятда яккалаш демакдир.

Исм ва сифатларида яккалаш У Зотнинг ўхшаши ва тенги йўқ деб билишдир.

Демак, Аллоҳ расуллар орқали юборган ва нозил қилган китобларида баёнлаган тавҳид – «Лаа илаҳа иллаллоҳ» калимасидир. Яъни, Аллоҳга Ўзи жорий қилган шариат асосида, шерик келтирмай ибодат қилишдир. Чунки У

¹ Ибн Фориснинг «Мақойисил-луға» китоби (6/90).

² Журжонийнинг «Таърифот» китоби (73).

рубубияти, исм-сифати ва амалларида ҳеч кимга ўхшамайдиган, ягонадир.¹

Тавҳиднинг ҳақиқати: сўз ва амалдир.

1. Қалбнинг сўзи: Аллоҳнинг борлигига ишониш ва тасдиқлаш. У Зот оламни яратиш, эғалик қилиш ва бошқаришда ягона. Мавжудотлардан ҳеч бири У Зотга ўхшамайди ва У Зот ҳам бирор мавжудотга ўхшамайди. У Зот яратувчи ва Ундан ташқари барча яратилгандир. Банда ваҳий орқали собит бўлган исм сифатларни исботлайди ва Унга ҳеч ким ўхшамайди, тенг бўла олмайди деб эътиқод қилади. Фақатгина, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи ибодатга ҳақли деб эътиқод қилади.

2. Қалб амали – Аллоҳ таолога бўйсиниш, ҳақиқий банда бўлиш. У Зотга муҳаббат, қўрқув ва умид билан ибодат қилиш. Қалбни ширкнинг ҳар қандай туридан поклаш. Фойда келтириш ёки зарарни даф қилишда Аллоҳдан бошқасига суянмаслик.

3. Тилнинг сўзи – Аллоҳдан шерикни инкор этиш ва У Зотни яккалаш. Шунинг учун, киши

¹ Ибн Таймиянинг «Мажмуъул-фатово» китоби (14/378) ва Муқризийнинг «Тажриду-т-тавҳид» китоби (37-38).

шаҳодат калимасини айтиб, ҳаётининг барча соҳаларида Аллоҳга холис ибодат қилишга бўлган вафодорлигини эълон қилади. Бу эса Аллоҳни Раббликда, исм ва сифатида мутлақ ягона Зот деб эълон қилишни ўз ичига олади.

4. Аъзоларнинг амали – Аллоҳ таоло амал қилиш ёки тарк этишни талаб қилган нарсаларни ҳеч қандай эътирозсиз, ширксиз ва бидъатсиз бажариш. Аллоҳга ихлос ва муҳаббат билан, ғазабидан қўрқиб, раҳматидан умид қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариат билан ибодат қилади. Шунда, руҳи ва танаси саодатга эришади, дунё ва охирати обод бўлади, ўзи ва жамияти эса ислоҳ бўлади.

Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Билгинки, мутлақ тавҳид: Рабб таолони комил сифатларида якка эканини билиш ва тан олиш. Улуғ ва буюк сифатларида ҳеч кимга ўхшамаслигини ва ибодат фақат Унгагина тегишли эканини эътироф этишдир.¹

¹ «Ал-қовлус-садийд» (10).

2. Тавҳиднинг қисмлари ва ҳар бир қисмдаги вожиботлар

Тавҳидга икки жиҳатдан қараш мумкин:

- 1) Банда зиммасидаги амаллар.
- 2) Рабб ҳақли бўлган амаллар.

1. Банда зиммасидаги амаллар жиҳатидан тавҳиднинг қисмлари.

Бу жиҳатдан ҳам тавҳид икки қисмга бўлинади:

А: Сўз ва илмий тавҳид – яъни, банда Аллоҳ таолони шериксиз, ёлғиз эканини билишидир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ﴾

«Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ». [Муҳаммад: 19]

Яъни, ёлғиз Аллоҳ таоло ибодатга лойиқ ва Ундан ўзгага қилинган ибодат ботилдир. Чунки, У Зотнинг Ўзигина оламини яратиш, бошқариш ва мулкида ягона ва шериксиздир. У Зотнинг Ўзигина халойиқнинг илтижосини қабул қилиб, ҳожатларини ўтайди. У Зот – Ўзидан кейин ҳеч ким бўлмаган Ал-Аохирдир. Шунинг

учун тўғмаган, чунки боладан мутлақ беҳожат. Ўзидан олдин бирорта бўлмаган Ал-Аввалдир. Шунинг учун ҳам туғилмаган, чунки отага мутлақ беҳожат. У Зот Зоти билан беҳожат-бой ва Яратувчи. Уни яратадиган ва орқасидан қоладиган бирортага муҳтож эмас. Ундан ўзга барча махлуқ ва Унга муҳтож. Аллоҳнинг исм-сифатлари ва феълларида Унга ўхшаш ёки тенгдош ҳеч ким йўқ. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ۝ اللَّهُ الصَّمَدُ ۝ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ۝ وَلَمْ يَكُن لَّهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ Сомаддир. У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган». [Ихлос: 1-4]

Бу тавҳид хабарий тавҳид деб ҳам аталади. Яна маърифат ва исбот тавҳиди ҳам деб аталади.

Б: Амалий иродага оид тавҳид – яъни Аллоҳдан ўзгага ибодатни тарк қилиб, ёлғиз Аллоҳга ибодат билан юзланиш.

Тавҳиднинг бу қисми Аллоҳга муҳаббат, қўрқув ва умид билан холис ибодат қилиш ҳамда талаб қилинган зоҳирий ва ботиний

буйруқ ва қайтариқларни эътироз, ширк ва бидъатсиз бажариш билан амалга ошади.

Бундан олдинги илмий тавҳид мана шу тавҳид турини тақозо қилади. Ким Аллоҳ таоло яратиш, мулк ва бошқаришда ягона эканини ва фақат У Зот ибодатга ҳақли эканини билса, У Зотга ихлос билан ибодат қилиши вожибдир. Бу талабий тавҳид ёки ибодат тавҳиди деб аталади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ ۝ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ۝ وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ۝ وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَا عَبَدْتُمْ ۝ وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ۝ لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ ۝﴾

«Айтинг: «Эй, кофирлар! Мен сиз ибодат қилган нарсаларга ибодат қилмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган нарсага ибодат қилувчимассиз. Ва мен сиз ибодат қилган нарсага ибодат қилувчимасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган нарсага ибодат қилувчимассиз. Сизга ўз динингиз, Менга ўз диним». [Кафирун: 1-6]¹

¹ Ибн Таймиянинг «Убудия» (228-229 ва Ибн Қоййимнинг «Мадорижус-соликин» китоби (1/24).

2. Раббнинг ҳақ-ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тавҳид турлари

Рабб таоло рубубияти, улуҳияти ҳамда исм-сифатларида ягонадир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٣﴾ مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ ﴿٤﴾ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٥﴾﴾

«(Барча) Ҳамд оламларнинг Рабби — Аллоҳгадир. У Раҳмон ва Раҳимдир. Жазо-мукофот кунининг Эгасидир. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз». [Фотиҳа: 2-5]

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ النَّاسِ ﴿٣﴾﴾

«Одамлар Раббидан паноҳ сўрайман. Одамлар подшоҳидан. Одамлар илоҳидан». [Нас: 1-3]
«Саҳиҳ Муслим»да Жобир разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажларини сифатлаган ҳадисда айтадилар:

﴿فأهل بالتوحيد: لبيك اللهم لبيك. لبيك لا شريك لك لبيك. إن الحمد والنعمة لك والملك. لا شريك لك﴾.

«Тавҳид аҳли: Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Иннал-

ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк. Лаа шарийка лак».¹ Аҳли илмлар ушбу ва бошқа оят ва ҳадисларга таяниб, тавҳид учга бўлинишини зикр қилганлар. Улар:

1. **Рубубият тавҳиди:** яъни, Аллоҳ таолони яратиш, мулк ва бошқариш каби Рабблик сифатларида яккалаш.

2. **Улуҳият тавҳиди:** Аллоҳни илоҳликда яккалаш, яъни, ёлғиз Аллоҳ ибодатга ҳақли ва ундан Ўзгага қилинган ибодат ботил.

3. **Исм-сифатлар тавҳиди:** Аллоҳнинг исм-сифатларида яккалаш, яъни, Аллоҳ ва расули бизга хабар берган исмларни исботлаймиз ва У Зотдан ўхшаш ва тенгдошни инкор қиламиз.

Ибн Абул-Изз айтадилар: «Тавҳид учга бўлинади. Биринчи: Сифатлар ҳақидаги боб. Иккинчи: Рубубият тавҳиди ва барча нарсани ёлғиз Аллоҳ яратганлигини баёнлаш. Учинчи: Илоҳия тавҳиди, яъни, ибодатга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи ҳақлилиги».²

Тавҳиднинг турлари:

Банда зиммасидаги амаллар жиҳатидан:

¹ Имом Муслим (147).

² Ибн Изз Ҳанафийнинг «Шарҳ Ақида таҳовия» китоби (1/125).

1. Сўз ва илмий тавҳид
 2. Амалий иродага оид
- Рабб ҳақли бўлган жиҳатидан:


1. Улуҳия
2. Исм-сифатлар
3. Рубубия

В. Ҳар бир қисмдан бизга вожиб бўлган амаллар:

1. Рубубият ва исм-сифатлар тавҳидидаги вожиботлар: Аллоҳ Ўзига нисбатан нимани исбот қилишга буюрган бўлса, исбот қилиб, нимани нафий қилишга буюрган бўлса, нафий қилиш лозим. Чунки, исм-сифатлар ва рубубият тавҳиди ҳақидаги сўз исбот ва нафий орасида юради. Биз эса, у нарсаларни фақат тасдиқлаймиз ва иймон келтирамиз.

2. Улуҳият тавҳидидаги вожиботлар: Аллоҳ буюрган ибодатни бажариб, ширк каби қайтарган ишларидан қайтишдир. Чунки, улуҳият тавҳиди талаб бобидандир. Мурожаат қилинган инсон қатори Аллоҳнинг сўзини эшитганда уни бажаришдан бошқа чорамиз қолмайди.¹

¹ Ибн Таймиянинг «Тадмурия» китоби (3-5).



3. Аллоҳ таолонинг борлигига далиллар:

1. Фитраттан далил.
2. Яратиш ва йўқдан бор қилиш далили.
3. Баркамоллик, аниқлик ва моҳирлик далили.
4. Ихтисослаш далили.
5. Ўлчам, миқдор далили.
6. Пағамбарларнинг пайғамбар эканига далолат қилувчи далил.

7. Буюк хулқ-атворлар далили.

1. Аллоҳ борлигини исботловчи биринчи далил: Фитрат далили.

Фитрат далилидан мақсад:

Аллоҳ таоло бизларни яратди ва бизга илм олиш ҳамда ихтиёр қила олиш қувватини ато этди. Бу эса унинг борлиги ва ягона Зот эканини тан олишимизга ундайди. Чунки, бу олам яратувчисиз пайдо бўлмаган ва бу Яратувчи эса суюкли. Суюкли Зот ибодат қилиниши лозим. Аллоҳ таоло мана шу нарсаларни биз дунёга келганимиздан қалбимизга жойлаб қўйган.¹

Фитратни асос қилиб, у орқали далил олиб келиш услуги:

Аллоҳнинг борлиги ва ягона эканлигига далил – фитратдир. Яъни, бу инсон тафаккурига табиий равишда сингдирилган тушунча бўлиб, уни исботлаш учун алоҳида далил ёки чуқур мулоҳаза талаб қилинмайди. Чунки инсон мавжудотларга назар ташлаши биланоқ

¹ «Исломда маърифат», Др, Абдуллоҳ Қарний (213–242).

уларни яратган Зот борлигини, албатта, билиб олади.

Аъробий айтади: Туянинг тезаги туя борлигига, оёқ излари юрувчи борлигига далолат қилади. Юлдузли осмон, тоғли ер Латийф, Хабийр Яратувчи борлигига далолат қилмайдими?!

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Дижладаги бир кема ҳақида хабар беринглар. Ўзи бориб таом, мато ва бошқа нарсалар билан тўлади. Ўзи лангарини ташлаб, ўзини бўшатади ва қайтади. Шунча ишни биров бошқармай ўзи қилади?!

— «Бўлиши мумкин эмас. Бу барчаси сафсата», деди ёнидагилар.

Шунда уларга: «Агар бир кема ичида бундай нарса мумкин бўлмаса, бутун олам — унинг юқори-пастки қатламларида қандай қилиб мумкин бўлсин?!» дедилар.¹

Аллоҳни таниш ва Унинг ягона эканлигини фитрий равишда кўрсатиб берувчи шариат далиллари:

А) Аллоҳ таоло айтади:

¹ «Далойил ул-Ислом», Др Аҳмад Саъд Ҳамдон (15); «Ақида фи-Ллах», Ал-Ашқор (68).

﴿فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ
لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Бас, сиз ҳаққа мойил бўлиб, динга юз тутинг. Бу фитрат Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар». [Рум: 30]

Оятдан шу нарса маълум бўладики, Аллоҳ таоло Ўз махлуқотини Унинг борлиги, Ундан бошқа илоҳ йўқ ва ягона Зот эканини фитратига киргизиб қўйган.

Аллоҳ таоло яна айтади:

﴿لَا تَبْدِيلَ لَخَلْقِ اللَّهِ﴾.

«Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас».

Баъзи уламоларнинг сўзига кўра, бунинг маъноси: «Аллоҳ яратган фитратни ўзгартирманг, одамларни Аллоҳ яратган фитратидан буриб юборманг», деганидир.

Шунда бу оят талаб маъносидаги хабар бўлади.

Бошқа уламолар эса бундан мақсад: хабарий маъно эканини айтганлар. Яъни, Аллоҳ таоло

барча бандаларини фитратда тенг қилиб яратган, уларнинг барчаси тўғри ва соф табиат устидан дунёга келади. Ҳеч бир инсон бундан мустасно эмас, бу борада одамлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.¹

Б) Аллоҳ таоло айтади:

﴿قَالَتْ رُسُلُهُمْ أَفِي اللَّهِ شَكٌّ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَدْعُوكُمْ لِيَغْفِرَ لَكُمْ
مِّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُخَوِّجَكُم إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى قَالُوا إِنَّ أَنتُم بَشَرٌ مِّثْلُنَا تُرِيدُونَ
أَن تَصُدُّونَا عَمَّا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَأَثُونَا بِسُلْطَنِ مَّبِينٍ﴾

«Пайғамбарлари уларга: «Осмонлару ернинг яратгувчиси бўлмиш Аллоҳда шак борми? У сизларни гуноҳларингизни мағфират қилишга ва ўзингизни маълум муддатга қолдиришга чақирмоқда-ку!» дедилар. Улар эса: «Сиз бизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмассиз. Бизни оталаримиз ибодат қилиб юрган нарсадан тўсмоқчисиз. Бас, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтиринг», дедилар». [Иброҳим: 10]

Бу сўз икки хил маънони қамраб олиши мумкин.

¹ «Ибн Касир тафсири» (6/320, «аш-Шаъб» нашри) ва «Тайсирул Каримур Рахмон» асари, Саъдий (640-бет).

Биринчи: «Унинг мавжудлиги ҳақида шубҳа борми?» Чунки, фитрат (яъни инсоннинг туб табиати) Унинг борлигига гувоҳлик беради ва Уни тан олишга мажбур қилади. Соғлом фитратда Уни тан олиш табиий ва зарурий ҳол. Аммо баъзи инсонларда шубҳа ёки иккиланиш пайдо бўлиши мумкин. Шунда улар Унинг мавжудлигига олиб борадиган далилларни тафаккур қилишга муҳтож бўладилар.

Шунинг учун пайғамбарлар уларга Аллоҳни таниш йўлини кўрсатиб, шундай дедилар:

﴿فَاطِرُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

«Осмонлару ернинг яратгувчиси». Яъни аввалдан ҳеч қандай ўхшаш намунасиз ҳолда яратган ва вужудга келтирган Зот Аллоҳ-ку. Осмонлару ер бўйсунган ҳолда яратилиши ҳам унинг яратувчиси бўлиши кераклигини тақозо қилади. Яратувчи эса, ягона илоҳ Аллоҳдир. У барча нарсани яратувчиси ва илоҳи.

Пайғамбарларнинг:

﴿أَفِي اللَّهِ شَكٌّ﴾

«Аллоҳ таолода шак-шубҳа борми?!» деган сўзининг иккинчи маъноси:

Унинг илоҳиятида ва Унгагина ибодат қилиш лозимлигида шубҳа борми? Ҳолбуки, У барча мавжудотларни яратгандир. Шунинг учун ҳақиқий ибодатга фақат Унинг Ўзигина лойиқ, Унинг шериги йўқ. Кўп халқлар яратувчини тан олишган, лекин, унга қўшиб, уларга фойда беради ёки Аллоҳга яқинлаштиради деб ўйлаб, ўртамлиларга ҳам ибодат қилганлар.¹

В) Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَى أَنْفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَى شَهِدْنَا أَنْ تَقُولُوا إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ﴾

«Раббингиз Одам болаларининг умуртқа поғонасидан, қиёмат куни «бундан ғофил эдик» демасликларингиз учун, зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: «Раббингиз эмасманми?» деганида, «Худди шундай! Гувоҳ бўлдик!» деганларини эсланг». [Аъроф: 172]

Бу оятда Аллоҳ уларни Рабби эканини фитратан билишларини айтиб, ўзларига қарши ҳужжат қоим қилгани баён қилинмоқда. Бошқа

¹ «Ибн Касир тафсири» (6/320, “аш-Шаъб” нашри) ва «Тайсирул Каримур Рахмон» асари, Саъдий (640-бет).

бир тоифа уламолар эса: "Аллоҳ Одам алайҳис-салом сулбидан чиқарганда, уларни сўзлатиб гувоҳлик бердирган" деб тафсир қилишган.

Бу иқрор Зарра оламида сўз билан қилинган иқрор бўладими ёки Аллоҳни таниш ва Унинг ягона эканини эътироф этиш ҳолатидаги фитрий иқрор бўладими — ҳар иккиси ҳам Аллоҳни билиш ва уни ягона деб тан олиш фитратдан эканини кўрсатади.¹

Г) Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(كُلُّ مَوْلُودٍ يُوَلَّدُ عَلَى الْفِطْرَةِ فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ أَوْ يُنَصِّرَانِهِ أَوْ يُمَجِّسَانِهِ)

«Ҳар бир чақалоқ фитратда туғилади. Сўнгра ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилади», деганлар.²

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яҳудий, насроний ёки мажусий қилади», дедилар, лекин: «Мусулмон қилади» демадилар. Бу эса

¹ Ибн Таймиянинг «Даръу таъарудил ақл ван-нақл» китоби (8/487).

² Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий (1385) ва имом Муслим (2658). Имом Тирмизий ривоятида «фитрат» деган лафз ўрнига «миллат» сўзи ишлатилган (2138). Имом Аҳмадда эса: «Бу миллат» сўзи ишлатилган (7443).

фитраттан мақсад Аллоҳни таниш ва уни яккалаш эканига далолат қилади.

Бошқа бир ривоятда: «миллатда туғилади», бошқасида эса: «мана шу миллатда» деб келган. Бу эса шуни кўрсатадики, Аллоҳ инсонни У Зотни таниш, Уни яхши кўриш ва Унга ибодат қилиш истаги билан яратган.¹

Мукаллаф (балоғатга етган ва ақлли инсон) зиммасидаги биринчи фарз — «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ» деб шаҳодат келтиришдир. Чунки, Аллоҳнинг мавжудлигини тан олиш инсон фитратига сингдирилган. Шу сабабдан, пайғамбарлар уни исботлаш учун далил олиб келмаганлар, аксинча, инсон қалбида барқарор ҳолда бўлган. Аммо улар бу фитратдан эслатиш воситаси сифатида фойдаланганлар. Улар одамларни фақатгина Аллоҳ таолога ибодат қилишга даъват қилганлар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

¹ Фатхул-борий (3/250) ва Нававийнинг «Шарху Муслим» китоби (4/84).

(قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لِمُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ حِينَ بَعَثَهُ إِلَى الْيَمَنِ إِنَّكَ سَتَأْتِي قَوْمًا أَهْلَ كِتَابٍ فَإِذَا جِئْتَهُمْ فَأَذِئْهُمْ إِلَى أَنْ يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَكَ بِذَلِكَ فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ فَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ...)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални Яманга юбораётиб, шундай дедилар: «Сен аҳли китоб қавмнинг хузурига боряпсан. Уларни даставвал даъват қиладиган нарсанг: «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ», деб, шаҳодат келтириш бўлсин. Улар Аллоҳни танигач, Аллоҳ уларга бир кечакундузда беш маҳал намозни фарз қилганини хабар қил...»¹

Ҳеч бир пайғамбар ўз қавмига даъватни шундай сўзлар билан бошламаган: «Сизлар Яратувчини танишингиз амр қилинган, шундай экан, қаранглар ва далил қидиринглар, то Уни таниб олинглар». Уларга аввало Яратувчини билиш ёки Унга олиб борадиган далилларни топиш тақлифи юкланмаган. Чунки қалблари Аллоҳни танийди ва Уни тасдиқлаган. Ҳар бир туғилган чақалоқ фитратда дунёга келади.

¹ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (1496) ва имом Муслим (29).

Лекин, вақт ўтиши билан бу фитратни ўзгартирувчи омиллар пайдо бўлади ва инсонга эслатма келганда, у фитратигаги нарсани эслаб олади. Шунинг учун Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-саломга хитоб қилиб шундай деган:

﴿فَقُولَا لَهُ قَوْلًا لَّيِّنًا لَّعَلَّهُ يَتَذَكَّرُ أَوْ يَخْشَى﴾

«Бас, унга юмшоқ сўз айтинглар. Шояд, эсласа ёки қўрқса». [Тоҳа 44]

Унинг фитратида Раббини танишга, бандага берган неъматлари ва эҳсонини билишга, ўзининг Аллоҳга муҳтожлигини англашга йўллайдиган илм бор. Ана шу нарса уни иймонга чорлайди.

﴿أَوْ يَخْشَى﴾

«ёки қўрқса» азоб билан огоҳлантирилиши ҳам уни иймонга чорлайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ﴾

«Раббингизнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қилинг». [Наҳл: 125]

Ҳикмат эса ҳақни танитишдир. Ҳақни таниган киши уни ҳеч қандай тортишувсиз қабул қилади. Кимки ҳавойи-нафси билан унга

қарши чиқса, ваъда ва ваъид (тарғиб ва тарҳиб)¹ билан насихат қилинади. Чунки ҳақни билиш унга эргашишга чорлайди. Зеро ҳақ, фитратга ёқади. Фитрат учун ҳақ ботилга қараганда севимлироқ, улуғроқ ва лаззатлироқ. Чунки унга ботил ёқмайди.

2. Аллоҳни борлигига далолат қилувчи иккинчи далил: яратиш ва йўқдан бор қилиш далили.

Яъни, Аллоҳ таоло ҳар бир яратган нарсасини Ўзининг борлигига далил қилиб қўйган.

Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтадилар: Араб тилидаги «олам» сўзи «хотам» сўзига ўхшайди. Хотам муҳр қўйиладиган нарса бўлгани каби, олам ҳам белги деган маънони англатади.

«Олам» сўзи ҳар бир яратилган мавжудот тоифасига нисбатан ҳам ишлатилади. Сабаби, уларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг борлиги ва ягона Яратувчи эканига далилдир.²

¹ Ибн Таймиянинг «Даръу таъарудил ақл ван-нақл» китоби (6/8-10).

² Ибн Таймиянинг «Нубувват» китоби (268).

Яратиш ва йўқдан бор қилишга далолат қилувчи шаръий далиллар:

1. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ أَغْيَرَ اللَّهُ آبِغِي رَبًّا وَهُوَ رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ﴾

«Аллоҳдан ўзгани Раббим дейми? Ҳолбуки У ҳамма нарсанинг Раббидир». [Анъом: 164]

Оятнинг далил жиҳати «Рубубият» лафзида. Рабб сўзи бошлиқлик, мулк ва бошқариш маъноларини ўз ичига олади. Яратиш эса бунинг лавозимларидан.¹

Ибн Абул-Изз Ҳанафий айтадилар: «Одамлар бир илмга қанчалик муҳтож бўлсалар, далиллари шунча зоҳирроқ (очиқ ойдинроқ) бўлади. Бу эса Аллоҳнинг бандаларига бўлган раҳматидандир».²

Яратиш далили билан далил келтириш услуби.

Олам яратилган. Бунга бир қанча далиллар бор:

1. Кўз билан кўриш:

¹ Ақида таҳовия шарҳи (1/136).

² Олдинги манба.

1. Оддий бир инсон аввал йўқ эди, кейин пайдо бўлди, пайдо бўлганидан сўнг эса яна йўқолади. Демак, у махлуқдир. Бошқа одамлар ҳам худди шундай.

2. Худди шу тарзда бошқа барча махлуқотларни ҳам кўрсак: улар аввал йўқ эди, кейин пайдо бўлди, пайдо бўлганидан сўнг яна йўқолади. Шунинг учун улар ҳам махлуқ ҳисобланадилар, биз уларнинг ҳаммасига шу ҳукми берамиз.

3. Биз кўрган нарсаларимизга таяниб, уни кўзимизга кўринмаган нарсаларга қиёс қиламиз.

Яратилган нарса борки у яратувчига муҳтож. Бунга бир қанча далиллар бор.

2. Ақлий зарурат:

1. Яратилган нарсанинг, албатта, яратувчиси бўлиши шартлигида ақлини йўқотган кишигина тортишади.

2. Келинг бир тажриба ўтказиб кўрамиз: Боланинг орқасига бир уриб, бу тарсаки ўз-ўзидан ҳавода пайдо бўлиб сени урди десак, у ишонадими?!

— Йўқликдан бор бўлган десак, У ҳаттоки ўзини ҳам вужудга келтира олмагандан кейин, ўзи йўқ бўла туриб бошқани вужудга келтириши имконсиз.

— Табиат яратган десак, табиат деган сўздан ўзи аслида ундаги қонунлар, одатлар ва сабаблар мақсад қилинади ва табиат ким деган саволга эмас, қандай деган саволга жавоб беради? Шунинг учун бу ҳам ақлан имконсиз

— Бошқа бир яратилган нарса яратган десак, ўзи йўқ эди, уни ҳам кимдир вужудга келтириши керак, бу ҳам имконсиз. Чунки «Бажарувчиларнинг узлуксиз силсиласи – ақлан имконсиз»

Йўқоридаги эҳтимолларнинг барчаси имконсиз экан, унда Яратилмаган азалий Зот бўлиши керак.

1. Йўқ бўлиб кейин бор бўлмаган ва йўқ бўлиб ҳам кетмайдиган.

2. Зоти, исм-сифатларида тенги ва ўхшаши йўқ.

Бу зикр қилинган нарсаларга эга эса, фақат Аллоҳ таолодир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمْ الْخَالِقُونَ﴾ ﴿٣٦﴾ أَمْ خَلَقُوا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ
بَلْ لَا يُوقِنُونَ ﴿٣٧﴾

«Балки, улар, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралгандирлар?! Ёки улар яратувчиларми? Балки, улар осмонлару ерни яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар». [Тур: 36-37]

Аллоҳ таоло шундай дейди: «Булар бир вақтлар йўқ эди, кейин яратилди. Нахотки яратилган нарса яратувчисиз пайдо бўлган бўлса?! Бу ҳар қандай ақл ва идрок соҳиби наздида имконсиз ва мутлақо ботилдир – яратилган нарса яратувчисиз, ясалган нарса ясовчисиз бўлиши мумкин эмас. Агар бир киши ҳеч қандай биносиз бўш саҳродан ўтса, кейин ўша ердан яна ўтганда у ерда бинолар, қасрлар ва мукамал қурилган иморатларни кўрса, ҳеч иккиланмайди, шубҳа ҳам қилмайди: албатта, бир уста ишлаган, бир бунёдкор қурган деб ишонч ҳосил қилади».

Сўнгра Аллоҳ таоло: «Ёки улар ўзларини ўзлари яратдиларми?» деб айтди. Бу ҳам мутлақо имконсиздир. Чунки, банда ўзини-ўзи яратган бўлиши мумкин эмас. Ахир у мавжуд

бўлиб турган ҳолатда ҳам ўз умрига бир сония қўшишга, ҳаёт сабабларидан бирортасини узайтиришга, ҳатто бир бармоқ, бир тирноқ ёки битта соч ҳам яратишга қодир эмас. Қандай қилиб у йўқ бўла туриб ўзини-ўзи яратган бўлиши мумкин?!

Хулоса: Агар бу икки эҳтимол – «улар яратувчисиз пайдо бўлиши» ва «ўзини ўзи яратиши» деган сўз ботил бўлса, демак, уларни яратган, вужудга келтирган бир яратувчи бор. Ана ўша Зот – ҳақ Илоҳдир, Унинг Ўзигагина улар ибодат ва шукр қилишлари вожиб. Қандай қилиб Аллоҳ уларнинг ягона яратувчиси бўла туриб бошқа «илоҳ»га сиғинишлари мумкин?!¹

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади:

«Бу — барча ҳолатларни қамраб олувчи тақсимдир. Аллоҳ таоло: «Наҳотки улар яратувчисиз яратилган бўлсалар?» деди. Бу нарса ақлнинг илк қадамларидаёқ имконсиз ҳисобланади. Ёки улар ўзларини ўзлари яратдиларми? Бу эса янада имконсизроқдир. Шунинг учун,

¹ Ас-Соваиқул-мурсалаҳ (2/493).

бизга маълум бўладики, уларни бир яратувчи яратган. У эса — У Зот, яъни Аллоҳ таолодир.

Далил инкорий сўроқ шаклида келтирилган. Бу билан У Зот бу ишора қилинган масала фитрий, бадиҳий ва инсон қалбида мустаҳкам ўрнашган ҳақиқатлигини баёнламоқчи. Уни ҳеч ким инкор қила олмайди. Саломат фитрат эгаси бир ҳодиса сабабсиз, яъни, уни вужудга келтирувчисиз пайдо бўлишини даъво қила олмайди. Шунингдек, ўзи ўзини вужудга келтирганини ҳам айта олмайди.¹

3. Аллоҳнинг борлигига учинчи далил: Баркамоллик, аниқлик ва моҳирлик далили

Бундан мурод биз Аллоҳнинг қайси бир яратганига қарамайлик, унда баркамоллик, аниқлик ва моҳирликни кўрамиз. Бу эса унинг орқасида ҳикматли, барча нарсани билувчи яратувчи, яъни, Аллоҳ борлигига далолат қилади.

¹ Мантиқчиларга раддия (253).

Баркамоллик, аниқлик ва моҳирликни асос қилиб далил олиб келиш услуби

Биринчи муқаддима	Бирор яратилган мавжудотга аниқлик ва моҳирлик бўлиши	Далил: Кўриш «яъни ҳиссий далил»
Иккинчи муқаддима	Ҳиссий идрок қилинадиган мукамаллик ва пухталиқ: А) Сабабсиз бўлиши мумкин эмас. Б) Ўз-ўзидан вужудга келиши мумкин эмас.	Далил: ақлий зарурат
Хулоса:	Мавжудотларни ана шундай мукамаллик ва пухталиқ билан яратган илми ва ҳикматли яратувчи мавжуд. У – Аллоҳ таолодир.	Бу эса исботланиши керак бўлган ҳақиқатдир

Баркамоллик, аниқлик ва моҳирликка далолат қилувчи шаръий далиллар:

﴿الَّذِي أَحْسَنَ كُلَّ شَيْءٍ خَلَقَهُ﴾

«У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган».

[Сажда: 7]

﴿صُنِعَ اللَّهُ الَّذِي أَتَقَنَ كُلَّ شَيْءٍ﴾

«Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир». [Намл: 88]

Инсон яратилишидаги аниқлик ва моҳирлик ҳақида тафаккур қилинг.

1. Кўзнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг: унинг жойлашиши, қавоқлар билан ҳимоя қилиниши, қошлар ва киприклар билан безатилиши.
2. Қулоқларнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.
3. Оғиз, ундаги тишлар ва тилнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.
4. Қўлларнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.

Қуруқлик, денгиз мавжудотлари ҳамда қушларнинг яратилишидаги мукаммаллик ва пухталиқ ҳақида тафаккур қилинг.

1. Туя ва эчкининг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.

2. Қушлар ва асаларининг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.
3. Балиқларнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.
4. Денгиз ҳайвонларининг яратилиши ҳақида тафаккур қилинг.

Олам яратилишидаги мукамаллик ва пухталик ҳақида тафаккур қилинг.

1. Қуёш ҳозирги ҳолатидан озгина яқинлашса, ҳаёт бузилиб кетар эди. Ёки ҳозирги ҳолатидан озгина узоқлашса, денгизлар музлаб, ҳаёт йўқолар эди.
2. Ой озгина яқинлашса сув тошар эди ёки узоқлашса денгизлар қуриган бўлар эди.
3. Кислород микдори кўпаядиган бўлса, бир гугурт ҳам ёқа олмас эдингиз, агар камайса, нафас ололмас эдингиз.

Буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай Ҳикматли, Яратувчи, Пухта, Латиф, Хабардор ва Қодир Зотсиз тасодифан бўлганми?

4. Аллоҳ таолонинг борлигига тўртинчи далил: Ихтисос далили

Ихтисослашга асосланиб далил олиб келиш услуги.

Биринчи муқаддима / Ҳар бир мавжудотнинг ўзига хос хусусиятлари ва махсус қиёфаси бор. Агар у шу хусусиятларга эга бўлмаса, бузилар эди. / Далил: кузатиш (яъни ҳиссий туйғулар)

Иккинчи муқаддима / Ҳиссий равишда идрок қилинадиган бу ихтисослашув:

А) Сабабсиз бўлиши мумкин эмас.

Б) Ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас.

/ Далил: ақлий зарурат.

Хулоса / Мавжудотларни шу хусусиятлар билан яратиб, оламда тартибни қарор топтирган ва уни беқарорлик ҳамда зиддиятдан ҳоли этган Илмли ва Ҳикматли Яратувчи мавжуд. У – Аллоҳ таолодир. / **Бу эса исботланиши керак бўлган ҳақиқатдир.**

5. Аллоҳ борлигига бешинчи далил: ўлчам, миқдор далили

Ўлчам миқдорга асосланиб далил келтириш услуги.

Биринчи муқаддима / Ҳар бир мавжудотда камчиликсиз ўлчов ва миқдор намоён бўлган. / Далил: кузатиш (ҳис туйғу).

Иккинчи муқаддима / Ҳиссий равишда идрок қилинадиган бу мукамал ва пухта ўлчам ҳамда миқдор:

А) Сабабсиз бўлиши мумкин эмас.

Б) Ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас.

/ Далил: ақлий зарурат.

Хулоса / Мавжудотларни шу мукамал ва пухта тақдир билан яратган Илми ва Ҳикматли Яратувчи мавжуд. У – Аллоҳ таоло. / Бу эса исботланиши керак бўлган ҳақиқат.

6. Аллоҳ борлигига олтинчи далил: пайғамбарларнинг (ҳақиқий) пайғамбарлигига далолат қилувчи далиллар

Бундан мурод: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростан пайғамбар эканини исботловчи ҳар қандай далил – Аллоҳнинг борлигига ҳам далолат қилади. Масалан:

1. Аллоҳ уларга берган оят ва ҳужжатлари.
2. Дуоларнинг ижобат бўлиши.
3. Душманлар устидан ғалаба қозониш.

4. Улар олиб келган дин.
5. Аллоҳ уларни бошқалардан ажратган гўзал ахлоқлари.

7. Аллоҳнинг борлигига еттинчи далил: Олий ахлоқлар.

Бу далилдан мурод: одамларнинг ижтимоий ахлоқлари орқали ҳаёти тартибга солиниши уларга савоб бериб, ёмонлик қилганларни жазолайдиган яратувчининг борлигини исботлаш.

1. Ахлоқ — Аллоҳ одамзот табиатига жойлаб қўйган эзгу хислатдир. (Виждон)

2. Мана шу ахлоқнинг ўзи ҳам яхшилик қилган одамни яхши амаллари учун мукофотлашни, ёмонлик қилганни эса ёмонлиги учун жазолашни тақозо қилади. (Ақлий).

3. Бу мукофот ёки жазо ҳар доим дунёда берилавермайди, буни ўзимиз ҳам кўриб турибмиз. Демак, у фақат бу ҳаётдан кейинги ҳаётда амалга ошади.

4. Иккинчи ҳаётда эса бундай мукофот фақат бир олий Зот — олий илм ва ҳикмат эгаси, одил

ва ҳоким Аллоҳ бор бўлсагина амалга ошади. У одамлар бугун нима қилганини билур ва эртага шу ишлари учун уларга жазо ё мукофот берур.

4. Рубубият тавҳидининг таърифи ва далиллари

1. Рубубият тавҳидининг таърифи:

Аллоҳ таоло мавжудотларнинг ёлғиз Рабби, Ундан ўзга Рабб йўқ деб эътиқод қилиш. Аллоҳ таоло яратиш, мулк ва буйруқда ягонадир. Буйруққа қавний ва шаръий буйруқлар ҳам киради.

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Аллоҳ таоло айтгани каби яратиш ва буйруқ Унгагина хосдир:

﴿إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يُغْشِي اللَّيْلَ النَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَثِيثًا وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِهِ ۗ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾

«Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра (Зоти ва улуғлигига муносиб суратда) Аршга юксалган Раббингиз кеча ила кундузни қоплайдир. Униси бунисини шошилиб қувлайдир. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз

амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Рабби – Аллоҳ буюқдир».¹

Саъдий раҳимахуллоҳ айтадилар: У Зот – барча нарсанинг Яратувчиси, Рабби ва подшоҳидир. Ундан бошқа яратувчи ва Рабб йўқ. У нимани хоҳласа, шубҳасиз бўлади, нимани хоҳламаса, бўлмайди. Бинобарин, борлиқдаги ҳар бир ҳаракат ва сокинлик Унинг қазоси, тақдири, иродаси, қудрати ва яратиши биландир.²

2. Рубубият тавҳиди икки улуғ асос устига қурилган:

1. Яратиш ва рубубиятининг умумийлиги.
2. Эҳсони ва ҳикматининг умумийлиги.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿الَّذِي أَحْسَنَ كُلَّ شَيْءٍ خَلَقَهُ وَبَدَأَ خَلْقَ الْإِنْسَانِ مِنْ طِينٍ﴾

«У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган ва инсонни яратишни лойдан бошлаган Зотдир». [Сажда: 7]

¹ Ибн Таймиянинг «Мажмуъул Фатово» китоби (11/251).

² Саъдий раҳимахуллоҳнинг «Тайсирул-карийм Ар-Роҳман» (954).

﴿قَالَ رَبُّنَا الَّذِي أَعْطَى كُلَّ شَيْءٍ خَلْقَهُ ثُمَّ هَدَى﴾

«У: «Бизнинг Раббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни ҳидоятга солган Зотдир», деди». [Тоҳа: 50]

Биз эътиқод қиламизки: Аллоҳ оламларнинг Рабби, осмонлару ерларнинг ва улар орасидаги нарсаларнинг ҳамда улуғ аршнинг Рабби. У барча нарсани яратган ва барча нарсанинг вакили. У барча нарсанинг Рабби ва подшоҳи. Мулк эгаси ҳам Удир. У хоҳлаганига мулк берур, хоҳлаганидан мулкни олиб қўяр, хоҳлаганини азиз қилади, хоҳлаганини хор қилади. Барча яхшилик Унинг қўлида. У барча нарсага қодир. Осмонлару ерда ва улар орасида, ҳамда ер остидаги нарсалар ҳам Унга тегишли. Бандаларнинг қалблари ва пешоналари Унинг қўлида. Қандай қалб бўлмасин, Раҳмоннинг икки бармоғи орасида; агар хоҳласа, уни қоим қилиб тўғри йўлга солиб қўяди, агар хоҳласа оғдириб, адаштириб қўяди. Кулдирган, йиғлатган, бой қилган ва беҳожат қилган ҳам Унинг Ўзи. У шамолларни раҳмати олдидан хушхабар қилиб юборур ва осмондан сув тушириб, у билан ўлган

ерни тирилтирур ва унда турли жонзотларни тарқатар. Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлур, У хоҳламаган нарса бўлмас. Ундан Ўзга ҳолатни Ўзгартирувчи ва куч-қудрат эгаси йўқ. Ўзидан бошқа паноҳ бергувчи йўқ.

Биз яна шунга ҳам эътиқод қиламизки: Аллоҳ ҳар бир нарсага ўз яратилишини берди, сўнгра уни ҳидоят қилди. У ҳар бир яратган нарсасини гўзал ва ҳар бир қилган ишини мукамал қилди. Бутун яхшилик Унинг қўлидадир. У раҳмлиларнинг энг раҳмлиси. У Ўз бандаларига она ўз фарзандига бўлган меҳридан ҳам кўпроқ меҳрибонроқдир. Ана шундай маънолар Унинг ҳикмати, мукамаллиги ва ҳар бир яратган нарсасидаги эҳсони қанчалик кенг ва раҳмати қанчалик улуғ эканини кўрсатади.¹

Аллоҳ таолонинг рубубияти бандаларга нисбатан икки хил бўлади: умумий ва хос.

Саъдий раҳимахуллоҳ айтади: «Умумий: барча мавжудотларни яратиши, эгаллаши ва ишларини бошқаришидир.

¹ «Мажмуъул Фатава» (2/400).

Хос: Умумий рубубиятга қўшилиб келади. Яъни, яхшиликка тавфиқ ва ёрдам беради. Бу мўминларга хос».¹

3. Рубубият тавҳидининг далиллари:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يُغْشِي اللَّيْلَ النَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَثِيثًا وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِهِ ۗ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ ۗ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾

«Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра (Зоти ва улуғлигига муносиб тарзда) Аршга юксалган Раббингиз кеча ила кундузни қоплайдир. Униси бунисини шошилиб қувлайдир. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Рабби — Аллоҳ буюқдир».

[Аъроф: 54]

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلِكَةِ رُسُلًا أُولَىٰ أَجْنَحَةٍ مَّتَنَّىٰ وَثَلَّثَ وَرُبَعَ يَزِيدُ فِي الْخَلْقِ مَا يَشَاءُ ۚ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ۝ مَا يَفْتَحُ اللَّهُ لِلنَّاسِ مِنْ رَحْمَةٍ فَلَا مُمْسِكَ لَهَا وَمَا يُمْسِكُ فَلَا مُرْسِلَ لَهُ مِنْ بَعْدِهِ ۗ

¹ Тафсир Саъдий (945).

وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٢﴾ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا اللَّهَ عَلَيْكُمْ هَلْ مِنْ خَلْقٍ غَيْرِ اللَّهِ يَرْزُقُكُمْ مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَأَنَّى تُؤْفَكُونَ ﴿٣﴾

«Ҳамду сано осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга бўлсин. У Зот махлуқотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳ одамларга не раҳматни очса, бас, уни тутиб қолгувчи бўлмас. У зот тутиб қолган нарсани Ундан кейин қўйиб юборгувчи бўлмас. У зот Азизу Ҳакимдир. Эй одамлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг! Сизларга осмон ва ердан ризқ берадиган Аллоҳдан бошқа холиқ борми? Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қаён кетмоқдасиз?!» [Фотир: 1-3]

إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ مَا مِنْ شَفِيعٍ إِلَّا مِنْ بَعْدِ إِذْنِهِ ذَلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٣﴾ إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا وَعَدَ اللَّهُ حَقًّا إِنَّهُ يَبْدُوهُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ لِيَجْزِيَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ بِالْقِسْطِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ ﴿٤﴾ هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسُ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا وَقَدَرَهُ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوا عَدَدَ السِّنِينَ

وَالْحِسَابَ مَا خَلَقَ اللَّهُ ذَلِكَ إِلَّا بِالْحَقِّ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٥﴾ إِنَّ
فِي اخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ
يَتَّقُونَ ﴿٦﴾

«Албатта, Раббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнг, (Зоти ва улуғлигига муносиб суратда) аршга юксалган Аллоҳдир. У ишнинг тадбирини қиладир. Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас. Ана ўша Аллоҳ Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинглар. Эсламай-сизларми?! Барчангизнинг қайтишингиз Унгадир. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Албатта, У аввал бошда (барчани) Ўзи яратадир. Сўнгра, иймон келтирган ва яхши амал қилганларни адолат-ла мукофотлаш учун уларни қайтарадир. Кофир бўлганлар эса, куфр келтирганлари учун, уларга қайноқ сувдан шароб ва аламли азоб бордир. У қуёшни зиё ва ойни нур қилган ҳамда сизлар йилларнинг ададини ва ҳисобини билишингиз учун унинг манзилларини ўлчовли қилган Зотдир. Аллоҳ ўшани фақат ҳақ ила яратди. У биладиган қавмлар учун оятларини батафсил баён қиладир. Албатта, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ

осмонлару ерда яратган нарсаларда тақво қиладиган қавмлар учун оят — белгилар бордир». [Юнус: 3-6]

﴿قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣١﴾ فَذَلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ الْحَقُّ فَمَاذَا بَعْدَ الْحَقِّ إِلَّا الضَّلَالُ ۚ فَأَنَّى تُصْرَفُونَ ﴿٣٢﴾﴾

«Сиз: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқ-лантиради? Ёки қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким, тирикни ўликдан, ўликни тирикдан ким чиқаради? Ишнинг тадбирини ким қилади?» деб айтинг. Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар. Бас, сиз: «Тақво қилмайсизларми?» деб айтинг. Бас, мана шу Аллоҳ сизнинг ҳақ Раббингиздир. Ҳақдан сўнг нима бўлади? Магар залолат бўлади. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?» [Юнус: 31-32].

Рубубият тавҳидини исботлайдиган далил-лардан бири – «тамонуъ (икки зид нарсанинг бир жойда жойлашиши) далили»

Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذَا لَذَهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ
وَلَعَلَّا بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ سُبْحَنَ اللَّهُ عَمَّا يُصِفُونَ ﴿٩١﴾ عَلِيمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ
فَتَعَلَّى عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٩٢﴾﴾

«Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган, У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган. Шундоқ бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, баъзилари баъзиларидан устун келар эди. Аллоҳ улар қилаётган васфдан покдир. У Зот ғайбни ва ҳозирни билгувчидир. У Зот улар ширк келтираётган нарсадан олийдир». [Мўъминун: 91, 92]

Ҳақиқий илоҳ яратувчи ва таъсир берувчи, бандаларига манфаат бериб, зарарни даф қилувчи бўлиши керак. Агар Аллоҳ таолони мулкига шерик яна бошқа илоҳ бўлганда, унинг бандалари ва таъсири бўлар эди.

Лекин бу шерикликка рози бўлмас эди. Аксинча, агар шеригини енгиб мулк ва илоҳликда ягона бўлишга кучи етса, шундай қилган бўлар эди. Агар унга кучи етмаса, бандаларини олиб алоҳида кетган бўлар эди. Худди дунё подшоҳлари бошқасини енгиб, унинг устидан ғолиб бўла олмаса, ўз мулкини бошқаларнинг

мулкидан ажратиб олгани каби булар ҳам шундай қилган бўлар эди.

Уч ҳолатдан бири рўй бериши керак:

Ёки ҳар бир илоҳ Ўз бандалари ва салтанатини олиб кетади.

Ёки бири бошқасининг устидан ҳукмдор бўлади.

Ёки улар барчаси бир подшоҳнинг кучқудрати остида бўлиб, У улар устидан хоҳлаганидай ҳукмронлик қилади, улар эса унинг устидан ҳеч қандай ҳукмронлик қила олмайдилар. Балки, ёлғиз ўзи илоҳ бўлади, улар эса ҳар томонлама қуллар, бошқариладиган ва мағлуб этилган бўладилар.

Оламнинг барча ишлари тартиб билан юриши ва мукаммал идора қилиниши – унинг бошқарувчиси ягона Илоҳ, ягона Подшоҳ ва ягона Рабб эканлигига энг очиқ далилдир. Яратилганларга Ундан ўзга илоҳ йўқ, уларга Ундан бошқа Рабб ҳам йўқ.

Шунингдек, олам иккита бир хил яратувчидан яратилиши ҳам имконсиз. Бу нарсанинг ботиллиги унга пок фитрат ва соғлом ақл билан қараган инсон учун аниқ кўриниб туради. Шу

билан бирга, икковининг ҳам илоҳлиги ботилга айланади. Ояти карима фитратда собит бўлган Рубубият тавҳидига мувофиқ ва илоҳий тавҳидни ҳам исбот қилиб лозим қилади.

5. Рубубият тавҳидининг аҳамияти

Ислом динида Рубубият тавҳидининг аҳамияти.

1. У тавҳиднинг асоси. Тавҳид рубубиятсиз барпо бўлмайди.
2. У ғояга етиш учун восита. Ғоя эса Аллоҳни ибодат билан яккалаш.
3. Ўз ичига олган нарсалари ва заруратлари – рубубият тавҳидидан улуҳият тавҳиди ҳосил бўлади. Улуҳият тавҳиди эса уни ўз ичига олади.
4. Бахт ва нажот – дунё ва охиратда нажотга етиш учун унинг ўзи етарли эмас. Аксинча, Аллоҳнинг шариатиға мувофиқ келадиган услубда ибодат билан, Аллоҳни яккалаш ва ўзгага ибодат қилишдан покланиш керак.

1. Рубубият тавҳиди инсоннинг фитратида бор.

Қалблар бошқа мавжудотлардан кўра, Аллоҳнинг борлигини кўпроқ тасдиқлайди. Ҳудди пайғамбарлар Аллоҳ ҳақида ҳикоя қилганлари каби:

﴿قَالَتْ رُسُلُهُمْ أَفِي اللَّهِ شَكٌّ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾.

«Пайғамбарлари уларга: «Осмонлару ернинг яратгувчиси бўлмиш Аллоҳга нисбатан шак борми?», дедилар».¹

2. Рубубият тавҳиди ғоя эмас, аксинча, воситадир.

Аллоҳ таоло хабар бергани каби араблардан бўлган мушриклар Рубубият тавҳидини ва осмонлару ернинг подшоҳи Аллоҳлигини тасдиқлар эдилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ﴾

Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта, — «Аллоҳ», дерлар.

﴿قُلْ لِمَنِ الْأَرْضُ وَمَنْ فِيهَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾ (سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ).

¹ Ибн Изз Ҳанафийнинг «Шарҳ Ақида таҳовия» китоби (1/127).

«Сиз: «Агар билсангиз, ер ва ундаги кимсалар кимникидир?» деб айтинг. Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Сиз: «Наҳотки эслатма олмасангиз?!» денг».

Улар бутларини "оламнинг яратилишида Аллоҳга шериклар", деб эътиқод қилмаганлар. Балки, уларнинг бу ҳақдаги аҳволи ҳиндлар, турклар, барбарлар ва бошқа мушрик умматлар каби эди. Баъзан улар бу ҳайкаллар пайғамбарлар ва солиҳ зотлардан бўлган яхши одамларнинг тимсоллари, деб ишонар эдилар ва уларни шафоатчилар қилиб олиб, улар орқали Аллоҳга яқинлашишга восита излар эдилар. Араблардаги ширкнинг асоси ҳам ана шу эътиқод эди. Аллоҳ таоло Нух қавми ҳақида бундай деган:

﴿وَقَالُوا لَا تَذَرُنَّ آلِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا﴾.

«Ва улар: «Олиҳаларингизни ҳеч тарк қилманглар ва албатта, Ваддни ҳам, Суваъни ҳам, Яғусни ҳам, Яъукни ҳам ва Насрни ҳам тарк қилманг», дедилар»

Саҳиҳ Бухорийда, тафсир китобларида, пайғамбарлар қиссаларида ва бошқа манбалар-

да Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ва бошқа салафлардан ривоят қилинганки: бу номлар Нуҳ қавмида яшаган солиҳ кишиларнинг исмлари эди. Улар вафот этгач, қавм одамлари уларнинг қабрлари атрофида тўпланиб туришарди. Кейин уларнинг сурат ва тимсолларини ясадилар. Сўнг узоқ йиллар ўтгач, уларга ибодат қила бошладилар. Ва ана шу бутлар айнан ўзи кейинчалик араб қабилаларига ўтди. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо уларни қабила-қабила қилиб зикр қилганлар.¹

Гоя улуҳият тавҳидидир: «Улуҳият тавҳиди Рубубият тавҳидини тасдиқлайди ва Аллоҳдан ўзга яратувчи йўқлигини баёнлайди. Бу эса, Аллоҳдан ўзгага ибодат қилинмаслигини талаб қилади. Биринчиси иккинчисига далолат қилади. Улар биринчисига таслим бўлар эдилар, лекин, иккинчисига тортишар эдилар. Аллоҳ таоло уларга баёнлаб айтяптики: Агар сизлар Аллоҳдан ўзга яратувчи, сизларга Ундан Ўзга манфаат берувчи ва зарарни даф этувчи йўқ эканини билсанглар нима учун Ундан ўзгага

¹ Ибн Изз Ҳанафийнинг «Шарҳ Ақида таҳовия» китоби (1/129-130).

ибодат қиласизлар ва Унга бошқа илоҳларни шерик қиласизлар?

Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَامٌ عَلَىٰ عِبَادِهِ الَّذِينَ اصْطَفَىٰ ۗ ءَآلَهُ خَيْرٌ مِّمَّا يُشْرِكُونَ﴾ (أَمِنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ لَكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَنْبَتْنَا بِهِ حَدَائِقَ دَاتٍ بِهَجَةٍ مَّا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُنْبِتُوا شَجَرَهَا ۗ ءَآلَهُ مَعَ اللَّهِ بَلْ هُمْ قَوْمٌ يَعْدِلُونَ)

«Сиз: «Аллоҳга ҳамд бўлсин ва У танлаб олган бандаларига салом бўлсин. Аллоҳ яхшими ёки улар ширк келтираётган нарсаларми?» денг. Ёки осмонлару ерни яратган, сизларга осмондан сув туширган Зотми? Бас, Биз у(сув) билан гўзал боғлар ўстирдик. Сиз ўзингиз унинг дарахтини ўстира олмас эдингиз. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Йўқ, улар ўзлари тенглаштирадиган қавмдирлар». Аллоҳ ҳар бир оятнинг охирида:

﴿ءَآلَهُ مَعَ اللَّهِ﴾

«Аллоҳ билан бирга илоҳ борми», деди. Яъни Аллоҳ билан бирга бирорта илоҳ шу ишни қилдими? Бу инкор туридаги савол, яъни, инкор қилинмоқда. Улар Аллоҳдан бошқа Зот

бу нарсани қилмаганини билар эдилар. Шу нарсани уларга қарши ҳужжат қилди»¹

3. Улуҳият тавҳиди рубубият тавҳидини ўз ичига олади, тескариси эмас.

«Улуҳият тавҳиди рубубият тавҳидини ўз ичига олади, лекин, тескариси бўлмайди. Чунки яратишга қодир бўлмаган кимса ожиз бўлади, ожиз зот эса илоҳ бўлишга яроқли эмас. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَيُّشِرْكُونَ مَا لَا يَخْلُقُ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ﴾

«Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни шерик қилурларми?» Бошқа бир оятда шундай дейди:

﴿أَفَمَنْ يَخْلُقُ كَمَنْ لَا يَخْلُقُ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾

«Яратадиган Зот яратмайдиган зот каби бўлурми? Ахир, эсламайсизларми?!»

Яна бошқа оятда:

﴿قُلْ لَوْ كَانَ مَعَهُ ءَالِهَةٌ كَمَا يَقُولُونَ إِذَا لَأَبْتَغُوا إِلَىٰ ذِي الْعَرْشِ سَبِيلًا﴾

¹ Ибн Изз Ҳанафийнинг «Шарҳ Ақида таҳовия» китоби (1/136-137).

«Сиз: «Агар, улар айтганидек, У билан бирга бошқа илоҳлар бўлганида, улар Арш эгаси томон йўл излардилар», деб айтинг».

Кейинги уламоларнинг бу борасида икки хил сўзлари бор:

Биринчи: Уни енгил учун йўл олар эдилар.

Иккинчи: Қатода ва шу каби салаф уламолардан нақл қилинган, Ибн Жарир ушбу сўзни зикр қилган ва ундан бошқаси бу сўзни зикр қилмаган тўғри сўздир. Оятнинг маъноси: Унга яқинлашиш йўлига тушган бўлар эдилар. Ҳудди Аллоҳ таоло айтгани каби:

﴿إِنَّ هَذِهِ تَذْكِرَةٌ فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِ سَبِيلًا﴾

«Албатта, булар эслатмадир, Ким хоҳласа, ўз Рабби томон йўл оладир».

Чунки Аллоҳ таоло:

﴿قُلْ لَوْ كَان مَعَهُ ءَالِهَةٌ كَمَا يَقُولُونَ﴾

«Сиз: «Агар, улар айтганидек, У билан бирга бошқа илоҳлар бўлганида эди», деди. Улар: Оламнинг иккита яратувчиси бор демадилар. Балки улар У билан ўрталарида ўртамчи бўлиши учун олиҳаларни шерик қилдилар. Биринчи оятдаги маънога тескари ўлароқ:

﴿مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَى﴾

«Аллоҳга бизни яқинлаштиришлари учунгина уларга ибодат қилаяпмиз», дедилар.¹

Мушриклар Рубубият тавҳидини тасдиқлар эдилар, аммо, бу уларга манфаат бермади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢١﴾ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَندَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾﴾

«Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Раббингизга ибодат қилинг! Шоядки, тақводор бўлсангиз. У сизларга ерни тўшаб, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган Зотдир. Билиб туриб Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг». [Бақара: 21, 22]

Аллоҳ бандаларнинг У Зотни ёлғиз яратувчи, мулк эгаси ва бошқарувчи эканини билишларини Унга бўлган ибодатни ихлос билан

¹ Ибн Изз Ҳанафийнинг «Шарҳ Ақида таҳовия» китоби (1/140-141).

бажаришлари вожиблигига далил қилди. Мана шу нарса Рубубият тавҳидининг ғоя эмас, аксинча, ҳужжат эканига ва дўзахдан қутқариб, жаннатга олиб кирадиган тавҳидга бунинг ўзи кифоя қилмаслигига далолат қилади. Аллоҳ таоло кўп оятларда мушриклар Рубубият тавҳидига ишонишларини зикр қилди, лекин, шунга қарамай, улар мушрик эдилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ فَأَنَّى يُؤْفَكُونَ﴾

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган ва қуёшнию ойни ўз измига қаратган ким?» деб сўрасангиз: «Аллоҳ», дерлар. Бас, унда қаёққа бурилмоқдалар?!» [Анкабут: 61].

﴿اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ مَنْ نَزَّلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِ مَوْتِهَا لَيَقُولُنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٣﴾

«Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ризқини кенг қилиб қўядир ва хоҳлаганига тор қиладир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчи Зотдир. Агар улардан: «Осмондан сув

тушириб, у билан ўлган ерни тирилтирган ким?!» деб сўрасангиз, албатта, улар: «Аллоҳ», дерлар. Сиз: «Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деб айтинг. Йўқ! Уларнинг кўплари ақл юритмаслар». [Анкабут: 62-63]

﴿وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта, «Аллоҳ», дерлар. Сиз: «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айтинг. Йўқ! Кўплари билмаслар». [Луқмон 25]

﴿وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ قُلِ أَفَرَأَيْتُمْ مَا تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ أَرَادَنِيَ اللَّهُ بِضُرٍّ هَلْ هُنَّ كَاشِفَاتُ ضُرِّيهِ أَوْ أَرَادَنِي بِرَحْمَةٍ هَلْ هُنَّ مُمْسِكَتُ رَحْمَتِهِ قُلِ حَسْبِيَ اللَّهُ عَلَيْهِ يَتَوَكَّلُ الْمُتَوَكِّلُونَ﴾

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратди?» деб сўрасангиз, албатта: «Аллоҳ!», дерлар. Сиз: «Менга хабар беринглар-чи! Сиз илтижо қилаётган, Аллоҳдан бошқа нарсалар, агар Аллоҳ менга зарарни ирода қилса, ўшалар Унинг зарарини аритгувчи бўла олурларми?! Ёки менга марҳаматни ирода қилса, ўшалар Унинг марҳаматини тутиб қолгувчи бўла

олурми?!» деб айтинг. Сиз: «Менга Аллоҳ етарли, таваккал қилгувчилар Унгагина таваккал қилурлар», деб айтинг». [Зумар: 38]

وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ خَلَقَهُنَّ الْعَزِيزُ الْعَلِيمُ

«Улардан: «Осмонлару ерни ким яратган!» деб сўрасангиз, албатта: «Уларни Азиз ва ўта Илмли Зот яратган», дерлар». [Зухруф: 9]

اَللّٰهُ الَّذِى خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ هَلْ مِنْ شُرَكَائِكُمْ مَّنْ يَفْعَلُ مِثْلَ الَّذِى كُمْ مِّنْ شَيْءٍ سُبْحٰنَهُ وَتَعَالٰى عَمَّا يُشْرِكُوْنَ

«Сизларни яратган, сўнгра ризқлантирган, кейин ўлдирадиган ва яна тирилтирадиган Зот Аллоҳдир. Сизнинг (Аллоҳга келтирган) шерикларингиздан ким ана шуларингиздан бирортасини қила оладир?! У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир». [Рум: 40]

Рубубият тавҳидининг ўзи инсонни дўзахдан қутқариб, жаннатга киритмайди.

Нажот берувчи тавҳид: «Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ» калимасига иймон келтиришдир. Яъни, инсон Аллоҳ таоло ибодатга лойиқ ягона Зот эканини тан олиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг расули

эканини эътиқод қилади ҳамда Аллоҳга расули олиб келган шариат асосида ибодат қилади.

Чунки Рубубият тавҳидининг асоси бўйича ҳеч ким ихтилоф қилмаган, балки, одамлар ундаги баъзи тафсилотлари бўйича тортишганлар, холос.

6. Рубубият тавҳиди тақозо қилган нарсалар

1. Зоти ва исм-сифатларида яккалаш.

У йўқ бўлиб кейин пайдо бўлмаган ва йўқ бўлиб ҳам кетмайдиган Зотдир. У Аввал, Ундан олдин ҳеч ким бўлмаган ва У Охир, Ундан кейин ҳеч ким йўқ. У Зоҳир, Унинг устида ҳеч ким йўқ. У Ботин, ундан яқинроқ ҳеч ким йўқ.

2. Инсоннинг мурожаати, мақсади ва талабини шариатга биноан фақат Аллоҳга қаратмоқ.

Рубубиятнинг энг улуғ талабларидан бири: Ўзигагина хос бўлган пок ибодатни Унга ихлос билан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариат асосида адо этишдир. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١﴾ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ

مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَّكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَندَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾

«Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Раббингизга ибодат қилинг! Шоядки, тақводор бўлсангиз. У сизларга ерни тўшаб, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган Зотдир. Билиб туриб Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг». [Бақара: 21-22]

3. Қазои қадар бобида яккалаш.

Аллоҳ таоло бу оламнинг ягона бошқарувчиси, Унинг изни ва амрисиз ҳеч нарса ҳаракатланмайди ва ҳеч нарса тўхтамайди. Аллоҳ таоло барча махлуқотларнинг тақдирини азалдан битиб қўйган: билган, ёзган, уларнинг содир бўлишини ирода қилган ва уларни биринкетин яратган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿وَعِنْدَهُ مَفَاتِيحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ..﴾

«Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, Уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир». [Анъом: 59]

4. Уни қонун чиқариш (шариат белгилаш)да ягона деб билмоқ.

Шунинг учун на амир, на вазир, на олим ва на обид Аллоҳ билан бирга қонун чиқарувчи бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳалол ва ҳаром қилиш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ سَرَعُوا لَهُمْ مِنَ الدِّينِ مَا لَمْ يَأْذَنْ بِهِ اللَّهُ وَلَوْلَا كَلِمَةُ الْفَصْلِ لَفُضِيَ بَيْنَهُمْ وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шериклари борми?! Агар ажрим калимаси бўлмаганида, албатта, улар ўртасида ҳукм қилинган бўлар эди. Албатта, золим кимсалар учун аламли азоб бордир». [Шўро: 21]

7. Рубубият тавҳидини бузувчи омиллар

Аллоҳдан ўзгага яратиш, оламни бошқариш каби маъноларни нисбат бериш тавҳидни бузувчи омилларга киради. Бунга мисоллар:

1. Яратишда Аллоҳ билан бирга шерик деб ҳисоблаш, яъни, Аллоҳдан бошқа мустақил яратувчи борлигини даъво қилиш.

Мсалан, санавийлар, мажусийлар ва насронийларнинг «учлик» ақидаси, шунингдек, қадарийларнинг мазҳабидан келиб чиқадиган зарурий хулоса. Улар ҳайвонлар, сайёралар, ақллар, жонзотлар, фаришталар ва бошқалар амалларини мустақил равишда ўзи яратади деб биладилар. Сўзларининг асл ҳақиқати иш ҳаракатни Аллоҳ яратмайди деган нарсани тақозо қилади.

2. Аллоҳдан бошқага ҳам мулк ёки тадбирни нисбат бериш.

Масалан, Рофизалар — чунки уларнинг сўзларига кўра, дунё ва охират имомники бўлиб, у хоҳлагандай тасарруф қилади. Улар яна Ҳусайннинг тупроғи ҳар бир дардга шифо ва ҳар қандай хавфдан омонлик, деб айтадилар. Шунингдек, имомлар ғайбни билади, қачон ўлишларини ҳам билишади ва фақат ўзларининг изни билангина ўладилар дейдилар.

Нусайрийлар — улар Али ибн Абу Толибнинг илоҳ ва оламни бошқарувчи деб эътиқод қиладилар. Аллоҳдан бошқасига нисбат бериш мумкин бўлмаган сифатларни унга нисбат

берадилар. Бу борада уларнинг гаплари турлича.

Гулувга кетган сўфийлар — улар авлиёларни муболаға билан улуғлаб, улар зарар ҳам, наф ҳам бериши, оламларни бошқариши ва ғайбни билиши мумкин деб даъво қиладилар.

3. Ҳалол-ҳаромни белгилашда Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш.

Бу бобда ширк қилувчиларга мисол: қонунчилар, улар одамлар учун инсон томонидан тузилган қонунларни ўрнатадилар, шу қонунлар билан ҳукм чиқарадилар ва одамларни у билан ҳукм юритишга чақирадилар.

8. Мулҳидлар (Худони инкор қилувчилар) ва мусулмоннинг уларга муносабати

Ҳозирги замон мулҳидларининг турлари

1. «Ижобий илҳод» эгалари: улар Аллоҳ йўқлигини исботлайдиган назариялар бор деб даъво қиладилар. Лекин улар жуда кам.

Илҳоднинг таърифи:

Луғатда: нарсанинг аслидан оғиши, чекиниши ва йўлдан чиқиши.

Исломий истилоҳда:

1. Ишониш ёки амал қиш шарт бўлган ҳақдан оғиш ва бурилиш.
2. Аллоҳ таоло борлигини инкор этиш.

Унинг издошлари икки йўналишда ҳаракат қилади:

Фалсафий: фалсафий мунозараларга асосланган.

Илмий: физика каби соҳалардаги баҳс-мунозараларга асосланган.

2. Салбий илҳод эгалари: улар: «Далиллар Аллоҳнинг мавжудлигини исботламайди», дейдилар.

Бу гуруҳ аксарият мулҳидларни ташкил этади. Улар шубҳачи, ҳавойи нафс ва шаҳватларга эргашувчилар. Улар руҳий ҳолатлар таъсирида пайдо бўлган инкорчилардир. Улардан айримлари «лоадриялар» (агностиклар) деб аталади. Баъзилари эса «рабубий»дир, яъни, яратувчининг борлигини тан олади, лекин, У Зот йўқ бўлиб кетган ёки махлуқотга алоқаси йўқ, деб даъво қилади. Шу сабабли улар динларга қарши чиқади.

Мусулмоннинг илҳод (Худони йўқ дейиш) масаласига муносабати:

Илҳод масаласи мусулмонлар наздида фитратан ҳам, ақлан ҳам, шариатан ҳам рад этилган. Унга ҳеч қандай асос йўқ. Зотан, Аллоҳ таоло инсониятга саноқсиз неъматлар ато этган. Шу неъматлар ичида илҳод мавзуси билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор:

А) Аллоҳ таоло китобини ҳимоя қилишни Ўз зиммасига олди ва айтди:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз». [Ҳижр: 9]

Аллоҳнинг бу неъматининг тўла мукаммаллиги шундаки, У Зот Ўз пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатини муҳофаза қилиш учун уламоларни шай қилди. Шунинг учун, суннатга қўшиб юборилган сохта ҳадислар очиқ-ойдин баён қилинди. Демак, динни қабул қилиш манбалари Аллоҳ таолонинг фазли билан сақланган ва маънолари равшан қилинган.

Б) Аллоҳ хабар қилган нарсаларда соғлом ақлга ҳам, илмий кашфиётларга ҳам зид нарса йўқ. Аксинча, илм-фандаги кашфиётлар баъзан

ваҳйида умумий ишора қилинган жиҳатларни батафсил тушунтириб беради. Қолаверса, илоҳий ваҳий – илм олиш, тафаккур ва тадаббур қилишга очиқ-ойдин даъват қилади.

В) Аллоҳ биздан талаб қилган амалларнинг ҳеч қайси бири инсонларнинг дунёдаги манфаатларига зид эмас. Шунингдек, уларни жисмонан бахтсиз қиладиган нарсалар ҳам йўқ. Балки, у амаллар руҳ ва тана соғломлиги, дунё ва охират ободлиги, шахс ва жамият ислоҳини кафолатлаган.

Г) Ширк – Исломнинг мутлақ зиддидир. Аллоҳ унга олиб борувчи барча воситаларни ҳаром қилди. Улар қаторига солиҳ кишилар ва уларнинг қабрларига нисбатан ғулуvgа кетиш ҳам киради. Шунингдек, бут-санамларнинг ҳайкалини ясаш ҳам ҳаром қилинган. Исломда сиз билан Аллоҳ орасида ибодат ёки тавбада воситачи йўқ. Шу билан бирга одамларнинг молу мулкига, илмларига ёки шахсий ҳаётига ҳукмронлик қиладиган «дин одамлари» ҳам йўқ. Исломда фақатгина Аллоҳ илм берган уламолар бор, уларга Аллоҳ таоло одамларга динни баён қилиб бериш вазифасини юклаган.

Д) Исломда ҳалол неъматларни тақиқлаш ва роҳиблик йўқ. Аксинча, у нафс истакларини тартибга солишни, дунё ҳаётини охиратнинг бир боғи қилиб у ерга уруғ сочадиган замин сифатида назар солишга тарғиб этади. Ҳаётимизнинг ҳар онисида дунёмизни ибодатга яроқли қилишга, шариатга мувофиқ келадиган инсонун ҳайвон учун манфаат берадиган маданият барпо этишга буюрилганмиз. Аллоҳ таоло айтади:

﴿هُوَ أَنشَأَكُم مِّنَ الْأَرْضِ وَاسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا فَاسْتَغْفِرُوهُ ثُمَّ تَوْبُوا إِلَيْهِ
إِنَّ رَبِّي قَرِيبٌ مُّجِيبٌ﴾

«У сизларни ердан пайдо қилди ва уни ободанлаштиришингиз учун қўйди. Бас, Унга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Раббим яқин ва ижобат қилгувчидир».

9. Рубубият тавҳидининг самаралари

Инсоннинг қалбида рубубият тавҳиди барқарор бўлишининг самаралари:

А) Айтиб ўтилгани каби Ислом динида мустаҳкам бўлиш ҳаловатини тотиш.

Б) Ҳаётда кучли ва шижоатли бўлиш. Чунки ўлим, ҳаёт ва ризқ Аллоҳнинг қўлида. Шундай экан, нима учун махлуқлардан қўрқамиз ва нима учун уларга суянамиз? Расулulloҳ айтадилар:

(وَأَعْلَمُ أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ، لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ، وَلَوْ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ، لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ، رُفِعَتِ الْأَقْلَامُ، وَجَفَّتِ الصُّحُفُ).

«Билгинки, бутун уммат сенга манфаат етказмоқ учун жамлансалар ҳам, Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган манфаатнигина етказа оладилар. Агар улар сенга бир зарар қасдида тўплансалар ҳам, фақат Аллоҳ сенга ёзиб қўйган зарарнигина бера оладилар. Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриб бўлган».¹

В) Тақдир қилинган нарсага рози бўлиш ва талаб қилган нарсасига етишганда ғурурланмаслик. Қўлидаги нарсадан маҳрум бўлганда ғазабланмайди ва сабрсизлик қилмайди.

Г) Шариатни улуғлаш, у билан фахрланиш. Тақдир, урф, завқ, сиёсат, хоҳиш ёки ўз фикрини баҳона қилиб унга эътироз билдирмайди.

¹ Имом Тирмизий (2516) Бу ҳасан саҳиҳ ҳадис.

Д) Манфаат жалб қилганда ва зарарни даф қилганда Аллоҳга қалбан боғланиш. Чунки у барча нарса Аллоҳнинг қўлида эканини билади.

Е) Аллоҳга кўп дуо қилиш ва Ундан ёрдам сўраш.

Иккинчи босқич

Улуҳият тавҳиди ва исм-сифатлар тавҳиди

Биринчи: Улуҳият тавҳиди

Ундаги мавзулар:

1. Улуҳият тавҳидининг таърифи ва унда рўй берадиган ширкнинг қоидаси.
2. Улуҳият тавҳидининг аҳамияти.
3. Улуҳият тавҳидининг фазилати.
4. «Лаа илааҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ) калимасининг тафсири.
5. Ибодатга баъзи мисоллар ва ундаги ширкка оид қоида.
6. Сабаблардаги қоида.
7. Сабабда рўй берадиган ширкка мисоллар.
8. Талаффузда рўй берадиган ширкка мисоллар.

1. Улуҳият тавҳидининг таърифи ва унда рўй берадиган ширкнинг қондаси

Улуҳият тавҳидининг луғавий маъноси: Араб тилидаги «фиъаал» (ўзак сўз) вазнида бўлиб «мафъуул» (иш ҳаракати унинг устида бажарилган тўлдирувчи) маъносини беради. Яъни, "илоҳ" сўзи "маълууҳ" (сиғинилган маъбуд) деган маънони англатади.

Улуҳият тавҳидининг истилоҳий маъноси: Аллоҳни ибодатда яккалаш. Яъни, Аллоҳгагина ибодат қилишдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِلَٰهَ﴾

«Раббингиз фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди». [Исро: 23]

Ибодат – Шариат буюрган, ундаган ва мақтаган сўз ёки амал.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلِ اللَّهُ أَعْبُدْ مُخْلِصًا لَهُ دِينِي﴾

«Сиз: «Динимни Ўзига холис қилган ҳолимда Аллоҳгагина ибодат қилурман», деб айтинг». [Зумар: 14]

Улуҳият тавҳидидаги ширкнинг қондаси:
Ибодатнинг бирор турини Аллоҳдан ўзгага
сарфлаш.

﴿فَاعْبُدُوا مَا شِئْتُمْ مِنْ دُونِهِ ۚ قُلْ إِنَّ الْخَاسِرِينَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنْفُسَهُمْ
وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ ۗ أَلَا ذَلِكَ هُوَ الْخُسْرَانُ الْمُبِينُ﴾

«Бас, сизлар Ундан ўзга нимани хоҳласангиз,
ўшанга ибодат қилаверинглар», деб айтинг.
Сиз: «Албатта, зиёнкорлар қиёмат куни ўзла-
рига ва аҳлларига зиён қилгувчилардир. Огоҳ
бўлингким, ана ўша очиқ-ойдин зиёнкорлик-
дир», деб айтинг». [Зумар: 15]

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِن كُنتُمْ فِي شَكٍّ مِنْ دِينِي فَلَا أَعْبُدُ الَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِنْ
دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ أَعْبُدُ اللَّهَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُمْ وَأُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ مِنَ
الْمُؤْمِنِينَ ۖ وَأَنْ أَقِمَّ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ۚ وَلَا
تَدْعُ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ فَإِنْ فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذَا مِنْ
الظَّالِمِينَ ۝﴾

«Эй одамлар, агар менинг динимда шак-
шубҳангиз бўлса, бас, (билингки) мен сизлар
ибодат қилаётган — Аллоҳдан ўзга — нарсаларга
ибодат қилмасман. Лекин сизни вафот
эттирадиган Аллоҳга ибодат қилурман ва мў-
минлардан бўлишга амр қилинганман», деб

айтинг. Юзингизни динга тўғри тутинг. Мушриклардан бўлманг. Аллоҳдан ўзга — сизга манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган — нарсага илтижо қилманг. Бас, агар шундай қилсангиз, унда, сиз золимлардан бўласиз». [Юнус: 104-106]

Бунинг қоидаси қуйидагича:

Ибодат саналган ҳар бир нарсани Аллоҳга сарфлаш — ихлос ва тавҳиддир. Аллоҳдан ўзгага сарфлаш — ширк ва кўп худоликдир.

2. Улуҳият тавҳидининг аҳамияти

А) Аллоҳ бизни шунинг учун яратди.

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим». [Зарият: 56]

Б) Шунинг учун пайғамбарлар юборилди ва китоблар нозил қилинди.

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطُّغُوتَ﴾

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб пайғамбар юборганмиз». [Наҳл: 36]

В) Аллоҳ таолонинг бандалар устидаги ҳаққи ҳам шу. Чунки ҳадисда: «Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи, Унгагина ибодат қилиб Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликларидир», дейилган.¹

Улуҳият тавҳиди аҳли сунна вал жамоанинг наздида:

1. У тавҳид руknларидан бири
2. Тавҳиддан кўзланган ғоя
3. Тавҳиднинг барча турларини ўз ичида жамлаган.
4. Охират азобидан сақловчи.
5. Дунёдаги бахт.

3. Улуҳият тавҳидида одамларнинг турлари

Биринчи қисм: комил тавҳид эгаси

Бундан мурод:

1. Тавба қилиб муваҳҳид ҳолида кўз юмган инсон.
2. Тавҳидни ширк, бидъат ва маъсиятлардан халос қилиб комил адо этган одам.

¹ Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий (2856) ва имом Муслим (49).

3. Ширк, бошқаларга ва ўзига зулм қилиш каби уч хил зулм туридан саломат бўлган киши

Комил тавҳиднинг самаралари:

1. Улуҳият тавҳиди ўз эгасини тўғри жаннатга олиб киради ва унинг баданига дўзах ўти тегишидан тамомий омонда қилади.
2. Дунё бахтига эришади.
3. Жаннатда ўз манзилига тўғридан тўғри йўл топади.
4. Дунёда маъсият ва гуноҳларни тарк қилиб, тоат-ибодатларга йўллаб қўйилади.

Бунга далил:

﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَٰئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ﴾

«Иймон келтирганлар ва иймонларига зулмни аралаштирмаганлар. Ана ўшаларга хотиржамлик, омонлик бор. Улар ҳидоят топганлардир». [Анъом: 82]

Итбон разияллоҳу анҳу ҳадисида: «Шубҳасиз, Аллоҳ, Унинг юзини истаб «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деган кишини жаҳаннамга ҳаром қилди», дейилган.

Иккинчи қисм: Ноқис тавҳид эгаси

Бундан мурод:

1. Муваҳҳид, аммо, тавба қилмаган ҳолида кўз юмган киши.
2. Тавҳидини катта ширкдан халос қилган, лекин, маъсият ва бидъатларга аралаштирган.
3. Фақатгина катта зулмдан саломатда.

Ноқис тавҳиднинг самаралари:

1. Охиратда дўзахда абадий қолишдан омонда қолади, аммо катта гуноҳлари сабабли дўзахга кириш эҳтимоли бор.
2. Тавҳиддаги нуқсони миқдорича саодати ва ҳидояти ҳам нуқсонга учрайди.
3. Жаннатдаги жойига тўғри йўналтирилмайди, аксинча, тўхтатилиб, ҳисоб китоб қилинади.

Бунга далил:

Убада разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис:

(من شهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، وأن محمدًا عبده ورسوله، وأن عيسى عبد الله ورسوله وكلمته ألقاها إلى مريم وروح منه، والجنة حق، والنار حق، أدخله الله الجنة على ما كان من العمل).

«Кимки «Шериғи бўлмаган якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули ҳамда Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули, Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда У томонидан бўлган руҳ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ», деб гувоҳлик берса, амали қандай бўлмасин, Аллоҳ уни жаннатга киритади».

Учинчи қисм: Тавҳиди умуман йўқ

Бундан мурод: Мушрик

Асоратлари: Дунё ва охирада омонликдан ҳам ҳидоятдан ҳам маҳрум.

Бунга далил:

﴿إِنَّهُ مَن يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ﴾

«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қиладир». [Моида: 72]

﴿وَمَن يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ السَّمَاءِ..﴾

«Ким Аллоҳга ширк келтирса, у гўё самодан қулаган-у, уни бир қуш ўлжа қилиб олган ёки шамол уни узоқ ерга учириб кетган кимса кабидир». [Ҳаж: 31]

Улуҳият тавҳидининг икки ҳолати бор:
комил ва ноқис.

1. Комил тавҳид эгасига дунё ва охиратда комил омонлик ва комил ҳидоят берилади.
2. Тавҳидида камчилиги бор инсонга ноқис омонлик ва ноқис ҳидоят берилади.
3. Кимнинг тавҳиди бўлмаса, унга дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳидоят ҳам, ҳам омонлик бўлмайди.

4. «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасининг тафсири:

Аҳли сунна вал жамоа билан калом аҳли ва суфийлар орасида бу сўзнинг тафсирида хилоф бор.

А) Аҳли сунна вал жамоа бунинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга «ҳақ» илоҳ йўқ», деб айтадилар.

Б) Калом аҳли ва суфийлар эса: «Аллоҳдан ўзга яратувчи йўқ», дейдилар.

Бу ихтилофнинг асорати қуйидаги масалада очиқ-ойдин кўринади:

Савол: Ўликларда фойда келтириш, зарарни даф этиш, яратиш, эгаллаш ва тадбир қилиш ҳислатлари йўқ, фақат, Аллоҳнинг ҳузурида мақом ва шафоат қилиш мартабалари бор,

деган ишонч билан ўликларга дуо қилиш, сўйлиқ сўйиш, назр қилиш, паноҳ ва ёрдам сўрашнинг ҳукми нима? Яъни, дуо қилувчи шу ишларини улар орқали Аллоҳга яқинлашиш, гуноҳи кечирилиши ёки ғам-ташвишидан халос бўлиш учун қилса?

Жавоб: Калом аҳли ва суфийлар наздида бу иш жоиз. Агар кимдир бу ишни ман қилиб, уни куфр деб ҳисобласа, у хавориж ҳисобланади. Аммо аҳли сунна вал жамоа наздида бу амал улуҳиятдаги ширк бўлиб, кишини диндан чиқаради. Кимки шундай қилса, у қабрпараст, мушрик ҳисобланади.

Калом аҳли ва суфийларнинг далили:

Илоҳ «фиъол» вазнидан олинган бўлиб, «фаъил», яъни «Холиқ», (Яратувчи) маъносини англатади. Илоҳнинг маъноси: Яратувчи, янги нарса ихтиро қилишга қодир ёки яратувчи, қудратли, молик, қадимий қудрати комил каби сўзларни айтишади. Бунга Аллоҳнинг қуйидаги сўзини далил қиладилар:

﴿رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا فَاعْبُدْهُ وَاصْطَبِرْ لِعِبَادَتِهِ هَلْ تَعْلَمُ لَهُ سَمِيًّا﴾

«У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Раббидир. Бас, Унга ибодат қил ва Унинг ибодатида сабрли бўл. Унга тенгдош-ни билурмисан?» [Марям: 65].

Бу ердаги Рабб сўзининг маъноси Яратувчи, Молик, тадбир қилувчи демакдир. Илоҳ сўзининг маъноси ҳам шу. Улар орасида фарқ ҳам, илоҳ сўзининг ошиқча маъноси ҳам йўқ деб айтишади.

Аҳли сунна вал жамоанинг далиллари

1. Луғатда: Илоҳ сўзи араб тилида «фиъл» вазнида бўлиб, "мафъул" маъносини англатади. Киши имомчиликка ўтганда одамлар унга эргашганда имом деб аталгандай, илоҳ ҳам маъбуд деган маънони англатади. Шунинг учун У Зот илоҳ деб аталгандан сўнг «маълух» вазнига солиб, маъбуд дейишлик ҳам қиёсга тўғри келади. Лекин улар атоқли отга айланиши учун: «Мактуб (ёзилган нарсани) китоб деганимиз ва ҳисобланган нарсани ҳисоб деганимиз каби, бу(маълух)ни ҳам Илоҳ», дедилар.

«Илоҳ» — қалблар унга муҳаббат, хавф ва умид билан ибодат қилиб, унга муҳтож бўлиб

боғланган Зотдир. Чунки У Зот комил сифатларга, гўзал исмларга эга. Шунингдек У Зотнинг ўзи наф келтиради ва зарарларни кетказди.

Тил нуқтаи назаридан, гарчи «илоҳ» сўзи «қодир» ёки «яратувчи» маъноларини ўз ичига олса-да, у маъноларни бермайди

Илоҳ исмидан Аллоҳ таолога нисбатан «феъл» сифатлари (масалан, Раҳмон, Раҳим каби) келиб чиқмайди. «Илоҳ» исми фақат Аллоҳнинг зотий сифатига далолат қилади, яъни Унинг ибодат қилинувчи, ягона ҳақ илоҳ эканига.

2. Қуръондаги далиллар:

1. Далил:

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

«Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар. Ундан ўзга ибодатга сазовар зот йўқ. У Зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир». [Тавба: 31]

Далиллик жиҳати: Ягона илоҳга сиғинишни «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси билан тафсирлади. Шундай қилиб, шаҳодатдаги илоҳ

сўзининг маъноси маъбуд (сиғиниладиган Зот)
экани аниқ бўлди.

2. Далил:

﴿قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ
وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْا
فَقُولُوا أَشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ﴾

«Сиз: «Эй, аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга
ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага
ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик
қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъ-
зимизни Рабб қилиб олмайлик», деб айтинг.
Бас, агар юз ўғирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз,
албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар».
[Оли Имрон: 64]

Далиллик жиҳати: орадаги "баробар" сўзи
«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси ва бунӣ ёлғиз
Аллоҳ таолога ибодат қилиш деб тафсирлади.

3. Далил:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ إِنَّنِي بَرَاءٌ مِمَّا تَعْبُدُونَ ﴿٦٦﴾ إِلَّا الَّذِي فَطَرَنِي
فَإِنَّهُ سَيَهْدِينِ ﴿٦٧﴾ وَجَعَلَهَا كَلِمَةً بَاقِيَةً فِي عَقِبِهِ ﴿٦٨﴾ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٦٩﴾﴾

«Иброҳим отасига ва қавмига: «Мен, албатта,
сиз ибодат қилаётган нарсадан воз кечгувчи-

ман. Магар мени яратган Зотдангина (воз кечмасман). Албатта, У Зот мени ҳидоят қилур», деганини эсланг! Ва бу (сўз)ни у ўз ортидан зурриётига боқий қолгувчи қилди. Шоядки (иймонга) қайтсалар». [Зухруф: 26-28]

Далиллик жиҳати: боқий калима «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси ва у ибодатга ёлғиз Аллоҳ ҳақли эканини исбот қилди.

4. Далил:

﴿فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطُّغُوتِ وَيُؤْمِنِ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлур. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир». [Бақара: 256]

Далиллик жиҳати: мустаҳкам тутқич «Лаа илааҳа иллаллоҳ» унинг маъноси эса барча маъбудларга куфр келтириб, ибодат ёлғиз Аллоҳга сарфланишини исботлашдир.

5. Далил:

﴿وَإِلَىٰ عَادِ أَخَاهُمْ هُودًا قَالَ يَبْقَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنِّ إِلَهِ غَيْرُهُ أَفَلَا تَتَّقُونَ﴾

«Ва Одга ўз биродари Худни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?!» деди». [Аъроф: 65]

﴿قَالُوا أَجِئْتَنَا لِنَعْبُدَ اللَّهَ وَحْدَهُ وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَأْتِنَا بِمَا تَعِدُنَا
إِنْ كُنْتُمْ مِنَ الصّٰدِقِينَ﴾

«Улар: «Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?! Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» дедилар». [Аъроф: 70]

Далиллик жиҳати: «Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ» деган ўрни. Уни биринчи ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш деб тафсирлаб берди. Шунда улар ёлғиз Аллоҳга сиғиниб, оталари ибодат қилаётган Аллоҳдан бошқа маъбудларни тарк қилиш деб тушундилар.

3. Суннат ва сийратдан далиллар:

1. Абу Толиб вафоти қиссасидаги ҳадис: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларига: «Эй амаки: «Лаа илааҳа иллаллоҳ», денг, сиз учун Аллоҳнинг олдида гувоҳлик

бераман», дедилар. Шунда Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя: «Эй Абу Толиб, Абдулмутталиб миллатидан юз ўгирасанми», дедилар. Сўзининг охирида у Абдулмутталиб динида эканини айтган эди.

Далиллик жиҳати: Абдулмутталиб дини: Аллоҳни рубубиятда яккалаб ибодатда шикр келтиришдир.

﴿وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ مَنۢ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ﴾

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта, — «Аллоҳ», дерлар». [Зумар: 38]

﴿مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى ٱللَّهِ زُلْفَىٰ﴾

«Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», дейдилар». [Зумар: 3]

﴿أَجْعَلِ ٱللَّهُ ٱلْآلِهَةَ إِلَٰهًا وَاحِدًا إِنَّ هَٰذَا لَشَىْءٌ عَجَبٌ﴾

«У худоларни битта худо қилдими?! Албатта, бу ажабланарли нарса!» [Сод: 5].

Бу қисса «Лаа илааҳа иллаллоҳ»дан мурод: Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли Зот йўқ эканини баён қилади. Агар маъноси Аллоҳдан ўзга

Яратувчи йўқ дегани бўлганда, Абдулмуттолибнинг динига тўғри келган бўлар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(بُعِثَ بِالسَّيْفِ حَتَّى يَعْبُدَ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ).

«Шериги йўқ ёлғиз Аллоҳга сиғинишлари учун қилич билан юборилдим».

Яна айтадиларки:

(أَمَرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ).

«Одамлар «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деганга қадар одамлар билан уришишга буюрилдим».

Далиллик жиҳати: «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасининг маъноси шериги йўқ, ёлғиз Аллоҳга сиғиниш эканига юқоридаги ҳадислар далолат қилади. Чунки "қилич билан юборилдим" дегани одамлар билан урушишга юборилдим дегани. Иккаласидан ҳам кўзда тутилган нарсa «Лаа илааҳа иллаллоҳ», яъни, ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишдир.

Шу матнлар ва яна кўплаб далиллардан биз қатъий равишда шуни хулоса қиламизки, «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасининг маъноси: ҳақиқий маънода илоҳликка сазовор бўлган маъбуд

фақат Аллоҳ демакдир. Шубҳа йўқки, ҳақ илоҳ — Яратувчи, подшоҳ ва тадбир қилувчидир.

Баъзи ибодатлар ва ундаги ширкка оид қоидалар

Амал: Яхши кўриш

Ибодат эканига далил:¹

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ ۖ فَسَوْفَ يَأْتِي اللّٰهُ بِقَوْمٍ حُبُّهُمْ
وَيُحِبُّونَهُ﴾

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ албатта Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтиради». [Моида: 54]

Бундаги шикрнинг қоидаси: Аллоҳдан бошқани У Зотга тенг кўриб, У Зотга хос бўлган илоҳий муҳаббатда шерик қилиш. Яъни, маҳбубга қалб билан боғланиш ва унга ибодатнинг ҳар хил кўринишлари билан юзланиш.

Муҳаббат бир неча қисмга бўлинади:

¹ Яхши кўриш ибодат эканига энг биринчи далиллардан бири Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи: «Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир». [Бақара:165]

1. Табий муҳаббат: Ота-она боласини ва оч инсон овқатни яхши кўриши кабилар.

2. Ҳаром муҳаббат: Маъсият ва мункар ишларни яхши кўриш. Ўзи яхши кўрган нарсани Аллоҳ яхши кўрганидан афзалроқ кўриш.

3. Ибодат муҳаббати: Аллоҳни яхши кўриш ва У учун яхши кўриш. Яъни, Аллоҳ яхши кўрган сифат, амал ва инсонларни яхши кўриш.

Амал: Қўрқув

Ибодат эканига далил:

﴿إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَآءَهُۥ فَلَا تَخَافُوهُمۡ وَخَافُونِ إِن كُنتُمۡ مُّؤْمِنِينَ﴾

«Албатта, бундай бўлишингиз шайтондандир, у ўз яқинларидан қўрқитур. Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, мендан қўрқинглар». [Оли Имрон: 175]

Ширкнинг меъзони: Аллоҳдан бошқа кимса ўз қудрати ва ихтиёри билан бевосита сизга бирор офат ёки ёмонлик етказишидан қўрқиш.

Қўрқув ҳам бир неча қисмга бўлинади:

1. Аллоҳдан қўрқиш: Бу иккига бўлинади:

А) Мақталган қўрқув: Тоат-ибодатларни бажаришга ҳамда маъсият ва мункарларни тарк қилишга ундаган қўрқув.

Б) Қораланган қўрқув: Аллоҳнинг раҳматидан умид узишга олиб борган қўрқув.

2. Аллоҳдан бошқадан қўрқиш: Бу бир неча қисмга бўлинади:

А) Мақталган қўрқув: Зарар етказиш сабаблари бўлган нарсадан қўрқиш. Масалан, тез ҳаракатланаётган машина сен томон йўналганидан қўрқиш каби.

Б) Қораланган қўрқув: Қўрқишга ўрин бўлмаган сабабдан қўрқиш.

В) Ҳаром қўрқув: Махлуқдан қўрқиб фарзларни тарк қилиш ёки гуноҳ қилиш. Яъни, мажбур бўлмаса ҳам шу ишларни қилаверади. (Мажбурлик ҳолатларининг ўзига яраша тафсилотлари бор.)

Амал: Таваккул

Ибодат эканига далил:

﴿قَالَ رَجُلَانِ مِنَ الَّذِينَ يَخَافُونَ اللَّهَ عَلَيْهِمَا ادْخُلُوا عَلَيْهِمُ الْبَابَ فَإِذَا دَخَلْتُمُوهُ فَإِنَّكُمْ غَالِبُونَ وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Улардан У Зотдан қўрқадиганлардан бўлган ва Аллоҳ уларга неъмат ато этган икки киши: «Уларнинг устига эшикдан кириб боринглар. Агар унга кирсаларинг, албатта ғолиб бўласизлар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилингиз», дедилар». [Моида: 23]

Бундаги ширкнинг меъзони: Аллоҳдан ўзга ҳеч кимни қудрати етмайдиган нарса борасида Ундан бошқага таваккул қилиш (суяниш).

Махлуққа қўлидан келадиган нарсада таваккул қилиш эса кичик ширк.

Жоиз бўлган вакиллик: бир кишига муайян вазифани бажаришни топшириш ва унинг муваффақиятли бўлишида Аллоҳга таваккул қилиш.

Амал: Ният ва ирода

Ибодат эканига далил:

﴿فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ﴾
(أَحَدًا)

«Бас, ким Раббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Рабби ибодатига биронтани шерик қилмасин». [Каҳф: 110]

Ният ва иродадаги ширкнинг меъзони: Солиҳ амаллардан риё ва дунё матосини хоҳлаш. Ибодатлардан Аллоҳни юзи билан бирга риё, одамлар эшитиши ва дунё матоларини хоҳлаш.

Кичик ширк: агар у амалга қўшилса, ўша амални барбод қилади. Яъни, ибодат аввалдан кичик ширк билан бошланган ёки кейинроқ пайдо бўлган бўлса ҳам уни даф этмай, давом этган бўлса ва амалнинг аввали-ю охирига боғлиқ бўлса, уни барбод қилади. Буни намоз мисолида кўра оламиз.

Амал: Дуо ва паноҳ сўраш

Ибодат эканига далил:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ﴾

Раббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман», деди. [Ғофир: 60]

Бундаги ширкнинг меъзони: Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қодир бўлмаган ишда Ундан Ўзгага дуо қилиш. Олдида йўқ ёки ўликдан муҳтожлигини сўраш ҳам шу бобга киради.

Лекин бир бандани чақириш ва у қодир бўлган ишда ундан ёрдам сўраш жоиз.¹ Лекин, бандага «мен сендан истифоса қиламан», демаслиги, яъни, гапирганда одобни сақлаши афзалдир.

Амал: Сўйиш

Ибодат эканига далил:

﴿فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَخَّرْ﴾

«Бас, Раббингизга намоз ўқинг ва жонлиқ сўйинг». [Кавсар: 2]

Бундаги ширкнинг меъзони: Ибодат ниятида Аллоҳдан ўзга учун сўйлиқ сўйиш.

Масалан, жин ва ўликларга сўйиш.

- Бирор кишини икром қилиш учун сўйиш эса жоиз, балки, мустаҳаб.

Амал: Тавоф.

Ибодат эканига далил:

﴿وَلْيَطَّوَّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ﴾

¹ «Бас, ўз гуруҳидан бўлган душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо уни бир мушт уриб ўлдириб қўйди». [Қосос: 15]

«Ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар!».

[Ҳаж: 29]

Бундаги ширкнинг меъзони: Аллоҳнинг уйидан бошқа ерда ўша ер соҳиби учун тавоф қилиш.

Масалан, Кааба артофида айлангандек, қабрлар атрофида ўзини хўр тутиб, хушуъ билан айланиш.

Амал: Итоат.

Ибодат эканига далил:

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ﴾

«Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг, деб айтинг». [Оли Имрон: 32]

Бундаги ширкнинг меъзони: Аллоҳга маъсият бўлган ўринда ўша маъсиятни ҳалол деган эътиқодда бошқага итоат қилиш.

Агар итоат қилган киши буюрувчи Аллоҳ билан бирга ёки Унинг ўрнига нарсаларни ҳалол ёки ҳаром қилиш ҳуқуқи бор, деб эътиқод қилмаса, гуноҳнинг турига қараб гуноҳ ишда бўйсунмиш ҳам гуноҳ ҳисобланади.

6. Сабаблардаги қоида

Аҳли сунна вал жамоа наздидаги сабабларни тушунмоқчи бўлсак, Аллоҳ таолонинг икки сифатини ўрганишимиз лозим. Улар:


Ҳикмат сифати: Ҳар бир ишни сабабга боғлаб қўйиши Унинг ҳикматидандир.

Қудрат сифати: Бир ишни сабабсиз вужудга келтириш ёки сабаб таъсирини кетказа олиш Аллоҳнинг қудратидандир.

Қоида:

1. Сабаблар таъсир беради.
2. Таъсири Аллоҳнинг изни билан бўлади.
3. Биз сабабларни қўллашда бутун кучимиздан фойдаланамиз ва улар билан танамиз орқали муомала қиламиз.
4. Биз қалбимизни сабабларга боғламаймиз, аксинча, сабабларнинг Раббига боғлаймиз.

Сабабларнинг турлари



7. Сабабдаги ширкка мисоллар

Сабаб: туморлар.

Таърифи: Бирор манфаатни жалб ёки зарарни даф қилиш учун тоқиладиган нарса.

Ҳукми: Қуръондан бошқаси жоиз эмас.

Бунга дадил: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари:

(إن الرقى والتمايم والتولة شرك)

«Албатта, дам солиш (афсун ўқиш), тумор тақиш ва сеҳргарлик ширкдир».

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари:

(من تعلق تميمة فقد أشرك)

«Ким тумор тақса, дарҳақиқат, ширк келтирибди».

Қуръондан (ташқил топган тумор): Бу иш жоиз эмас! Чунки, умумий далиллар бунга рухсат бермайди ва уни истисно қиладиган далил ҳам йўқ. Шунингдек, ёмон йўлга олиб боришнинг олдини олиш ва ҳурматсизликка йўл қўймаслик учун ҳам ман қилинган. Мана шу сўз тўғрироқ.

Бу ҳақда жоиз деган гап ҳам айтилган, аммо, бу тўғри эмас. Чунки туморларни тақишга оид умумий ман қилиш ҳақидаги далиллардан Қуръондан ясалган туморни истисно қиладиган ҳеч қандай саҳиҳ далил йўқ.

Сабаб: Руқя.

Таърифи: Касалга дам солиш.

Унинг ҳукми: Ширк бўлган тури жоиз эмас. Ширк бўлмаса жоиз.

Бунга далил: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзлари:

(اعرضوا علي رقاكم لا بأس بالرقى ما لم تكن شركاً).

«Руқянғизни менга ўқиб беринглар-чи, агар ширк бўлмаса, руқя қилишнинг зарари йўқ»¹

Сабаб: Руқя талаб қилиш

Таърифи: Бошқадан руқя талаб қилиш.

Бунинг ҳукми: Макруҳ.

Макруҳ эканига далил: Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган етмиш минг киши қиссасида: «Улар руқя талаб қилмайдилар», дейилган.²

¹ Муслим ривояти (2200).

² Имом Бухорий (5752) ва имом Муслим (220).

Сабаб: Куйдириш.

Таърифи: Олов билан куйдириб даволаш.

Унинг ҳукми:

1. Эҳтиёж бўлмаса ҳаром.
2. Бошқа нарса билан даволаш имконияти бўлганда қўлланиш макруҳ.
3. Энг яхши дори куйдириш бўлса, жоиз.

Бунга далил: 1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(من اکتوى أو استرقى فقد برئ من التوکل).

«Ким куйдириш орқали даволанса ёки руқя талаб қилса, таваккулдан воз кечган ҳисобланади».¹

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жобир ибн Абдуллоҳнинг отасини куйдириб даволаганлар.²

Сабаб: Барака талаб қилиш.

Таърифи: Яхшилик ва зиёда талаб қилиш.

Унинг ҳукми: Аллоҳдан талаб қилинса:

1. Дуо билан бўлса, ибодат ҳисобланади

¹ Имом Тирмизий (2055), Ибн Можа (3489) ва шайх Албоний «Саҳиҳул Жомеъ» китобида саҳиҳ деган (6081).

² Абу Довуд (3866).

2. Агар собит бўлган сабаблар билан бўлса, ибодат
3. Агар собит бўлмаган сабаб бўлса, бидъат.
4. Аллоҳдан бошқадан талаб қилиш катта ширк.

Энди бу ерда айтамизки:

1. Аллоҳга қабрлар олдида сиғиниш билан бўлса, кичик ширк.
2. Қабрлар ва остоналарини ўзига суртиш ҳам кичик ширк.
3. Шахсларни зоти ёки уларнинг нарсаларидан барака талаб қилиш ҳам кичик ширк.

Буларнинг барчаси бидъат сабаблардан.

Сабаб: Юлдузлар ёки мунажжимлик.

Таърифи: Юлдузлар орқали ғайбни билишни даъво қилиш.

Унинг ҳукми: Юлдузни ўзи таъсир беради дейиш катта ширк. Таъсир беришга сабаб деб эътиқод қилиш эса кичик ширк.

Астрономия илмини ўрганиш эса жоиз

Шу ерда айтамизки:

1. Ердаги ҳодисаларга юлдузлар ўзи таъсир беради деб эътиқод қилиш катта ширк.

2. Ҳодисаларга таъсир беришда сабабчи деб эътиқод қилиш эса кичик ширк.

3. Бир тақдир қилинган нарса бўлишига аломат деб эътиқод қилиш жоиз. Мана шу астрономия илми.

4. Ерда унга ҳайкал ясаб ибодат билан унга яқинлашаман деб эътиқод қилиш катта ширкдир.

5. Абу Жод ва буружларни ўрганиш ҳам қайтарилган таъсир илми қаторига киради.¹

Сабаб: Жин, коҳинлик ва фол очиш.

Таърифи: ғайбни билишни даъво қилиш, одамнинг қалбида нима борлигини очиб бериш, йўқолган нарсанинг жойини кўрсатиш ва жинлар орқали бошқаларга зарар етказиш.

Унинг ҳукми: Улар билан муомала:

¹ «Абу Жод»ни ўрганиш ҳақида манъ қилиш Табаронийнинг «Ал-Кабир» асарида келган. Ибн Аббосдан "марфуъ" равишда ривоят қилинган ҳадисда: «"Абу Жод" ҳарфларини ўрганиб, юлдузларни ўрганиш билан шуғулланган одам учун қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида ҳеч қандай насиба йўқ», дейилган. Лекин бу ҳадис "мавзуъ" (ёлғон)дир. Саҳиҳ бўлган асар эса унинг Ибн Аббосдан мавқуф ҳолда келганидир (Абдурраззоқ «Мусаннаф»ида (11/36), Байҳақий «Сунан»да (8/139) ривоят қилган.

1. Ёрдам сўраганларига ёрдам бериш ёки бирор хабарларни айтиш билан бўлади.
2. Ёки Сеҳрни даволашда мусулмон жинлардан ёрдам сўраш билан бўлади

Бунинг барчаси тақиқланган. Чунки уларга, албатта, қандайдир ҳақ тўланиши керак бўлади.

Бу ҳақ эса иймон ва тавҳид. Яъни, ширк ва фисқ каби амаллар билан уларни ҳузур топтириб яқинлашадилар ва улар эса унинг хизмати-ни қиладилар.

Биз бу ерда айтамизки:

1. Уларга яқинлашиш

﴿رَبَّنَا أَسْتَمِعْ بَعْضُنَا بِبَعْضٍ﴾

«Ё Раббимиз, биз бир-биримиздан ҳузур топдик». [Анъом: 128]

Жинларга нисбатан ширкнинг энг катта туруни коҳин, фолбин ва сеҳргарлар амалга оширадилар.

2. Коҳин ва фолбиннинг ғайбни биламан деган даъволари — Аллоҳнинг рубубиятида У билан шериклик даъво қилишдир. Бу гапга ишонган киши энг катта куфрга тушади. Агар

кимдир унга ишонмай, фақат тажриба учун борса, унинг намозлари қирқ кун қабул қилинмайди. Лекин кимдир унинг ёлғончилигини фош этиш учун борса, бу жоиз ҳисобланади.

Сабаб: қушлар ва шумланиш.

Таърифи: Қушлардан, айрим кўринган ёки эшитилган нарсалардан фол олиб, шу нарса сени ишингдан тўхтатиши ёки давом эттиришингга сабаб бўлиши.

Унинг ҳукми:

– Агар у қушлар ёки бошқа шумли ишлар ўзи зарар беради деб ишонса, катта ширк бўлади.

– Агар уларни зарар келтиришга сабаб ёки зарарнинг белгиси деб ишонса, кичик ширк бўлади.

Бунга далил: «Шумланиш ширкдир», деган ҳадис.¹ Бунинг муолажаси Аллоҳга таваккул ва шумланишни кетказишни сўраб дуо қилишдир.

Шумланиш: Бир иш қилишга туртки берган ёки қайтарган ишдир.

¹ Имом Тирмизий (1614) ва Абу Довуд 3910. Имом Албоний «Жомиус саҳиҳ» китобида саҳиҳ деган (3960).

Аммо «фаъл», яъни, сен қилаётган ишингда сени руҳлантириб, фаолликка чорлайдиган нарса, шариат унга рағбатлантирган.

Чунки ҳадисда:

(ويعجبني الفأل).

«Менга фаъл ёқади» дейилган.¹

8. Талаффузда рўй берадиган ширкка мисоллар

Лафз	Мисол	Ҳукми
Аллоҳдан ўзга билан қасам ичиш:	Набий билан қасам, фалончини ҳаёти билан ёки талоқ билан қасам.	Агар қасам ичувчининг қалбида қасам ичилаётган нарса Аллоҳ каби улуғ бўлса, катта ширк. Аллоҳни улуғлаган-чалик улуғламаган бўлса кичик ширк.
Аллоҳ билан қасам ичиш:	«Аллоҳга қасамки, фалон нарса бўлмайди», «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ фалон кишини кечирмайди»,	Агар бунга олиб келувчи нарса — Аллоҳга бўлган кучли ишонч ва ўз ожизлигини тан олиб,

¹ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (5756) ва имом Муслим (2224).

	«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ бизга ёрдам беради».	Аллоҳдан ёрдам сўраб қасам ичиш бўлса, жоиз. Аммо агар бунга олиб келувчи нарсa — мағрурлик, ўзи билан фахрланиш ва «Аллоҳ менга фалон нарсани бериши керак» деган даъво бўлса, ҳаром.
Аллоҳни шафоатчи (восита) қилиб, махлуқлардан қўллаб-қувватлаш сўраш.	Аллоҳни восита қилиб сендан шафоат (ёрдам) сўраймиз.	Ҳаром! Чунки, Аллоҳ таоло шунчалик улуғ ва буюк Зотки, Уни восита қилиб инсонларга мурожаат қилинмайди.
Аллоҳнинг юзини ўртага қўйиб сўраш:	«Аллоҳ юзини ўртага қўйиб сендан фалон нарсани сўрайман», дейиш.	Жоиз эмас!. Чунки, Аллоҳнинг Жамоли дунёвий мақсадларни сўрашдан улуғроқдир. Аллоҳнинг Жамоли билан фақат жаннатнинг энг юксак даражаси — Фирдавсни сўраш мумкин.

Аллоҳнинг неъматларини бошқага нисбат бериш.	Фалончи юлдуз туфайли ёмғир ёғди, фалончи бўлмаганда шундай бўлар эди ёки Аллоҳ ва сен хоҳлагандай бўлди дейиш.	Бундай ибораларни ишлатиш жоиз эмас. Агар ҳақиқий сабаб бўлса, «Агар Аллоҳ ва фалончи бўлмаганида эди» ёки «Аллоҳ ва сен хоҳлаган- дай бўлибди», деб эмас, балки, «Агар Аллоҳ кейин фалончи бўлмаганида эди», «Аллоҳ хоҳлагани- дан кейин сен хоҳлаган- дай», ёки «Фақат Аллоҳ бўлмаганида», «Аллоҳ хоҳлагандай бўлибди» деб айтиш лозим.
Замон ва шамолни сўкиш:	Кунларни ёки об-ҳавони лаънатлаш.	1. Агар бу ишларни Аллоҳ эмас, замон қилмоқда деса, бу катта ширк бўлади. 2. Агар ёмон нарс содир бўлган ўрин деса, бу ҳаром. 3. Агар фақат хабар бериш бобидан бўлса, масалан, иссиқдан чарчадик деган сўз каби. Бунда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Аллоҳга тўғри келмайдиган сўзлар:	Аллоҳга салом бўлсин. Чунки Аллоҳ- нинг Ўзи салом.	
Аллоҳга тўғри келмайдиган сўзлар:	«Раббингни тахорат олдир, Раббингни таомлантир», деган, бошлиққа нисбатан айтиладиган сўзлар.	Бу иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, Аллоҳга муносиб масалаларда жоиз бўлади. Масалан: «Қул Раббига, яъни, ўз соҳибига итоат қилди».

Аллоҳдан ўзгага ишлатиш жоиз бўлмаган сўзлар:

Мисол ва унинг ҳукми:

— Подшоҳлар подшоҳи, қозилар қозиси. Бу
каби умумий лафзларни ишлатиш жоиз эмас.

— Саййид – Мутлақ саййидликни мақсад
қилиб айтиш жоиз эмас.

— Аллоҳни исмлари билан аташ. / «Ал»
қўшимчаси билан ёки сифатнинг маъносини
қасд қилиб айтиш жоиз эмас.

— Аллоҳдан бошқа Зотга қул қилиб исм
қўйиш мумкин эмас.

Масалан: «Абдуннабий» (пайғамбарнинг қули), «Абдулҳусайн» (Хусайннинг қули) каби исмлар қўйиш жоиз эмас.

Чунки «Абд» («қул») сўзи фақат Аллоҳ таоло исмларига нисбатан ишлатилади.

Иккинчи: Исм-сифатлар тавҳиди

1. Исм-сифатлар тавҳидининг ақидадаги ўрни
2. Аллоҳнинг исм-сифатларида ягона деб билиш борасида бизга вожиб бўлган амаллар ҳамда унинг сабабини баён қилиш
3. Аллоҳни исм-сифатларида ягона деб билишнинг таърифи ва унда келган атамаларнинг изоҳи
4. «Тамсил» (ўхшатиш) билан «Такйиф» (қандайлигини тасаввур қилиш) орасидаги фарқ
5. Аҳли сунна вал жамоанинг Аллоҳнинг сифатларига нисбатан ақл далолатига қандай қарашлари
6. Исм-сифатлар бобида аҳли сунна вал жамоанинг тутган йўли
7. Сифатларнинг турлари, мисоллари ва ҳар бир турда бизга вожиб бўлган амал
8. Аллоҳнинг исмлари ва сифатларидан намуна

1. Исм-сифатлар тавҳидининг ақидадаги ўрни

1. Исм-сифатлар тавҳиди Ислом ақидасининг асосидир. Чунки, ақида Аллоҳга бўлган иймон устига қурилган. Аллоҳни исм-сифатларда яккалаш – У Зотни танишдир. Раббини танимаган кишининг ибодати тўғри бўлмайди.

Ким Аллоҳнинг сифатларини инкор этса, Аллоҳга эмас, йўқ нарсага ибодат қилган бўлади. Ким Аллоҳнинг сифатларини жисмларга ўхшатса, Аллоҳга эмас, бутга ибодат қилган бўлади. Банда Аллоҳга ҳаққаттан ибодат қилиши учун Унга ўхшаш ҳеч ким йўқ, У эшитувчи, кўрувчи, яккаю ягона, беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким Унга тенг эмас деб эътиқод қилиши шарт.

2. Исм-сифатлар тавҳиди: Аллоҳга бўлган иймоннинг рукни. Инсоннинг Аллоҳга иймони фақат шу билан тўғри бўлади. Чунки, Аллоҳга иймон келтириш — Унинг мавжудлиги, Рабблиги, исм ва сифатлари ва Улуҳиятига иймон келтиришдан иборат. Ким Аллоҳни исм ва сифатларда ягона деб билмаса, Аллоҳга иймоннинг бир рукни йўқ бўлади. Аллоҳга тўлиқ иймон

келтириш учун исм ва сифатларда ягона деб билиш зарур.

3. Исм сифатларда ягона деб билиш тавҳиднинг рукни. Инсоннинг тавҳиди у билангина тўғри бўлади. Чунки, Аллоҳни ягона деб билиш — Унинг Рабблиги, Улуҳияти ва исм-сифатларида ягона деб билишга қурилгандир. Аллоҳни тўлиқ ягона деб билиш учун Унинг исм ва сифатларида ҳам ягона деб билиш зарур.

4. Аллоҳ таоло исм-сифатларида ягона деб билиш – ҳақиқий ибодатга кириб бориш эшигидир. Чунки, банда Аллоҳни танимаса, қандай муҳаббат қилади, азобидан қандай қўрқади ва раҳматидан қандай умид қилади?! Аллоҳни танишнинг энг улуғ йўли исм-сифатларини ўрганишдир.

5. Исм-сифат тавҳиди – мусулмон ўзини тарбия қиладиган энг улуғ эшиқдир. У бандага доиймий Аллоҳ томонидан кузатувда экани, Унинг раҳматидан ҳеч қачон умидсиз бўлмаслик, Аллоҳни улуғлаш, тавба ва сабр қилиш ҳамда рози бўлишни ўргатади. Инсон фақатгина Раббини таниш ва исм-сифатларини ўрганиш орқали иймон талаб қиладиган қалб

амаллари ва тана билан бажарилиши лозим бўлган фарз амалларни тўғри адо эта олади.

Албатта, Раббимиз илм, раҳмат, қудрат, ризқ бериш ва бошқа кўпгина сифатлар билан сифатланган Зотдир. Банда ҳар сафар Аллоҳнинг сифатларини тўлиқ англаб етаркан, қалб амаллари, тилидан чиққан сўзлари ва аъзолари билан бажарган ишларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Исм-сифатлар тавҳиди:

1. Ислом ақидасининг асоси.
2. Қалб ва юриш-туришни ислоҳ қиладиган илм.
3. Аллоҳга иймоннинг рукни.
4. Тавҳид рукларидан бири.
5. Аллоҳни танитувчи энг улуғ боб.

2. Аллоҳнинг исм-сифатларида ягона деб билиш борасида бизга вожиб бўлган амаллар ҳамда унинг сабабини баён қилиш

Вожиб: Аллоҳ таоло хабар берган исм сифатларига исбот ва нафий билан иймон келтириш. Қуръон ва суннатда ворид бўлган барча исм-сифатларга ундан оғмай иймон келтириш.

Сабаб:

Чунки исм-сифатлар бобидаги сўзлар нафий ва исбот орасидаги хабар турига киради. Шунинг учун биз — хитоб қилинган бандалар учун — Аллоҳ ўз ҳақида айтиб берган исм-сифатларига, улар инкор қилинган бўлсин ёки исбот қилинган бўлсин, иймон келтиришдан ўзга йўл йўқ. Биз улардан бирортасини ёлғонга чиқармаймиз.

Аллоҳ таоло Ўзи ва махлуқотлари ҳақида энг яхши билимга эга, сўзда энг ростгўй ва энг гўзал Зотдир. Шунинг учун, У Зотнинг Ўзи ҳақида айтган хабарларига ақл ёки ҳавойи-нафс билан эътироз билдириш жоиз эмас.

Аллоҳ таоло Ўз исм-сифатлари ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар бергани туфайли, бандалар ичида Аллоҳни энг яхши танийдиган киши Расулulloҳдир. Шунинг учун, суннатда келган Аллоҳ таолонинг сифатларини тасдиқлашимиз фарздир.

Аллоҳ таоло Зотидан бошқа ҳеч кимга ўхшамайди, Унга тенг ҳам, ўхшаш ҳам, муқобил ҳам йўқ, У Ўз махлуқотлари билан қиёсланмайди. Шунинг учун, Аллоҳ таолонинг сифати қандай

эканини Қуръон ва суннатдан бошқа жойдан талаб қилиш умидини узишимиз шарт.

Шу сабабдан, исм-сифатлар бобида Қуръон ва суннатда келганлари билан кифояланиб, уларнинг маъноларини ўзгартирмасдан, ўша мақсад қилинган маънода қолдириш фарздир.

Чунки исм-сифатлар борасидаги сўз, хабар турига киради. Бу хабар нафий (йўқ дейиш) ва исбот (бор дейиш) ўртасида айланади. Бу хабарни эса Қуръон ёки суннат орқали Аллоҳнинг ўзи етказмоқда. Биз эса, У Зот хабар бергандай исм-сифатларини фақат тасдиқ қилишга, яъни, уларнинг барчасига иймон келтиришга мажбурмиз. Бу борада ҳеч қандай турдаги илҳодга (буриш, инкор қилиш, нотўғри таъвил ёки тўғри йўлдан оғишга) йўл қўймаймиз.

3. Аллоҳни исм-сифатларида ягона деб билишнинг таърифи ва унда келган атамаларнинг изоҳи

Исм-сифатлар тавҳиди: Китоб ва суннатда келгандай Аллоҳнинг исм-сифатларига иймон келтириш ва ундан оғмаслик демакдир.

Илҳод

Луғатда: Бир нарасадан оғиш

Истилоҳда: Аллохнинг исм-сифатлари ва оятлари борасида собит бўлган ҳақдан оғиш

Далил:

﴿وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا ۖ وَذَرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исм)лар ила дуо қилинг ва Унинг исмларидан оғадиганларни тек қўйинг. Яқинда қилган амалларига яраша жазоланурлар». [Аъроф: 180]

Кавний оятлар борасида оғиш

Бундан мурод:

А) Аллоҳ таолонинг борлиги ва очиқ-ойдин борлигига далил бўлган мавжудотларни яратганини инкор қилиш.

Б) Аллоҳ Мавжудотларни яратиш ва бошқаришда ягона экани очиқ-ойдин бўлса ҳам Унга бу борада шерик қўшиш ёки бошқага нисбат бериш.

Исмдаги оғиш

Бундан мурод:

А) Аллоҳ Ўзига нисбат бермаган ва У Зотга тўғри келмаган исмни Унга нисбат бериш. Ота ва бажарувчи иллат каби исмлар.

Б) Аллоҳ таолонинг баъзи сифатларидан У Зотнинг махлуқларига ном чиқариш, масалан «ал-Уззо»ни «ал-Азиз»дан олиш.

1. Таҳриф

Луғатда: Ўзгартириш, оғиш ва алмаштириш дегани

Истилоҳда: Исм-сифатларнинг лафзи ёки маъносини ўзгартириш

Турлари:

А) Лафзий: Худди баъзи бидъатчилар Аллоҳ таолони қуйидаги сўзини:

﴿وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا﴾

«Ва Аллоҳ Мусо билан гаплашди». [Нисо: 164] насб қилиб ўқимоқчи бўлгани каби. (Яъни оятнинг арабчасида «Вакалламаллоху муусаа» деб ўқилади. Агар уни «Ва калламаллоҳа Муусаа» десак маъно умуман ўзгариб, Аллоҳ Мусо алайҳиссалом билан эмас, Мусо алайҳиссалом Аллоҳга гапирди деган маънони беради.

Шундай қилиб, бидъатчилар Аллоҳ гапира олмайди демоқчи бўладилар).

Б) Маъновий: Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидаги "иставо" сўзи каби. Унинг тафсирини бузиб:

﴿إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ﴾

«Албатта Раббингиз осмонлару ерни олти кунда яратди сўнгра аршга кўтарилди». [Аъроф: 54] Аҳли бидъатлар "иставо" яъни "Иставло"-эгаллаш дегани дейдилар. Бу эса ботил ва қораланган таъвил. Чунки бу бир лафзни далилсиз бошқа маънога ўзгартиришдир.

Бу нарса мумкин эмаслигига далил. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ﴾

«Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирдилар». [Моида: 13]

2. Таътил

Луғатда: ташлаш ва тарк қилиш дегани

Истилоҳда: Исм-сифатларни инкор қилиш

Турлари:

А) Тўлиқ: Аллоҳнинг исм-сифатларини тўлиқ инкор қилиш.

Б) Қисман: Аллоҳнинг сифатларини инкор қилиб, исмларини эса инкор қилмаслик.

Ёки Баъзи сифатларни инкор қилиб баъзисини исбот қилиш.

Бу нарса жоиз эмаслигига далил:

﴿وَهُمْ يَكْفُرُونَ بِالرَّحْمَنِ﴾

«Ҳолбуки, улар Раҳмонга куфр келтирурлар». [Раъд: 30]

3. Такйиф

Луғатда: Сифатнинг моҳиятини аниқлаштиришни талаб қилиш дегани.

Истилоҳда: Аллоҳ таолонинг сифатларининг кайфиятига киришиш. Масалан, бир киши "Аллоҳнинг қўли фалон фалондай" дейиши каби.

Эслатма: Аллоҳнинг сифатлари, албатта, кайфиятга эга, лекин, у бизга номаълум. Чунки сифатлар Зотга боғлиқ. Биз Аллоҳнинг Зотининг қандайлигини билмаганимиз каби, унинг сифатларининг ҳам қандайлигини билмаймиз. Шунинг учун сифатларнинг қандайлигини

Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қиламиз. Лекин маъноларини тасдиқлаймиз.

Далил:

﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِهِۦ عِلْمًا﴾

«Улар эса, Уни илм ила ихота қила олмас-лар». [Тоҳа: 110]

4. Тамсил

Луғатда: Бир нарсага ўхшашни исбот қилиш.

Истилоҳда: Аллоҳнинг Зоти ёки бирор сифатида Унга ўхшаш борлигини исбот қилиш.

Эслатма: «Ташбиҳ» сўзи мужмал бўлиб, ҳақ ва ботил маънолари бор. «Тамсил» эса бундай эмас. Шунинг учун биз «ташбиҳ» эмас, аксинча, «тамсил» атамасини қўллаймиз. Бу ҳақда кейинроқ батафсил маълумот келади.

Бу нарса жоиз эмаслигига далил:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчи Зотдир». [Шўро: 11]

﴿هَلْ تَعْلَمُ لَهُ سَمِيًّا﴾

«Унга тенгдошни билурмисиз?» [Марям: 65]

﴿وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган». [Ихлос: 4]

4. Такйийф ва тамсил орасидаги фарқ (кайфият бериш ва ўхшатиш орасидаги фарқ)

Фарқ: Ҳар бир ўхшатувчи кайфият берувчидир. Лекин, ҳар бир кайфият берган киши ўхшатиши шарт эмас. Масалан, ким «Аллоҳнинг қўли махлуқнинг қўли каби» деса, у тамсил қилган ва унга маълум кайфият берган бўлади. Кимки «Аллоҳнинг қўли шундай-шундай» деб, лекин, уни махлуққа ўхшатмаса, у тамсилга эмас, такйийфга учраган бўлади.

— Нега аҳли сунна вал жамоа сифатларни такйийф қилмайдилар? (Яъни, унга маълум бир кайфият бермайдилар)

1. Чунки Аллоҳнинг Зоти ғайб (бизга кўринмайди). Сифатлар ҳақидаги сўз эса, Зот ҳақидаги сўздан ажраб чиққан бўлакдир.

2. Чунки Аллоҳни бир нарсага қиёс қилгудай Унга ўхшаш ҳеч ким йўқ.

3. Аллоҳ сифатларининг қандайлиги, яъни кайфияти ҳақида бизга хабар келмагани учун, уни англашдан умидни узиш керак.

— Нима учун тамсил (ўхшатиш) ақлан ҳам, шаръан ҳам ман этилган?

Чунки тамсилни айтган киши ихтилоф ва зиддиятга йўлиқади.

Масалан: сиз «Аллоҳнинг мавжудлиги махлуқнинг мавжудлигига ўхшайди» десангиз, унда сиз Аллоҳнинг мавжудлигини икки бирига зид сифат билан сифатлаган бўласиз. Яъни, «У ҳар доим бўлган ва ҳар доим бўлмаган», шунингдек, «У абадий ва фоний» деб айтиб қўясиз.

Худди шу тарзда махлуқнинг сифатларини ҳам зиддият билан сифатлаган бўласиз.

5. Аҳли сунна вал жамоанинг ақл далили орқали Аллоҳнинг сифатларини англашдаги йўли

Аҳли сунна вал жамоанинг ақл орқали Аллоҳ таолонинг сифатларини англашдаги услубини қуйидаги нуқталар билан қисқача баён қилиш мумкин:

– Аллоҳнинг сифатлари тавқифийдир. Яъни, шариат бизга баён қилиб берганларинигина исбот қиламиз.

Шариатда келмаган сифатлар билан Аллоҳни сифатлашимиз мумкин эмас, ҳатто маъно жиҳатдан яхши бўлса ҳам. Лекин, хабар бериш жиҳатидан айтиш мумкин. Чунки хабар бериш боби сифатлар бобидан кўра кенгроқ. Масалан, Аллоҳ ҳақида «махлуқотидан ажралгандир», «бошланишсиз қадимий», «азалий» дейишимиз мумкин.

– Аллоҳ таолонинг Қуръон ва суннатда ворид бўлган кўпгина сифатларини ақл орқали ҳам исбот қилиш мумкин.

Масалан, илм, ҳикмат, қудрат ва раҳматни Аллоҳнинг махлуқотларига назар солиш орқали англаш мумкин. Чунки, амал бажарувчининг кўп сифатларига далолат қилади. Аллоҳ яратган ҳар қандай махлуққа назар солсак, у ерда мукаммаллик, эътибор ва ийжоднинг асарини кўрамыз. Бу эса шубҳасиз Яратувчини Ал-Қодир, Ал-Алим, Ал-Ҳаким ва Ар-Раҳим эканини кўрсатади.

– Сўзлаш, эшитиш ва кўриш сифатларини эса Аллоҳни нуқсон сифатлардан поклаш орқали билиш мумкин. Буни «камолот ва нуқсон орасидаги қарама-қаршилик далили» деб ҳам

ифодалайдилар. Яъни, Аллоҳни нуқсонлардан поклаш Унинг Зотида мутлақ камолотни тақозо этади. Масалан, кўрлик, карлик, соқовлик нуқсон саналади. Демак, Аллоҳ таоло бундан покдир, У Зот — Самиъ, Басир ва Мутакаллимдир.

– Ҳаёт, қувват ва илм каби сифатларни эса "Қиёсул авло", яъни, «аввало бу сифатларга Аллоҳ ҳақлироқ» йўли билан билиш мумкин. Яъни, ҳар қандай нуқсонсиз камолот сифати махлуқда мавжуд бўлса, унинг ато этувчиси ва эгаси бўлган Аллоҳ таоло бу сифатларга авлороқ ва лойиқроқдир. Шунинг учун, ҳаёт, илм ва қувват махлуқда бўлгандан сўнг Аллоҳ бунга авлороқ.

– Хабарий сифатлар — яъни, фақат ваҳий орқали билишимиз мумкин бўлган сифатлар. Биз уларга иймон келтирамиз. Бир томондан ақл шунча нарса ақлга тўғри келгандан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростгўйлиги ва У зот олиб келган ҳамма нарсага иймон келтириш фарзлигига ҳам далолат қилади. Масалан, Аллоҳнинг аршга кўтарилиш, туннинг охириги учдан бир қисмида тушиши.

– Биз қатъий ишонч билан айтамикки, тўғри ривоят орқали етган ҳар бир нарсага соғлом ақл ҳеч қачон қарши чиқмайди ва унинг содир бўлиши мумкин эмас, деб ҳукм қилмайди. Фақат, баъзи нарсаларнинг қандайлигини тушунишда ақл ҳайрон қолиши мумкин.

6. Исм-сифатлар бобида аҳли сунна вал жамоанинг тутган йўли

Аҳли сунна вал жамоа исм-сифатлар бобида Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидан йўл бошлайдилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчи Зотдир». [Шўро: 11]

1. Исбот ва нафийда Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига амал қиладилар.

Яъни: Ворид бўлган сифатларни ўхшатмасдан тасдиқлайдилар ва Аллоҳга бирор нарсани ўхшатмай, сифатларини йўққа чиқармай поклайдилар.

«У Эшитувчи ва Кўрувчи» «Унга ўхшаш ҳеч ким йўқ» / Эсдан чиқармай амал қиладилар

«У Эшитувчи ва Кўрувчи» «Унга ўхшаш ҳеч ким йўқ» / Йўққа чиқармай амал қиладилар

2. Исбот борасида батафсил, нафий бора-сида эса қисқача гапирадилар.

Тафсилотга мисол:

﴿هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَالِمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ﴾

«У — Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У ғайибни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир. У меҳрибон ва раҳимлидир». [Ҳашр: 22]

Мақтовли сифатларни тафсилот билан баён қилиш орқали мақталаётган Зотнинг комиллиги намоён бўлади. Инкор масаласида эса мужмал (умумий) тарзда ифода қилишга мисол қуйдагича:

﴿وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган». [Ихлос: 4]

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир». [Шўро: 11]

Чунки айбларни тафсилот билан инкор қилиш, мақталаётган Зотни камситади.

3. Нафий борасида фақат баъзи сабабларга кўра тафсилотни зирк қиладилар. Масалан:

А) Аллоҳ ҳақида ёлғончилар даъвосини рад этиш учун. Масалан, Унга бола нисбат бериш. Аллоҳ бу нарсани ушбу сўзи билан инкор қилди:

﴿لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ﴾

«У туғмаган ва туғилмаган». [Ихлос: 3]

﴿وَمَا يَنْبَغِي لِلرَّحْمَنِ أَنْ يَتَّخِذَ وَلَدًا﴾

«Роҳманга бола тутиш лойиқ эмасдир». [Марям: 92]

Б) Камолот сифатидаги нуқсонни даф этиш учун. Худди Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи каби:

﴿لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ﴾

«Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас». [Бақара: 255] Ҳаёти ва Қаййумлик сифатига ҳеч қандай нуқсон аралашмайди деган нарсани исботлаш учун бу сифатларда батафсил гапирилган.

Аҳли сунна вал жамоа бир сифатни инкор қилганда, унинг акс томонидаги мукаммал сифат борлигини ҳам тасдиқлайдилар. Чунки

инкор фақат ўша зид мукаммаллик мавжуд бўлсагина мақтов бўлади.

(Аллоҳ осмонлару ерни яратганини баёнлагач) қудрати ва камолотини баёнлаш учун ушбу сўзни зикр қилган.

﴿وَمَا مَسَّنَا مِنْ لُغُوبٍ﴾

«Ва Бизни чарчоқ тутмади». [Қоф: 38]

(Сомад исмини зикр қилгач) бойлигининг камолотини баён қилиш учун ушбу сўзини қилди.

﴿لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ﴾

«У туғмаган ва туғилмаган». [Ихлос: 3]

Ҳаёти ва Қаййўмлигининг комил эканини баён қилиш учун ушбу сифатларни зикр қилди:

﴿لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ﴾

«Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас». [Бақара: 255]

Ҳаётининг комиллигини баён қилиш учун ўлмайдиган деди.

﴿وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ﴾

«Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккал қил». [Фурқон: 58]

Уларнинг усулини қуйидаги жадвалда қисқача баён қилиш мумкин. Шу билан бирга аҳли сунна вал жамоага муҳолиф бўлган мутакаллимларнинг йўлига ҳам изох тариқасида ишора қилинган:

Салаф уламолар ва мутакаллимларнинг исм-сифатлар бобида тутган усули:

1. Исбот боби

Салафлар матнларда келган исм-сифатларни махлуқларнинг сифатларига ўхшатмасдан исбот қиладилар. (Ўхшатишсиз исбот)

Мутакаллимлар матнларда келган исм-сифатлардан фақат муъаттила ёки мушаббихалар каби ўхшатишни тушунадилар. Шу сабабли, улар Қуръон ва суннатда келган матнларни рад қиладилар ёки таътил ва таъвил орқали таҳриф қиладилар.

2. Поклаш боби

Салафлар Аллоҳни махлуқотларга ўхшатишдан поклайдилар, лекин, бундай танзиҳ уларни матнларда келган исм-сифатларни инкор қилишга олиб бормайди. (Исм ва сифатларни таътилсиз танзиҳ қилиш)

Мутакаллимлар Аллоҳни ўхшатишдан поклайдилар, лекин, бу уларни матнларда собит бўлган исм ва сифатларни Аллоҳдан нафий қилишга (таътилга) олиб боради.

3. Батафсил ва қисқача баён қилиш боби

Салафлар исбот масаласида батафсил гапирдилар. Чунки, тафсилот мадҳ қилинган Зотнинг камолотларини намоён қилади. Айб ва нуқсонларни нафий қилишда эса қисқа гапирдилар. Чунки уларни санаб ўтиш мадҳ қилинган Зотнинг қадрини пасайтиради. Фақат айрим сабабларга кўра нафий масаласида тафсилотга кирадилар ва ҳар бир нафий камида унга зид бўлган камол сифатни исбот қилишни ўз ичига олиши шарт, шундагина у мадҳ ҳисобланади.

Мутакаллимлар исм-сифатларни исбот қилишда қисқа гапирдилар, нафийда эса батафсил гапирдилар. Яъни, Аллоҳни сифатлашда фақат салбий сифатларида батафсил кирадилар, лекин, бу исботни ўз ичига олмайди.

Яратувчи ва яратилганнинг исм-сифатларидаги ўхшашлик ҳақиқати:

Ўхшатиш ҳақиқати ҳақида муқаддима:

Мантиқчилар ва мутакаллимлар наздида лафзнинг қисмлари:

Мутлоқ: маъносини тасаввур қилишнинг ўзи унинг шерик бўлишини манъ қилмайдиган лафз. Масалан: «инсон», «дарахт», «китоб». Яъни, у ҳақиқатда бир хил бўлган кўп нарсага қўлланиладиган лафздир.

Жузъий: маъносини тасаввур қилишнинг ўзи унинг шерик бўлишини манъ қиладиган лафз.

Ўзбек тилида сўзлар Омоним, Антоним, Пароним ва Синоним бўлиб бўлингани каби, араб тилида ҳам Мутлоқ сўзлар қуйидагича турларга бўлинади:

Мутабойин: ёзилиши ҳам, маъноси ҳам ҳар хил бўлган сўзлар. Масалан: «дарахт – қор».

Муштарок: лафзи бир хил, лекин маънолари ҳар хил бўлган сўзлар. Бу ўзбек тилидаги Омоним қойдасига ўхшайди. Масалан:

1. Араб тилида «муштарий» сўзи сайёрага ҳам одамга ҳам ишлатилади.
2. Яна бир мисол араб тилидаги «айн» сўзи кўз, булоқ ва сотилган мол маъноларини

беради. (Яъни бир сўзнинг турли маънолари бор)

Мутародиф (синоним): ёзилиши ҳар хил, лекин маъноси бир хил.

Масалан, араб тилида қиличнинг муҳаннад, сайф, файсол каби номлари бор.

Шерни эса бир нечта асад, ҳазбар, ғузунфур деган номи бор.

Мутавотиъ: Иккига бўлинади: Умумий ва хос.

Умумий маъноси: лафз ва маънода бир хил. Масалан, эркаклик ва аёллик. Иккаласи ҳам инсон деган сўз остида бирикади.

(Яна бир мисол, «Тирик жонзот», десак бу сўзнинг ичига инсон ҳам, ҳайвону қушлар ва ҳашоратлар ҳам киради. Инсон ва тирик жонзот деган сўзлар Мутавотиъ сўзлар дейилади.)

Хос маъноси: лафзи бир хил, лекин, маъно жиҳатидан даражаси ҳар хил. Масалан,

Араб тилида кучнинг турли даражаларига қуйидаги сўзлар ишлатилади «баёз, қувват ва қудрат» бу **Мушаккак** ҳам деб аталади.

(Яъни, араб тилида баёз, қувват ва қудрат сўзлари ҳаммаси кучни билдиради, лекин ҳар бир сўздаги куч ҳар хил.

Яна бир мисол, Инсоннинг юзи қип-қизил десак, бошқа бир инсоннинг кўйлаги қип-қизил деса, қип-қизил олма десак, қип-қизил варақ десак, барчаси қизил деган маънони бераяпти, лекин барчасининг қизиллиги бир хил эмас, бири биридан қизилроқ ва шу каби бошқа мисоллар.

Яна бир гўзаллик сўзи, юз гўзаллиги, табиат гўзаллиги ва ахлоқий гўзаллик. Булар ҳаммаси гўзаллик маъносида бирлашади, аммо кимга ёки нимага нисбат берилишига қараб ҳар хи бўлади.)

Муҳим савол:

Холиққа ҳам, махлуққа ҳам нисбат берилган исм ва сифатлар — масалан, эшитиш, кўриш, илм, ирода, қудрат ва ҳаёт кабилар — мана шу умумий сўзлар ўз маъноларида Холиқ ва махлуққа нисбатан қайси турга киради?

Савол: Бу Мутабойин сўзлар тоифасиданми?

Жавоб: Йўқ, чунки уларда бир хил сўз ишлатилган, Мутавотиъ сўзларнинг ёзилиши ҳам ҳар хил бўлади.

Савол: Бу Мутабойин сўзлар тоифасиданми?

Жавоб: Йўқ. Бу муфаввизаларнинг сўзидир, чунки бу гапнинг маъноси — ҳеч қандай умумийлик йўқ, фақат ҳарф шаклларидагина ўхшашлик бор дегани.

Агар шундай десак, Аллоҳнинг исм-сифатларидан ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. Араб тилидаги муштарий сўзини юлдузга ҳам, одамга ҳам ишлатамиз, лекин, улар орасида умуман боғланиш ёки ўхшашлик йўқ бўлгани каби Аллоҳнинг исм-сифатлари билан одамнинг исм-сифати орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ бўлиб қолади. Бу эса исм-сифатлар маъноларини тушунадиган салаф солиҳлар манҳажига умуман тескаридир.

Савол: Мутародифми?

Жавоб: Йўқ, чунки, бу бир хил лафздир. Мутародиф сўзлар эса маъноси бир хил, лекин, ёзилиши, лафзи ҳар хил бўлади.

Савол: Бу мутавотиъ сўзлар тоифасига кирадими?

Жавоб: Йўқ, бу «мумассилларнинг» сўзидир. Чунки, бундай деган маънода Аллоҳнинг сифатлари билан махлуқнинг сифатлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деган гап тушунилади. Бу эса аҳли сунна вал жамоа наздида куфрдир. Чунки Аллоҳга ўхшаш ҳеч нарсa йўқ.

Савол: Бу Хос Мутавотиъ лафзлар жумласиданми? (Яъни Мушаккак)

Жавоб: Ҳа, бу аҳли сунна вал жамоанинг сўзи. Лафзи бир хил, лекин, маъно жиҳатидан даражаси ҳар хил.

Аҳли сунна вал жамоанинг «Хос Мутавотиъ» тушунчасига изох:

Мисоллар:

1. Эшитиш: умумий маъноси, эшитиладиган нарсаларни идрок этиш. У ёш йигитга ҳам, қарияга ҳам ишлатилади. Лафз бир хил, аммо, маъносида фарқ қилади: ёш йигитнинг эшитиши билан қариянинг эшитиши бир хил эмас. Махлуқ билан махлуқ орасида бундай фарқ бўлгандан кейин, Холиқ билан махлуқ орасидаги фарқ бўлиши авлороқдир.

2. Қувват: филнинг қувватига ҳам, чумолининг қувватига ҳам ишлатилади. Уларнинг ора-

сида қувват деган умумий маъно бор, лекин, қайси бир махлуққа нисбат берилса, шунинг табиатига мос ҳолда бўлади ва маънода фарқ қилади.

3. Жаннат неъматлари ва дунё неъматлари: уларнинг орасида номларда ва умумий маъноларда ўхшашлик бор, аммо, аслий неъмат ҳақиқатларидаги фарқни фақат Аллоҳ билади.

4. Руҳ ва тана: руҳ кўтарилади тушади. Тана ҳам кўтарилади ва тушади. Лекин, ҳар иккаласининг қилган амаллари ўз табиатига мос ҳолда бўлади. Улар умумий маънода ўхшаш бўлса да, иккаласи ҳам махлуқдир.

Гап шундаки, Аллоҳнинг исм ва сифати билан махлуқнинг исм ва сифати ўртасида маълум бир умумийлик бор. Умумийлик деганда, ақлда мавжуд бўладиган умумий маъно назарда тутилади, лекин, у ташқи оламда йўқ. Шу умумий маъно орқали Аллоҳнинг исм ва сифатлари маъносини тушунамиз. Аммо қўшиш, чеклаш ва хусуслаштириш билан қаралганда, Аллоҳнинг исм ва сифатлари Ўзига хос бўлиб, унда Унга ўхшаш ҳеч нарса йўқ. Махлуқнинг исм

ва сифатлари эса ўзига хос бўлиб, улар ҳеч жиҳатдан Холиқнинг сифатларига ўхшамайди.

Ўхшашлик тушунчасининг хулосаси

Биринчи: аҳли сунна вал жамоа наздида ўхшашлик (ташбиҳ):

"Ташобуҳ Ал-Мутлақ", Яъни бир нарса иккинчисига тўлиқ, ҳар томонлама ўхшаши, яъни нарсаларни улар ҳақидаги вожиб, жоиз ва мамнўъ (яъни зарур, мумкин, мумкин эмас) жиҳатларида бир хил деб ҳисоблашдир. Бунини "тамсил" дейилади. Ана шундай ташбеҳни аҳли сунна вал жамоа инкор қилади. Чунки Аллоҳ таоло айтган:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчи Зотдир». [Шўро: 11]

«Мутлақ Ат-Ташобуҳ» дегани – умумий, нисбатан маънода ўхшашлик бўлиши, яъни, фақат ақлда ва тасаввурда мавжуд бўлган ўхшашликдир. Ана шундай ўхшашликни аҳли сунна ва жамоа эътироф этади.

Иккинчи: Бидъат ва залолат аҳлидаги ўхшашлик тушунчаси:

Улар фақат исмлардаги ўхшашликнинг ўзиёқ нарсаларнинг ўзида ҳам бир хилликни талаб қилади деб ҳисоблайдилар. Масалан:

Жаҳмиялар: ўхшашликдан қочиш мақсадида барча исм ва сифатларни инкор қиладилар, фақатгина махлуққа нисбатан ишлатиш мумкин эмас деб ҳисобланган «Холиқ», «Қодир» каби исмларни истисно қиладилар.

Муътазилалар: ўхшашликдан қочиш учун, барча сифатларни инкор қилиб, исмларнигина исбот қиладилар.

Ашъарийлар: ўхшашликдан қочиш учун феълий (амалий) сифатларни инкор қилади.

7. Сифатларнинг турлари, уларга мисоллар ва ҳар бир турда бизга вожиб бўлган амал.

Сифатлар:

Манфий (яъни ноқис сифатларни нисбат бермаслик)

Мусбат (яъни комил сифатларни нисбат бериш)

Биринчи: Зотий сифатлар: азалдан абдий, Зотдан ажралмас сифатлар:

1. Юз
2. Икки қўл [кафт]
3. [Ўнг қўл] [Аллоҳнинг иккала қўли ҳам ўнг]
4. Икки кўз [кўз]
5. Зот
6. Қадам, оёқ
7. Бармоқлар
8. Ҳаёт
9. Болдир
10. Олийлик ва устида бўлиш
11. Қувват
12. Азизлик
13. Ирода ва хоҳиш
14. Қудрат

**Иккинчи: Феълий (амалий): Рабб таоло
Зоти, хоҳиши ва қудрати билан амалга
оширадиган сифатларидир.**

У бир нечта турга бўлинади:

Амаллар:

1. Кўтарилиш.
2. Келиш.
3. Куч билан келиш.
4. Яратиш.

5. Ризқ.
6. Ато этиш.
7. Ман қилиш.
8. Эҳсон.
9. Адолат.
10. Ёйиш. (Қўлни очиш маъноси)
11. Ушлаш.
12. Тирилтириш.
13. Жон олиш.
14. Яқин бўлиш.
15. Бирга бўлиш.
16. Тушиш.

Сўзлар:

1. Гапириш.
2. Нидо қилиш.
3. Муножот (секин гапириш)
4. Сўзлаш.

Ҳолатлар:

1. Ғазаб.
2. Розилик.
3. Муҳаббат.
4. Аччиқланмоқ.
5. Ёмон кўриш.
6. Кулиш.

7. Ажабланиш.

8. Қаттиқ ёмон кўриш.

Илм ва идрок қилиш:

1. Эшитиш.

2. Кўриш.

3. Илм.

Барча сифатлар ягона тарзда келтирилиши вожибдир. Чунки гапирувчи ҳам, улар билан васф қилинувчи ҳам битта.

Тамсил, таътил, таҳриф ва тақийфсиз Қуръон ва суннатда собит бўлгандай исбот қиламиз.

Аҳли сунна вал жамоа наздида Феълий сифатлар:

— Аллоҳнинг азалий асл сифатларидан, лекин хоҳлаган пайти бажаради

— Ҳодисатул Оҳад, яъни Аллоҳ азза ва жалла муайян бир амални ўз вақтида, ҳикмати тақозо қилган ўринда бажаради.

Исм ва хабар ҳамда исм ва сифат орасидаги фарқ:

Хабар — Қуръон ёки саҳиҳ суннатда собит бўлмаган, ёмон маънони англатмайдиган ҳар қандай сифат. Бундай сўзлар билан Аллоҳ таоло

ҳақида хабар бериш мумкин. Масалан: «Азалий», «Қадим», «Махлуқотлардан ажраган».

Сифат — Аллоҳ таоло ўзини сифатлаган ҳар қандай сифат. У умумий бўладими ёки муайян ҳолатга боғлиқ бўладими, фарқи йўқ. Бу сифатлар Қуръонда ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларида зикр қилинган бўлиши лозим.

Сифатлар иккига бўлинади:

Биринчи: Умумий сифат: масалан, ҳаёт, эшитиш, кўриш, сўзлаш ва ирода.

Иккинчи: Муқайяд сифат: Макр, ҳийла, қаттиқ ушлаш, қасос олиш, экиш ва ясаш кабилар.

Исм — Аллоҳнинг Зотиға ва Унда мавжуд камол сифатларига далолат қиладиган ҳар бир ном.

Қоида: Исм ва сифат бор дейиш учун ҳар иккаласи ҳақида хабар собит бўлиши шарт.

— Аллоҳнинг сифати Қуръон ва суннатда қандай тарзда айтилган бўлса, ўша қўшимча билангина Аллоҳга нисбат берилиши лозим. Масалан, бирор сифат маълум бир тарзда келса, ўша ҳолатсиз зикр қилиш мумкин эмас. (Масалан: «Улар макр қилдилар ва Аллоҳ ҳам

макр қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг «зўри»дир», деган оятдаги сифатни Аллоҳ макр қилувчи деб ўзини айтиш жоиз эмас. Балки «Аллоҳ Унга марк қилганларга макр қиладир», деб айтиш керак

— Исмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ҳар тарафлама комилликка ишора қилиши шарт. Шунинг учун: «Сифатлар боби исмлар бобидан, хабарлар боби эса сифатлар бобидан кенгроқ-дир», дейилади.

Аллоҳ таолонинг сифатларидан исмлар ўйлаб топса бўладими?

Маъновий сифатлар: улар исм кучида бўлади. Шунинг учун, кўпгина уламолар Аллоҳ таолонинг «Муҳсин», «Жамил», «Тоййиб», «Витр» исмларини собит қилганлар. Чунки, мазкур маънавий сифатлар ҳам олдинроқ айтилганлари каби ҳар томонлама мутлақ камолга далолат қилади. Шу боис, улар сифат ҳам, шу билан бирга, тўғрироқ фикрга кўра, исм ҳам ҳисобланади.

Мадҳ ва мазамматга ёки камол ва нуқсонга бўлинадиган сифатлар.

— Аллоҳни улар билан фақат мадҳ ва камол маъносида сифатлаш мумкин.

— Лекин улардан Аллоҳ таоло учун исмлар иштиқоқ қилинмайди, чунки, улар ҳар томонлама мутлақ камолга далолат қилмайди. Масалан: макр, ҳийла, экиш каби. Шунинг учун, уларни фақат Қуръонда келган шаклдагина зикр этиш мумкин, бошқа ўринларда ишлатиш мумкин эмас.

Мужмал сўзлар

Бундан мақсад, Қуръон ва суннатда Аллоҳга нисбат бериб айтилмаган, лекин, маънода тўғри ҳам, нотўғри ҳам эҳтимолга эга бўлган сўзлардир.

Масалан: жиҳат, ҳаййиз (макон), жисм, араз (қоим бўлиши учун бошқа нарсага муҳтож, фалсафачилар таърифидан), ҳодисалар, ҳаракат, ўзгариш.

Бидъат аҳллари бу сўзлар билан шундай мақсадни кўзлайдилар: Аллоҳ таолонинг Китоб ва суннатда собит бўлган сифатларини инкор этиш. Улар бу иборалар орқали ўз мақсадларини ифодалайдилар, шунда маъносини билмай-

диган киши уларнинг мақсади Раббни поклаш ва уни яккалаш деб ўйлаб қолади.

Аҳли сунна вал жамоанинг бу борада тутган ўрни: улар бу ибораларни ишлатишни ёмон кўришган. Чунки, бу иборалар мужмал бўлиб, ҳақ ва ботилни ўз ичига олиши мумкин. Уни мутлақ равишда инкор қилиш – ундаги ҳақни ҳам инкор қилишдир. Уни мутлақ равишда тасдиқлаш эса, ундаги ботилни ҳам тасдиқлашдир.

Улар бундай сўзларни инкор ҳам қилмайдилар, исбот ҳам қилмайдилар, аксинча, маъноси-ни аниқлаб сўрайдилар: агар маъноси ҳақ бўлса, тасдиқлайдилар, ботил бўлса, рад этадилар.

Бунга мисоллар:

(1) Жавҳар ва жисм:

1/ Қисмлардан, махлуқот жинсидан, модда ёки суратдан таркиб топган. Ёки якка жавҳарлардан ташкил топган – [бу ботил маъно, биз уни рад этамиз].

2/ Мавжуд, ўзи қоим, сифатлар билан васф этилган, охиратда кўриладиган – [бу ҳақ маъно, биз уни қабул қиламиз]. Лекин улар «жавҳар» ва «жисм»ни Аллоҳдан нафий қилиш билан, Аллоҳнинг хабарий, зотий сифатларини, яъни,

юз, кўз, оёқ, қўл каби сифатларни инкор қилишни назарда тутадилар.

(2) Аърозлар:

1/ Инсонда учрайдиган касалликлар ва офатлар [бу ботил маъно, биз уни инкор қиламиз].

2/ Аллоҳнинг феълий сифатлари [бу ҳақ маъно, биз қабул қиламиз]. Улар эса «аъроз»ни Аллоҳдан нафий қилиш билан умуман сифатларни ёки айниқса феълий сифатларни инкор этишни назарда тутадилар.

(3) Ҳодисаларнинг ҳулули:

1/ Махлуқларда рўй берадиган ўзгаришлар, бир ҳолатдан иккинчига ўтишлар ва шунга ўхшаш ҳодисалар, уларни ўзгартиради ва бузади. [Бу ботил маъно, биз уни рад этамиз].

2/ Ихтиёрий феъллар, масалан, гапириш, истиво, тушиш ва келиш. [Бу ҳақ маъно, биз уни қабул қиламиз].

(4) Ҳаракат:

1/ Жисмнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши, шунда биринчи ҳудуд бўшаб, иккинчиси тўлган бўлади. [Бу ботил маъно, биз рад қиламиз].

2/ Умумий сўз бўлиб, ҳолатдан ҳолатга ўтишни қамраб олади ва Зотнинг ихтиёрий сифати бўлган тушиш, келиш, йўл олиш кабиларни ҳам ўз ичига олади. [Бу ҳақ маъно, биз қабул қиламиз].

(5) Тағйир (ўзгартириш):

1/ Сифатлардаги истиҳола – масалан: соғлик касалликка, адолат золимликка, дўстлик адоватга айланиши. Шунингдек, қарилик, семирish, уйқу, унутувчанлик, пушаймон, ғам ва қайғуга тушиш. [Бунинг ҳаммаси ботил маъно, биз уни рад қиламиз].

2/ Ҳаракатнинг мутлақ маъноси, ҳодисаларнинг мутлақ содир бўлиши, калом ва феъл сифати. [Бу ҳақ маъно, биз уни қабул қиламиз].

Аллоҳ таоло исмларининг сони:

Аллоҳ таолонинг исмлари бирор сон билан чекланмаган: чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(ما أصاب عبدًا قط هم ولا حزن، فقال: اللهم إني عبدك وابن عبدك وابن أمتك ناصيتي بيدك ماض في حكمك عدل في قضاؤك، أسألك بكل اسم هو لك سميت به

نفسك أو أنزلته في كتابك أو علمته أحدًا من خلقك أو استأثرت به في علم الغيب عندك، أن تجعل القرآن ربيع قلبي...).

«Бандага қандай бир ғам ёки қайғу етганда ушбу сўзларни айтса: Аллоҳим! Дарҳақиқат, мен Сенинг кулингман, кулингни ўғлиман, чўрингни ўғлиман. Пешонам қўлингда (яъни, мен Сенинг салтанатинг-ҳукминг остидаман). Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менинг устимдаги қазо (амр-ҳукминг) адолатдир. Сенга тегишли бўлган ҳар бир исм билан Сендан сўрайман: у исм билан Ўзингни номлаган ёки бирон китобингда нозил қилган ёки уни бирон бандангга билдирган ёки Ўз ҳузурингдаги ғайб илмида сақлаб қўйган эдинг. Шу исмларнинг ҳаммаси билан сўрайман – Қуръонни қалбимнинг баҳори қилгин...»¹

Ким Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исмини ёдлаб, улар билан дуо қилса ва уларнинг мазмунига амал қилса, жаннатга киради. Улар Қуръон ва саҳиҳ суннатда зикр этилган исмлардандир. Лекин, у исмларни санаб берувчи саҳиҳ ҳадис ворида бўлмаган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

¹ Аҳмад ривояти (1/391).

(لله تسعة وتسعون اسمًا - مائة إلا واحد - لا يحفظها أحد إلا دخل الجنة، وهو وتر يحب الوتر).

«Аллоҳда тўқсон тўққизта, юзтадан битта кам исми бор. Ким уни ёдласа, жаннатга киради. У Зот витр ва витрни яхши кўради».¹

Маълум бир олим аниқ ушбу исмлар назарда тутилган деб қатъий ҳукм чиқариши жоиз эмаслигига эътибор бериш лозим, чунки, бу фақат ижтиҳоддир. Ва муваффақият берувчи Аллоҳ.

Баъзи исмлар ҳақида эслатма:

1. «Қадим»: Ибн Можа «Сунан»ида² исмлар рўйхатида келган. Лекин, бу рўйхат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзидан эмаслигига ҳадис илми уламолари ва ҳофизлари иттифоқ қилганлар. Шу рўйхатда ушбу исмнинг келиши ҳам шунга далолат қилади.

2. «Ал-Боқий», «Аз-Зорий», «Ал-Мудаббир», «Ал-Қозий», «Ал-Ғийас», «Ал-Муҳйий», «Ал-Мумийт», «Ал-Вафий», «Ал-Муқсйт», «Ал-Баъис» кабилар ҳақида тўғриси шуки, улар исмлардан эмас, балки, Аллоҳ таолонинг феъл сифатларидандир.

¹ Имом Бухорий (6410) ва имом (2677).

² Ибн Можа (3861).

3. Фақат изофа билан келган ва шу ҳолатдагина ворид бўлган исмлар масалан: «Зул-жалоли вал-икром», «Зул-фазли-л-азим», «Зул-қуввати-л-матин», «Зул-арши-л-мажид», «Зуттовли вал-ихсаан», «Фотирус-самовати вал-ард», «Фалиқул-хабби ван-нава», «Мунзилул-китааб», «Сари'ул-ҳисааб», «Алламул-ғуюб», «Раббул-арши-л-азим», «Раббул-арши-л-карим», «Раббус-самовати-с-саб'», «Хойру-р-роҳимин».

Тўғрироқ сўз:

Уларни Аллоҳнинг исмларидан деб ҳисобламаслик. Чунки уларнинг ичида:

А) «Зу» (соҳиби) сўзи билан бошланганлари бор. Бу эса, Аллоҳ у нарсаларнинг эгаси эканлиги ҳақида хабар беришдир.

Б) Фаолиятига сифат бўлиб келганлар, масалан: «Ҳисобни тез олувчи».

В) Фақат маълум бир амал турини англатиб, умумий бўлмаганлар, масалан: «Дон ва дона ёриб чиқарувчи». (Салаф уламолардан бир нечтаси юқорида зикр қилинганларни Аллоҳни исмларидан деб атаган

8. Аллоҳнинг исм ва сифатларидан намуна

Далил:

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ۝ اللَّهُ الصَّمَدُ ۝ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ۝ لَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ — Сомаддир. У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган». [Ихлос: 1-4]

Исм, сифат ва изоҳ

Аллоҳ: севиб ва улуғлаб ибодат қилинадиган маъбуд.

Аҳад: ҳеч қандай шерик ва ўхшаши бўлмаган Зот.

Сомад: сифатида комил, барча махлуқот Унга эҳтиёжманд бўлган Зот.

Туғмаган: У фарзандга муҳтож эмаслиги учун.

Туғилмаган: Чунки У ҳамма нарсани яратган, аввалдан бор бўлган, Ундан олдин ҳеч нарса йўқ.

Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган: Унинг сифати комил бўлгани учун Унга тенг келадиган ҳеч ким йўқ.

Далил:

﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ﴾

«Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирикдир ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, холос. Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. У уларни муҳофаза қилишдан чарчамас. Ва У Олий ва Азийм Зотдир». [Бақара: 255]

Исм, сифат ва изох:

Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ: У ягона улўҳият соҳиби. Бундан аввалги бобда баён қилинган.

Ал-Ҳайй: мутлақ ҳаёт соҳиби. Унинг ҳаётига аввал йўқлик сабаб бўлмаган ва охири-да ҳам йўқолишга йўлиқмайди.

Ал-Қаййум: Ўзи қоим ва махлуқотлари устида қоим бўлиб, уларни хоҳлаганидай бошқарувчи.

Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди: бу унинг ҳаёти ва қоимлиги мукаммал эканини билдириш учун.

Осмонларда ва ерда нима бўлса, барчаси Уникидир: бу Унинг мулк сифати.

Унинг ҳузурида фақат Унинг изни билангина шафоат қилинади: бу Унинг улуғворлиги ва султони мукаммаллигини ифода этади.

Илм сифати: Унинг илми барча махлуқотларни қамраб олувчи.

Машиъат: Унинг коинотдаги иродаси. Бу ҳақда кейинроқ тушунтирилади.

Курсий – Раҳмоннинг оёқ қўйгичи¹, у Арш эмас. У Аршга нисбатан чўлга ташланган ҳалқа кабидир². Етти осмон ва ерлар эса Курсийга нисбатан чўлга ташланган ҳалқа кабидир.

¹ «Иъонатул-мустафид шарҳ китоб ат-Таухид» 455-бет.

² Ибн Аби Шайба «Китоб ал-Арш»да 58-рақам билан ривоят қилган. Албоний эса «Саҳиҳ» китобида (109) саҳиҳ деб санаган.

У уларни муҳофаза қилишдан чарчамас: чунки У Зотнинг илм-у қудрати, сақловчи сифати ва раҳмати комилдир.

Олий: Зоти ва сифатлари билан олий бўлиб, унга ҳеч қандай айб ёки нуқсон етмайди.

Азим: буюклик, жалол ва кибриё соҳибидир.

Далил:

﴿وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ﴾

«Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккал қил». [Фурқон: 58]

Исм, сифат ва изоҳ:

1. Ал-Ҳайй: изоҳ айтиб ўтилди.

Ўлмайдиган: чунки У Зотнинг ҳаёти комил.

Далил:

﴿هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

«У аввал ва охир, зоҳир ва ботиндир. Ва У ҳар бир нарсани билувчидир». [Ҳадид: 3]

Исм, сифат ва изоҳ:

1. Ал-Аввал: Ундан олдин ҳеч нарса йўқ.

2. Ал-Охир: Ундан кейин ҳеч нарса йўқ.

3. Ал-Зоҳир: Ундан юқорида ҳеч нарса йўқ.

4. Ал-Ботин: Ундан яқинроқ ҳеч ким йўқ.

5. Илм сифати: бир нарсани қандай бўлса ўшандай англаш. Аллоҳнинг илми макон, замон ва сифат жиҳатидан ҳамма нарсани қамраб олган.

Далил:

﴿الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ﴾

«Ал-Алийм, Ал-Ҳакийм». [Таҳрим: 2]

Исм, сифат ва изоҳ:

1. Ал-Алим (Барча нарсани билувчи): Аллоҳнинг исмларидан бири.

2. Ал-Ҳаким: Яъни, яратиши, ишлари ва шариатида ҳикмат эгаси.

Яъни, ҳоким: хоҳлагандай ҳукм чиқаради, Унинг ҳукмини таъқиб қилгувчи йўқ.

Далил:

﴿يَعْلَمُ مَا يَلِجُ فِي الْأَرْضِ وَمَا يَخْرُجُ مِنْهَا وَمَا يَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا يَعْرُجُ فِيهَا وَهُوَ الرَّحِيمُ الْغَفُورُ﴾

«У, ерга нима кирса ва ундан нима чиқса, биладир, осмондан нима тушса ва унга нима чиқса, биладир. Ва У ўта раҳимли ва ўта мағфиратли Зотдир». [Сабаъ: 2]

Исм, сифат ва изоҳ:

Аллоҳ илмининг кенглиги ҳақида сўзлаб ўтилди.

Далил:

﴿وَعِنْدَهُ مَفَاتِيحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٍ فِي ظِلْمَتٍ الْأَرْضِ وَلَا رَطْبٍ وَلَا يَابِسٍ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ﴾

«Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурида, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир. Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир. Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси Очиқ китобда бордир». [Анъом: 59]

Исм, сифат ва изоҳ:

1. Аллоҳнинг илми кенглиги.

2. Ғайб калитларини фақатгина У биладир. Ғайб калитлари:

﴿إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ وَيُنَزِّلُ الْغَيْثَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْأَرْحَامِ وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ مَّاذَا تَكْسِبُ غَدًا وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ بِأَيِّ أَرْضٍ تَمُوتُ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ﴾

«Албатта, қиёмат соати илми ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ёмғирни У ёғдирур. Бача-

донлардаги нарсани ҳам У билур. Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас. Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ ўта билгувчи ва ўта хабардордир». [Луқмон: 34]

Далил:

﴿وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنْثَىٰ وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِ﴾

«Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур». [Фотир: 11]

Исм, сифат ва изоҳ:

Илм сифати ва унинг қанчалик кенг эканининг баёни: бу ҳақида хабар берилди.

Учинчи босқич

Фаришталар, китоблар, пайғамбарлар, қиёмат куни ва қазои қадарга иймон келтириш

Биринчи: Фаришталарга иймон келтириш:

1. Фаришталар сўзининг луғавий маъноси
2. Фаришталар сўзининг шаръий маъноси
3. Фаришталарга иймон келтиришнинг аҳамияти
4. Фаришталар ҳақида қисқача маълумотлар (исмлар – сифатлар – вазифалар)
5. Иблис фаришталардан ҳисобланадими?
6. Ҳорут ва Морут фариштами?
7. Фаришталар ва башарият орасидаги афзалликлар
8. Тоатларни бажариш ва мункарларни тарк этишда фаришталарга иймон келтиришнинг таъсири бўйича намуналар
9. Фаришталарга иймон келтиришнинг самаралари

1. Ғаришталар сўзининг луғавий маъноси

Ғаришталар луғатда: «Малаъак» сўзидан олинган бўлиб, ҳамзаси ўчирилиб «Малак» сўзидан олинган.

«Маълакаҳ» ва «алукаҳ» сўзининг маъноси: рисолат деганидир. «Алака», яъни, рисолатни етказди деган сўздан олинган.¹

Ғаришталар бу исм билан аталганининг сабаби, чунки улар барчаси Аллоҳнинг кавний ёки шаръий амрларини етказадилар.²

Аллоҳ таоло айтади:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلِكَةِ رُسُلًا أُولَىٰ أَجْنَحَةٍ مَّتَنَّى
وَوُتِلَتْ وَرُبَعٌ يَزِيدُ فِي الْخَلْقِ مَا يَشَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Осмонлару ерни йўқдан бор қилган, ғаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. У зот махлуқотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир». [Фотир: 1]

Малоика: «малаъка» сўзининг жамъи бўлиб, асли «маълака» сўзидир. Маълаканинг феъли

¹ «Ан-Ниҳоя фи ғариб ал-ҳадис» (4/359), ва «Аркон ал-иймон» Ибн Усаймин (23).

² Таҳовия ақидаси шарҳи (2/461).

«алака», яъни, рисолатни етказди дегани. Малоикалар бундай деб аталишининг сабаби, уларнинг барчаси Аллоҳнинг элчиларидирлар.

2. Фаришталар сўзининг шаръий маъноси

Аллоҳ яратган жонзотлардан бири, уларни Аллоҳ нурдан яратган. Улар жин ҳам, инсон ҳам эмас. Улар ғайб оламига мансуб бўлиб, Аллоҳ учун махсус амаллар ва ибодатлар билан вази-фаланганлар. Аллоҳнинг болалари ҳам, шериклари ҳам, тенгдошлари ҳам эмас, аксинча итоат табиатларига сингдирилиб яратилган Аллоҳнинг мукаррам бандалари.¹

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَقَالُوا اتَّخَذَ الرَّحْمَنُ وَلَدًا سُبْحَنَهُ ۚ بَلْ عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ﴾

«Улар: «Раҳмон фарзанд тутди», дедилар. У покдир. Йўқ! Икром этилган бандалардирлар». [Анбиё: 26]

Имом Муслим ўз санади билан Саҳиҳида Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

¹ «Шарҳ ат-Таҳовия» (2/460), «Маъорижул-Қобул» (2/656) ва «Шарҳ усул ал-иймон» Ибн Усаймин (25).

(خُلِقَتِ الْمَلَائِكَةُ مِنْ نُورٍ وَخُلِقَ الْجَانُّ مِنْ مَارِجٍ مِنْ نَارٍ وَخُلِقَ آدَمُ مِنْ مِمَّا وَصَفَ لَكُمْ).

«Фаришталар нурдан, жинлар олов алангасидан, Одам алайҳиссалом эса сизларга васф қилинган нарсадан яралди», дедилар.¹

Фаришталар:

1. Инсон ҳам, жин ҳам эмаслар
2. Нурдан яратилган
3. Ихтиёрсиз
4. Мукаллаф
5. Ғайб оламидан

3. Фаришталарга иймон келтиришнинг аҳамияти

Фаришталарга иймон келтиришнинг аҳамияти кўп ишларда зоҳир бўлади. Улардан:

1. Ислом динининг иймон руқнларидан бири. Банда фаришталарга иймон келтирмасдан иймонли бўла олмайди. Ким уларнинг мавжудлигини инкор этса, уларни ҳақоратласа ёки масҳара қилса, Ислом аҳлидан ҳисобланмайди.

Аллоҳ таоло айтади:

(ءَاَمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ ۚ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَاَمَنَ بِاللّٰهِ وَمَلَائِكَتِهِ)

¹ Имом Муслим (2996).

«Пайғамбар унга ўз Раббисидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Аллоҳга, Унинг фаришталарига ... иймон келтирди». [Бақара: 285]

﴿وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўладир». [Нисо: 136]

﴿مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَالَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوٌّ لِلْكَافِرِينَ﴾

«Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Пайғамбарларига, Жаброилга ва Микоилга душман бўлса, албатта, Аллоҳ кофирларнинг душманидир». [Бақара: 98]

Жаброил алайҳиссаломнинг машҳур ҳадисларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам иймон ҳақида шундай деганлар:

(أَنْ تَوَظَّنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَتَوَظَّنَ بِالْقَدَرِ خَيْرُهُ وَشَرُّهُ).

«Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшиси-ю ёмонига иймон келтиришингиз».¹

2. Уларга иймон келтириш ваҳийга иймон келтиришнинг асоси. Чунки, фаришталар Аллоҳнинг пайғамбарларига элчилари бўлиб, У Зотнинг каломини етказадилар, китобларини уларга туширадилар. Шунинг учун, улар ҳақида зикр қилиш китоблар ва расуллар ҳақида зикр қилишдан олдин келади. Демак, уларга иймон келтириш ваҳийга бўлган иймоннинг асосидир.

3. Улар Аллоҳнинг ҳузурида улуғ мақомга эга. Шу сабабли, Қуръон ва суннатда улар кўп маротаба зикр қилинганлар, вазифалари баён этилган. Қуръонда уларнинг Аллоҳга ибодатлари, Аллоҳ ҳузуридаги мартабалари тилга олинган ҳамда улар ихлос, поклик, икром, каромат ва қувват сифатлари билан сифатланганлар.

4. Аллоҳ таоло Ўз исмини уларнинг исмлари билан қўшиб зикр қилади, салавотини уларнинг салавоти билан бирга келтиради ва ша-рафли ўринларда уларни Ўзига нисбат беради.

¹ Манбаси зикр қилинди.

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари набийга салавот айтурлар. Эй, иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга салавот айтинг ва салом юборинг». [Аҳзоб: 56]

Фаришталарга иймон келтиришнинг аҳамияти:

1. Рукн
2. Ваҳийга иймон келтиришнинг асоси
3. Қуръони каримда кўп зикр қилинганлик-лари

Аллоҳ Ўз исмини уларнинг исмлари билан, салавотини салавотлари билан зикр қилиб, уларни Ўзига нисбат беради.

Фаришталарга умумий иймон келтириш

Биринчи: Уларнинг борлиги ва исмларига иймон келтириш

Иккинчи: Уларнинг вазифаларига, жумладан, пайғамбарларга ваҳий олиб тушишларига иймон келтириш.

Учинчи: Аллоҳ уларга берган мартабага иймон келтириш. Чунки, улар Аллоҳнинг итоатига мажбур қилиб яратилган бандадирлар.

Шунинг учун, биз улар ҳақида ғулуvgа кетмаймиз: яъни, уларни "худолар", оламни бошқарувчи сайёралар ёки Аллоҳнинг қизлари деб айтмаймиз, албатта, Аллоҳ бундан покдир.

Ва уларга хурматсизлик ҳам қилмаймиз. Яъни, улар Аллоҳнинг амрларига осий бўлади ёки Унинг ҳукм ва шариатига эътироз қилади демаймиз.

Фаришталарга батафсил иймон келтиришнинг моҳияти

Биринчи: Қуръон ва суннатда Аллоҳ зикр қилган фаришталарнинг исмларига иймон келтириш.

Иккинчи: Қуръон ва суннатда келган сифатларига иймон келтириш.

Учинчи: Қуръон суннатда келган вазифаларига иймон келтириш.

4. Фаришталар ҳақида қисқача маълумотлар

Баъзи фаришталарнинг исмлари:

Исм: Жаброил, унинг исмларидан яна: Рух, Рухул-Қудс ва Рухул амийн.

Мийкоил: ёмғирга муваккал фаришта.

Далил:

﴿مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَالَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوٌّ
لِّلْكَافِرِينَ﴾

«Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Пайғамбарларига, Жаброилга ва Мийкоилга душман бўлса, албатта, Аллоҳ кофирларнинг душманидир». [Бақара: 98]

Исм: Исрофил: Сурга нафх қилишга муваккал фаришта.

Далил: Абдурахмон ибн Авф разияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Оиша разияллоху анҳодан «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тунда туриб намоз ўқисалар, намозни қайси дуо билан бошлар эдилар», деб сўрадим. Шунда Оиша разияллоху анҳо: «Тунда туриб намоз ўқисалар, намозларини:

﴿اللَّهُمَّ رَبَّ جِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَإِسْرَافِيلَ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ عَالِمَ الْغَيْبِ
وَالشَّهَادَةِ﴾.

«Аллоҳумма, Робба Жибройла ва Мийкаайла ва Исрофийла, фаатирос-самааваати вал-арз, таалимал-ғойби ваш-шаҳаадаҳ», билан бошлар эдилар» дедилар».¹

Исм: Молик: Дўзах посбони

Далил:

﴿وَنَادُوا يَمْلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ قَالَ إِنَّكُمْ مَكِثُونَ﴾

«Улар: «Эй Молик! Раббинг бизни битирсин!» деб нидо қилдилар. У: «Албатта, сиз қолгувчисиз», деди». [Зухруф: 77]

Исм: Мункар ва Накир

Далил: Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

(إِذَا قُبِرَ الْمَيِّتُ، أَوْ قَالَ: أَحَدُكُمْ، أَتَاهُ مَلَكَانِ أَسْوَدَانِ أَزْرَقَانِ، يُقَالُ لِأَحَدِهِمَا: الْمُنْكَرُ، وَلِلْآخَرِ: النَّكِيرُ،...)

«Маййит қабрга қўйилгач, (бошқа бир лафзда: «биринглар қабрга қўйилгач», дейилган) икки қора, кўк фаришта келади. Бирининг исми Мункар, иккинчисиники Накир ...»²

Фаришталарнинг баъзи сифатлари:

Сифат: Хилқатларининг катталиги

¹ Имом Муслим (200)

² Тирмизий ривояти: (1071).

Далил:

﴿عَلَيْهَا مَلَكَةٌ غِلَظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ﴾

«Унинг тепасида кўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар».

[Таҳрим: 6]

Сифат: Ҳар хил шаклга кира олишлари

Далил:

﴿فَاتَّخَذَتْ مِنْ دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا﴾

«Ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда, Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди». [Марям: 17]

Сифат: Эркак ёки аёл жинсидан деб сифатланмайдилар.

Далил:

﴿وَجَعَلُوا الْمَلَائِكَةَ الَّذِينَ هُمْ عِبْدُ الرَّحْمَنِ إِنثًا أَشْهَدُوا خَلْقَهُمْ سَتُكْتَبُ شَهَادَتُهُمْ وَيُسْأَلُونَ﴾

«Улар Раҳмоннинг бандалари бўлмиш фаришталарни аёллар ҳисобладилар. Ёки уларнинг яратилишига гувоҳ бўлдиларми?! Албатта, бу гувоҳликлари ёзилур ва сўроққа тутилурлар!»

[Зухруф: 18]

Сифат: Башарият амалини ёзиб борадилар

Далил:

﴿يَعْلَمُونَ مَا تَفْعَلُونَ﴾

«Улар нима қилаётганингизни билурлар».

[Инфитор: 12]

Сифат: Рухларни қабз қилиш

Далил:

﴿قُلْ يَتَوَفَّنَا مَلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ﴾

«Сиз: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир. Сўнгра Раббингизга қайтарилиурсиз», деб айтинг». [Сажда: 11]

Сифат: Емайдилар ва ичмайдилар

Далил:

﴿فَقَرَّبَهُوَ إِلَيْهِمْ قَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ﴾

«Уни уларга яқин сурди ва: «Емайсизларми?» деди». [Зориёт: 27]

Фаришталарнинг баъзи вазифалари

Вазифа: Пайғамбар ва анбиёларга ваҳий нозил қилиш

Далил:

﴿نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ﴾

«Уни Рухул Амийн олиб тушди». [Шуаро: 193]

Вазифа: Тўхтамай малолланмай Аллоҳга ибодат қилиш

Далил:

﴿وَلَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ عِنْدَهُ لَا يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِهِ وَلَا يَسْتَحْسِرُونَ﴾

«Осмонлару ердаги барча жонзотлар Уники-дир. Унинг хузуридагилар ибодатидан такаб-бурлик қилмаслар ва малолланмаслар». [Анбиё: 19]

Вазифа: Мўминларни собитқадам қилиш ва уларга башорат бериш

Далил:

﴿إِذْ يُوحَىٰ رَبُّكَ إِلَى الْمَلِكَةِ أَنِّي مَعَكُمْ فَثَبَّتُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

«Ўшанда Раббингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит қилинг!» деб, ваҳий қилган эди. [Анфол: 12]

Вазифа: Аршни кўтариб туриш

Далил:

﴿وَالْمَلِكُ عَلَىٰ أَرْجَائِهَا وَيَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَنِيَّةٌ﴾

«Ва фаришталар унинг атрофида ва ўша кунда Раббингнинг аршини саккизтаси кўтариб турадир». [Ал-Ҳааққоҳ: 17]

5. Иблис фаришталардан ҳисобланадими?

Бу масаладаги тўғри ва зоҳир ҳужжатлар далолат қилган сўз, Иблис фаришта эмас, аксинча, жин. Бир неча далил бунга далолат қилади:

1. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ﴾

«Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», деганимизни эсланг! Бас, ўшанда улар сажда қилдилар. Магар, Иблис қилмади. У жиндан бўлган эди». [Каҳф: 50]

﴿قَالَ مَا مَنَعَكَ أَلَّا تَسْجُدَ إِذْ أَمَرْتُكَ قَالَ أَنَا خَيْرٌ مِّنْهُ خَلَقْتَنِي مِن نَّارٍ وَخَلَقْتَهُ مِن طِينٍ﴾

«У Зот: «Сенга амр этганимда сажда қилишингдан нима тўсди?» деди. У: «Мен ундан яхшиман, мени ўтдан яратдинг ва уни лойдан яратдинг», деди». [Аъроф: 12]

Бизга маълумки, жинлар оловдан, фаришталар эса нурдан яратилганлар.

2. Бир нечта оятлар фаришталар Аллоҳ таолонинг амрига осий бўлмаслигига далолат қилган. Улардан бири: «Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар». [Таҳрим: 6]

3. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидаги истисно:

﴿وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ﴾

«Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», деганимизда, улар сажда қилдилар. Магар иблис бош тортди». [Бақара: 34 ва Аъроф: 12]

«Истисно мунқатиъ» (узилган истисно)да истисно қилинган нарсa, истисно қилинган асосий гуруҳдан бўлиши шарт эмас. Масалан, Аллоҳ таоло қуйидаги оятда марҳамат қилади:

﴿إِلَّا أَتْبَاعَ الظَّنِّ وَمَا قَتَلُوهُ يَقِينًا﴾

«Магар гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир». [Нисо: 157]

Бу ерда магарам сўзининг маъноси "лекин" маъносида ишлатилган.

Унда нега у (Иблис) улар билан бирга амр ичига киритилди? Жавоб: У амр қилинган

вақтда улар орасида эди. Баъзи салафлар айтганларки, Иблис фаришталар билан ибодат қилган, шунинг учун унга уларнинг номи берилган. Чунки у уларга тобе эди. Қабиладаги ҳамкор (ҳалиф)га гарчи унинг аслидан бўлмаса ҳам, шу қабиланинг номи берилганидек. Аллоҳ билувчидир.

6. Ҳорут ва Морут фаришталарданми?

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَاتَّبِعُوا مَا تَتْلُوا الشَّيْطَانُ عَلَىٰ مُلْكٍ سُلَيْمَنَ ۖ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَنُ وَلَكِنَّ الشَّيْطَانَ كَفَرُوا يَعْلَمُونَ ۚ النَّاسُ السَّحَرُ وَمَا أُنْزِلَ عَلَى الْمَلَائِكِينَ بِبَابِلَ هَارُوتَ وَمَارُوتَ ۚ وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ ۚ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءِ وَزَوْجِهِ ۚ وَمَا هُمْ بِضَارِّينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ۚ وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ ۚ وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنِ اشْتَرَاهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلْقٍ وَلَبِئْسَ مَا شَرُّوا بِهِ ۚ أَنْفُسَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

«Ва Сулаймон подшоҳлигида шайтонлар тиловат қилган нарсага эргашдилар. Сулаймон куфр келтиргани йўқ. Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар. Ва Бобилда Ҳорут ва Морут номли икки фариштага тушган нарсага эргашдилар. Икковлари

ҳатто: «Биз фитна — синов учунмиз, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмасдилар. Бас, икковларидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганишар эди. Ва улар у билан Аллоҳнинг изнисиз бирор кишига зарар етказувчи эмасдилар. Ва улар зарар келтирадиган, фойда келтирмайдиган нарсани ўрганурлар. Ва батаҳқиқ, биладиларки, уни сотиб олган кишига охиратда насиба йўқ. Агар билсалар, ўзларини сотган нарса қандоқ ҳам ёмон!» [Бақара: 102]

Оят тафсирида икки хил сўз бор:

Биринчи сўз: Улар Бобилдаги икки киши бўлиб одамларга сеҳр ўргатар эдилар.

Бу ҳолда оят икки хил тушунилади:

Биринчи қараш: «ва ма унзила ъалал-малакайн» деган оятдаги «ма» – нафий маъносида бўлиб, «ва маа кафаро сулаймаан» жумласига атф қилинган. «Ал-малакайн» эса Жаброил ва Микоилдир. Яъни, яҳудий сеҳргарлари иддао қилганидек, сеҳр Жаброил ва Микоилга нозил қилинмаган.

Иккинчи қараш: «малакайн» калимасидаги «лам» ҳарфи касра билан ўқилади. Бу машҳур бўлмаган қироатдир.

Иккинчи сўз: улар икки фариштадир. Буни қуйидагича тушуниш мумкин:

Ёки Аллоҳ уларни бандалари учун синов сифатида юборган, улар эса одамларга ўргатишдан аввал сеҳрни ўрганишдан огоҳлантирар эдилар.

Ёки улар сеҳр ҳақида хабар бериб, унинг ботиллигини баён қилиб, ундан сақланишга буюрар эдилар. Бу ердаги «ўргатиш» сўзи «хабар бериш» маъносида келган.

Шунинг учун, оятни муҳкам оятлар нурида тушуниш лозим, яъни, фаришталарга Аллоҳ нима буюрса, улар Унга итоатдан чиқмайдилар ва буюрилган нарсани бажарадилар.

Энг тўғри қараш – яна Аллоҳ билгувчидир – Ҳорут ва Морут фаришта эмасдир.

Ибн Жарир айтган: «Оятнинг тафсири: одамлар шайтонлар Сулаймоннинг салтанати даврида ўқиб юрган сеҳрларига эргашдилар. Сулаймон куфр келтирмади ва Аллоҳ таоло малакларга сеҳрни нозил қилмади. Лекин,

шайтонлар куфр келтирдилар — улар одамларга Бобилда сеҳр ўргатар эдилар. Ҳорут ва Морут (шу ерда тилга олинган). Шунда, У Зотнинг сўзи шундай маънони англатади:

﴿بَابِلَ هَارُوتَ وَمَارُوتَ﴾

«Бобилдаги Ҳорут ва Морут» Кейинга қўйилган, лекин, маъносида олдинга чиқарилган (сўз/ибора).

(Яъни, грамматикада баъзан жумлада ортга сурилган сўз маънода биринчи ўринга чиқади).

У: «Агар бирор киши биздан: “Бу нарсани илгари суришнинг маъноси қандай?” деб сўраса, унга: “Илгари суришнинг маъноси қуйдагича:” деб жавоб берилади».

﴿اتَّبِعُوا مَا تَتْلُوا الشَّيْطَانُ عَلَىٰ مُلْكٍ سُلَيْمَنَ﴾

«Ва Сулаймон подшоҳлигида шайтонлар тиловат қилган нарсага эргашдилар». Яъни сеҳрга:

﴿وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَنُ﴾

«Сулаймон куфр келтиргани йўқ». Аллоҳ икки фариштага сеҳр тушургани ҳам йўқ.

﴿وَلَكِنَّ الشَّيْطَانَ كَفَرُوا يَعْلَمُونَ النَّاسَ السَّحَرُ﴾

«Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар». Бобилда Ҳорут ва Морут. Икки фариштадан мурод эса – Жаброил ва Микоил алайҳимассалом назарда тутилган. Чунки яҳудий сеҳргарлари ривоят қилинганларидек, Аллоҳ таоло Жаброил ва Мийкоилнинг тили орқали Сулаймон ибн Довудга сеҳрни нозил қилган, деб даъво қилишар эди. Аллоҳ таоло уларни бу даъволарини ёлғонга чиқариб, Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар бердики, Жаброил ва Мийкоил ҳеч қачон сеҳр нозил қилмаганлар, Сулаймон алайҳиссалом ҳам улар айтган сеҳрдан покдир. Аллоҳ таоло сеҳр шайтонларнинг иши ва улар Бобилда одамларга уни ўргатганлари ҳақида хабар берди. Шунингдек, одамларга ўргатадиган икки киши борлиги айтилди: бири Ҳорут, иккинчиси эса Морут.¹

7. Фаришталар афзалми ёки одамларми?

Афзалликда қиёслаш суратларидан:

¹ Тафсир Ибн Жарир (519/1-544)

Фаришталар афзалми ёки пайғамбарларми?

Бу ҳақда бешта сўз бор:

1. Пайғамбарлар афзал.
2. Фаришталар афзал.
3. Фаришталар барча пайғамбарлардан афзал, фақатгина, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фаришталардан афзал.
4. Гуноҳ қилмаган фаришталар афзал (бунда Ҳорут ва Марут истисно қилинади).
5. Таваққуф (қатъий бир тарафни олмаслик).

Хос фаришталар афзалми ёки авлиёларми?

Бу ҳақда икки хил сўз бор:

1. Хос фаришталар афзал.
2. Авлиёлар афзал.

Фаришталардан хос бўлмаганлари афзалми ёки авлиёларми?

Бу ҳақда ҳам икки сўз бор:

1. Хос бўлмаган фаришталар афзал.
2. Авлиёлар афзал.

Бу масаладаги таҳқиқ шуки:

1. Яратилиш, макон, таклиф ва бошқа жиҳатларда фарқли бўлган икки турни ўзаро солиштиришнинг ҳеч кераги йўқ.

2. Ибодат нуқтаи назаридан қиёс қилиш мумкин: Аллоҳга қайси бири кўпроқ ибодат қилади? Айтилганки: фаришталар итоат қилишга ва маъсият қилмасликка мажбур ҳолда яратилганлар, инсон эса икки нарса орасида ихтиёрга эга. Шунинг учун, унинг Аллоҳга ибодати уни фазилатда фаришталардан ҳам юқорига кўтаради.

3. Баъзилар солиҳ инсонларни дунёдаги гуноҳ-маъсиятларга аралашишларидан эмас, аксинча, жаннатга кириш ҳамда тасбеҳга илҳомланиш нуқтаи назаридан фаришталардан устун кўришган.

4. Билиш керакки, бу масала ортиқча баҳс ҳисобланади. Инсон унда ҳаддан ошиб кетмаслиги лозим. Бу масала инсонни Аллоҳга ибодат қилишга ундаш учундир. Шунда инсон фаришталардан ҳам улуғ мақомга етиши мумкин.

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтадилар: «Ибн Таймийядан: «Одам боласининг солиҳлари афзалми ёки фаришталарми?» деб сўралди».

У жавоб берди: «Солиҳ инсонлар охирги мақомга қаралса, афзал! Фаришталар эса, бошланғич ҳолатга қаралса, афзалроқ! Чунки, фаришталар ҳозирги пайтда Аллоҳнинг ҳузурида бўлиб, одам фарзандига хос нарсалардан покланган, Раббнинг ибодатига бутунлай берилиб кетган ҳолдадирлар. Бу ҳолатлар, шубҳасиз, ҳозирда инсоний ҳолатлардан кўра комилроқдир.

Қиёмат кунида эса, жаннатга киргандан кейин солиҳ инсонларнинг ҳолати фаришталарнинг ҳолатидан ҳам комилроқ бўлади. Ана шу тафсилот билан афзаллик сири очилади ва икки тараф далиллари бир-бирига мувофиқ келади».

8. Тоат-ибодатларни бажаришда фаришталарнинг таъсиридан намуналар

1. Намоз:

Жума намозига эрта бориш: Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إِذَا كَانَ يَوْمُ الْجُمُعَةِ وَفَتَبَتِ الْمَلَائِكَةُ عَلَى بَابِ الْمَسْجِدِ يَكْتُبُونَ الْأَوَّلَ فَلَا أَوَّلَ.
وَمَثَلُ الْمُهْجَرِ كَمَثَلِ الَّذِي يُهْدِي بَدَنَةً ثُمَّ كَالَّذِي يُهْدِي بَقَرَةً ثُمَّ كَبْشًا ثُمَّ دَجَاجَةً ثُمَّ
بَيْضَةً فَإِذَا خَرَجَ الْإِمَامُ طَوَوْا صُحُفَهُمْ وَيَسْتَمِعُونَ الذِّكْرَ).

Жума куни масжид эшиклари олдида келган-ларни бирма-бир ёзиб турадиган фаришталар бўлади. Барвақт келган киши туя, кейингиси сигир, ундан кейингиси қўчқор қурбонлик қилгандек (савоб олади). Кейингиси товуқ қурбонлик қилгандекдир. Кейингиси эса тухум қурбонлик қилгандекдир. Имом (минбарга) ўтиргач, саҳифаларни ёпиб, зикрга ҳозир бўлишади», дедилар.¹

Жамоат намозига маҳкам бўлиш: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

(يَتَعَاقِبُونَ فِيكُمْ مَلَائِكَةٌ بِاللَّيْلِ وَمَلَائِكَةٌ بِالنَّهَارِ وَيَجْتَمِعُونَ فِي صَلَاةِ الْعَصْرِ وَصَلَاةِ الْفَجْرِ ثُمَّ يَخْرُجُ الَّذِينَ بَاتُوا فِيكُمْ فَيَسْأَلُهُمْ وَهُوَ أَعْلَمُ بِكُمْ فَيَقُولُ كَيْفَ تَرَكْتُمْ عِبَادِي فَيَقُولُونَ تَرَكْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ وَأَتَيْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ).

«Орангизга кечаси бир тоифа, кундузи бир тоифа фаришталар галма-гал тушиб туради. Улар бомдод намозида ва аср намозида тўпла-

¹ Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий (929) ва имом Муслим (850).

нишади. Сўнгра сизлар билан тунаганлари кўтарилади. Рабблари Ўзи яхши билса ҳам, улардан: «Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрайди. «Уларни намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик, борганимизда ҳам намоз ўқишаётган эди», дейишади».¹

2. Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا اللَّهُمَّ آعِطْ مُنْفِقًا خَلَفًا وَيَقُولُ الْآخَرُ اللَّهُمَّ آعِطْ مُمْسِكًا تَلَفًا).

«Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда икки фаришта тушиб, бири: «Аллоҳим, инфоқ қилувчига эваз бергин» дейди, иккинчиси: «Аллоҳим, мумсикка талофат бергир», дейди».² (Мумсик – ўта кетган хасис, бахил, зиқна киши.)

3. Илм ўрганиш ва ўргатиш:

Касир ибн Қайс ривоят қилади: Мен Дамашқ масжидида Абу Дардо разияллоҳу анҳу билан ўтирар эдим. Шу пайт, бир одам келиб унга: «Эй

¹ Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий (555) ва имом Муслим (632).

² Муттафақун алайҳи. Имом Бухорий (1442) ва имом Муслим (1010).

Абу Дардо! Мен сиздан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан эшитган бир ҳадисни эшитиш учун Мадинадан келдим. Менда бундан бошқа ҳожат йўқ», деди.

Абу Дардо айтди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни шундай деганларини эшитганман:

(مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَطْلُبُ فِيهِ عِلْمًا سَلَكَ اللَّهُ بِهِ طَرِيقًا مِنْ طُرُقِ الْجَنَّةِ وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أجنحتَهَا رِضًا لِطَالِبِ الْعِلْمِ وَإِنَّ الْعَالِمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ وَالْحَيَاتَانِ فِي جَوْفِ الْمَاءِ وَإِنَّ فَضْلَ الْعَالِمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ وَإِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ وَإِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يورثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا وَرَثُوا الْعِلْمَ فَمَنْ أَخَذَهُ أَخَذَ بِحِطِّ وَافِرٍ).

«Ким илм талабида йўлга чиқса, Аллоҳ уни Жаннат йўлларида бирига йўллайди. Фаришталар илм толибдан рози бўлиб, унга қанотларини ёзадилар. Осмон ва ердаги мавжудотлар, ҳатто сув ичидаги балиқлар ҳам олим учун истиғфор айтади. Олимнинг обиддан устунлиги, тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан устунлиги кабир. Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир. Пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмаганлар, улар илмни

мерос қолдирганлар. Ким илмни олса, улкан на-
сибага эришибди».¹

4. Қуръон тиловати:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят
қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам дедилар:

(مَنْ نَفَسَ عَنْ مُؤْمِنٍ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ الدُّنْيَا نَفَسَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ
وَمَنْ يَسَّرَ عَلَى مُعْسِرٍ يَسَّرَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ فِي
الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَاللَّهُ فِي عَوْنِ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنِ أَخِيهِ وَمَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ
فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ وَمَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فِي بَيْتٍ مِنْ بُيُوتِ اللَّهِ يَتْلُونَ
كِتَابَ اللَّهِ وَيَتَدَارَسُونَهُ بَيْنَهُمْ إِلَّا نَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ وَغَشِيَتْهُمْ الرَّحْمَةُ وَحَفَّتْهُمُ
الْمَلَائِكَةُ وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ وَمَنْ بَطَأَ بِهِ عَمَلُهُ لَمْ يَسِرْغِ بِهِ نَسَبُهُ).

«Ким бир мўминнинг битта дунёвий
ташвишини аритса, Аллоҳ таоло унинг Қиёмат
кунидаги ташвишларидан бирини аритади.
Ким қийналган кишига енгиллик келтирса,
Аллоҳ таоло унга дунё ва охиратда енгиллик
беради. Модомики бир банда биродарининг
ёрдамида экан, Аллоҳ таоло унинг ёрдамида
бўлади. Ким илм талабида йўл юрса, Аллоҳ
таоло унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди.
Одамлар Аллоҳнинг уйларида бирига йиғи-
либ, Унинг китобини тиловат қилиб, уни ўзаро

¹ Абу Довуд (3641).

дарс қилиб, ўргансалар, улар устига осудалик тушади, уларни раҳмат қоплайди ва фаришталар ўраб олади. Аллоҳ таоло Ўз ҳузуридагиларга уларни зикр қилади. Амали секинлаштирган кимсани насл-насаби тезлаштира олмайди».¹

5. Муслмон биродарларинг ҳаққига ғайбдан дуо қилиш:

Умму Дардо разияллоҳу анҳо Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

(مَا مِنْ عَبْدٍ مُسْلِمٍ يَدْعُو لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ إِلَّا قَالَ الْمَلَكُ وَلَكَ بِمِثْلٍ).

«Қайси бир муслмон банда биродарининг ҳаққига ғайбдан дуо қилса, бир фаришта: «Сенга ҳам шундай бўлсин!» дейди».²

6. Касал зиёрати:

Али разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(مَا مِنْ رَجُلٍ يَعُودُ مَرِيضًا مُمَسِيًّا إِلَّا خَرَجَ مَعَهُ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ يَسْتَغْفِرُونَ لَهُ حَتَّى يُصْبِحَ، وَكَانَ لَهُ خَرِيفٌ فِي الْجَنَّةِ، وَمَنْ أَنَاهُ مُصْبِحًا خَرَجَ مَعَهُ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ يَسْتَغْفِرُونَ لَهُ حَتَّى يُمَسِيَ، وَكَانَ لَهُ خَرِيفٌ فِي الْجَنَّةِ).

«Бирор киши кечқурун беморнинг аҳволидан хабар олса, у билан бирга етмиш минг фаришта

¹ Имом Муслим ривояти (2699)

² Имом Муслим (2732).

чиқади ва улар тонг отгунча у мағфират қилиниши учун истиғфор айтадилар. Унга жаннатда бир мевазор насиб этилади. Агар киши эрталаб беморнинг ҳолидан хабар олса, у билан бирга етмиш минг фаришта чиқади ва улар кеч киргунча у мағфират қилиниши учун истиғфор айтадилар. Унга жаннатда бир мевазор боғ насиб этилади», дедилар.¹

Фаришталарга иймон келтириш ёмон ишлардан тийилишга сабабдир:

1. Аллоҳ нозил қилган нарсани яшириш ва унга куфр келтиришдан йироқ бўлиш:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَٰئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعُنُونَ ﴿١٥٩﴾ إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُّوا فَأُولَٰئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٦٠﴾ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارًا أُولَٰئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١٦١﴾ خَالِدِينَ فِيهَا لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنْظَرُونَ ﴿١٦٢﴾﴾

«Албатта, Биз нозил қилган равшан оятларни ва ҳидоятни одамларга китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитганларни — ўшаларни Аллоҳ лаънатлайдир. Ва лаънат-

¹ Абу Довуд (3098).

ловчилар лаънатлайдир. Магар тавба қилиб, аҳли солиҳ бўлиб, баён қилганларнинг, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман. Ва Мен тавбаларни кўплаб қабул қилувчи ва раҳимлидирман. Албатта, куфр келтирган ва кофирлик ҳолида ўлганларга, ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг — барчанинг лаънати бўлгай. Унда абадий қолурлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга назар ҳам солинмас». [Бақара: 159-162]

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларини ҳақорат қилишдан йироқ бўлиш:

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(مَنْ سَبَّ أَصْحَابِي فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ، وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ).

«Ким асҳобларимни сўкса, унга Аллоҳ, фаришталар ва одамларнинг лаънати бўлсин», дедилар.¹ Табароний ривояти

3. Бидъатлардан йироқ бўлиш. Мужрим ва жинойтчиларни даф қилиш:

¹ Тобароний ривояти.

Али разияллоҳу анҳудан: Бизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан фақат Аллоҳнинг китоби ва мана бу саҳифа бор. Унда:

(الْمَدِينَةُ حَرَمٌ مَا بَيْنَ عَيْرٍ إِلَى ثَوْرٍ مَنْ أَحْدَثَ فِيهَا حَدَثًا، أَوْ آوَى مُحَدِّثًا فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ لَا يُقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ، وَلَا عَدْلٌ وَقَالَ ذِمَّةُ الْمُسْلِمِينَ وَاحِدَةٌ فَمَنْ أَخْفَرَ مُسْلِمًا فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ لَا يُقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ، وَلَا عَدْلٌ، وَمَنْ تَوَلَّى قَوْمًا بَغِيْرَ إِذْنِ مَوْلِيِهِ فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ لَا يُقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ، وَلَا عَدْلٌ).

Мадина Айр билан Савр ўртасида ҳарамдир. Кимки унда жиноят (ёки бидъат) пайдо қилса ёки жиноятчи (ёки бидъатчига) бошпана берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Фарзи ҳам, нафли ҳам қабул қилинмайди. Муслмонларнинг кафолати бирдир. Ким бир муслмоннинг аҳдини бузса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Ундан фарз ҳам, нафл ҳам қабул қилинмайди. Ким ўз валийларининг изнисиз бирор қавмни валий қилиб олса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Ундан фарз ҳам, нафл ҳам қабул қилинмайди», дейилган».¹

¹ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (6755) ва имом Муслим (1370).

4. Аёлнинг эрига маъруф (яхши ва ҳалол ишлар)да осийлик қилмай, итоатли бўлиши:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَأَبَتْ أَنْ تَجِيَّاءَ لَعَنَتْهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ).

«Агар эркак хотинини тўшагига чорласа ва у келишдан бош тортса, фаришталар уни тонггача лаънатлайди», дедилар.¹

Яна у кишидан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إِذَا بَاتَتِ الْمَرْأَةُ مُهَاجِرَةً فِرَاشَ زَوْجِهَا لَعَنَتْهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تَرْجِعَ).

«Аёл киши эрининг тўшагини ташлаб, алоҳида тунаса, фаришталар тонг отгунча уни лаънатлайди», дедилар.²

9. Фаришталарга иймон келтиришнинг самаралари

Фаришталар уни дуо қилиб, собитқадамлик ва руҳлантириш билан ёрдам қилаётганига

¹ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (5193) ва имом Муслим (1436).

² Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (5194) ва имом Муслим (1436).

ишонгани сабабли унда яқин ва хотиржамлик ҳисси пайдо бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿اللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَحْمِلُ كُلُّ أُنْثَىٰ وَمَا تَغِيصُ الْأَرْحَامُ وَمَا تَزِدَادُ كُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ﴾ ۸ ﴿عَلِيمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ الْكَبِيرُ الْمُتَعَالِ﴾ ۹ ﴿سَوَاءٌ مِنْكُمْ مَنْ أَسْرَرَ الْقَوْلَ وَمَنْ جَهَرَ بِهِ وَمَنْ هُوَ مُسْتَخْفٍ بِاللَّيْلِ وَسَارِبٌ بِالنَّهَارِ﴾ ۱۰ ﴿لَهُ مُعَقِّبَاتٌ مِّنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ يَحْفَظُونَهُ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ ۖ وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِقَوْمٍ سُوءًا فَلَا مَرَدَّ لَهُ وَمَا لَهُم مِّن دُونِهِ مِن وَالٍ﴾ ۱۱ ﴿

«Аллоҳ ҳар бир урғочининг ҳомиласини ҳамда бачадонлар нуқсон ёки зиёда қиладиган нарсаларни биладир. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир. У зот ғайбни ҳам, шоҳидни ҳам билгувчидир. У буюқдир, юксакдир. Сиздан ким гапни сир тутса, ким уни ошкор қилса ёки ким кечаси беркинувчи бўлсаю ким кундузи ошкор юрувчи бўлса, бари бир. Унинг олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчилар бор. Улар уни Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар. Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас. Агар Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни ирода

қилса, бас, уни қайтариб бўлмайди ва улар учун ундан ўзга валий ҳам йўқ». [Раъд: 8-11]

Фаришталарни яхши кўриш. Чунки уларнинг банда учун мағфират сўраб, дуо қилишларига иймон келтиради. Аллоҳ таоло айтади:

﴿الَّذِينَ يَحْمِلُونَ الْعَرْشَ وَمَنْ حَوْلَهُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَيُؤْمِنُونَ بِهِ
وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَّحْمَةً وَعِلْمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ
تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقِهِمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ﴾

«Аршни кўтариб турганлар ва унинг атрофидагилар Раббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтурлар, Унга иймон келтирурлар ва иймон келтирганларга мағфират сўраб: «Ё Раббимиз, раҳматинг ва илминг ила ҳар бир нарсани қуршагансан, бас, тавба қилиб, йўлингга эргашганларни мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин». [Ғофир: 7]

Иккинчи: Китобларга иймон келтириш:

1. Китоблардан мурод
2. Китобларга иймон келтиришнинг далиллари
3. Китобларга иймон келтиришнинг йўл-йўриғи
4. Қуръони карим ва олдинги китобларни солиштириш

1. Китоблардан мурод

Аллоҳ таоло одамларни дунё ва охиратда саодатли қилиш учун, ҳидоят ва нурни ўз ичига олган, пайғамбарларига нозил қилган китобларидир.

Нозил қилинган китоблар:

1. Забур
2. Иброҳим саҳифалари
3. Таврот ва Мусо саҳифалари
4. Инжил
5. Қуръони карим

Олдинги китобларга иймон келтириш ҳикматларидан:

1. У китоблар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар эканликларига далиллардан бири. Чунки у китоблар билан Қуръон ақида ва ахлоқ масалаларидан бир-бирига мувофиқ келади ва олдинги китобларда У зотга иймон келтиришга очиқ-ойдин буйруқ келган.
2. Ислом рисолатининг умумий эканлиги. Олдинги барча динларни насх қилиши,

унинг комил ва ҳукмронлигига бўлган иймонни зиёда қилади.

3. Аҳли китобларни даъват қилиш.
4. Аллоҳ таолога иймон зиёда бўлиши, Унинг раҳмати ва хикматини кўра билиш.

2. Китобларга иймон келтиришнинг далиллари

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ءَامِنُوا بِاللّٰهِ وَرَسُولِهِ ؕ وَالْكِتَابِ الَّذِى نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ ؕ وَالْكِتَابِ الَّذِى أَنزَلَ مِن قَبْلُ ۚ وَمَن يَكْفُرْ بِاللّٰهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ ؕ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг! Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўлади». [Нисо: 136]

﴿قُولُوا ءَامَنَّا بِاللّٰهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُۥ سَلِيمُونَ﴾

«Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Исога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Раббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз». [Бақара: 143]

﴿كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ النَّبِيِّنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنْذِرِينَ وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِي مَا اخْتَلَفُوا فِيهِ وَمَا اخْتَلَفَ فِيهِ إِلَّا الَّذِينَ أُوتُوهُ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ فَهَدَى اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا لِمَا اخْتَلَفُوا فِيهِ مِنَ الْحَقِّ بِإِذْنِهِ ۗ وَاللَّهُ يَهْدِي مَن يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

«Одамлар бир миллат эдилар. Бас, Аллоҳ хушхабар ва огоҳлантириш берувчи Набийларни юборди ва уларга одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳукм қилиш учун ҳақ китоб туширди. У тўғрисида ихтилофни очиқ ҳужжатлар келгандан сўнг, кимга берилган бўлса, ўшаларгина ҳаддан ошиб қилдилар. Иймон келтирганларни ҳақ тўғрисида ихтилоф қилган нарсаларида Аллоҳ Ўз изни ила ҳидоятга соладир. Аллоҳ кимни хоҳласа, тўғри йўлга бошлайдир». [Бақара: 213]

﴿فَلِذَلِكَ فَادِّعْ ۖ وَاسْتَقِمْ ۖ كَمَا أُمِرْتُ ۖ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ ۖ وَقُلْ ءَامَنْتُ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنْ كِتَابٍ وَأُمِرْتُ لِأَعْدِلَ بَيْنَكُمُ اللَّهُ رَبُّنَا وَرَبُّكُمُ لَنَا أَعْمَلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَلُكُمُ لَا حُجَّةَ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ اللَّهُ يَجْمَعُ بَيْنَنَا وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ﴾

«Бас, шунинг учун ҳам, ўзингизга амр қилинганидек даъват қилинг, мустақийм туринг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ҳамда: «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим ва орангизда адолат ўрнатишга амр қилиндим. Аллоҳ бизнинг Раббимиз, сизнинг ҳам Раббингиз. Бизнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизнинг амалларингиз ўзингиз учун. Биз билан сизнинг орамизда жанжал(га ўрин) йўқ. Аллоҳ бизларни жамлайди ва қайтиш ёлғиз Унинг Ўзигадир», деб айтинг».

[Шўро: 15]

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَى حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى الزَّكَاةَ وَالْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ ۗ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

«Юзларингизни Машрик ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, Охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган киши яхши кишидир ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилгувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводорлардир». [Бақара: 177]

Жаброил алайҳиссаломнинг машҳур ҳадисларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам иймон ҳақида шундай деганлар:

(الإيمان أن تؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسله واليوم الآخر، وتؤمن بالقدر خيره

وشره)

«Иймон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшисию ёмонига ишонишинг-дир».¹

3. Китобларга иймон келтириш

Аллоҳнинг каломи: Биз Аллоҳ Ўз Расулларига нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирамиз. Албатта, Аллоҳ унда ҳақиқатан гапирган ва Расулига воситачисиз, тўсиқ ортидан ёки Жаброил алайҳиссалом орқали етказган.

Зикр қилинган номлар: Биз Қуръонда номи айтилган китобларга иймон келтирамиз. Улар бешта: Иброҳим саҳифалари, Таврот, Забур, Инжил ва Қуръон.

Белгиланган ва сақланмаган: Биз Қуръондан олдинги китоблар маълум қавмларга ва маълум вақт ичида нозил қилинганига иймон келтирамиз. Шунинг учун, Аллоҳ уларни йўқолиш ёки таҳрифдан сақлашни зиммасига олмаган.

Қуръон — барча учун умумий ва у муҳофаза қилинган: Биз Қуръон қиёматгача келадиган

¹ Манбаси зикр қилинди.

бутун инсоният учун ва нозил қилинганига иймон келтирамиз. Шунинг учун у аввалги шариатларнинг хулосасини ўз ичига олган, уларни бекор қилган ва уларга ҳукмрон қилинган. Дарҳақиқат, Аллоҳ уни сақлашни Ўз зиммасига олган.

Қуръони карим ва олдинги китобларни солиштириш:

Таққослаш жиҳатлари:

Ҳимоя жиҳатидан/

1. **Қуръони каримнинг** барчаси зиёда ёки нуқсондан сақланган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз». [Ҳижр: 9]

2. **Аввалги китоблар эса сақланмаган:** Иброҳим саҳифалари ва Довуднинг «Забури» йўқолган. Таврот ва Инжил эса маънолари, сўзлари ҳар хил таҳриф, ўзгартиш ва алмаштиришларга учраган қўшимча қўшилган, яшириш ёки нуқсон

рўй берган. Бунинг мисоллари жуда кўп.
Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿مِنَ الَّذِينَ هَادُوا يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ﴾

«Яхудий бўлганлардан калималарни ўз
жойидан бузиб-ўзгартирувчилар бор». [Нисо:
46]

Яна айтганки:

﴿يَا أَهْلَ الْكِتَابِ قَدْ جَاءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ كَثِيرًا مِّمَّا كُنْتُمْ تُخْفُونَ مِنَ
الْكِتَابِ وَيَعْفُو عَنْ كَثِيرٍ قَدْ جَاءَكُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُبِينٌ﴾

«Эй, аҳли китоблар! Батаҳқиқ, сизларга
Пайғамбаримиз келди. У, сизга китобдан берки-
тиб юрган кўпгина нарсаларингизни баён
қилиб берур. Кўпгинасини эса, афв қилур. Ба-
таҳқиқ, сизларга Аллоҳдан нур ва ойдин китоб
келди». [Моида: 15]

Мазмун жиҳатидан/

1. Қуръони каримнинг барчаси Аллоҳнинг каломи. Ҳарфи ва овози билан ҳақиқатан гапирган. Лафзи ва маъносини Аллоҳга нисбат берамиз. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلِمَ اللَّهِ﴾

«Агар мушриклардан бирортаси паноҳ сўраса, унга паноҳ бер, токи, у Аллоҳнинг каломини эшитсин».

2. Олдинги китоблар:

1. Ҳозир уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг каломидеб қатъий айта олмаймиз. Чунки уларга инсон сўзлари аралашиб кетган, уларда ўзгариш ҳамда алмаштириш содир бўлган.

2. Шунинг учун уларни тарк этиш ва ўқимаслик вожибдир, зеро, улардаги ҳар қандай яхшилик ва ҳидоят Қуръонда аллақачон зикр этилган.

3. Улар ҳақида шундай деймиз: Қуръон тасдиқлаган нарсани биз ҳам тасдиқлаймиз, Қуръон инкор этганини биз ҳам инкор этамиз. Қуръон рад ҳам, тасдиқ ҳам қилмаган нарсада эса тўхтаймиз ва бу ишни Аллоҳга топширамыз.

Амал қилиш вожиблиги жиҳатдан:

Қуръон — тасдиқлашни талаб қилган нарсани тасдиқлаб, инкор қилишни талаб қилган ишни инкор қилиш вожиб. Шунингдек, унинг амр ва наҳийларига итоат этиш, одобларини қабул қилиш, ахлоқларини ўзлаштириш ва уни

ҳаёт йўли сифатида қабул қилиш ҳам вожибдир.

Аввалги китоблар — улардаги амал қилиш ҳукмлари Ислом дини ва Қуръон билан мансوخ қилинган. Шу сабабли, биз улардан фақат Қуръон тасдиқлаган қисмларигагина амал қиламиз. Демак, улардаги ахлоқ, шариат ва ақидаларга эргашмаймиз.

Қуръони карим

1. Зиёда ёки нуқсондан тўлиқ сақланган.
2. Қуръон тасдиқлашни талаб қилган нарсани тасдиқлаб, инкор қилишни талаб қилган ишни инкор қилиш вожиб. Шунингдек, унинг амр ва наҳийларига итоат этиш, одобларини қабул қилиш, ахлоқларини ўзлаштириш ва уни ҳаёт йўли сифатида қабул қилиш ҳам вожибдир.
3. Қуръони каримнинг барчаси Аллоҳнинг каломи. Ҳарфи ва овози билан ҳақиқатан гапирган. Лафзи ва маъносини Аллоҳга нисбат берамиз.

Қуръони каримнинг фазилатлари

1. Аллоҳнинг каломи

2. Ҳидоят
3. Нур
4. Аллоҳни эслатувчи
5. Фурқон
6. Савоб
7. Шафоат
8. Яхшилик
9. Охиратда даражаларни олий қилувчи

Қуръони карим ва Аллоҳнинг сўзига нисбатан ақидамиз:

Аллоҳ таолонинг каломи ҳақида ақидамиз:

1. Калом (сўзлаш) Аллоҳ азза ва жаллага собит бўлган ҳақиқий сифатдир. Аллоҳ таоло хоҳлаган вақтда, хоҳлаганча ҳарф ва овоз билан сўзлайди. Унинг сўзлаши тур жиҳатидан азалий, янгиланиб туради. (Яъни, Аллоҳ азалдан гапира оларди ва хоҳлаган пайти яна гапираверади, деганинидир)
2. Қуръони карим ҳақида ақидамиз
— У ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг сўзидир, Жаброил алайҳиссалом уни Аллоҳдан эшитган ва Расулига етказган.

— У Аллоҳдан бошланган ва Аллоҳга қайтади. Шунинг учун, у Аллоҳнинг сўзидир, яратилган эмас.

4. Қуръони карим ва олдинги китобларни солиштириш

Тавротнинг таърифи

Яҳудийларда: Луғавий маъноси — «шариат» ёки «қонун» деган маънони англатувчи ибронийча сўз.

Истилоҳда — улар Мусо алайҳиссалом қўли билан ёзган деб ишонувчи бешта китоб бўлиб, уларни «Пента Тук» деб атайдилар («Пента» — беш, «Тук» — китоб). Баъзан улар «Таврот» деганда бутун «Эски аҳд» — яъни, эски аҳддаги китобларининг барчасини назарда тутадилар.

Мусулмонлар наздида эса:

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга нозил қилган, Бану Исроил учун нур ва ҳидоят бўлган китоб.

Беш китоб/

1. Таквин — Яратилиш:

— Осмонлар, ер ва Одамнинг яратилиши.

— Пайғамбарлар тарихи Юсуф алайҳиссалом вафотигача бўлган воқеалар.

2. Хуруж — Чиқиш:

— Юсуф алайҳиссалом вафотидан кейин Исроил фарзандларининг Мисрдан чиқишига қадар.

— Чиқишдан кейин бўлган воқеалар.

3. Лавийюн — Лавийлар китоби:

— «Лавий ибн Яъқуб авлодидан бўлган қабила», яъни, Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломнинг насабидан.

— Лавийларга (коҳинларга) оид масалалар. Ҳорун фарзандларига тегишли коҳинлик ишлари.

— Айрим диний маросимлар ҳақида.

4. Адад — Саноқлар:

— Бану Исроил саноғи.

— Чиқишдан кейинги воқеалар.

5. Тасния — Такрор:

— Шариатнинг такрорланиши.

— Амр ва наҳийлар қайта баён қилиниши.

— Мусо алайҳиссаломнинг вафоти ва қабри ҳақида.

Инжиллар

Тўрт инжил:

1. Ҳаворийлар инжиллари
2. Ҳаворийлар шогирдларининг инжиллари
3. Инжил — хушхабар (башорат). Биз Аллоҳ таоло Исога алайҳиссаломга нозил қилган китоб «Инжил» деб аталганига ишонамиз. Аммо, Аллоҳ унга сақланиб қолишни тақдир қилмаган ва уни муҳофаза қилишни зиммасига олмаган, кейин эса у Қуръон билан бекор қилинган.

Барнаба Инжили:

У ҳақда қисқача маълумот:

1. У насронийролар наздида қонуний инжиллар қаторига кирмайди.
2. Барнабанинг асли исми Юсуф бўлиб, у ҳаворийлардан бири бўлган.
3. 92-милодий йилда Папа Геласиус уни ўқишни таъқиқловчи буйруқ чиқарган.
4. Унинг энг муҳим ғоялари:
А) Исо алайҳиссалом инсон экани.
Б) Қурбон қилинган шахс Исҳоқ эмас, балки Исмоил алайҳиссалом экани.

В) Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам келиши ҳақида хушхабар берилиши.

Г) Исонинг хочга маҳкум этилмагани, аксинча, Аллоҳ ҳузурига кўтарилгани очиқ айтилган.

Муҳим маълумот: Насронийлар бу Инжилни билмайдилар. Улардаги ҳозирги инжилларнинг Исо алайҳиссаломга ёки уларга нисбат берилган шахсларга тегишли эканлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай ишончли далил йўқ.

Насронийларнинг муқаддас китоби:

1. Қадимий аҳд (Яҳудийларнинг Таврот китоби).

2. Янги аҳд (Инжиллар тўплами).

— Инжиллар

— Маттаа

— Марқўс

— Луқо

— Юҳанно

Шу билан бирга уларга қўшилган мактуб

Самовий китоблар орасидаги иттифок ўринлари

Манбаси бир: Ҳаммаси Аллоҳдан. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ﴿٢﴾ نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنزَلَ التَّوْرَةَ وَالْإِنجِيلَ ﴿٣﴾ مِن قَبْلُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَأَنزَلَ الْفُرْقَانَ ﴿٤﴾﴾

«Аллоҳ — Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирик ва қаййум Зотдир. У сенга китобни ҳақ ила ўзидан аввалги нарсани тасдиқловчи қилиб туширди ҳамда Таврот ва Инжилни туширди. Ундан олдин одамларга ҳидоят қилиб. Ва Фурқонни ҳам туширди». [Оли Имрон: 2-4]

Ақида масалалари: Китоблар ғайбга, пайғамбарларга, тирилтирилиш, қиёмат кунига иймон ҳамда шунга ўхшаш бошқа масалалар баён қилинган.

Барчасининг ягона мақсади — Ислом динига ва Аллоҳга ширк келтирмай, фақат Унга ибодат қилишга чақирганлар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ﴾

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб пайғамбар юборганмиз». [Наҳл: 36]

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ﴾

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Ислом-дир». [Оли Имрон: 19]

Ислом Иброҳим алайҳиссалом буюрилган диндир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِذْ قَالَ لَهُ رَبُّهُ أَسْلِمُ﴾

«Рабби унга: «Мусулмон бўл!» деганида, у: «Оламларнинг Раббига мусулмон бўлдим», деди». [Бақара: 131]

Мусо алайҳиссалом айтганларки:

﴿وَقَالَ مُوسَىٰ يَقَوْمُ إِن كُنتُمْ ءَامَنْتُمْ بِاللّٰهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوا إِن كُنتُمْ مُّسْلِمِينَ﴾

«Мусо: «Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, агар мусулмон бўлсангиз, фақат Унгагина таваккал қилинг», деди». [Юнус: 84]

Ҳаворийлар Исо алайҳиссаломга айтганлар:

﴿نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ ءَامِنًا بِاللّٰهِ وَآشْهَدُ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ﴾

«Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл». [Оли Имрон: 52]

Адолат ва инсоф: Барча пайғамбарлар адолат ва инсоф тарозисини кўтарганлар.

Аллоҳ таоло айтган:

﴿لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ
بِالْقِسْطِ﴾

«Қасамки, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик». [Ҳадид: 25]

Фасод ва оғишлар билан курашиш: Фасод ақидавий бўладими, ахлоқийми, фитратдан оғишми, инсонларга тажовуз ёки ўлчов ва тарозидан уриб қолишми — барчасига қарши курашиш.

Олий ахлоқларга даъват: Барча пайғамбарлар олий ахлоқларга чақирганлар — ёмонлик қилганни афв этиш, озорга сабр қилиш, яхши сўз айтиш, ота-онани иззатлаш, аҳдга вафо қилиш, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш, меҳмонни ҳурматлаш, камтар бўлиш, муҳтожларга раҳм-шафқат кўрсатиш каби олий ахлоқлар шулар жумласидандир.

Умумий қоидалар: Илоҳий китоблар инсоният англаб етиши лозим бўлган умумий

қоидаларни баён этади. Масалан, мукофот ва жазо қоидаси — инсон қилган амалига яраша ҳисоб бериши, гуноҳи учун жазоланиши, бошқаларнинг гуноҳи учун жавоб бермаслиги, бошқаларнинг қилган амали учун эмас, ўз ҳаракати учун савоб олиши. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَمْ لَمْ يُنَبَّأْ بِمَا فِي صُحُفِ مُوسَىٰ ﴿٣٦﴾ وَإِبْرَاهِيمَ الَّذِي وَفَّىٰ ﴿٣٧﴾ أَلَّا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ﴿٣٨﴾ وَأَن لَّيْسَ لِلْإِنسَانِ إِلَّا مَا سَعَىٰ ﴿٣٩﴾ وَأَنَّ سَعْيَهُ سَوْفَ يُرَىٰ ﴿٤٠﴾ ثُمَّ يُجْزَاهُ الْجَزَاءَ الْأَوْفَىٰ ﴿٤١﴾﴾

«Ёки Мусонинг саҳифаларидаги нарсалар хабари унга берилмадими? Ва вафо қилган Иброҳимнинг? Албатта, ҳеч бир гуноҳкор бошқанинг гуноҳини кўтармас. Ҳар бир инсонга ўз қилганидан бошқа нарса йўқ. Ва, албатта, унинг қилмиши тезда кўринур. Сўнгра жазо ёки мукофоти тўлиқ берилур». [Нажм: 36-41]

Шунингдек, нафсни поклашга тарғиб қилиш — ҳақиқий нажот фақат Аллоҳга итоат этиш, Унга бандалик қилиш ва охиратни дунёдан афзал кўриш орқали нафсни поклаш билан амалга ошиши баён қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قَدْ أَفْلَحَ مَنْ تَزَكَّى ۖ وَذَكَرَ اسْمَ رَبِّهِ فَصَلَّى ۝۱۶﴾ بَلْ تُؤْثِرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ۝۱۷
وَالْآخِرَةَ خَيْرٌ وَأَبْقَى ۝۱۸ إِنَّ هَذَا لَفِي الصُّحُفِ الْأُولَى ۝۱۹ صُحُفِ إِبْرَاهِيمَ
وَمُوسَى ۝۲۰﴾

«Ҳақиқатан, ким пок бўлса, ютуқ топадир. Ва Рабби исмини зикр қилса ва намоз ўқиса ҳамдир. Балки, сизлар бу дунё ҳаётини устун қўясизлар. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир. Албатта, бу аввалги саҳифаларда бордир. Иброҳим ва Мусо саҳифаларидадир». [Ал-Аълаа: 14-19]

Шу қоидалардан бири шундаки, ерни мерос қилиб олишга сазовор бўлувчилар — Аллоҳнинг солиҳ бандаларидир.

﴿وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِي الزَّبُورِ مِنْ بَعْدِ الذِّكْرِ أَنَّ الْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادِيَ الصَّالِحُونَ﴾

«Батаҳқиқ, Биз Зикрдан сўнг Забурда ҳам: «Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлулар», деб ёзган эдик». [Анбиё: 105]

Кўплаб ибодатлар: Биз бажарадиган кўплаб ибодатлар олдинги пайғамбарлар ва уларнинг издошларига ҳам маълум бўлган. Масалан, намоз ва закот. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِمْ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ وَإِقَامَ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءَ الزَّكَاةِ وَكَانُوا لَنَا عَبِيدِينَ﴾

«Уларга яхшиликлар қилишни, намозни тўлиқ адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизга ибодат қилгувчилар бўлдилар». [Анбиё: 73]

Рўза ҳам олдингиларга фарз қилингани каби, бизга ҳам фарз қилинди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалги-ларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз». [Бақара: 183]

Ҳаж ҳам шу каби. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга айтган:

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَى كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ﴾

«Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар». [Ҳаж: 27]

Аллоҳ ҳар бир уммат учун маносик ва ибодатнинг шаклини тузиб берган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلِكُلِّ أُمَّةٍ جَعَلْنَا مَنْسَكًا لِّيَذْكُرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِّنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَامِ ۚ فَإِلَهُكُمُ اللَّهُ وَاحِدٌ فَلَهُ أَسْلِمُوا وَبَشِّرِ الْمُخْبِتِينَ﴾

«Ҳар бир умматга, уларга чорва ҳайвонларини ризқ қилиб берган Аллоҳнинг исмини эслашлари учун, қурбонлик қилишни жорий этганмиз. Бас, илоҳларингиз бир илоҳдир. Бас, Унгагина мусулмон бўлинг. Итоатли, мутавозеъларга башорат бер». [Ҳаж: 34]¹

Ихтилоф ўринлари:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا﴾

«Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик». [Моида: 48]

Шариатлар намозлар сони, руқнлари, шартлари, закот миқдори, ибодат жойлари ва шунга ўхшаш масалаларда бир-биридан фарқ қилади. Аллоҳ таоло бир шариатда бир нарсани ҳикмат ила ҳалол қилган бўлиши, бошқа шариатда эса уни ўзи билган ҳикмат ила ҳаром

¹ Ашқорнинг Пайғамбарлар ва рисолатлар китоби (235-249) ва Др. Муҳаммад Ал-Хамднинг Иймон китоби (12-17).

қилган бўлиши мумкин. Биз учун унинг сабабини билиш шарт эмас.¹

¹ Ашқарнинг «Расуллар ва рисолатлар», 250-бет; Ҳамднинг «Китобларга иймон», 18–21 бетлар.

Учинчи: Пайғамбарларга иймон келтириш

1. Набий ва расулнинг луғатдаги таърифи
2. Набий ва Расулнинг шаръий таърифи
3. Пайғамбарларга иймон келтиришнинг ҳукми ва сифати
4. Пайғамбарларга нисбатан тўғри ақида
5. Пайғамбарлар ва бошқа инсонлар орасидаги афзаллик
6. Пайғамбарлар орасидаги афзаллик
7. Пайғамбарларнинг маъсумлиги
8. Пайғамбарлик далиллари
9. Пайғамбарларга иймон келтиришнинг самаралари

1. Набий ва расулнинг луғавий таъриф

Набий луғатда:¹

Бу сўзнинг асли учта масдардан олинади:

А) Набаъ, яъни, хабар деган маънодан

Б) Нубувват маъносидан: олийлик ва баландлик маъноси

В) Набий, яъни, йўл деган мано

Энг тўғрироқ сўз биринчиси:²

Чунки «набий» дегани — Аллоҳдан хабар берувчи демакдир. У Аллоҳ унга нима хабар берган бўлса, шуни етказади. Шубҳа йўқки, набийлик орқали у юксак мартабага эга бўлади ва Аллоҳга етакловчи йўл бўлади.

Расул: «Ирсол» сўзидан олинган бўлиб, бошқаларга етказиш учун хабар юборишни англатади³.

2. Набий ва Расулнинг шаръий таъриф:⁴

Набий ва расулнинг маънолари орасида фарқ бор. Бунга Қуръон ва сунат далолат қилади:

¹ «Мақойясул-луға» луғати (5/385), «Ан-Ниҳоя фи ғариб ал-ҳадис» (5/3–4) ва «Лисанул-араб» (14/8–10).

² «Ан-нубуввот» китоби (2/688–690-бетлар).

³ «Лисон-ул-Араб» (11/283–284).

⁴ «Таҳовия» (155), «Ан-Нубуввот» (2/714–722), ҳамда «Набий ва расулнинг фарқи» доктор Аҳмад ал-Ҳамд (102–104).

Аллоҳ Мусо айлайҳиссаломнинг сифати ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿وَكَانَ رَسُولًا نَّبِيًّا﴾

«У Расул ва набий эди». [Марям: 51]

Исмоил алайҳиссаломнинг сифати ҳақида ҳам шундай деган.

Аллоҳ таоло яна айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ إِلَّا إِذَا تَمَعَّى أَلْقَى الشَّيْطَانُ فِي أُمْنِيَّتِهِ فَيَنسَخُ اللَّهُ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ ثُمَّ يُحْكُمُ اللَّهُ عَائِيَّتِهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Биз сиздан илгари ҳеч бир Расул ва Набий юбормадикки, у бир нарсани таманний қилганида, шайтон унинг таманнийсига (шубҳа) ташламаган бўлса. Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани кетказур. Сўнгра, Аллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур. Аллоҳ ўта билгувчи ва ҳикматли Зотдир». [Ҳаж: 52]

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ﴾

«Уммий, Набий, Расулга эргашадилар».

[Аъроф: 157]

Ҳадисда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам анбиё ва расулларнинг сони ҳақида

сўралганларида, уларнинг сонини алоҳида-алоҳида айтдилар:

(مائة ألف وأربعة وعشرون ألفاً، والرسل من ذلك ثلاثمائة وخمسة عشر جمًّا غفيرًا).

«Бир юз йигирма тўрт минг нафар (пайғамбар) бўлган, улардан уч юз ўн бештаси расул бўлган — жуда кўп сонли жамоа».¹

Улар орасидаги фарқ ҳақида икки машҳур фикр бор:

Биринчи фикр: Расул — унга янги шариат билан ваҳий келиб, уни етказишга буюрилган зот.

Набий эса — унга ваҳий келган, аммо, уни етказишга буюрилмаган зот.

Лекин бу фикрга эътироз қилинади:

1. Аллоҳ таоло Қуръонда анбиёларни ҳам етказиш учун юборганини очиқ ойдин айтган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَّسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ﴾

«Биз сиздан илгари ҳеч бир Расул ва Набий юбормадикки ...». [Ҳаж: 52]

¹ [87] Имом Аҳмад Муснади (5/266).

2. Аллоҳ аҳли илмлардан олган илмларини етказиш бўйича мийсоқ олган бўлса, анбиёлар бу борада авлороқ!

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَأَشْرَوْا بِهِ تَمَتًّا قَلِيلًا فَبَيَّسَ مَا يَشْتَرُونَ﴾

«Аллоҳ китоб берилганлардан, албатта, уни одамларга баён қиласиз ва беркитмайсиз, деб аҳд олганини эсланг. Бас, уни ортларига қаратиб отдилар ва арзон нархга сотдилар. Сотиб олган нарсалари қандай ҳам ёмон!»

[Оли Имрон: 187]

Иккинчи фикр: **Расул** — унга янги шариат билан ва уни етказиш буйруғи билан ваҳий қилинган зот.

Набий — ўзидан олдинги пайғамбарнинг шариатини тасдиқлаш учун юборилган зотдир.

Бу фикрга қуйидагича эътироз билдирилган:

1. Юсуф алайҳиссаломнинг рисолати — ҳолбуки, у Иброҳим алайҳиссаломнинг шариатида бўлган эди.

2. Довуд ва Сулаймон алайҳимассаломнинг рисолати — улар ҳам Таврот шариатида бўлган ҳолда расул эдилар.

Энг тўғри фикр — шайхул-Ислом Ибн Таймия (раҳимахуллох) айтганидир:

Набий: ўзидан олдинги пайғамбарга иймон келтирган ва унинг шариатига амал қилаётган қавмга юбориладиган зот бўлиб, уларнинг динини янгилаб туради.

Расул: Аллоҳга куфр келтирган, уни инкор этган қавмга юбориладиган зот бўлиб, уларни Аллоҳни ягона деб билишга (тавҳидга) даъват қилади.

3. Пайғамбарларга иймон келтиришнинг ҳукми ва сифати

А) Ҳукм:¹

Иймон устунларидан бири бўлиб, кишининг иймони у билангина тўлиқ бўлади. Пайғамбарлардан бирини инкор этган киши уларнинг барчасини инкор этган бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек:

﴿كَذَّبَتْ قَوْمُ نُوحٍ الْمُرْسَلِينَ﴾

«Нух қавми Пайғамбарларни ёлғонга чиқарди». [Шуаро: 105]

¹ Маъорижул қобул (2/676).

Ер юзига юборилган энг биринчи Расул Нух алайҳиссалом. Аллоҳ таоло айтади:

﴿عَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَيْكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ﴾

«Пайғамбар унга ўз Раббисидан туширилган нарсга иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ҳамма-ҳамма иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Ва: «Эшитдик ва итоат қилдик, (ё Раббимиз), мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир», дедилар». [Бақара: 285]

Яна Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا﴾

«Албатта, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига куфр келтирадиганлар ва Аллоҳ ила Пайғамбарлари орасида айримчиликни ирода қиладиганлар ҳамда баъзиларига иймон ва баъзила-

рига куфр келтирамиз, деб ана ўшандай ора йўлни тутишни хоҳлайдиганлар». [Нисо: 150]

Жаброил алайҳиссаломнинг ҳадисида:

(الإيمان أن تؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسله واليوم الآخر وتؤمن بالقدر خيره وشره).

«Иймон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшисию ёмонига иймон келтиришингдир».¹

Б) Сифат:²

Қуръонда зикр қилинган, ўз қавмларига юборилган Аллоҳнинг пайғамбарлари эканига иймон келтириш. Аллоҳ таоло айтади:

(وَإِلَىٰ عَادِ أَخَاهُمْ هُودًا قَالَ)

«Ва Одга ўз биродарлари Худни (юбордик)». [Аъроф: 65]

(إِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا)

«Ва Самудга ўз биродарлари Солиҳни (юбордик)». [Аъроф: 73]

(وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا)

¹ Манбаси зикр қилинди.

² Ал-Минҳож (1/237) ва Маъорижул қобул (2/677).

«Ва Мадянга ўз биродарлари Шуайбни (юбордик)». [Аъроф: 85]

Исмлари ворид бўлган пайгамбарларнинг исмлари билан бирга иймон келтириш. Аллоҳ таоло бир ўриндан ўн саккизта пайғамбарнинг исмларини зикр қилди:

﴿وَتِلْكَ حُجَّتُنَا آتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ ۖ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مِّنْ نَّشَاءُ ۚ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ﴾

«Ана ўшалар, Иброҳимга қавмига қарши (тортишувда) берган ҳужжатларимиздир. Кимни хоҳласак, даражасини кўтарамиз. Албатта, Раббинг ҳикматли ва яхши билувчи Зотдир». [Анъом: 83 - оятидан бошлаб]

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси эканига, У зот юборилган қавмга ҳам, улардан кейин келадиган инсонлар ва жинларга ҳам қиёматгача элчи эканига иймон келтириш. У зот расулларнинг охиргиси, Унинг шариати барча аввалги шариатларни бекор қилган ва қиёматгача шу шариатга амал қилиш вожибдир. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمُ النَّبِيِّينَ ۖ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا﴾

«Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир». [Аҳзоб: 40]

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا﴾

«Айтинг: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман». [Аъроф: 158]

4. Пайғамбарларга нисбатан тўғри ақида

1. Расуллар — одам боласидан бўлган бандалар. Лекин ҳақни билиб ҳам инкор қилувчи кофирлар ўз пайғамбарларини «Аллоҳнинг расуллари одам бўлиши мумкин эмас!», деб ёлғончига чиқардилар. Аллоҳ таоло уларнинг бу даъвосини Қуръонда зикр қилиб, ботил эканини баён этди. У Зот шундай марҳамат қилади:

﴿وَمَا مَنَعَ النَّاسَ أَنْ يُؤْمِنُوا إِذْ جَاءَهُمُ الْهُدَىٰ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَبَعَثَ اللَّهُ بَشَرًا رَسُولًا ۖ﴾ قُلْ لَوْ كَانَ فِي الْأَرْضِ مَلَائِكَةٌ يَمْشُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَّلْنَا عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ مَلَكًا رَسُولًا ﴿٩٥﴾

«Одамларга ҳидоят келган пайтда иймон келтиришларидан манъ қилган нарса фақат, Аллоҳ башардан Пайғамбар юборадими, дейишлари бўлди. Сиз айтинг: «Агар ер юзида фаришталар хотиржам юрганларида, уларга осмондан фаришта Пайғамбар туширган бўлар эдик». [Исро: 94-95]

2. Уларда рубубият ва улуҳиятнинг ҳеч қандай хусусиятлари йўқ. Аллоҳ таоло Ўзининг энг улуғ пайғамбари ва расулларининг саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида шундай деган:

﴿قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبِ لَا سْتَكْتَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ﴾

«Сиз: «Ўзим учун на фойда ва на зарарга молик эмасман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур. Агар ғайбни билганимда, яхшилиқни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди. Мен фақат иймон келтирадиган қавм-

лар учун огоҳлантирувчи ва башорат берув-
чиман, холос», деб айтинг». [Аъроф: 188]

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿قُلْ إِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ صَرًّا وَلَا رَشَدًا﴾ قُلْ إِنِّي لَنْ يُجِيرَنِي مِنَ اللَّهِ أَحَدٌ
وَلَنْ أَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا﴾

«Сиз: «Албатта, мен сизлар учун зарарга ҳам,
манфаатга ҳам молик эмасман», деб айтинг.
«Сиз: «Албатта, мени ҳеч ким Аллоҳ(азоби)дан
сақлаб қола олмас ва ҳаргиз Аллоҳдан ўзга
паноҳ топа олмасман», деб айтинг». [Жин: 21-
22]

3. Улар инсонларга хос бўлган касалликка
чалиниш, ўлим, овқат ва сувга муҳтожлик каби
сифатлардан холи эмаслар. Аллоҳ таоло Ибро-
ҳим алайҳиссаломнинг айтган сўзларини зикр
қилиб шундай дейди:

﴿وَالَّذِي هُوَ يُطْعَمُنِي وَيَسْقِينِي-وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِي- وَالَّذِي يُبَيِّتُنِي ثُمَّ
يُحْيِينِي﴾

«Ва мени таомлантирадиган ва суғорадиган
ҳам Унинг Ўзи. Бемор бўлганимда менга шифо
берадиган ҳам Унинг Ўзи. Мени ўлдирадиган,

сўнгра тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзи». [Шуаро: 79-81]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ أُتِسَىٰ كَمَا تَنْسُونَ؛ فَإِذَا نَسِيتَ؛ فَذَكِّرُونِي).

«Мен ҳам сизлар каби инсонман, сиз унутганингиздек унутаман. Шунинг учун (бирор нарсани) унутсам, менга эслатинглар!»¹

4. Аллоҳ таоло уларни энг олий мартабаларда ва уларни мадҳ этиш ўринларида бандалик (қуллик) сифати билан сифатлаган. Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом ҳақида шундай деган:

(ذُرِّيَّةَ مَنْ حَمَلْنَا مَعَ نُوحٍ إِنَّهُ كَانَ عَبْدًا شَكُورًا)

«(Эй) Нуҳ билан бирга кўтарганларимизнинг зурриётлари! Албатта, у ўта шукрли банда эди». [Исро: 3]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида эса шундай деган:

(تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَىٰ عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا)

¹ Имом Бухорий (392).

«Оламларга огоҳлантирувчи бўлиши учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотли, улуғдир». [Фурқон: 1]

Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб алайҳимуссаломлар ҳақида шундай деган:

﴿وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ أُولَى الْأَيْدَى وَالْأَبْصَرِ ۝ إِنَّا أَخْلَصْنَاهُمْ بِخَالِصَةٍ ذِكْرَى الدَّارِ ۝ وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنَ الْأَخْيَارِ ۝﴾

«Қўллар ва кўзлар соҳиблари бўлган бандаларимиз Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубни эсла. Албатта, Биз уларни холис бир хислатла ажратдик. У (охират) диёрини эслаш эди. Албатта, улар Бизнинг ҳузуримизда танланган ахёрлардандир». [Сод: 45-47]

Аллоҳ таоло Исо ибн Марям алайҳиссалом ҳақида шундай дейди:

﴿إِنْ هُوَ إِلَّا عَبْدٌ أَنْعَمْنَا عَلَيْهِ وَجَعَلْنَاهُ مَثَلًا لِّبَنِي إِسْرَءِيلَ﴾

«У фақат бир бондадир. Биз унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик». [Зухруф: 59]

5. Бирор уммат Расул ёки Набийсиз қолмаган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّغُوتَ﴾

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб пайғамбар юборганмиз». [Наҳл: 36]

Яна айтганки:

﴿وَإِنْ مِنْ أُمَّةٍ إِلَّا خَلَا فِيهَا نَذِيرٌ﴾

«Қайси-ки бир уммат бўлса, унда огоҳлан-тиргувчи бўлган». [Фотир: 24]

5. Пайғамбарлар орасидаги афзаллик

Аллоҳ таоло айтади:

﴿تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ مِنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضُهُمْ دَرَجَاتٍ وَعَاتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْيَسَّيْنَةَ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ﴾

«Ўшалар Пайғамбарлар. Уларнинг баъзиларини баъзиларидан афазл қилдик. Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган. Ва Ийсо ибн Марямга ойдин (мўъжиза)ларни бердик ва уни муқаддас руҳ билан қўлладик». [Бақара: 253]

Бошқа сурада эса шундай дейди:

﴿وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ النَّبِيِّنَ عَلَى بَعْضٍ وَعَاتَيْنَا دَاوُدَ زَبُورًا﴾

«Раббинг осмонлару ердаги кимсаларни яхши билгувчи Зотдир. Батаҳқиқ, Биз баъзи Пайғамбарларни баъзиларидан афзал қилдик. Ва Довудга Забурни бердик». [Исро: 55]

Шу каби оятлар набий ва расуллар орасида фарқ ва афзаллик борлигини кўрсатади. Уларнинг барчалари набувватда шерик бўлсаларда, баъзилари бошқаларидан қўшимча жиҳатлар билан устун бўлганлар. Масалан, Аллоҳ билан парда ортидан сўзлашиш, юксак даражалар, кўп мўъжиза ва далиллар билан афзал бўлиш ёки янги шариат билан юборилиш каби жиҳатлар.

Расуллар барча набийлардан афзал саналади, бу ҳақда уламолар ўртасида ижмоъ бор. Шунингдек, «улул азм» деб аталган расуллар энг улуғ расуллардир. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿فَاصْبِرْ كَمَا صَبَرَ أُولُوا الْعِزْمِ مِنَ الرُّسُلِ﴾

«Бас, азму-матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар сабр қилгандек, сабр қил!» [Ахқоф: 35]

Олимлар орасида машҳур бўлган сўзга кўра, азм эгалари беш киши: Муҳаммад, Иброҳим, Мусо, Исо ва Нўҳ алайҳимуссаломлардир.

Азм эгалари ичида энг афзали – бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ундан кейин эса Иброҳим алайҳиссаломдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

(أنا سيد ولد آدم ولا فخر)،

«Мен Одам боласининг саййидиман. Фахрланиш эмас».¹

Яна айтганларки:

(أعطيت خمساً لم يُعطهن أحد من الأنبياء قبلي...).

«Олдинги пайғамбарларга берилмаган беш нарса менга берилди ...»²

Яна айтганларки:

(فُضلت على لأنباء بست...)،

«Олти нарса билан бошқа пайғамбарлардан афзал қилиндим ...»

¹ Бу ҳадисни Имом Бухорий «Саҳиҳ» асарида «Таяммум китоби»да, «Агар сув топа олмасанглар, таяммум қилинглр...» бобида (324-ҳадис) ривоят қилган. Шунингдек, Имом Муслим ҳам «Саҳиҳ» асарида «Масжидлар китоби», «Набий масжид қурганлари ҳақида» бобида (520-ҳадис) ривоят қилган.

² Бу ҳадисни Имом Муслим «Масжидлар китоби», «Набий масжид қурганлари ҳақида» бобида (523-ҳадис) ривоят қилган.

Имом Бухорий ривоятидаги Меърож ҳадисиди:

(وموسى فى السابعة بفضل كلام الله، فقال موسى: رب لم أظن أن ترفع عليّ أحدًا، ثم علا بي - أي جبريل بمحمد - فوق ذلك بما لا يعلمه إلا الله).

«Аллоҳ билан гаплашгани сабабли Мусо еттинчи осмонда эди. Шунда Мусо: «Раббим мендан юқорига ҳеч кимни кўтармайсан деб ўйлаган эдим», деди. Сўнгра Жаброил мени Аллоҳдан Ўзга ҳеч ким билмайдиган даражага қадар кўтарди».¹

Энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Анбиёларни бир-биридан афзал санаманглар»² ва «Бирор Банда: Мен Юнус ибн Маттодан афзалман», яхшиман дейиши мумкин эмас»,³ сўзларига келсак, афзал бўлмаган (мафзул) зотни камситиш, унга ҳурматсизлик қилиш ёки уни паст баҳолаш мумкин эмаслигига далолат қилади.⁴

¹ Бу ҳадисни Имом Бухорий «Тавҳид китоби»да, «Аллоҳ Мусо билан тўғридан-тўғри сўзлашди» деган қавл ҳақидаги бобда (7517-ҳадис) ривоят қилган.

² Имом Бухорий (3414) ва имом Муслим (3374).

³ Имом Бухорий (3416) ва имом Муслим (3376).

⁴ Ибн Таймиянинг «Мажмуъул Фатово» китоби (11/ 161-163).

6. Пайғамбарлар ва бошқа инсонлар орасидаги афзаллик

Аллоҳ таоло айтади:

﴿اللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ﴾

«Аллоҳ фаришталар ва одамлардан пайғамбарлар танлар. Албатта, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва кўргувчидир». [Ҳаж: 75]

﴿وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنَ الْأَخْيَارِ﴾

«Албатта, улар Бизнинг ҳузуримизда танланган ахёрлардандирлар». [Сод: 47]

﴿اللَّهُ أَعْلَمُ حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ ۖ سَيُصِيبُ﴾

«Ўз пайғамбарлигини қаерга қўйишни Аллоҳнинг Ўзи яхши биладир...» [Анъом 124]

﴿وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَٰئِكَ رَفِيقًا﴾

«Ким Аллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва улар қандай ҳам яхши рафиқ (ҳамроҳ)лардир!» [Нисо: 69]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

(ما طلعت الشمس ولا غربت على أحدٍ بعد النبيين والمرسلين أفضل من أبي بكر الصديق).

«Анбиё ва пайғамбарлардан кейин Абу Бакр сиддиқдан кўра яхшироқ кишини қуёш чиқиб ботиб кўргани йўқ».¹

Шунингдек барча уламоларнинг ижмосига кўра, расуллар ва анбиёлар барча инсонлардан мутлақо афзалдирлар. «Айрим авлиёлар ёки баъзи имомлар пайғамбарлардан афзал», деган гапларни айтиш мумкин эмас. Бундай гаплар бўлмаган нарсалар ҳақидаги бўлмағур даъволардир.²

¹ Уни Абд ибн Ҳумайд «Ал-Мунтахаб» асарида (209/1, 216) ривоят қилган. Шунингдек, Ибн Абу Осим «Ас-Сунна» (1224, 2/526) асарида ва Ожуррий «Аш-Шариъа» (1309, 4/1844) асарида ривоят қилган. Бу ривоят заиф (ишончсиз) ҳисобланади.

² Олдинги манба (11/221) ва Ашқарнинг «Расуллар ва рисолатлар» асари (212–216-бетлар).

7. Пайғамбарларнинг маъсумлиги¹

Пайғамбарлар маъсумлигининг луғавий таърифи: ҳифз, ҳимоя ва сақлаш.

Истилоҳий маънода: Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг зоҳир ва ботин жиҳатларини фитрати соғлом инсонлар учун ёқимсиз бўлган нарсалардан (яъни гуноҳ ва разилликлардан) нубувватдан олдин сақлаган. Нубувватдан кейин эса, уларни катта гуноҳлардан ва кичик гуноҳ бўлсада, лекин, разил саналганларидан сақлаган. Кичик, разил эмас гуноҳ содир этган ҳолатда эса тавба ва истиғфорга тавфиқ этган ҳамда уларни гуноҳда қолдирмаган.

Рисолатни ўз зиммаларига олиш борасида маъсумдирлар

Ҳукм: Шубҳа йўқки, пайғамбарлар бу борада маъсумдирлар. Уларга юклатилган рисолатни ёдлаб оладилар ва Аллоҳ ўчиришни хоҳлаган ўрингина эсларидан чиқади.

Далил:

¹ Ибн Таймиянинг «Мажмўъ ал-Фатаво» асари (4/319), (10/289–290), «Фатҳул-Борий» (13/174) ва «Ар-русул вал-рисолат» (97, 103).

﴿سُنْقَرْتُكَ فَلَا تَنْسَى ۝٦ إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ إِنَّهُ يَعْلَمُ الْجَهْرَ وَمَا يَخْفَى ۝٧﴾

«Биз сенга (Қуръонни) қироат қилдирамиз, бас, сен уни эсдан чиқармассан. Илло, Аллоҳ хоҳлаганини. Албатта, У ошкорни ҳам, махфий нарсаларни ҳам биладир».

Яна бошқа ўринда Аллоҳ шундай деган:

﴿لَا تُحَرِّكْ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ ۝١٦ إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُ وَقُرْآنَهُ ۝١٧﴾

«Сен шошилиб у билан тилингни қимирлатма. Зеро, уни (сенинг дилингда) жамлаш ҳам, (тилингда) қироат қилдириш ҳам Бизнинг зиммамиздадир».

Рисолатни бошқаларга етказишда ҳам маъсумлар

Ҳукм: Етказишда ҳам маъсумлар, беркитмайдилар ва эсдан чиқармайдилар.

Далил:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ ۝٥١﴾

«Эй Пайғамбар! Сизга Раббингиздан нозил қилинган нарсани етказинг». [Моида: 67]

Яна Аллоҳ айтганки:

﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۝٥٢ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ۝٥٣﴾

«У ҳаводан (ҳавои нафсидан) нутқ қилмас. У (Қуръон) ваҳийдан ўзга нарса эмас». [Нажм: 3-4]

Катта гуноҳлардан маъсумлар

Ҳукм: Яҳуд ва насронийлар каби эмаслар. Аксинча, бу борада ҳам улар маъсумлар.

Далил: Ижмоъ

Кичик гуноҳлар борасидаги маъсумлик

Ҳукм: (Разил саналмаган) кичик гуноҳлардан маъсум эмаслар. Агар кичик гуноҳ қилиб қўйсалар ҳам, дарҳол тавба ва истиғфорга тавфиқ берилади. Охирида комилликка эришадилар.

Далил: Одам алайҳиссалом дарахтдан еб қўйганлари ва Мусо алайҳиссалом қибтийни урганлари.

Одам боласида учрайдиган ҳодисалардаги маъсумлик

Ҳукм: Маъсум эмаслар.

Далил: Мусо алайҳиссалом кўрққанлари ва Ҳизрга сабрлари етмагани.

Ҳукм чиқариш, қозилик борасидаги маъсумлик

Ҳукм: Зоҳирига қараб ҳукм чиқарадилар.

Далил: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(إنما أنا بشر، وإنه يأتيني الخصمان، فلعل بعضكم أن يكون ألحن بحجته من بعض، فأحسبه أنه صادق، فأقضي له بذلك فمن قضيت له بحق مسلم فإنما هي قطعة من النار فليأخذها أو ليركها).

«Мен ҳам бир одамман. Икки даъвогар менга келади. Эҳтимол сизлардан бирингизнинг даъвоси бошқасидан кўра таъсирчанроқ бўлиб кўринади. Мен эса уни ростгўй деб ўйлаб, унга шу босқичда ҳукм қиламан. Кимга бошқа мусулмоннинг ҳаққини олиб берсам, у дўзахдан бир бўлакдир. Хоҳласа олсин, хоҳласа тарк қилсин».

8. Пайғамбарлик далиллари¹

Пайғамбарлик далилларининг тури кўп:

1. Аллоҳ таоло расул ва пайғамбарларни тасдиқлаш учун қўлларида намоён қиладиган оятлар (мўъжизалар):

Масалан, Мусо алайҳиссаломнинг таёқлари ва Иброҳим алайҳиссалом учун салқин ва саломат бўлган олов.

¹ Пайғамбарлар ва рисолатлар (119-205)

2. Олдинги пайгамбарлар келаси пайгамбарлар ҳақида башорат бериши:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ النَّبِيِّينَ لَمَا آتَيْنَاكُمْ مِنْ كِتَابٍ وَحِكْمَةٍ ثُمَّ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ بِهِءَ وَلَتَنْصُرُنَّهُ قَالَ أَأَقْرَرْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ إِصْرِي قَالُوا أَقْرَرْنَا قَالَ فَاشْهَدُوا وَأَنَا مَعَكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ﴾

«Аллоҳ пайғамбарлардан: «Сизларга китоб ва ҳикмат берганим учун ортингиздан сизлардаги нарсани тасдиқловчи Пайғамбар келганда, албатта, унга иймон келтирасиз ва ёрдам берасиз, деб аҳду паймонларини олиб туриб: «Иқрор бўлдингизми? Бу ҳақда ишончли аҳду паймонимни қабул қилдингизми?» деганини эсланг. Улар: «Иқрор бўлдик», дейишди. У: «Бас, гувоҳ бўлинглар, мен ҳам гувоҳ бўлувчиларданман», деди». [Оли Имрон: 81]

3. Пайғамбарларнинг ҳол-аҳволларини кузатиш уларнинг ростлигини кўрсатади.

4. Расулларнинг даъватларига назар ташлаш ҳам уларнинг ростлигини кўрсатади.

5. Аллоҳнинг ўз расулларини қувватлаши, уларга ёрдам бериши ва дуоларини ижобат қилиши ҳам уларнинг ростлигининг далилидир.

Хусусан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи
ва салламнинг пайғамбарлик далиллари:

1. Қуръондан: Аллоҳ таоло айтади:

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْنُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ
وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ
وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ
فَالَّذِينَ آمَنُوا بِهِ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ الَّذِي أُنْزِلَ مَعَهُ ۖ أُولَٰئِكَ هُمُ
الْمُفْلِحُونَ﴾

«Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда
ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшилик-
ка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга
покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни
ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни
енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий На-
бий, Пайғамбарга эргашурлар. Бас, унга иймон
келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-
қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга
эргашганлар — ана ўшалар нажот топгувчи-
лардир», деди». [Аъроф: 157]

Ўринли жойи:

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ﴾

«Уммий, Набий, Пайғамбарга эргашадилар».

Далиллик ўрни: Қуръони карим

Ўринлик жойи:

﴿الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ﴾

«Улар ўз хузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган».

Далиллик ўрни: Олдинги китоблардаги башоратлар

Ўринли жойи:

﴿وَيُحِلُّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ﴾

«Уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган».

Далил олиш йўли: Тур жиҳатидан асос бўлиб, бу пайғамбар келтирган нарсанинг турига (мазмунига) қараб баҳоланади.

2. Ҳадисдан: Имом Бухорий ўз Саҳиҳида Суфён ибн Ҳарбдан ривоят қилган:

﴿أَنَّ هِرْقَلًا رَسَلَ إِلَيْهِ فِي رَكْبٍ مِنْ قُرَيْشٍ، وَكَانُوا تِجَارًا بِالشَّامِ فِي الْمُدَّةِ الَّتِي كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَادَّ فِيهَا أَبَا سُفْيَانَ وَكُفَّارَ قُرَيْشٍ، فَأَتَوْهُ وَهُمْ بِإِيلِيَاءَ، فَدَعَاهُمْ فِي مَجْلِسِهِ وَحَوْلَهُ عِظَمَاءُ الرُّومِ، ثُمَّ دَعَاهُمْ، وَدَعَا بَنِي جُمَانِهِ فَقَالَ: أَيُّكُمْ أَقْرَبُ نَسَبًا بِهَذَا الرَّجُلِ الَّذِي يَزْعُمُ أَنَّهُ نَبِيٌّ؟ فَقَالَ أَبُو سُفْيَانَ: فَقُلْتُ: أَنَا أَقْرَبُهُمْ نَسَبًا، فَقَالَ: أَذْنُوهُ مِنِّي، وَقَرَّبُوا أَصْحَابَهُ، فَاجْعَلُوهُمْ عِنْدَ ظَهْرِهِ، ثُمَّ قَالَ لِبَنِي جُمَانِهِ: قُلْ لَهُمْ

إِنِّي سَأَلْتُ هَذَا عَنْ هَذَا الرَّجُلِ، فَإِنْ كَذَبَنِي فَكَذَّبُوهُ، فَوَاللَّهِ لَوْ لَا الْحَيَاءُ مِنْ أَنْ يَأْثُرُوا عَلَيَّ كَذِبًا لَكَذَبْتُ عَنْهُ، ثُمَّ كَانَ أَوَّلَ مَا سَأَلَنِي عَنْهُ أَنْ قَالَ: كَيْفَ نَسَبُهُ فِيكُمْ؟ قُلْتُ: هُوَ فِينَا ذُو نَسَبٍ. قَالَ: فَهَلْ قَالَ هَذَا الْقَوْلَ مِنْكُمْ أَحَدٌ قَطُّ قَبْلَهُ؟ قُلْتُ: لَا. قَالَ: فَهَلْ كَانَ مِنْ آبَائِهِ مِنْ مَلِكٍ؟ قُلْتُ: لَا. قَالَ: فَأَشْرَافُ النَّاسِ يَتَّبِعُونَهُ أَمْ ضُعَفَاؤُهُمْ؟ فَقُلْتُ: بَلْ ضُعَفَاؤُهُمْ. قَالَ: أَيَزِيدُونَ أَمْ يَنْقُصُونَ؟ قُلْتُ: بَلْ يَزِيدُونَ. قَالَ: فَهَلْ يَرْتَدُّ أَحَدٌ مِنْهُمْ سَخَطَةً لِدِينِهِ بَعْدَ أَنْ يَدْخُلَ فِيهِ؟ قُلْتُ: لَا. قَالَ: فَهَلْ كُنْتُمْ تَتَّهِمُونَهُ بِالْكَذِبِ قَبْلَ أَنْ يَقُولَ مَا قَالَ؟ قُلْتُ: لَا. قَالَ: فَهَلْ يَغْدِرُ؟ قُلْتُ: لَا، وَنَحْنُ مِنْهُ فِي مَدَّةٍ لَا نَدْرِي مَا هُوَ فَاعِلٌ فِيهَا. قَالَ: وَلَمْ تُمْكِنِي كَلِمَةً أُدْخِلَ فِيهَا شَيْئًا غَيْرَ هَذِهِ الْكَلِمَةِ. قَالَ: فَهَلْ قَاتَلْتُمُوهُ؟ قُلْتُ: نَعَمْ. قَالَ: فَكَيْفَ كَانَ قِتَالُكُمْ إِيَّاهُ؟ قُلْتُ: الْحَرْبُ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُ سِجَالٌ، يَنَالُ مِنَّا وَنَنَالُ مِنْهُ. قَالَ: مَاذَا يَأْمُرُكُمْ؟ قُلْتُ: يَقُولُ: اعْبُدُوا اللَّهَ وَحْدَهُ، وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَاتْرَكُوا مَا يَقُولُ آبَاؤُكُمْ، وَيَأْمُرُنَا بِالصَّلَاةِ وَالصَّدَقِ وَالْعَفَافِ، وَالصَّلَةِ. فَقَالَ لِلتَّرَجَمَانِ: قُلْ لَهُ سَأَلْتُكَ عَنْ نَسَبِهِ فَذَكَرْتَ أَنَّهُ فِيكُمْ ذُو نَسَبٍ، فَكَذَلِكَ الرُّسُلُ تُبْعَثُ فِي نَسَبِ قَوْمِهَا، وَسَأَلْتُكَ: هَلْ قَالَ أَحَدٌ مِنْكُمْ هَذَا الْقَوْلَ؟ فَذَكَرْتَ أَنْ لَا، فَقُلْتُ: لَوْ كَانَ أَحَدٌ قَالَ هَذَا الْقَوْلَ قَبْلَهُ، لَقُلْتُ: رَجُلٌ يَأْتِسِي بِقَوْلٍ قِيلَ قَبْلَهُ، وَسَأَلْتُكَ: هَلْ كَانَ مِنْ آبَائِهِ مِنْ مَلِكٍ؟ فَذَكَرْتَ أَنْ لَا، قُلْتُ: فَلَوْ كَانَ مِنْ آبَائِهِ مِنْ مَلِكٍ قُلْتُ: رَجُلٌ يَطْلُبُ ثُلُكَ أَبِيهِ، وَسَأَلْتُكَ: هَلْ كُنْتُمْ تَتَّهِمُونَهُ بِالْكَذِبِ قَبْلَ أَنْ يَقُولَ مَا قَالَ؟ فَذَكَرْتَ أَنْ لَا، فَقَدْ أَعْرِفُ أَنَّهُ لَمْ يَكُنْ لِيَذَرَ الْكَذِبَ عَلَى النَّاسِ، وَيَكْذِبَ عَلَى اللَّهِ. وَسَأَلْتُكَ: أَشْرَافُ النَّاسِ اتَّبَعُوهُ أَمْ ضُعَفَاؤُهُمْ؟ فَذَكَرْتَ أَنَّ ضُعَفَاءَهُمْ اتَّبَعُوهُ، وَهُمْ أَتْبَاعُ الرُّسُلِ، وَسَأَلْتُكَ: أَيَزِيدُونَ أَمْ يَنْقُصُونَ؟ فَذَكَرْتَ أَنَّهُمْ يَزِيدُونَ،

وَكَذَلِكَ أَمْرُ الْإِيمَانِ حَتَّى يَتِمَّ، وَسَأَلْتُكَ: أَيْرْتَدُّ أَحَدٌ سَخَطَةً لِدِينِهِ بَعْدَ أَنْ يَدْخُلَ فِيهِ؟ فَذَكَرْتَ أَنْ لَا، وَكَذَلِكَ الْإِيمَانُ حِينَ تُخَالِطُ بِسَاسَتِهِ الْقُلُوبَ، وَسَأَلْتُكَ: هَلْ يَغْدِرُ؟ فَذَكَرْتَ أَنْ لَا، وَكَذَلِكَ الرُّسُلُ لَا تَغْدِرُ، وَسَأَلْتُكَ: بِمَا يَأْمُرُكُمْ؟ فَذَكَرْتَ أَنَّهُ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَيَنْهَاكُمْ عَنْ عِبَادَةِ الْأَوْثَانِ، وَيَأْمُرُكُمْ بِالصَّلَاةِ، وَالصَّدَقِ، وَالْعَفَافِ. فَإِنْ كَانَ مَا تَقُولُ حَقًّا فَسَيَمْلِكُ مَوْضِعَ قَدَمَيَّ هَاتَيْنِ، وَقَدْ كُنْتُ أَعْلَمُ أَنَّهُ خَارِجٌ لَمْ أَكُنْ أَظُنُّ أَنَّهُ مِنْكُمْ، فَلَوْ أَنِّي أَعْلَمْتُ أَنِّي أَخْلُصُ إِلَيْهِ، لَتَجَشَّمْتُ لِقَاءَهُ، وَلَوْ كُنْتُ عِنْدَهُ لَغَسَلْتُ عَنْ قَدَمِهِ....)

— «Ҳирақл Шомда тижорат қилаётган Қурайш карвонидаги Абу Суфёнга одам юборди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абу Суфён ва Қурайш кофирлари билан сулҳ тузган пайтлари эди. Тижоратчилар унинг олдига келишди. Улар Илиёда эдилар. Ҳирақл уларни мажлисига чақирди. Ёнида Рум зодагонлари бор эди. Кейин Ҳирақл уларни чорлаб, таржимонини чақирди-да: «Қай бирингиз ўзини Набий деб даъво қилаётган анави кишига насабда яқинроқсиз?» деди.

— Абу Суфён айтди: «Шунда: “Булар ичида насабда энг яқини менман”, дедим».

— Ҳирақл: «Уни ёнимга келтиринглар, ҳамроҳларини яқинроқ олиб келиб, унинг орқасида турғазинглар», деди. Сўнг таржимонига: «Уларга айт, албатта, мен бундан бояги

киши ҳақида сўрайман. Агар мени алдаса, унинг ёлғонини билдиринглар», деди.

— Аллоҳга қасамки, мен ҳақимда ёлғон тарқатиб юришларидан уялмаганимда, у ҳақида албатта ёлғон гапирган бўлар эдим. Сўнг у мендан У зот ҳақида биринчи сўрагани: «Ичингизда унинг насаби қандай?» бўлди.

— «У ичимизда соҳиби насабдир», дедим.

— «Сизлардан бирон киши ундан олдин бу гапни айтганми?» деди.

— «Йўқ», дедим.

— «Унинг ота-боболаридан подшоҳ бўлганми?» деди.

— «Йўқ», дедим.

— «Унга одамларнинг обрўлилари эргашиятими ёки ночорларими?» деди.

— «Ночорлари», дедим.

— «Улар кўпайишмоқдами ёки озайишмоқдами?» деди.

— «Кўпаяпти», дедим.

— «Уларнинг бирортаси унинг динига кирганидан кейин норози бўлиб қайтиб кетяптими?» деди.

— «Йўқ», дедим.

— «Гапларини айтишидан олдин уни ёлғонда айблар эдингизми?» деди.

— «Йўқ», дедим.

— «Хиёнат қиладими?» деди.

— «Йўқ, биз у билан сулҳ муддатидамиз, бунда нима қилишини билмаймиз», дедим. Бунга шундан бошқа бирор сўз қўшиш имконим бўлмади.

— «Унга қарши жанг қилдингизми?» деди.

— «Ҳа», дедим.

— «Унга қарши жангларингиз қандай бўлди?» деди.

— «У билан орамиздаги уруш “сижол” дир: гоҳ у бизни енгади, гоҳ биз уни енгамиз», дедим.

— «У сизни нималарга буюради?» деди.

— «Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар, Унга бирон нарсани шерик қилманглар, оталарингиз айтаётган нарсаларни тарк қилинглар, дейди. Бизни намозга, ростгўйликка, иффатга ва силаи раҳмга буюради», дедим.

— Шунда у таржимонга деди: «Унга айт: “Сендан унинг насаби ҳақида сўраган эдим, унинг ичингизда соҳиби насаб эканини айтдинг. Расуллар ҳам ана шундай ўз қавми насаблиларидан юбориладилар. Сендан бирортангиз шу сўзни айтганмиди, деб сўраганимда “йўқ” дединг. Агар бу сўзни ундан аввал бирортаси айтган бўлса, бу киши ўзидан аввал айтилган гапдан ўрناк олаябди, дер эдим.

Сендан унинг ота-боболаридан подшоҳ бўлганми, деб сўраганимда “йўқ” дединг. Агар ота-боболари орасида подшоҳ бўлганида, отасининг подшоҳлигини талаб қилаётган киши

экан, дер эдим. Сўзлаётган гапларини айтишидан олдин уни ёлғонда айблар эдингизми, деб сендан сўраганимда “йўқ” дединг. Биламанки, у одамлар хусусида ёлғон гапирмагач, Аллоҳнинг шаънида ҳам ёлғон гапирмайди.

Сендан унга одамларнинг обрўлилари эргашаяптими ёки ночорларими, деб сўраганимда “ночорлари”, дединг. Набийларнинг эргашувчилари ўшалардир.

Сендан улар кўпайишмоқдами ёки озайишмоқдами, деб сўраганимда “кўпайишмоқда”, дединг. Иймон иши шу тариқа камолга етади.

Сендан уларнинг бирортаси унинг динига кирганидан кейин норози бўлиб қайтиб кетаяптими, деб сўраганимда “йўқ”, дединг. Иймон ҳаловати қалбларга йўғирилганда ана шундай бўлади.

Сендан у хиёнат қиладими, деб сўраганимда “йўқ”, дединг. Расуллар шундай, хиёнат қилмайдилар.

Сендан у сизларни нимага буюради, деб сўраганимда, у сизларни Аллоҳга ибодат қилишга, Унга бирон нарсани шерик қилмасликка буюриб, бут-санамларга ибодат қилишдан қайтараётганини, намозга, ростгўйликка ва ифбатга буюришини айтдинг.

Агар айтаётганларинг ҳақ бўлса, демак, у тезда мана шу оёқларим турган жойни ҳам

эгаллайди. Унинг чиқишини аниқ билар эдим, лекин, уни сизлардан деб ўйламаган эканман. Агар унга ета олганимда, у билан учрашиш учун барча машаққатларни зиммамга олардим. Унинг ҳузурида бўлсам, оёғини ювган бўлардим».¹

Ўринли жойи: «Унга айт: “Сендан унинг насаби ҳақида сўраган эдим, унинг ичингизда соҳиби насаб эканини айтдинг. Расуллар ҳам ана шундай ўз қавмининг насабдорларидан юбориладилар».

Далил келтириш жиҳати: шахсий йўл (усул).

Ўринли жойи: Сендан у сизларни нимага буюради, деб сўраганимда, у сизларни Аллоҳга ибодат қилишга, Унга бирон нарсани шерик қилмасликка буюриб, бут-санамларга ибодат қилишдан қайтараётганини айтдинг.

Далил келтириш жиҳати: навъий маслак, яъни, у келтирган нарсанинг турига назар ташлаш орқали.

Ўринли жойи: Агар айтаётганларинг ҳақ бўлса, демак, у тезда мана шу оёқларим турган жойни ҳам эгаллайди.

¹ Имом Бухорий (7).

Далиллик жиҳати: Башоратлар

— Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни дунё ҳаётида ихтисос этган айрим фазилатлар:

1. Аллоҳ барча пайғамбарлар ва расуллардан У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат (аҳд) олган.

2. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг кўп издош (уммат)га эга бўлган пайғамбардир.

3. У зотнинг асри (даври) — Одам фарзандлари орасидаги энг хайрли асрдир.

4. Аллоҳ таоло У зотга ҳаётлик чоғидаёқ: «Сенинг аввалги ва кейинги гуноҳларинг мағфират қилинди», деб хабар берган.

5. Аллоҳ У зотнинг номини (шуҳратини) юксалтирган.

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни охират ҳаётида ихтисос этган айрим фазилатлар:

1. У зот Одам болаларининг саййиди (энг улуғи)дир.

2. У биринчи шофеъ (шафоат қилувчи) ва биринчи мушаффаъ (шафоати қабул қилинувчи).

3. У биринчи бўлиб сирот кўпригидан ўтади, биринчи бўлиб жаннат эшигини қоқади ва биринчи бўлиб унга киради.

4. Қиёмат куни Аллоҳ таоло Ҳамд байроғини унинг қўлига беради.

9. Пайғамбарларга иймон келтиришнинг самаралари

1. Аллоҳ таолонинг бандаларига раҳмат ва ғамхўрлигини билиш. Чунки, У Зот уларга тўғри йўлни кўрсатиш ва қандай ибодат қилишни баён этиш учун пайғамбарларни юборган. Зеро, инсон ақли бу нарсани мустақил равишда билиб ета олмайди.

2. Бу буюк неъмат учун Аллоҳ таолога шукр қилиш.

3. Пайғамбарларни севиш, уларни улуғлаш ва уларга муносиб мадҳ айтиш. Чунки, улар Аллоҳнинг расулларидир; У Зотга ибодат қилдилар, Унинг рисолатини етказдилар ва бандаларга холис насиҳат қилдилар.

Тўртинчи: Қиёмат кунига иймон келтириш

1. Қиёмат кунидан мурод
2. Қиёмат кунига иймон келтиришнинг аҳамияти
3. Қабр фитнаси, икки фаришта савол-жавоби ва руҳ ҳақидаги ҳадис
4. Қиёматнинг кичик ва катта аломатлари
5. Қайта тирилиш
6. Ҳашр
7. Тарози
8. Ҳисоб-китоб
9. Ҳавз
10. Сирот
11. Қантара
12. Шафоат
13. Жаннат ва дўзах

1. Қиёмат куни (Охират куни)дан мурод:

Охират куни маъноси хақида уламоларнинг икки сўзи бор:

Биринчи сўз: Дунёнинг охирги куни сўнгра барзах (қабр ҳаёти) сўнгра қиёмат куни.

Ҳалимий шундай деган:

«Охирги кун деганда дунё кунларининг охиргиси назарда тутилади. Дунё эса ҳаётнинг сифати... Демак, бу охирги кун дунё ҳаётининг охирги кунидир. Сурга пуфланган ва ердагилар ҳамда осмондагилар қулаб ўлган вақтда улардан ҳеч ким қолмайди. Шу куни уларнинг дунё ҳаёти тугаган куни, уларнинг “охирги куни” ҳисобланади. Кейин сурга иккинчи бор ҳаёт бахш этувчи пуфлаш билан пуфланганда, улар қайта тириладилар. Ана шу — қиёмат кунидир. У икки воқеа орасидаги давр эса на дунёдан, на охиратдан бўлиб, Аллоҳ таоло Китоби (Қуръон) да зикр этган “барзах”дир». Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ وَرَّاهُمْ بَرْزَخٌ إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ﴾

«Уларнинг ортида қайта тириладиган кунларигача тўсиқ бордир». [Мўъминун: 100].¹

¹ Минҳаж (2/238).

Иккинчи фикрга кўра, бу билан қиёмат куни назарда тутилган. У «охирги кун» деб аталган, чунки у – ортидан тун бўлмайдиган сўнгги кун. Бу ҳеч бир чек ва охирга эга бўлмаган, ҳосилсиз кун бўлиб, дунё кунларининг охири ва охират-нинг бошидир.

Барзахга келсак, у – қабр ҳаётини англатади. Соъқ нафхаси (ҳамма нарса ҳалок бўладиган сур нафаси) ва тирилиш нафхаси эса – буларнинг барчаси охирги кунда, яъни, қиёмат куни бўлади.¹ Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ﴾

«Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, қулаб ўлди. Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди. Сўнгра унга яна бир бор пуфланди. Бас, тўсатдан улар туриб интизор бўлурлар». [Зумар: 68]

¹ Тафсир Ибн Жарир (1/271), тафсир Бағовий (1/65) ва Тафсир Ибн Касир (5/488).

﴿فَإِذَا نُفِخَ فِي الصُّورِ نَفْخَةٌ وَاحِدَةٌ ۖ وَحُمِلَتِ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ فَدُكَّتَا دَكَّةً وَاحِدَةً ۖ فَيَوْمَئِذٍ وَقَعَتِ الْوَاقِعَةُ ۖ﴾ ﴿١٥﴾ وَأَنْشَقَّتِ السَّمَاءُ فَهِيَ يَوْمَئِذٍ وَاهِيَةٌ ﴿١٦﴾﴾

«Агар дудга биргина пуфлаш-ла пуфланса... Ва еру тоғлар кўтарилиб, бир мартагина силкитилса... Бас, ўша кунда, воқеа воқеъ бўлибдир. Ва осмон парчаланса, бас, ўша кунда, у (осмон) беҳолдир». [Ал-Ҳаққоҳ: 13-16]

«Охират кунига иймон келтириш» дегани — Аллоҳ ва Расули бизга хабар берган, ўлимдан кейин бўладиган барча нарсаларга ишонишдир. Улар қуйидагилар: қабр фитнаси, икки фариштанинг сўроғи, қабр неъматлари ва азоби, ўлимдан кейин тирилиш, йиғилиш (ҳашр), амаллар намоиши ва ҳисоб-китоб, мизон (тарози), сирот кўприги, Ҳавз (Расулуллоҳнинг ҳавзаси), шафоат, жаннат ва дўзах ҳамда Аллоҳ уларнинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларнинг барчасидир.¹²

¹ Шайх Фавзон шарҳи билан «Ақидаи Васития» (142-бет) ва Муҳаммад Наийм Ясиннинг «Иймон» китобида (89-бет).

² Ибн Таймиянинг «Мажмуъ ал-Фатаво» асари (4-жилд, 262–263 бетлар), ҳамда Вобилнинг «Ашротус-Сааъа» («Қиёмат аломатлари») китобида (74–75 бетлар).

Охират куни:

У: Дунёнинг охирги куни, ундан сўнг қиёмат куни

У: Қиёмат куни, мана шу тўғри сўз

Қиёмат кунига иймон келтириш: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган, ўлимдан кейин бўладиган барча нарсага иймон келтириш.

2. Охират кунига иймон келтиришнинг аҳамияти¹

1. Иймон арконларидан бири. Инсоннинг иймони усиз комил бўлмайди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ءَامِنُوا بِاللّٰهِ وَرَسُولِهِ ؕ وَالْكِتَابِ الَّذِى نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ ؕ وَالْكِتَابِ الَّذِى أَنزَلَ مِن قَبْلُ ؕ وَمَن يَكْفُرْ بِاللّٰهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ ؕ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг! Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига,

¹ «Шуъабул-иймон» (1/336), Муҳаммад Наим Ясиннинг «Иймон китоби» (91–93) ва Ал-вобилнинг «Қиёмат аломатлари» (27–39) асарларига қаранг.

китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўлади». [Нисо: 136]

Жаброил алайҳиссаломнинг ҳадисида:

(الإيمان أن تؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسله واليوم الآخر وتؤمن بالقدر خيره وشره).

«Иймон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшисию ёмонига иймон келтиришингдир».¹

2. Аллоҳга иймон келтириш билан алоқаси: Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَكِنَّ الْإِيمَانَ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

«Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига иймон келтирса». [Бақара: 177]

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

﴿يَقُومُوا أَعْبُدُوا اللَّهَ وَأَرْجُوا الْيَوْمَ الْآخِرَ وَلَا تَعْتَوْا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ﴾

«Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, охират кунидан умидвор бўлинг ва ер юзида бузғунчилик ила ҳаракат қилиб юрманг», деди». [Анкабут: 36]

¹ Манбаси зикр қилинди.

﴿قَتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиганларга қарши жанг қилинг». [Тавба: 29]

3. Қуръони каримда кўп зикр қилиниши:

Қуръони каримнинг қайси бетини очманг, қиёмат куни зикр қилганини жуда кўп ҳолатларда топасиз.

4. Исмларининг кўплиги, улардан:

1. Қиёмат
2. Сооххоҳ
3. Ҳисоб куни
4. Абадий кун
5. Соат
6. Ҳаққоҳ
7. Фатҳ куни
8. Қайта чиқиш куни
9. Охират
10. Ғошия
11. Мулоқот куни
12. Ҳасрат куни
13. Яқинлашгувчи кун
14. Воқеа
15. Жамланиш куни

16. Нидо куни

17. Оғир кун

18. Дин (ҳисоб, мукофот ва жазо маъносида)

19. Тағобун куни

5. Қиёмат инсон ҳаётини йўналтириш ва хулқини назорат қилишда катта таъсирга эга.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَرَأَيْتَ الَّذِي يُكَذِّبُ بِالْإِيمَانِ ۚ فَذَلِكَ الَّذِي يَدْعُ الْيَتِيمَ﴾

«Охират(жазоси)ни ёлғонга чиқарувчини кўрдингми? У, етимни кўполлик билан ҳайдайдир». [Моъун: 1-2]

﴿إِنَّمَا يَعْزَّمُ مَسْجِدَ اللَّهِ مِنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَآتَى الزَّكَاةَ وَلَمْ يَحْشَ إِلَّا اللَّهَ فَعَسَىٰ أُولَٰئِكَ أَنْ يَكُونُوا مِنَ الْمُهْتَدِينَ﴾

«Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўқис адо этганлар, закотни берганлар ва Аллоҳдан бошқадан кўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топгувчилардан бўлсалар». [Тавба: 18]

Бошқа бир оятда шундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ أَنْفِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَتَأْتَلْتُمْ إِلَى الْأَرْضِ أَرْضَيْتُمْ بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا مِنَ الْآخِرَةِ فَمَا مَتَّعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا قَلِيلٌ﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Сизга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида кўзғалинг, дейилса, ерга ёпишиб олдингиз. Ёки охиратни қўйиб, дунё ҳаётига рози бўлдингизми? Охират олдида бу дунё ҳаёти жуда оз-ку?!» [Тавба: 38]

Охират кунига иймон келтиришнинг аҳамияти:

1. Иймон арконларидан бири.
2. У одатда Аллоҳга иймон келтириш билан бирга зикр қилинади.
3. У ҳақда Қуръонда кўп марта сўз юритилган.
4. Унинг номлари жуда кўп.
5. Бу инсон ҳаётини йўналтириш ва хулқини назорат қилишда катта таъсирга эга.

3. Қабр фитнаси, икки фаришта савол-жавоби ва руҳ ҳақидаги ҳадис¹

1. Қабр охират манзилларининг энг биринчиси:

Усмон разияллоҳу анҳу қабр олдида келганларида, сақоллари ҳўл бўлгунча йиғлар эдилар. У кишига: «Жаннат ва дўзах зикр қилинса, йиғламайсизу, лекин, шу ерда йиғлайсиз», дейишганида, у киши шундай дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إن القبر أول منزل من منازل الآخرة، فإن نجا فما بعده أيسر منه، وإن لم ينج منه فما بعده أشد منه).

«Қабр охират манзилларининг биринчисидир. Агар у ерда нажот топса, ундан кейинги нарсалар унга енгил бўлади. Агар у ерда нажот топмаса, ундан кейинги нарсалар унга оғир бўлади», деганлар.²

2. Қабр фитнаси:

Асмо разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

¹ «Аль-Ақида ал-Восития» (142-бет), ҳамда Ҳусайн Жобирнинг «Исломда барзах ҳаёти» асари (97–105-бетлар).

² Термизий «Сунан» асарида (4/553) (2308) рақам билан ривоят қилган. Албоний эса «Саҳиҳ ал-Жомийъ»да (1684) рақам билан саҳиҳ деб баҳолаган.

(ما من شيء لم أكن رأيته إلا رأيته في مقامي هذا حتى الجنة والنار فأوحى إلي أنكم
تفتنون في قبوركم مثل أو قريباً من فتنة المسيح الدجال ..).

«Мана шу турган еримда кўрмаган нарсаларимни кўрдим, ҳатто жаннат ва дўзахни ҳам. Менга ваҳий қилиндики, сизлар қабрларингизда Масих Дажжол фитнасига яқин [ёки ўхшаш] синаласиз ...», дедилар.¹

Фитнанинг тури: майитга бериладиган саволлар. Улар учта саволдан иборат: Рабби ҳақида, дини ва расули ҳақида. Далили билан бирга. Бу саволлар расуллар ва пайғамбарлардан бошқа ҳар бир инсондан сўралади.

Уч асос:

- Аллоҳ
- Пайғамбар
- Дин

Бароъ ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган узун ҳадисда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(فَيَأْتِي - أَيِ الْمُؤْمِن - مَلَكًا فَيُجْلِسَانَهُ فَيَقُولَانِ لَهُ: مَنْ رَبُّكَ؟ فَيَقُولُ: رَبِّي اللَّهُ، فَيَقُولَانِ لَهُ: مَا دِينُكَ؟ فَيَقُولُ: دِينِي الْإِسْلَامُ، فَيَقُولَانِ لَهُ: مَنْ هَذَا الرَّجُلُ الَّذِي بُعِثَ

¹ Имом Бухорий (1/182) ҳ (86). Имом Муслим (2/624) ҳ (11).

فيكم؟ فيقول: هو رسول الله، فيقولان له: وما يدريك؟ فيقول: قرأت كتاب الله فآمنت به وصدقت، فذلك قوله تعالى: ﴿يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِأَلْقَوْلِ الثَّابِتِ﴾ [إبراهيم: 27] فينادي مناد من السماء: أن صدق عبدي فأفرشوه من الجنة وألبسوه من الجنة وافتحوا له باباً إلى الجنة، فيفتح، قال: فيأتيه من روحها وطيبها ويُفسح له في الجنة مد بصره).

«Иймонли бандага икки ғаришта келади ва уни ўтқазишади. Улар сўраб: «Сенинг Раббинг ким?» дейишади. У айтади: «Раббим — Аллоҳ». Улар: «Дининг нима?» дейишади. У: «Диним — Ислом», дейди. Улар: «Орангизга юборилган бу киши ким?» дейишади. У айтади: «У — Аллоҳнинг Расули». Улар: «Бунни қаердан билдинг?» дейишади. У айтади: «Мен Аллоҳнинг Китобини ўқиб, унга ишондим ва тасдиқладим».

Шунда Аллоҳ таоло айтганидек: «Аллоҳ иймон келтирганларни собит сўз билан мустаҳкам қилади» [Иброҳим сураси, 27-оят].

Сўнг осмондан нидо қилинади: «Менинг бандам рост гапирди, унга жаннатдан ётоқ тайёрланглар, жаннатдан кийим кийгизинглар ва жаннатга эшик очинглар». Эшик очилади ва унга жаннатнинг ҳавоси ва хушбўйлиги кириб туради ҳамда қабри кўз етиб боргунигача кенгайтирилади».

Кофир ҳақида эса — унинг ўлимини зикр қилиб — шундай дейилган: «Руҳи танасига

қайтарылади ва икки фаришта келиб уни ўтқазишади. Улар сўраб: «Сенинг Раббинг ким?» дейишади. У айтади: «Ҳаҳ-ҳаҳ, билмайман». Улар: «Дининг нима?» дейишади. У айтади: «Ҳаҳ-ҳаҳ, билмайман». Улар: «Орангизда юборилган бу киши ким?» дейишади. У айтади: «Ҳаҳ-ҳаҳ, билмайман».

Сўнг осмондан нидо қилинади: «Менинг бандам ёлғончи бўлди, унга дўзахдан ётоқ ёзинглар, дўзахдан кийим кийгизинглар ва дўзахга эшик очинглар». Шунда унга дўзахнинг иссиқлиги ва захри етиб келади, қабри унга шунчалик тор қилинадики, қовурғалари бири-бирига босилади.

Сўнг унга кўр ва кар бир махлуқ тайинланади, унинг қўлида темирдан ясалган калтак бўлади. Агар у калтак билан тоғга урса, у тош тупроққа айланади. У кофирни шундай зарба билан урадики, унинг товушини маширик билан мағриб орасидаги инсу жинлардан бошқа барча

жонлилар эшитади. У тупроққа айланади, сўнг руҳи яна танасига қайтарилади».¹

3. Икки фариштанинг сифати:

Қора, кўк. Бирининг исми Мункар иккинчисиники эса Накир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إذا قُبر الميت أتاها ملكان أسودان أزرقان، يقال لأحدهما المنكر وللآخر النكير).

«Маййит қабрга қўйилгач, икки қора, кўк фаришта келади. Бирининг исми Мункар, иккинчисиники Накир...», деганлар.²

4. Қабр азоби ҳақ:³

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: бир яҳудия аёл унинг ҳузурига кириб, қабр азоби ҳақида сўзлади. Шунда у (яҳудия аёл) айтди: «Аллоҳ сени қабр азобидан паноҳласин». Оиша бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради. У зот айтдилар:

¹ Бу ҳадисни Абу Довуд «Сунан» асарида (4/238) (4751) рақам остида ривоят қилган ва «Саҳиҳул-жомеъ»да (1671) келтирилган.

² Термизий ривоят қилган (3/372) (1071), шунингдек «Саҳиҳул-жомеъ»да (724) келган.

³ Исломда Барзах ҳаёти (14-61).

(نعم، عذاب القبر حق)، قالت عائشة: (فما رأيت رسول الله ﷺ بعدُ صلى صلاة إلا تَعَوَّذَ بالله من عذاب القبر).

«Ҳа, қабр азоби ҳақдир». Оиша айтадилар: «Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳар бир намозларида Аллоҳдан қабр азобидан паноҳ сўрамай қолганларини кўрмадим».¹

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَحَاقَ بِآلِ فِرْعَوْنَ سُوءُ الْعَذَابِ ۝ آلُ النَّارِ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ ۝﴾

«Фиръавн аҳлини ёмон азоб ўраб олди. У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Соат (қиёмат) қоим бўлганида эса: «Фиръавн аҳлини энг ашаддий азобга кири-тинглар», дейилур». [Ғофир: 45-46]

Кўп салаф уламолар қабр азоби дея таф-сирлаганлар.

Қабр неъматини ҳақ:

Баронинг ҳадисида мўмин ҳақида: «Сўнг осмондан нидо қилинади: «Менинг бандам рост гапирди, унга жаннатдан ётоқ тайёрланглар, жаннатдан кийим кийгизинглар ва жаннатга

¹ Бухорий ривояти (1372).

эшик очинглар». Эшик очилади ва унга жаннатнинг ҳавоси ва хушбўйлиги кириб туради ҳамда қабри кўз етиб боргунигача кенгайтирилади», дейилди.

Руҳнинг танага тааллуқли ўрни:

Дунёда: Руҳ танага тобеъ

Барзахда: Тана руҳга тобеъ

Охиратда: Бадан руҳ билан бирга

Эслатма: Барзах ҳаёти охират ҳаётига тобеъ. Маъноси маълум, аммо унинг қандайлиги (кайфияти) маълум эмас. Бу — ақлни ҳайрон қолдирадиган нарсаси, лекин ақл уни рад этмайди, яъни имконсиз, деб ҳукм қилинмайди.

6. Руҳлар ҳақида:¹

Руҳ — ғайб оламига оид нарсасидир, унинг қандайлиги маълум эмас. Лекин, у инсон танасининг аъзоларига юриб, танага ҳаёт бахш этади. Руҳ танадан ажраганда эса инсон вафот этади. Руҳ юқорига кўтарилиш, пастга тушиш каби ҳаракатлар билан ҳам тавсиф қилинган.

¹ «Шарҳ ат-Таҳовия» (391–396-бетлар), Ибн Қаййимнинг «Китоб ар-Руҳ» асари (226–330-бетлар), ва «Ибн Қаййим ал-Жавзия ва унинг салаф ақидасини ҳимоя қилишдаги саъй-ҳаракатлари» (541–560-бетлар).

Руҳ — Аллоҳ яратган мавжудотлардан бири бўлиб, У Зот томонидан бошқарилади ва Унга тобе. Руҳнинг Аллоҳга нисбат берилиши, шараф ва икром маъносидаги нисбатдир.

Руҳнинг ўлиши — унинг танадан ажралиши билан бўлади. У ҳам «нафс» бўлиб, ҳар бир нафс ўлим таъмини тотади. Аммо тана каби йўқ бўлиб кетмайди, балки, унинг бошқа ҳолати ва бошқа мақоми бўлади.

Руҳлар макони

Пайғамбарлар руҳлари – энг олий даража бўлган «Аъло иллиййин»да бўлади.

Шаҳидлар руҳлари – жаннатдаги яшил қушларнинг ичида бўлиб, жаннатда хоҳлаган жойларига сайр қиладилар.

Қолган мўминларнинг руҳлари – тўғрироқ сўзга кўра, жаннатда бўлади. Аммо айримлари қарз ёки шу каби сабаблар билан тўсилиб турилиши мумкин.

Шаҳидлар ва бошқа мўминларнинг руҳлари ўртасидаги фарқ шундаки: шаҳидларнинг руҳлари учун қуш шаклидаги таналар яратилади, улар шу орқали тўлиқ неъматдан баҳраманд бўладилар. Аллоҳу аълам.

Кофирларнинг руҳлари – дўзахда.

4. Қиёматнинг кичик ва катта аломатлари

Қиёмат аломатлари — қиёмат кунидан олдин бўладиган ва унинг яқинлашганидан дарак берадиган белгилардир.

Қиёматнинг номларидан бири соатдир.

«Соат» — вақтнинг бир қисми бўлиб, тун ёки куннинг бир бўлаги; яъни, сен ҳозир бўлиб турган вақт.

«Соат» — Қиёматнинг қоим бўладиган вақти, яъни, қиёмат «соат»да қоим бўлади, чунки, у яқин ёки кутилмаган ҳолда келади.

«Соат» (яъни қиёмат) сўзи уч маънода иш-латилади:

1. Катта соат: бу одамларнинг қабрларидан тирилтирилиб, ҳисоб-китоб ва жазога тортилишлари демакдир. Агар «соат» Қуръонда мутлақ келса, ундан катта қиёмат маъноси кўзда тутилади. Аллоҳ таоло айтади: «Одамлар сендан (қиёмат) соати ҳақида сўрарлар».
2. Ўрта соат — бу бир авлод (аср) одамлари ўлиб кетган пайтдир.

3. Кичик соат — бу инсоннинг ўлиmidир. Ким ўлса, унинг учун Қиёмат қоим бўлган ҳисобланади, чунки у охират оламига ўтади.

Қиёматнинг кичик аломатлари:

Қиёматнинг кичик аломатлари кўп бўлиб, улардан баъзиларини зикр қиламиз:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жўнатилишлари:

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(بعثت أنا والساعة كهاتين) قال: (وضم بين السبابة والوسطى).

«Мен ва қиёмат шундай юборилдик», деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бирлаштирдилар».¹

2. Ойнинг иккига бўлиниши:

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар:

(بَيْنَمَا نَحْنُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ - ﷺ - بِمَنْى إِذَا انْفَلَقَ الْقَمَرُ فَلِقَتَيْنِ فَكَانَتْ فِلَقَةً وَرَاءَ الْجَبَلِ وَفِلَقَةً دُونَهُ فَقَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ - ﷺ - اشْهَدُوا)

¹ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (6504) ва имом Муслим (2951).

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Минода бўлганимизда, тўсатдан ой икки бўлакка бўлинди: бўлагининг бири тоғнинг ортида, иккинчиси эса унинг олдида эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Гувоҳ бўлинглар!» дедилар.¹

3. Фитналарнинг зоҳир бўлиши:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(بادروا بالأعمال فتناً كقطع الليل المظلم؛ يصبح الرجل مؤمناً ويمسي كافراً، أو يمسي مؤمناً ويصبح كافراً، يبيع دينه بعرض من الدنيا)

«Зулматли кечанинг бўлаги каби фитна келишидан олдин амалларга шошилинглар. (Ўшанда) киши тонгда мўмин бўлиб, тунда кофир бўлиб қолади ва тунда мўмин бўлиб, тонгда кофир бўлиб қолади ҳамда дунёнинг арзимаган матосига динини сотади».²

4. Биноларни баланд қилиб қуриш (яъни биноларда ўзаро беллашиш).

Жаброил алайҳиссаломнинг узун ҳадисида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

¹ Имом Муслим (2800).

² Имом Муслим (118).

(قَالَ فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ. قَالَ مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ. قَالَ فَأَخْبِرْنِي عَنْ أَمَارَتِهَا. قَالَ أَنْ تَلِدَ الْأُمَةُ رَبَّتَهَا، وَأَنْ تَرَى الْحَفَاةَ الْعُرَاةَ الْعَالَةَ رِعَاءَ الشَّاءِ يَتَطَاوَلُونَ فِي الْبُنْيَانِ ...).

«Менга Соат (қиёмат куни) ҳақида хабар беринг», деди. «У ҳақда сўралаётган киши сўровчидан кўпроқ билгувчи эмас», дедилар.

«Унинг аломатлари ҳақида айтиб беринг», деди. «Чўри ўзининг хўжайинини туғади ва ўзлари ялангоёқ, яланғоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз», дедилар».¹

5. Илм йўқолиши, зилзила ҳамда ўлим кўпайиши: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى يُبْصَ الْعِلْمُ وَتَكْثُرَ الزَّلَازِلُ وَيَتَقَارَبَ الزَّمَانُ وَتُظْهَرَ الْفِتَنُ وَيَكْثُرَ الْهَرْجُ، وَهُوَ الْقَتْلُ الْقَتْلُ ..)

«Илм йўқолиб, зилзилалар кўпайиб, замон яқинлашиб, фитналар зоҳир бўлиб, ҳарж, яъни, қотиллик кўпаймагунча қиёмат бўлмайди».²

Қиёматнинг катта аломатлари:

¹ Имом Муслим (8)

² Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (85) ва имом Муслим (157).

Қиёматнинг катта аломатлари ўнта. Ҳузайфа ибн Усайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган:

(اطلع النبي ﷺ علينا ونحن نتذاكر، فقال: (ما تذاكرون ؟) قالوا: نذكر الساعة. قال: (إنها لن تقوم حتى ترون قبلها عشر آيات)، فذكر: (الدُّخان، والدجال، والدابة، وطلوع الشمس من مغربها، ونزول عيسى بن مريم ﷺ، ويأجوج ومأجوج، وثلاثة خسوف: خسف بالمشرق، وخسف بالمغرب، وخسف بجزيرة العرب، وآخر ذلك نار تخرج من اليمن تطرد الناس إلى محشرهم).

«Суҳбатлашиб ўтирган эдик, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримизга чиқиб: «Нима ҳақида гаплашяпсизлар?» дедилар. «Қиёмат ҳақида», дейишди. У зот: «Ундан олдин ўн аломатни кўрмагунингизча қоим бўлмайди», дедиларда, тутун, Дажжол, ҳайвон чиқиши, қуёшнинг мағрибдан чиқиши, Исо ибн Марям алайҳиссаломнинг тушиши, Яъжуж ва маъжуж, учта ер ютиши: Машрикда, мағрибда ва араб жазира-сида ер ютиши ва буларнинг охиргиси Ямандан чиқиб, одамларни маҳшарга ҳайдаб борадиган бир оловни санаб ўтдилар».¹

Қиёматнинг катта аломатларининг тартиби

¹ Имом Муслим (2901).

Ернинг кўп қисмидаги умумий ҳолатларнинг ўзгаришига ишора қилувчи буюк аломатлар

1. Дажжол
2. Исо алайҳиссалом тушишлари
3. Яъжуж ва маъжуж
- 4-5-6. Учта ер чўкиши
7. Духон (тутун)

Юқори олам ҳолатларининг ўзгаришини билдирадиган улуғ оятлар

8. Қуёшнинг мағрибдан чиқиши
9. Добба деган ҳайвон чиқиши
10. Одамларни жамлайдиган олов

1. Масийҳ Дажжол:

У замон охирида чиқадиган залолат Масиҳи бўлиб, унга ёмғир ёғдириш, ерни ўсимликлар билан тирилтириш каби мўъжизавий нарсалар берилади ва шу орқали одамларни фитнага солади.

Масиҳ Дажжолнинг фитнаси икки турга бўлинади: Шахсан Дажжолнинг ўзи унинг фитнаси энг улуғ фитнадир.

Дажжолнинг тури:

Шариатга қарши бўлган ботил нарсалар, мўъжизаларга ўхшаш ғайриоддий ишлар билан бирга бўлган ҳар қандай залолат.

Шунинг учун ким шариатга зид бўлган нарсани қандайдир мўъжиза ёки ғайритабиий нарса сабабли тўғри деб билса, у шундай фитнанинг бир турига дучор бўлган бўлади. Бу эса ҳар бир замон ва маконда кўп учрайди.

У «Масих» деб аталган, чунки, унинг бир кўзи ўчган. Ҳадисда айтилганидек: «Дажжолнинг бир кўзи кўрмайди».

Ибн Саййод — у катта Дажжолми?

Унинг исми Софи (ёки Абдуллоҳ ибн Саййод) бўлиб, Мадина яҳудийларидан эди.

Баъзиларнинг айтишича, у ансорлардан бўлган. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ҳали ёш бола эди. Айтилишича, у Исломни қабул қилган, лекин, дажжолсифат одам бўлиб, баъзан ғоя ва башорат айтиб, баъзиси тўғри, баъзиси нотўғри чиқар эди. Шу сабабли, одамлар орасида у ҳақида “дажжол” деган гап тарқалган.

Тўғрироқ сўз — Аллоҳу аълам — у катта Дажжол эмас, балки, кўпчилик дажжоллардан бири эди.

Дажжолнинг сифатлари:

У ёш йигит бўлади, тери ранги қизил, паст, сочи жингалак, пешонаси кенг, кўкрак қисми кенг.

Унинг ўнг кўзи кўр, лекин, у кўз чиқиб ҳам турмаган, ичкарига кириб ҳам кетмаган бўлади, гўё сўнган узум донасига ўхшайди.

— У одам боласидан.

— Унинг фарзанди бўлмайди.

— Унинг чап кўзи устида (теридан) қалин парда бор.

— Унинг икки кўзи орасида «ك ف ر» ҳарфлари ёки «كافر» деб ёзилган бўлади. Маъноси: Кофир деганидир. Бу ёзувни ҳар бир саводли ёки саводсиз мусулмон ўқий олади.

Унинг чиқиш жойи, ер юзида тез юриши ва фитнаси ҳақида:

Дажжол шарқ томондан — Хуросон тарафдан, Асбаҳон яхудийлар маҳалласидаги жойдан чиқади. У бутун ер юзини айланиб чиқади, Макка ва Мадинадан бошқа ҳар бир шаҳарга

киради. Лекин, у икки муқаддас шаҳарга кира олмайди. Чунки, фаришталар уларни қўриқлаб турадилар.

Дажжол аввал ўзини пайғамбар деб даъво қилади, сўнгра раблик ва илоҳийликни даъво қилади. У одамларни ўзини «Рабб» деб ишонишга, уни тасдиқлаб, иймон келтиришга чақиради. Бу эса, Аллоҳ унинг қўлига берган мўъжизалар ва ғайритабиий ишлар туфайли бўлади.

Дажжолнинг фитнаси — Одам яратилишидан то қиёматгача бўлган фитналар ичида энг улканидир. Чунки, Аллоҳ у билан ақлларни ҳайратга соладиган, инсонларни лол қолдирадиган катта мўъжизаларни яратади.

Ривоятларда келганки, у билан жаннат ва дўзах бўлади: унинг жаннати аслида дўзах, дўзахи эса жаннат бўлади. У билан сув дарёлари ва нон тоғлари бўлади. У осмонга ёмғир ёғишни буюрса, ёмғир ёғади, ерга ўсимлик чиқаришни буюрса, ер ўнади.

Ернинг хазиналари унинг орқасидан юради, у ерда жуда тез ҳаракат қилади, худди шамолга қарши ёғган ёмғир каби. Жисмсиз нарсалар ва

ҳайвонлар унга итоат қилади. У бир ёш йигитни ўлдириб, кейин тирилтиради. Бу каби мўъжизалар ҳақида саҳиҳ ҳадисларда келган.

Шу сабабли барча пайғамбарлар ўз умматларини унинг фитнасидан огоҳлантирганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса улар орасидан энг кўп огоҳлантирган зот бўлганлар.

Ер юзида бир муддат туради. Имом Муслим ўз санади билан Наввос ибн Самъон разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! У ер юзида қанча туради?» дейишди.

(أربعون يومًا، يوم كسنة، ويوم كشهر، ويوم كجمعة، وسائر أيامه كأيامكم).

«Қирқ кун туради. Бир куни бир йилдек, бир куни бир ойдек, бир куни эса ҳафта каби бўлади. Қолган кунлари эса, сизларнинг кунларингиз каби бўлади», дедилар.¹

Саҳиҳ ҳадислар далолат қилгани каби Дажжол Исо ибн Марям алайҳиссаломнинг қўли орқали ҳалок бўлади.

¹ Имом Муслим (2901).

Дажжол бутун ер юзида зоҳир бўлади, фақат Макка ва Мадинага кира олмайди. Унинг орқасидан кўплаб одамлар эргашади, фитнаси бутун ер юзига тарқайди ва фақат озгина мўминлар нажот топадилар.

Шу вақтда Исо алайҳиссалом Димашқнинг шарқий манорасига тушади. Аллоҳнинг мўмин бандалари унинг атрофида жамланадилар. Исо алайҳиссалом уларни олиб Дажжол томон йўлга чиқади. Дажжол эса Исо алаҳиссалом тушган вақтда Қуддус томон йўл олган бўлади. (Луд) дарвозаси ҳудудида Дажжолни қувиб етадилар.

Дажжол Исо алайҳиссаломни кўрган заҳоти эриган туздек эриб кетади. Шунда Исо алайҳиссалом унга: «Менинг сенга урадиган зарбам бор, ундан қочиб қутула олмайсан», дейдилар.

Шундан кейин Исо алайҳиссалом унинг орқасидан бориб найзалари билан ўлдирадилар. Дажжолнинг издошлари қочиб кетадилар, мўминлар уларни таъқиб қилиб ўлдирадилар. Ҳатто дарахт ва тош ҳам: «Эй мусулмон! Эй Аллоҳнинг бандаси! Бу ерда, менинг ортимда бир яҳудий бор, келиб уни ўлдир!» дейди. Фақат

Ғарқад дарахти шундай демайди, чунки, у яҳудийларнинг дарахтидир.

2. Исо ибн Марям тушишлари:

Исо алайҳиссаломнинг сифатлари: бўйи ўртача — на узун, на паст; юзи қизил, сочи жингалак, кўкраги кенг, сочи тўғри ва силлиқ. Гўё ҳозиргина ҳаммомдан чиққандай пок ва тароватли. Унинг сочи елкалари оралиғини тўлдириб туради.

Қуръон ва ҳадисларда келган матнлардан маълум бўладики, Исо алайҳиссалом шубҳасиз тушадилар. Бу ҳақдаги далиллар мутавотир даражасида бўлиб, унинг тушишини инкор этган киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни инкор этган бўлади.

Балки бу — Қуръоннинг ўзига ҳам қарши чиқиш. Чунки Қуръонда Исо алайҳиссаломнинг тушишига ишора қилинган.

Унинг тушиш ҳолати шундай бўлади: Даж-жол ер юзида фитна ва бузғунчилик қилганидан кейин Аллоҳ Таоло Исо алайҳиссаломни юборади. У Шомнинг Димашқ шаҳридаги шарқий оқ минора ёнига тушади. Унинг танасида иккита бўз рангли ва заъфарон билан бўялган

кийим бўлади. Қўлларини икки фариштанинг қанотларига қўйган ҳолда тушади. У бошини эгса, сув қатралари томади; бошини кўтарса, ундан дурдек ялтираб тушувчи томчилар сочилади. Уни нафаси етган ҳар бир кофир ҳалок бўлади. Унинг нафаси кўзи етган масофагача етади.

Исо алайҳиссаломнинг тушиши ҳақда шундай дейилган:

У ҳақ йўлида курашувчи, ғолиб гуруҳ — ҳақ учун жанг қилаётган «нусрат топган тоифа» ичига тушади. Улар Дажжолга қарши жанг учун жам бўладилар. У бомдод вақтида намозни бошлаётганларида тушади. Гуруҳнинг амири унга: «Бизга имом бўлиб намоз ўқинг», дейди.

Шунда Исо алайҳиссалом: «Йўқ, сизлардан баъзилар бошқаларингизга амирсизлар — бу Аллоҳнинг ушбу умматга берган икромидир», деб жавоб беради.

Баъзи уламолар бу ҳолатнинг ҳикматини излаганлар ва бир нечта сабабларни айтганлар:

Биринчиси: яхудийларга раддия сифатида.

Иккинчиси: Унинг тушиши умри яқин қолгани учун, ер юзида дафн этилиши учундир.

Исо алайҳиссалом Инжилда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматининг фазилати ҳақида ўқиган, бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи далил бўлади:

﴿وَمَثَلُهمْ فِي الْإِنجِيلِ كَزَرْعٍ أَخْرَجَ شَطْءَهُ، فَتَازَرَهُ، فَاسْتَغْلَظَ فَاسْتَوَى عَلَى سُوقِهِ﴾

«Инжилдаги мисоллари, худди уруғини ёриб чиқариб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшайдир». [Фатҳ: 29]

Насронийлар даъволарини ёлғонга чиқарган холда тушади.

Исо алайҳиссалом Дажжолни ўлдиради, шундай қилиб Дажжолнинг ниҳояси Исо алайҳиссаломнинг қўлида бўлади.

Исо алайҳиссалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариати билан ҳукм юритади ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматидан бўлади; янги бир шариат билан тушмайди. Чунки Ислом дини — барча динларнинг охиргисидир.

У дунёдаги барча халқлар учун умумий дин бўлиб, қиёматгача қолади, бекор қилинмайди.

Шу боис, Исо алайҳиссалом бу уммат ҳокимларидан бири сифатида ҳукм чиқаради ва Исломни янгидан тиклайди. Зеро, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин бошқа пайғамбар йўқ.

Исо алайҳиссалом тушганда адолат билан ҳукм қилади, насронийликнинг бузилган рамзи бўлган хочни синдиради, Исломда ҳаром қилинган чўчқани ўлдиради ва жизя (солиқ)ни бекор қилади — яъни яҳудий, насроний ва бошқа кофирлардан фақат Исломнигина қабул қилади.

3. Яъжуж ва Маъжуж чиқиши:

Яъжуж ва Маъжуж инсон зотидан бўлиб, Одам ва Ҳавво фарзандларидандир. Улар туркларнинг отаси бўлмиш Ёфас наслидан, Ёфас эса Нўҳ алайҳиссаломнинг фарзандларидан эди.

﴿حَتَّىٰ إِذَا فُتِحَتْ يَأْجُوجُ وَمَأْجُوجُ وَهُمْ مِّن كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ ﴿٥٧﴾ وَاقْتَرَبَ الْوَعْدُ الْحَقِّ فَإِذَا هِيَ شَاخِصَةٌ أَبْصَرُ الَّذِينَ كَفَرُوا يَوِيلَ لَنَا قَدْ كُنَّا فِي غَفْلَةٍ مِّنْ هَذَا بَلْ كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٥٨﴾﴾

«Ниҳоят, Яъжуж ва Маъжуж очилиб, улар ҳар бир тепаликлардан оқиб келганларида. Ва ҳақ ваъда яқинлашгандаги ҳолни кўрсанг, куфр келтирганларнинг кўзлари чақчайиб: «Ҳолимизга вой! Бизлар бундан ғафлатда эдик. Йўқ! Бизлар зулм қилгувчилар эдик», дерлар». [Анбиё: 96-97].

﴿حَقَّىٰ إِذَا بَلَغَ بَيْنَ السَّدَّيْنِ وَجَدَ مِن دُونِهِمَا قَوْمًا لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ قَوْلًا ۖ قَالُوا يَٰذَا الْقَرْنَيْنِ إِنَّ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ مُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ فَهَلْ نَجْعَلُ لَكَ خَرْجًا عَلَىٰ أَن تَجْعَلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ سَدًّا ۖ﴾ (٩٦)

«То икки тоғ орасига етганида, уларнинг ортида бирон гапни англамайдиган қавмни кўрди. Улар: «Эй Зулқарнайн, албатта, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир. Биз сенга хароҷ берсак, биз билан уларнинг орасида тўсиқ қилиб берурмисан?» дедилар». [Каҳф: 93-94]

Бу оятлардан маълум бўладики, Аллоҳ таоло солиҳ подшоҳ Зулқарнайни буюк тўсиқ қуришга муваффақ этган. Бу тўсиқнинг вазифаси, Ер юзида бузғунчилик қилувчи Яъжуж ва Маъжуж қабилаларини одамлардан ажратиб туриш эди. Аммо, белгиланган вақт

етиб, қиёмат соати яқинлашганда, бу тўсиқ вайрон бўлади сўнгра Яъжуж ва Маъжуж жуда катта тезлик ва улкан қўшин билан чиқадилар. Уларнинг олдида ҳеч бир инсон туролмайди. Улар ер юзида тарқаладилар, бузғунчилик ва фасод тарқатадилар.

Бу воқеа — сурга пуфланиши, дунёнинг вайрон бўлиши ва қиёматнинг яқинлашишига ишора қилувчи аломатдир.

Уларнинг сифатлари ҳақидаги ҳадисларда шундай дейилган: улар турк ва моғул уруғидан бўлган кишиларга ўхшайди — кўзлари кичик, бурунлари паст, сочлари сариқсимон, юзлари кенг, гўё юзлари тўғриланган қалқон каби. Улар жуда кучли эркаклар бўлиб, уларга қарши курашишга ҳеч кимнинг тоқати етмайди.

Уларнинг бузғунчилиги ҳақида эса шундай дейилган: Яъжуж ва Маъжуж чиққанда, улар ер юзида катта офат ва фитна келтирадилар, улкан ёмонликлар содир этадилар. Улар шунчалик кўп бўладиларки, чиқиш пайтида уларнинг илк гуруҳи Табория кўлининг сувини бутунлай ичиб тугатади, кейинги гуруҳи кел-

ганда: «Бу кўлда илгари сув бор эди», деб ҳайрон бўладилар.

Исо алайҳиссалом Дажжолни ўлдирганидан сўнг, Яъжуж ва Маъжуж ҳам ҳалок бўлур. Аллоҳ уларни Исо алайҳиссалом дуосининг баракаси билан ҳалок қилади. Бу нарса Наввос ибн Самъоннинг узун ҳадисида келтирилган. Унда шундай дейилган:

«Аллоҳнинг пайғамбари Исо ва унинг асҳоблари Аллоҳга илтижо қиладилар. Шунда Аллоҳ туяларнинг бўйинлари каби улкан қушларни юбориб, уларнинг жасадларини кўтариб Аллоҳ хоҳлаган ерга олиб бориб улоқтирадилар».¹

4. Машриқдаги ер ютилиши:

5. Мағрибдаги ер ютилиши:

6. Араблар жазирасидаги ер ютилиши:

Бу уч ер ютишига Ҳузайфа ибн Усайд разияллоҳу анҳунинг ҳадислари далолат қилади:

¹ Имом Муслим (2937).

(اطلع النبي ﷺ علينا ونحن نتذاكر)، فقال: (ما تذاكرون)؟ قالوا: نذكر الساعة. قال: (إنها لن تقوم حتى ترون قبلها عشر آيات)، فذكر: (.. وثلاثة خسوف: خسف بالمشرق، وخسف بالمغرب، وخسف بجزيرة العرب).

«Суҳбатлашиб ўтирган эдик, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузуримизга чиқиб: «Нима ҳақида гаплашяпсизлар?» дедилар. «Қиёмат ҳақида», дейишди. У зот: «Ундан олдин ўн аломатни кўрмагунингизча қоим бўлмайди», дедилар-да, тутун, Дажжол, добба, қуёшнинг мағрибдан чиқиши, Исо ибн Марям алайҳис-саломнинг тушиши, Яъжуж ва маъжуж, учта ер ютиши: Машриқда, мағрибда ва араб жазира-сида».¹

7. Дўхон (тутун):

﴿فَأَرْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُحَانٍ مُّبِينٍ ﴿١٠﴾ يَعْشَى النَّاسُ هَذَا عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кутинг. У, одамларни ўраб олур. Бу, аламли азобдир». [Дўхон: 10-11]

Абу Молик Ашъарий разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алай-ҳи ва саллам шундай дедилар:

¹ Манбаси зикр қилинди.

(أن ربكم أنذركم ثلاثاً، الدخان يأخذ المؤمن كالزكمة، ويأخذ الكافر فيتفتخ حتى يخرج من كل مسمع منه... الحديث)

«Албатта, Раббингиз сизларни уч нарсдан огоҳлантирди: тутун – у мўминни шамолдек енгил иллат билан тутади, кофирни эса шундай қийнов билан тутадик, у шишиб, тутун унинг ҳар бир тешигидан чиқади...» (ҳадис).¹

Олимлар бу ерда зикр қилинган «тутун»дан нима назарда тутилгани ҳақида икки хил фикр айтганлар:

Биринчи фикр: бу тутун Қурайш қабиласига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилганларидан сўнг етган очлик ва қийинчилик сабабли осмонда тутунга ўхшаш нарсани кўрганларидир.

Бу фикрни Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтганлар ва салафлардан бир гуруҳ у кишининг фикрларига қўшилганлар.

Иккинчи фикр: бу тутун ҳали келмаган, қиёматдан олдин содир бўладиган буюк аломатлардан биридир. Бу фикрни Абдуллоҳ

¹ (Манба: «Тафсир ат-Табарий», 25/114; «Ал-Муъжам ал-Кабир», 3/292).

ибн Аббос разияллоху анхумо, баъзи саҳобалар ҳамда тобеинлар айтганлар.

8. Қуёшнинг мағрибдан чиқиши:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَوْمَ يَأْتِي بَعْضُ آيَاتِ رَبِّكَ لَا يَنْفَعُ نَفْسًا إِيْمَانُهَا لَمْ تَكُنْ ءَامَنَتْ مِن قَبْلُ
أَوْ كَسَبَتْ فِي إِيْمَانِهَا خَيْرًا﴾

«Раббингнинг баъзи оятлари келган кунда ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермас». [Анъом: 158]

Саҳиҳ ҳадислардан маълум бўлишича, оятда зикр этилган баъзи аломатлардан мурод қуёшнинг ғарб томондан чиқишидир. Бу кўпчилик тафсир олимларининг фикри.

Саҳиҳайнда Абу Ҳурайра разияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

(لا تقوم الساعة حتى تطلع الشمس من مغربها، فإذا اطلعت، فرآها الناس آمنوا أجمعون؛ فذاك حين لا ينفع نفسا إيمانها لم تكن آمنت من قبل أو كسبت في إيمانها خيراً).

«Қуёш мағрибдан чиқмагунча қиёмат қоим бўлмайди. Мағрибдан чиққанини одамлар кўр-

ганда, барчалари иймон келтирадилар. Ана ўша Раббингнинг баъзи оятлари келган кунда ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайдиган вақтдир», дедилар.¹

9. Добба деган ҳайвон чиқиши:

Ер ҳайвонининг чиқиши — қиёматнинг катта аломатларидан бўлиб, у китоб ва суннат билан собитдир.

Аллоҳ таоло уни одамлар бузилиб кетган охирги замонда ердан чиқаради. У одамлар билан гаплашади, бу эса одатдаги ҳолатдан фарқ қилувчи мўъжиза бўлиб, мўминлар учун далил, инкор этувчилар учун эса ҳужжат бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذَا وَقَعَ الْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجْنَا لَهُمْ دَابَّةً مِّنَ الْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ النَّاسَ
كَانُوا بِآيَاتِنَا لَا يُوقِنُونَ﴾

«Қачонки уларнинг бошига сўз (ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарамиз. У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб беради». [Намл: 82]

¹ Бухорий (6560).

Имом Муслим ўз санади билан Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(ثلاث إذا خرجن لا ينفع نفساً إيمانها لم تكن آمنت من قبل أو كسبت في إيمانها خيراً: طلوع الشمس من مغربها، والدجال، ودابة الأرض).

«Уч нарса содир бўлса, ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермас: Қуёш мағрибдан чиқиши, Дажжол ва ер ҳайвони».¹

У Маккадаги улуғ масжидлардан биридан чиқади. Айтишларича, унинг уч марта чиқиши бўлади: бир марта саҳроларнинг биридан, бир марта қишлоқларнинг биридан, сўнгра Масжидул Ҳарамда намоён бўлади. Бошқа ривоятлар ҳам бор, лекин, уларнинг кўпчилиги унинг чиқиши Макка ҳарамидан бўлишини айтади. Доббатул-арз чиққач, у мўмин ва кофирни ажратиб айтиб чиқади.

Мўмин бўлса, унинг юзини ёритиб, нурли қилади, бу унинг иймонининг белгиси бўлади.

Агар инсон кофир бўлса, кофирлигига далолат қиладиган бурнига белги қўйиб қўяди.

¹ Имом Муслим (158).

10. Одамларни жамлайдиган олов:

Ямандаги Адн қаъридан ва Ҳазромавтдаги денгиздан чиқади.

Ҳузайфа ибн Усайд разияллоҳу анхунинг ҳадисида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(وآخر ذلك نار تخرج من اليمن تطرد الناس إلى محشرهم).

«Охиргиси – Ямандан чиқиб, одамларни маҳшарга ҳайдаб борадиган бир олов», деганлар.¹

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(يُحْشَرُ النَّاسُ عَلَى ثَلَاثِ طَرَائِقَ: رَاغِبِينَ رَاهِبِينَ، وَاثْنَانِ عَلَى بَعِيرٍ، وَثَلَاثَةٌ عَلَى بَعِيرٍ، وَأَرْبَعَةٌ عَلَى بَعِيرٍ، وَعَشْرَةٌ عَلَى بَعِيرٍ، وَيَحْشَرُ بِقَيْتِهِمُ النَّارُ، ثَقِيلٌ مَعَهُمْ حَيْثُ قَالُوا، وَتَبِيتُ مَعَهُمْ حَيْثُ بَاتُوا، وَتُصْبِحُ مَعَهُمْ حَيْثُ أَصْبَحُوا، وَتُمْسِي مَعَهُمْ حَيْثُ أَمْسَوْا)

«Одамлар уч хил ҳолатда тўпланадилар: бир қисми хоҳиш ва умид билан (яъни яхшиликни умид қилиб), бир қисми кўрқув ва хавф билан (азобдан кўрқиб). Икки киши бир туяга, уч киши бир туяга, тўрт киши бир туяга, ҳатто ўн киши бир туяга миниб кетадилар. Қолган

¹ Манбаси зикр қилинди.

одамларни эса олов йиғиб боради — улар қаерда дам олсалар, олов ҳам улар билан дам олади; улар қаерда тунаб ётсалар, олов ҳам улар билан тунайди; улар қаерда тонг оттирсалар, олов ҳам улар билан тонгни қарши олади; улар қаерда кеч киритсалар, олов ҳам улар билан кеч киритади», дедилар.¹ Одамлар охир замонда Шом тарафга тўпланадилар. У ер – ҳашр (тўпланиш) еридир. Бу ҳашр дунёда бўлади, яъни, бу ердаги тўпланишдан мурод қабрлардан тирилгандан кейинги ҳашр эмас.

Улар уч гуруҳга бўлиниб йиғиладилар:

Биринчи гуруҳ — хоҳловчилар: овқатланган, кийинган ва ҳайвонга минган ҳолларида.

Иккинчи гуруҳ — баъзан пиёда, баъзан ҳайвонга миниб юрувчилар; улар бир туяга навбат билан минишади.

Учинчи гуруҳ — уларни олов ўраб, ҳар тарафдан ҳайдаб йиғувчи олов; ким ортда қолса, ўшани олов ёқиб юборади.

¹ Имом Бухорий (6522).

Қиёмат аломатларига иймон келтиришнинг самаралари

1. Қиёмат кунига иймон келтириш ҳақ, сидқ ва эслатмадир.
2. Ғайбга иймон.
3. Шариатга амал қилиш ва юриш туришини ўнглаш.
4. Аллоҳга иймонни кучайтириш.
5. Пайғамбарлик далилларидан.
6. Фитрий рағбатни тўғри йўл билан тўлдириш.
7. Тафоул (Оптимизм).
8. Ҳисоб-китоб кунига тайёрланиш.

5. Қайта тирилиш:¹

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ﴾

«Наҳотки, Бизнинг сизни яратишимиз беҳуда бўлган ва сиз Бизга қайтарилмассиз, деб ҳисобласангиз?!» [Мўъминун: 115]

﴿أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَن يُتْرَكَ سُدًى﴾

¹ Даръу Таъорузул-ақл маъан-нақл (35-1/30), (7/ 374-377).

«Инсон беҳуда тарк қилинишликнинг ҳисобини қилурми?» [Қиёмат: 36]

Бас, тирилтириш — Аллоҳнинг адолати ва ҳикмати тақозоси бўлиб, ақл ҳам уни тўғри деб ҳукм қилади, фитрат ҳам унга рози бўлади. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿رَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُبْعَثُوا قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّي لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّؤُنَّ بِمَا عَمِلْتُمْ
وَذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«Кофирлар ҳеч қайта тирилмасликларини даъво қилурлар. Сен: «Ундоқ эмас, Раббим билан қасамки, албатта қайта тирилтириласизлар, сўнгра қилган ишларингиздан хабардор қилинасизлар. Бу иш Аллоҳ учун осондир», деб айтинг». [Тағобун: 7]

Қайта тирилишга далиллар:

1. Борлиқ ва кўриб турган нарсаларимиз:

Ҳеч нарса бир нарсанинг мумкинлигини унинг мавжудлигидан кўра яхшироқ исботлаб беролмайди. Аллоҳ Таоло Китобида ўликларни тирилтиришнинг бир нечта мисолларини зикр қилган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذْ قُلْنَا لِمُوسَىٰ لَنْ نُّؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ تَرَىٰ آلَٰهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْكُمُ الصَّعِقَةُ
وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴿٥٥﴾ ثُمَّ بَعَثْنَاكُم مِّن بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٦﴾﴾

«Эй Мусо, Аллоҳни очик-равшан кўрмагуни-мизча, сенга ишонмаймиз», деганингизни, шунда сизни ўзингиз назар солиб турганингизда яшин урганини эсланг. Сўнгра, ўлимингиздан кейин қайта тирилтирдик, шоядки, шуқр қилсангиз». [Бақара: 55-56]

﴿فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ بَعْضُهَا كَذَلِكَ يُحْيِي ٱللَّهُ ٱلْمَوْتَىٰ وَيُرِيكُمْ ءَايَاتِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

«Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг», дедик. Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур ва оят-аломатларини сизга кўрсатур. Шоядки, ақл ишлатсангиз». [Бақара: 73]

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ خَرَجُوا۟ مِن دِيَارِهِمۡ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ ٱلْمَوْتِ فَقَالَ لَهُمُ ٱللَّهُ مُوتُوا۟ ثُمَّ أَحْيَاهُمْ﴾

«Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан мингларча кишиларнинг (хабарини) билмадингизми?! Бас, Аллоҳ уларга ўлинг деди. Сўнгра уларни тирилтирди». [Бақара: 243]

﴿أَو كَالَّذِي مَرَّ عَلَى قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّى يُحْيِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ﴾

«Ёки шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингизми? У: «Аллоҳ буни ўлиmidан кейин қандай тирилтиradi?» деди. Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди». [Бақара: 259]

Каҳф асҳоблари ҳақида эса шундай деган:

﴿وَكَذَلِكَ أَغْتَرْنَا عَلَيْهِمْ لِيَعْلَمُوا أَن وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَأَنَّ السَّاعَةَ لَا رَيْبَ فِيهَا﴾

«Шундай қилиб, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва қиёмат соатида шубҳа йўқ эканини билишлари учун уларни (одамларга) билдирдик». [Каҳф: 21]

2. Эътибор, далил ва қиёсул авло:

1. Инсоннинг яратилиши ва унинг илк пайдо бўлиши орқали охиратдаги қайта тирилишга далил келтириш, чунки, иккинчиси ҳам Аллоҳ учун осондир.

2. Аллоҳ таолонинг инсонни илк яратишдаги тафсилотларини, ундаги қисмлар, моддалар ва суратни билиши орқали далил келтириш.

3. Ўсимлик яратилиши орқали далил келтириш, яъни, одамларни қабрларидан чиқариш ердан ўсимлик чиқариш кабидир.

4. Катта ва улуғ ишлардан кичик ва осон ишларга далил келтириш. Яъни, Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган экан, инсонни қайта тирилтириш У Зот учун янада осон. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ قَالَ مَنْ يُحْيِي الْعِظَامَ وَهِيَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾ قُلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَنْشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ ﴿٧٩﴾ الَّذِي جَعَلَ لَكُم مِّنَ الشَّجَرِ الْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَا أَنْتُمْ مُنْقَذُونَ ﴿٨٠﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِقَدِيرٍ عَلَىٰ أَن يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ بَلَىٰ وَهُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ ﴿٨١﴾﴾

«У Бизга мисол келтирди ва ўз яратилишини унутди. «Суякларни ким тирилтирур? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!» деди. Сиз: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради ва У ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир», деб айтинг. У зот сизларга яшил дарахтдан олов қилиб бергандир. Энди эса, сиз ундан олов ёқмоқдасиз. Осмонлару ерни яратган Зот уларга ўхшашни яратишга қодир эмасми?! Йўқ! У ўта яратгувчи, ўта билгувчи Зотдир». [Ёсин: 78-81]

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِن كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّنَ الْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِّن نُّطْفَةٍ ثُمَّ مِّن عَلَقَةٍ ثُمَّ مِّن مُّضْغَةٍ مُّخَلَّقَةٍ وَغَيْرِ مُخَلَّقَةٍ لِّبَيِّنَ لَكُمْ وَنُقَرُّ فِي الْأَرْحَامِ مَا نَشَاءُ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ نُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوا أَشَدَّكُمْ وَمِنْكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ وَمِنْكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰ أَرْذَلِ الْعُمُرِ لِكَيْلَا يَعْلَمَ مَن بَعْدَ عِلْمٍ شَيْئًا وَتَرَىٰ الْأَرْضَ هَامِدَةً فَإِذَا أَنزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ اهْتَزَّتْ وَرَبَتْ وَأَنْبَتَتْ مِن كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ﴾

«Эй, одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, бас, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан яратдик. Ва бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топтируرمىз. Кейин сизларни бувак ҳолингизда чиқарурмиз. Сўнгра, вояга етишингиз учун (тарбия қилурмиз). Сиздан вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада ночор умрга етадиганлар ҳам бор. Ва ерни қақраган ҳолда кўрурсиз. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканадир ва кўпчийдир. Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир». [Ҳаж: 5]

﴿خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ أَكْبَرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Албатта, осмонлару ерни яратиш одамлар-ни яратишдан каттароқдир. Лекин одамлар-нинг кўплари билмаслар».[Ғофир: 57]

Ўлгандан кейин тирилтиришнинг кўри-ниши:¹

Биринчи сўз: тарқалган нарсалар яна жамла-ниб, аввалги суратига келтирилади, сўнгра уни тирилтиради. Бу машҳур қавлдир.

Аммо бу қавл бўйича баъзи муаммолар бор:

А) Ҳайвонлар озуқаланиб, уларнинг танасига ўтган бўлаклар танасидан ажраладими ёки ҳайвон орқали бошқа одам танасига ўтган бўлаклар ҳам қайтариладими?

б) У қайси суратида қайта тирилтирилади — яъни, охири ҳолатидами ёки бошқачами?

Иккинчи сўз: инсонлар «дум суяги» (ажаб уз-занаб)дан яна бир янги, абадий ва доимий тарзда яратилади. Улар оталари Одам алайҳис-

¹ Ибн Таймиянинг «Мажмуъ ал-Ғатова» асари (17-жилд, 243–261-бетлар), ҳамда «Даръу таъоруз» (4-жилд, 135–136-бетлар), (5-жилд, 195–196-бетлар).

саломнинг суратида бўлади — ҳар бири олтмиш зироъ (тахминан 30 метр) бўйли. Улар на бавл қиладилар, на нажосат чиқарадилар, на туфлайдилар ва на бурин қоқадилар. Тана ўша танадир, аммо яратилишида биринчи марта бўлганидек босқичма-босқич яратилмайди. Мана шу тўғри сўз — йўқликдан кейин барпо қилиш.

Хулоса:

А) Қайта тирилиш бадан ва руҳга тегишли.

Б) Тирилиш одам яратилган тупроқдан чиқарилиб, ўша тупроқ инсонга айлантирилиши орқали рўй беради, яъни, тупроқнинг ҳақиқати инсонга айлантирилади.

В) Инсоннинг «ажбу-занаб»дан (дум суяги нуқтасидан)¹ қандай яратилишини Аллоҳ билади. Аллоҳ уни ердан осмон суви билан уруғ каби ўсиб чиқаради. «Ажбуз-занаб» эса, ўз эгасининг хусусиятларини сақлаб қолади.

6. Ҳашр²

Махлуқотлар қабрларидан тирилтирилганидан сўнг ҳашр бўлишига иймон келтирамиз.

¹ Саҳиҳ Бухорий (4814) ва Саҳиҳ Муслим (2955).

² Муҳаммад Наим Ясин (125-127).

Ҳашр — уларнинг барчасини йиғиб, ҳисоб-китоб қилинадиган жойга ҳайдашдир. У ерда улар орасида Аллоҳ ҳукм чиқаришини кутиб турадилар. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿يَوْمَ نَحْشُرُ الْمُتَّقِينَ إِلَى الرَّحْمَنِ وَفْدًا ۖ وَنَسُوقُ الْمُجْرِمِينَ إِلَى جَهَنَّمَ وَرِثَةً﴾

«Тақводорларни Раҳмон ҳузурига меҳмон ҳайъати этиб тўплаган кунимизда. Жиноятчиларни жаҳаннамга чанқоқ ҳолларида ҳайдаимиз». [Марям: 85-86]

﴿وَيَوْمَ نُسَيِّرُ الْجِبَالَ وَتَرَى الْأَرْضَ بَارِزَةً وَحَشَرْنَاهُمْ فَلَمْ نُغَادِرْ مِنْهُمْ أَحَدًا﴾

«Тоғларни юргизадиган кунимизни ва ерни яланғоч кўрадиган кунингни эсла! Ўшанда уларни жамлаймиз ва бирон кишини қўймаймиз» [Каҳф: 47]

Қиёмат куни одамлар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда тирилтириладилар.¹ Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿كَمَا بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ نُعِيدُهُمْ﴾

«Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз». [Анбиё: 104]

¹ Саҳиҳ Бухорий (6527).

Одамларнинг ҳашрдан кейинги ҳолати.
Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَا يَظُنُّ أُولَٰئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ ﴿١﴾ لِيَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٢﴾ يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ
الْعَالَمِينَ ﴿٣﴾﴾

«Ана шулар, албатта, қайта тирилтирилиш-
ларини ўйламайдиларми? Улуғ бир кунда. У
кунда одамлар оламларнинг Рабби ҳузурида
тик турарлар». [Мутоффиийн: 4-6]

«Одамлар қиёмат куни қулоғининг ярмигача
териға ботиб турадилар».¹

«Қиёмат куни қуёш махлуқотларга яқинлаш-
тирилиб, улардан бир мил масофа бўлиб қола-
ди. Ўшанда одамлар амалларининг миқдорига
қараб терға ботадилар. Баъзиларининг тери
тўпиғича, баъзиларники тиззасигача, яна
баъзиларники биқинигача бўлади. Тер баъзи-
ларни маҳкам юганлаб олади». Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деб
қўллари билан оғизларига ишора қилдилар».²

¹ Олдинги манба (6531).

² Саҳиҳ Муслим (2864).

Баъзиларни эса Аллоҳ у кунда Ўз соясига олади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(سبعة يظلهم الله في ظله يوم لا ظل إلا ظله، إمام عادل، وشاب نشأ في عبادة الله، ورجل قلبه معلق في المساجد، ورجلان تحابا في الله اجتمعا عليه وافترقا عليه، ورجل دعه امرأة ذات منصب وجمال فقال: إني أخاف الله، ورجل تصدق بصدقة فأخفاها حتى لا تعلم شماله ما تنفق يمينه، ورجل ذكر الله خالياً ففاضت عيناه).

«Етти киши борки, Аллоҳ уларни Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмайдиган кунда уларни Ўз соясига олади: одил раҳбар; Аллоҳнинг ибодатида улғайган ёш йигит; қалби масжидларга боғлиқ киши; Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб, шунга кўра бирлашган ва шунга кўра ажралишган икки киши; обрўли ва гўзал аёл ўзига чорласа, «Мен Аллоҳдан қўрқаман» деган киши; ўнг қўли қилганини чап қўли билмайдиган даражада махфий садақа қилган киши; хилватда Аллоҳни зикр қилиб, кўзидан ёш тўкилган киши».¹

¹ Имом Бухорий (660) ва имом Муслим (1031).

7. Тарози, номаи амалларнинг тарқалиши¹

Биринчи: Тарози:

Тарози ҳақида ворид бўлган нарсаларни тасдиқлаймиз. У ҳиссий икки палласи бор тарози. Қайси бири оғирроқ бўлишига қараб вазн белгиланади.

У битта тарозими ёки бир нечтами? Иккаласи ҳам бўлиши мумкин. Чунки Қуръон ва суннатда баъзан кўплик шаклида, баъзан бирлик шаклида келган. Демак, у барча инсонлар ва умматлар учун ягона тарози бўлиши ҳам ёки ҳар бир уммат ва шахс учун алоҳида тарози бўлиши ҳам мумкин. Аллоҳу аълам.

Тарозида амаллар ўлчанади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَمَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٢﴾ وَمَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ فِي جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿١٣﴾﴾

«Кимнинг мезонлари оғир келса, бас, ана ўшалар ўзлари нажот топгувчилардир.

¹ Ибн Носируддин ад-Димашкийнинг «Минҳажус-салома фи мийзонил-қиёма» номли китоби, шунингдек, «Шархут-Таҳовия» (417–420-бетлар) ва «Ал-Восития» (147-бет).

Кимнинг мезони енгил келса, бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда абадий қолгувчи бўлибдилар». [Мўминун: 102-103]

Яна Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَنَضْعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَمَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَى بِنَا حَاسِبِينَ﴾

«Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюرمىз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамыз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмыз». [Анбиё: 47]

Хужжат ҳақидаги ҳадисида келгани каби баъзан саҳифалар тарозига тортилади.¹

Баъзан эса амал қилувчи (одам) ўзи тарозига тортилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Масъуднинг болдири ҳақида шундай деганлар:

(لَهُمَا فِي الْمِيزَانِ أَثْقَلُ مِنْ أَحَدٍ).

«Унинг болдирлари тарозида Уҳуддан ҳам оғирроқдир».²

¹ Имом Тирмизий (2639) ва Ибн Можа (4300).

² Муснади Аҳмад (1/421).

Иккинчи: Номаи амалларнинг тарқати- лиши:

Бу ерда назарда тутилган маъно – инсон ҳақида ёзилган амал дафтарларининг тарқати-
лишидир. Инсон ўзи қилган амалларига яраша
дафтарини қабул қилади: мўмин киши
дафтарини ўнг қўли билан олган ҳолда шод-
хуррам бўлади, фахрланиб кўтариб кўрсатади.
Кофир эса уни чап қўли билан ёки орқасидан
ғамгин ҳолда олади. Вой войлаб ўзига лаънат
айтади. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿فَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ ۖ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ۝۸ وَيَنْقَلِبُ
إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا ۝۹ وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ ۖ فَسَوْفَ يَدْعُوا
ثُبُورًا - وَيَصْلَىٰ سَعِيرًا ۝۱۰﴾

«Аммо кимнинг китоби ўнг тарафдан
берилса. Тезда, осонгина ҳисоб қилинур. Ва
аҳли ҳузурига хурсанд ҳолда қайтиб борур. Ва
аммо кимнинг китоби орқа тарафдан берилса.
У тезда ўзига ҳалокатни чақирур. Ва қизиб
турган дўзахга кирур». [Иншиқоқ: 7-12]

Яна Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ بِشِمَالِهِ ۖ فَيَقُولُ يَلَيْتَنِي لَمْ أُوتَ كِتَابِيَةَ﴾

«Ва аммо кимнинг китоби чап тарафдан берилса, у: «Вой шўрим, кошки менга китобим берилмаса эди», дейди. [Ал-Ҳааққоҳ: 25]

8. Амалларни кўрсатиш ва ҳисоб-китоб¹

Ҳисоб-китоб — Аллоҳ бандаларини амаллари учун ҳисоб-китоб қилиши.

Ҳисобнинг тарзи ҳар бир инсон учун турлича бўлади. Улардан баъзиларининг ҳисоби енгил ўтади — бу мўминлар учун. Аллоҳ улар билан ёлғиз қолиб, гуноҳларини эслатади, сўнгра унга: «Бу гуноҳларингни дунёда сен учун (одамлардан) яширган эдим, бугун эса мағфират қиламан», дейди.² Ҳисоб китоби оғир бўлиб, азобланадиган катта гуноҳларни бажарганлар ҳам бор.³

Аммо кофир эса, куфри ва ширки учун ҳисобга тортилади, сўнгра шунинг асосида жазоланади.

Баъзи одамлар ҳисоб-китоб ва азобсиз жаннатга киради. Улар ҳадисда шундай сифатлан-

¹ Муҳаммад Наъим Ёсин (128-133).

² Имом Бухорий (2441) ва имом Муслим (2768).

³ Имом Бухорий (6536) ва имом Муслим (2876).

ганлар: «Улар руқя қилдиришни сўрамайдилар, олов билан куйдуриб даволанмайдилар, шумланмайдилар, аксинча Раббиларига таваккал қиладилар».¹

Ҳисоб-китоб тарозидан олдин бўлиши мумкин. Чунки ҳисоб-китоб амаллар ҳақида сўроқ қилиш ва уларни баён этишдир. Тарози эса, ўша амалларнинг миқдорини кўрсатиш учун бўлади. Аллоҳу аълам.

9. Ҳовуз

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ﴾

«Албатта, Биз сизга Кавсарни бердик».
[Кавсар: 1]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

(حوضي مسيرة شهر، ماءً أبيض من اللبن، وريحه أطيب من المسك، وكيزانه عدد نجوم السماء، من شرب منه فلا يظمأ أبداً) متفق عليه، ولمسلم: (وأحلى من العسل) وفي رواية: (عرضه مثل طوله).

¹ Имом Бухорий (5752) ва имом Муслим (374)

«Ҳавзим бир ойлик йўлдир. Суви сутдан оқ, ҳиди мушкдан ҳам муаттар, кўзалари осмондаги юлдузлар мисоли. Ким ундан ичса, асло ташна бўлмайди». (Муттафақун алайҳ). Муслим ривоятида: «Асалдан ширинроқ», бошқа бир ривоятда: «Унинг томонлари тенг», дейилган.¹

10. Сирот кўприги

Сирот — жаҳаннам устидан қўйилган кўприк бўлиб, одамлар ҳашр ва ҳисобдан кейин унинг устидан ўтадилар. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿وَإِنْ مِنْكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَى رَبِّكَ حَتْمًا مَقْضِيًّا﴾

«Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ. Бу, Раббингиз ҳузуридаги кескин ҳукмдир». [Марям: 71]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

﴿وَيُضْرَبُ جِسْرُ جَهَنَّمَ، فَأَكُونُ أَوَّلُ مَنْ يُجِيزُ، وَدَعَاءُ الرِّسْلِ يَوْمَئِذٍ اللَّهُمَّ سَلِّمْ سَلِّمْ، وَبِهِ كَلَالِيْبُ مِثْلِ شَوْكِ السَّعْدَانِ، أَمَا رَأَيْتُمْ شَوْكَ السَّعْدَانِ! قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: فَإِنَّهَا مِثْلُ شَوْكَ السَّعْدَانِ، غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَعْلَمُ عَظْمُهَا إِلَّا اللَّهُ...﴾.

«Жаҳаннам кўприги қўйилади. Ундан биринчи бўлиб ўтадиган инсон бўламан. Пайғамбарлар-

¹ Имом Бухорий (6579) ва имом Муслим (2292).

нинг у кундаги дуоси: «Аллоҳим саломат қил, саломат қил!». Саъдон тиканлари каби узун дастакли илгаклари бор. Саъдон тиканларини кўрмаганмисиз?»– дедилар. Шунда саҳобалар: «Кўрганмиз, ё Расулуллоҳ», дейишди. «У Саъдон тиканлари каби, лекин, унинг қанчалик катталигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди...», дедилар».

Сирот кўпригининг сифати: жуда ўткир ва жуда ингичка. Абу Саид разияллоҳу анҳу айтадилар: «Кўприк сочдан ингичка ва қиличдан ўткирлиги ҳақида менга хабар етиб келди». Силонғич: Абу Саид хадисида яна: «Жуда силонғич», дейилган.¹

Унинг устида темир илгаклар, қапқонлар ва катта тиканлар бўлади. Улар кимни илишга буюрилган бўлса, шуни тортиб олади: «Унинг устида илгаклар, қапқонлар ва тиканлар бор...»².

Омонат ва қариндошлик ришталари эса, сирот кўпригининг икки ёнида турадилар: «... Омонат ва қариндошлик ришталари юборила-

¹ Имом Бухорий (6573).

² Имом Муслим (183).

ди, улар сирот кўпригининг ўнг ва чап тарафларида турадилар».¹

Ва бошиданоқ ҳалок бўлувчилар — улардан баъзилари илк қадамдаёқ ағдариладилар, баъзилари эса илгарироқ юриб, сиротдаги илгичлар томонидан узиб олинади, терилари гўштларидан сиртилади. Улар орасида тавҳид аҳлидан бўлган катта гуноҳ эгалари ҳам бўлади, аммо, улар жаҳаннамда абадий қолмайдилар. Баъзилари эса азият чекса-да, охири нажот топадилар: «То охири халос бўлгунича юзлари, қўллари ва оёқлари билан сурилиб боради, бир қўли билан тортилади, иккинчи қўли билан илинади, бир оёғи билан тортилади, иккинчиси билан илинади, ён томонларини олов уриб туради».²

11. Қантара

У — сирот кўпригининг охирида жойлашган жаннат ва дўзах ўртасидаги ўриндир.

Саҳиҳ ҳадисда Абу Саид Худрий разияллоху анхудан ривоят қилинади:

¹ Имом Муслим (195)

² Имом Бухорий (6571) ва имом Муслим (182).

(يَخْلَصُ الْمُؤْمِنُونَ مِنَ النَّارِ، فَيُقْتَصُّ لِبَعْضِهِمْ مِنَ بَعْضِ مَظَالِمِ كَانَتْ بَيْنَهُمْ فِي الدُّنْيَا، حَتَّى إِذَا هَذَّبُوا وَنُقُّوا، أُذِنَ لَهُمْ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ، فَوَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَأَحَدُهُمْ أَهْدَى بِمَنْزِلِهِ فِي الْجَنَّةِ مِنْ مَنْزِلِهِ كَانَ فِي الدُّنْيَا).

«Мўминлар дўзахдан қутулганларидан сўнг, дунёда бир-бирларига қилган зулмлари сабабли бир биридан ҳаққи олинади. Шундай қилиб, улар покланиб, тозалангач, жаннатга киришга рухсат берилади. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, улардан ҳар бири жаннатдаги манзилини дунёдаги уйидан ҳам яхшироқ ва аниқроқ таниб олади».¹

Ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга кирадиганлар у ерда тўхтамайдилар. Шунингдек, дўзахга қулаганлар ҳам у ерда турмайдилар. У ерда фақат дўзахга тушмай қутулган, аммо, бошқаларга нисбатан ҳақлари ёки ғазаблари бўлган мўминлар турадилар. Шу ерда нафслар покланади, ўзаро ярашадилар сўнгра жаннатга кири-тиладилар. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غَلٍّ إِخْوَانًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ﴾

«Уларнинг дилларидаги ғилли-ғиштларни чиқариб ташладик. Сўриларда бир-бирларига

¹ Манбаси зикр қилинди.

боқиб, дўст бўлган ҳолларида ўлтирурлар».

[Ҳижр: 47]

Тўғрироқ фикрга кўра, Аъроф аҳли ана ўша Қантарада бўладилар.

12. Шафоат

1. Шафоатнинг таърифи:

Луғатда: «Витр»ни «шафъ» қилиш, яъни, якка нарсани жуфт қилиш. «Шафаъа» феълидан олинган бўлиб, бир нарсани иккига, учни эса тўртка айлантириш маъносини билдиради. (Яъни жуфт деган маъно)

Истилоҳда: Бошқалар учун яхшилик келтириш ёки ёмонликни даф этишда воситачилик қилишдир. Шу боис, шафоат қилувчи талабгор учун шофеъ бўлади, яъни аввал «витр» (якка) бўлган ҳолатини иккиликка айлантиради.

2. Қуръонда шафоат икки қисмга бўлинади:

— Инкор қилинган шафоат:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَتَقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинг». [Бақара: 48]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمْ يَوْمٌ لَا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفِيعَةٌ ۗ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Сизга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан на олди-сотди, на ошна-оғайничилик ва на шафоатчилик йўқ Кун келмасдан олдин нафақа қилинг. Ва кофирлар — ўшалар золимлардир». [Бақара: 254]

﴿فَمَا لَنَا مِن شَفِيعِينَ﴾

«Мана энди биз учун шафоатчилар ҳам йўқ». [Шуаро: 100]

﴿وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْآزِفَةِ إِذِ الْقُلُوبُ لَدَى الْحَنَاجِرِ كَظِيمِينَ ۚ مَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ حَمِيمٍ وَلَا شَفِيعٍ يُطَاعُ﴾

«Сиз уларни яқинлашгувчи Кундан огоҳлантиринг. Ўшанда жонлар халқумга келиб, ғам-ғуссага тўлиб турарлар. Золимлар учун ҳеч бир дўст ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ». [Ғофир: 18]

— Қабул қилинадиган шафоат:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ﴾

«Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас». [Бақара: 255]

﴿مَا مِنْ شَفِيعٍ إِلَّا مِنْ بَعْدِ إِذْنِهِ﴾

«Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас». [Юнус: 3]

﴿يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنْ ارْتَضَىٰ وَهُمْ مِنْ خَشْيَتِهِ مُشْفِقُونَ﴾

«У Зот уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Улар фақат У Зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар. Улар У Зотнинг қўрқинчидан титраган ҳолда турурлар». [Анбиё: 28]

﴿وَكَمْ مِنْ مَّلَكٍ فِي السَّمَوَاتِ لَا تُغْنِي شَفَاعَتُهُمْ شَيْئًا إِلَّا مِنْ بَعْدِ أَنْ يَأْذَنَ اللَّهُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَرْضَىٰ﴾

«Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар мавжуд, уларнинг шафоати ҳеч фойда бермас. Магар, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлганларга изн берса». [Нажм: 26]

— Манфий шафоат:

Ширк бўлган шофоат: Аллоҳдан ўзгадан талаб қилинадиган шафоат. Шафоат фақат Аллоҳнинг ҳаққидир:

﴿قُلْ لِلَّهِ الشَّفَعَةُ جَمِيعًا ۖ لَهُ﴾

«Сиз: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳникидир», деб айтинг». [Зумар: 44]

Ёки ширк ва куфр аҳли учун бўладиган шафоат. Бундан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Толиб учун қилган шафоатлари мустасно. Бу масала уларгагина хос.

— Қабул қилинган шафоат:

Аллоҳдан талаб қилинадиган шафоат. Унинг шартлари бор:

1. Шафоатчига рухсат бериш.
2. Шафоатчи ва унга шафоат қилинаётган киши ҳақида Аллоҳнинг розилиги. Аллоҳ фақат тавҳид аҳлига рухсат беради ва улардангина рози бўлади.

3. Шафоат турлари:

А) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос шафоат:

1. У зотнинг энг улуғ шафоатлари: Маҳшар аҳлига ҳисоб-китоб бошланиши учун бўлади . Бунинг шарти: Аллоҳ таолонинг изнидир.¹
2. Жаннат аҳли унга киришлари учун шафоат.²
3. Амакилари Абу Толибнинг азоби енгиллашиши учун шафоат.³

Б) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бошқа пайғамбарлар, сиддиқлар ва солиҳлар учун умумий бўлган шафоат:

1. Тавҳид аҳлидан бўла туриб, дўзахга киришга лойиқ бўлганлар дўзахга кирмасликлари учун қилинган шафоат.

2. Тавҳид аҳлидан дўзахга кирганлар ундан чиқишлари учун қилинадиган шафоат.⁴

3. Мўминларнинг даражасини кўтаришдаги шафоат.⁵

4. Шафоатдаги ҳикмат:

¹ Саҳиҳ Бухорий (6565) ва Муслим (192).

² Саҳиҳ Бухорий (7509).

³ Саҳиҳ Бухорий (3885) ва саҳиҳ Муслим (210).

⁴ Саҳиҳ Муслим (199)

⁵ Имом Муслим (920).

Шафоат қилганга икром кўрсатиш ва шафоат қилинганга наф етказиш.

Бу дунё подшоҳлари ҳузуридаги шафоатдан фарқ қилади:

Чунки уларнинг илмлари ноқис ёки қудратлари етарли эмас — шунга кўра уларга шафоатчилар ёрдам беради. Ёки уларнинг салтанати чекланган бўлиб, шафоатчилар уларга жасорат қилиб мурожаат этади. Лекин, Аллоҳ таолонинг илми, қудрати ва салтанати комилдир. Шунинг учун, У Зот ҳузурида ҳеч ким унинг изнисисиз шафоат қила олмайди ва У рози бўлган кишинигина шафоат қила оладилар.

5. Қиёмат куни шафоатга эришиш йўли:

Биринчи: Аллоҳдан сўраб дуо қилиш:

«Аллоҳим, пайғамбарингни менга шафоатчи қил, ё Аллоҳ, уни қиёмат куни мен учун шафоатчи эт».

Иккинчи: Шафоатга эришиш учун шариатда кўрсатилган сабабларни бажариш:

А) Холис тавҳид.

Б) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп салавот айтиш, айниқса, азондан кейин.¹

В) Азондан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун «васила» сўраш.²

Дунёда Аллоҳ таолога тавассул икки хил бўлади:

А) Тўғри тавассул: Аллоҳнинг исм-сифатлари, банда қилган солиҳ амаллари ёки ўзининг муҳтожлиги ва камбағаллигини зикр қилиш орқали дуо қилишдир. Шунингдек, тирик ва солиҳ инсондан дуо сўраш ҳам жоиз.

Б) Нотўғри тавассул: масалан, ўликлардан сўраш. Бу катта ширк.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда солиҳларнинг шаъни (обрўси) билан тавассул қилиш ёки бошқаларнинг солиҳ амаллари билан тавассул қилиш бу тавассул бидъат ҳисобланади.

13. Жаннат ва дўзах

Бу рукн ҳақидаги сўзимизни жаннат ва дўзах ҳақида сўзлаш билан тугатамиз:

¹ Имом Муслим (384).

² Олдинги манба.

Аллоҳ таоло жаннат ҳақида айтади:

﴿فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун қилиб ўтган амаллари мукофотига беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас». [Сажда: 17]

(Яъни, ҳеч бир одам яхши амаллари эвазига жаннатда беркитиб қўйилган, кўзни қувонтирадиган мукофотлар борлигини идрок қила билмас. Улар риё бўлмасин деб амалларни кечасида, махфий равишда қилгани учун Аллоҳ таоло ҳам уларга берадиган мукофотини махфий қилиб, беркитиб қўйган.)

Дўзах ҳақида эса шундай марҳамат қилади:

﴿وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحُطْمَةُ ۝ نَارُ اللَّهِ الْمُوقَدَةُ ۝ الَّتِي تَطَّلِعُ عَلَى الْأَفْئَةِ ۝ ۞ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَصَّدَةٌ ۝﴾

«Хутома» қандоқ нарса эканини сизга нима билдирур? У, Аллоҳнинг шиддатли, ўчмас оловидир. Қалбларгача етиб борадигандур. Албатта, у уларнинг устидан қоплангандир». [Хумаза: 5-8].

Жаннат ва дўзах яратилган ва ҳозир мавжуд. Улар ҳеч қачон йўқ бўлмайди ва абадий қоладилар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ
لِلْمُتَّقِينَ﴾

«Раббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг». [Оли Имрон: 133]

﴿وَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ﴾

«Ва кофирлар учун тайёрлаб қўйилган оловдан қўрқинг». [Оли Имрон: 131]

﴿وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَنُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرَىٰ مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ
خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَّهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا ظِلِيلًا﴾

«Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларни, албатта, остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритармиз. Унда абадий, боқий қолурлар. Унда уларга покиза жуфтлар бор. Ва уларни қуюқ сояларга киритармиз». [Нисо: 57]

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَظَلَمُوا لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ طَرِيقًا ﴿١٦٨﴾
إِلَّا طَرِيقَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَىٰ اللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٦٩﴾﴾

«Албатта, куфр келтирганлар ва зулм қилган-ларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва йўлга ҳидоят ҳам қилмас. Магар жаҳаннам йўлига (ҳидоят қилур) ва унда абадий қолурлар. Бу, Аллоҳ учун осондир». [Нисо: 168-169]

Дўзах:

Дўзах эшиклари еттита:

﴿وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمَوْعِدُهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٣﴾ لَهَا سَبْعَةُ أَبْوَابٍ لِّكُلِّ بَابٍ مِّنْهُمْ جُزْءٌ مَّقْصُومٌ ﴿٤٤﴾﴾

«Албатта, жаҳаннам уларнинг барчасининг ваъда қилинган жойидир. Унинг етти эшиги бордир. Ҳар бир эшик учун улардан тақсимланган бўлаги бордир». [Ҳижр: 43-44]

Кофирлар келганда ўша эшиклар уларга очилади. Кирганларидан кейин устиларидан қулфланади.

﴿وَسِيقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُمَرًا ۖ حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا فَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنْكُمْ يَتْلُونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِ رَبِّكُمْ وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَٰذَا قَالُوا بَلَىٰ وَلَٰكِنْ حَقَّتْ كَلِمَةُ الْعَذَابِ عَلَىٰ

الْكَافِرِينَ ﴿٧١﴾ قِيلَ ادْخُلُوا أَبْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا فَبِئْسَ مَثْوًى
الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٢﴾

«Ва куфр келтирганлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдалди. Токи унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ўзингиздан бўлган Пайғамбарлар келиб, Раббингиз оятларини тиловат қилиб бермадиларми? Сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиздан огоҳлантирмадиларми?!» дедилар. Улар: «Ҳа! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», дедилар. «Жаҳаннам эшикларидан унда абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда киринг», дейилди. Бас, мутакаббирларнинг жойи қандай ҳам ёмон бўлди». [Зумар: 71-72]

﴿وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ﴾ ١ الَّذِي جَمَعَ مَالًا وَعَدَّدَهُ ٢ يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُ أَخْلَدَهُ ٣
﴿كَلَّا لَيُنْبَذَنَّ فِي الْحُطَمَةِ﴾ ٤ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحُطَمَةُ ٥ نَارُ اللَّهِ الَّتِي تَمُوقِدُ ٦
الَّتِي تَطَّلِعُ عَلَى الْأَفْئِدَةِ ٧ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَصَّدَةٌ ٨ فِي عَمَدٍ مُمَدَّدَةٍ ٩

«Ҳар бир обрў тўкувчи ва айбловчига «вайл» бўлсин. У мол жамлади ва уни санаб турур. У, албатта, моли уни абадий қолдирур деб ҳисоб қилур. Йўқ! Албатта, у «хутома»га хор-зор этиб

ташланур. «Хутома» қандоқ нарса эканини сенга нима билдиур? У, Аллоҳнинг шиддатли, ўчмас оловидир. Қалбларгача етиб борадигандур. Албатта, у уларнинг устидан қоплангандир. Узун-узун устунларга боғлангандирлар». [Хумаза: 1-9]

Дўзахнинг кенглиги ва чуқурлиги

﴿يَوْمَ نَقُولُ لِجَهَنَّمَ هَلِ امْتَلَأَتْ وَتَقُولُ هَلْ مِنْ مَزِيدٍ﴾

«Бугун жаҳаннамга: «Тўлдингми?» десак, у: «Яна қўшимча борми?» дер». [Қоф: 30]

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

﴿لَا تَزَالُ جَهَنَّمُ يُلْقَى فِيهَا وَتَقُولُ هَلْ مِنْ مَزِيدٍ حَتَّى يَضَعَ رَبُّ الْعِزَّةِ فِيهَا قَدَمَهُ فَيَنْزِي بِعُضْوِهَا إِلَى بَعْضٍ وَتَقُولُ قَطُّ؛ قَطُّ، بِعِزَّتِكَ وَكَرَمِكَ. وَلَا يَزَالُ فِي الْجَنَّةِ فَضْلٌ حَتَّى يُشِئَ اللَّهُ لَهَا خَلْقًا فَيُسْكِنَهُمْ فَضْلَ الْجَنَّةِ﴾.

«Жаҳаннамга (одамлар) тинмай улоқтирилаверади, у эса «Яна борми?» деяверади. Ниҳоят иззатли Рабб унга қадамини босади. Шунда дўзах бир-бирига киришиб кетиб, «Иззат ва караминг ила қасамки, бўлди, бўлди», дейди. Жаннатда эса бўш жой қолаверади. Ниҳоят Аллоҳ унинг учун бошқа одамдарни янгидан

яратиб, уларни жаннатнинг бўш жойларига жойлаштиради». Имом Муслим ривояти.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик. У зот гуппиллаган бир овозни эшитиб:

(تَذَرُونَ مَا هَذَا) . قَالَ قُلْنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ. قَالَ « هَذَا حَجَرٌ رُمِيَ بِهِ فِي النَّارِ مِنْذُ سَبْعِينَ خَرِيفًا فَهُوَ يَهْوِي فِي النَّارِ الْآنَ حَتَّى انْتَهَى إِلَى قَعْرِهَا).

«Бунинг нималигини биласизларми?» дедилар. «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дедик. У зот: «Бу – дўзахга етмиш йил олдин отилган тош эди. Шу пайтгача тушиб келиб, энди тубига етиб борди», дедилар. Имом Муслим ривояти.

Дўзах:

Дўзах ёқилғиси: одамлар ва тошлар:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ..)

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг...» [Таҳрим: 6]

(فَإِنْ لَّمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ (24))

«Бас, агар қила олмасанглар, ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам, ёқилғиси одамлар ва тош

бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан қўрқинглар». [Бақара: 24]

Учқуни: Туя ёки қаср каби:

﴿أَنْظِلُوا إِلَى ظِلِّ ذِي ثَلَاثِ شُعَبٍ ۖ لَا ظَلِيلٍ وَلَا يُغْنِي مِنَ الْهَبِ ۚ إِنَّهَا تَرْمِي بِشَرَرٍ كَالْقَصْرِ ۚ كَأَنَّهُ جُمُلَتْ صُفُرٌ ۚ وَيَلُّ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ۚ﴾

«Юрингиз! Уч шўъбаси бор «соя»га қараб. У, салқин қилувчимас ва оловни ҳам қайтармас. Албатта, у (жаҳаннам) қасрдек учқунларни отадир. У (учқун) худди қорамтир-сарғиш туяларга ўхшайдир. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!» [Мурсалат: 30-34].

Ҳавоси: Қайноқ шамол

Суви: қайноқ сув

Сояси: Қоп-қора тутун.

﴿وَأَصْحَابُ الشِّمَالِ مَا أَصْحَابُ الشِّمَالِ ۚ فِي سَمُومٍ وَحَمِيمٍ ۚ وَظِلٍّ مِّنْ يَحْمُومٍ ۚ لَا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا قَبْلَ ذَلِكَ مُتْرَفِينَ ۚ﴾

«Ва чап тараф эгалари. Чап тараф эгалари не(бадбахтлар)дир?! Улар ўт шамол ва қайноқ сувдадирлар. Қоп-қора тутун соясидадирлар. На салқин эмас ва на фойдали. Албатта, улар бундан олдин ҳойи-ҳавасга берилганлардан эдилар». [Воқеа: 41-45]

Егуликлари: Тикан ва заққум дарахти:

﴿لَيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِنْ ضَرِيعٍ ﴿٦٥﴾ لَا يُسْمِنُ وَلَا يُغْنِي مِنْ جُوعٍ ﴿٦٦﴾﴾

«Уларга тикандан бошқа таом йўқдир. У на семиртirmас ва на очликни кетказмас».

[Ғошия: 6-7]

﴿أَذَلَّكَ خَيْرٌ نَزَّلَا أَمْ شَجَرَةُ الزَّقُّومِ ﴿٦٧﴾ إِنَّا جَعَلْنَاهَا فِتْنَةً لِلظَّالِمِينَ ﴿٦٨﴾ إِنَّهَا شَجَرَةٌ تَخْرُجُ فِي أَصْلِ الْجَحِيمِ ﴿٦٩﴾ طَلْعُهَا كَأَنَّهُ رِئَاسُ الشَّيْطَانِ ﴿٧٠﴾ فَإِنَّهُمْ لَا يَكُونُ مِنْهَا فَمَالٌ وَلَا مِنْهَا أَلْبُطُونَ ﴿٧١﴾ ثُمَّ إِنَّ لَهُمْ عَلَيْهَا لَشَوْبًا مِنْ حِمِيمٍ ﴿٧٢﴾﴾

«Манзил ўлароқ ана ўша яхшими ёки заққум дарахтими? Албатта, Биз уни золимлар учун фитна қилдик. Дарҳақиқат, у бир дарахт бўлиб, дўзах қаъридан чиқур. Унинг (мева) тугар жойи худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. Бас, албатта, улар ундан егувчилардир. Ундан қоринларни тўлдиргувчилардир. Сўнгра, бунинг устига, улар учун ўта қайноқ сувдан аралаштирма ҳам бор». [Софот: 62-67]

Ичимликлари: Қайноқ сув ва йиринг

﴿وَسُقُوا مَاءً حَمِيمًا فَقَطَّعَ أَمْعَاءَهُمْ﴾

«Ўта қайноқ сув ила суғорилиб, ичаклари титилиб кетур». [Муҳаммад: 15]

﴿هَذَا فَلْيَذُقُوهُ حَمِيمٌ وَغَسَّاقٌ﴾

«Мана буни татиб турсинлар: қайноқ сув ва йирингни!» [Сод: 57]

﴿مِنْ وَرَائِهِ جَهَنَّمُ وَيُسْقَىٰ مِنْ مَّاءٍ صَدِيدٍ﴾

«Унинг ортида жаҳаннам бордир. Йиринг сув ила суғориладир». [Иброҳим: 16]

﴿وَإِنْ يَسْتَغِيثُوا يُغَاثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا﴾

«Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қўғирувчи сув билан «ёрдам» берилур. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!» [Каҳф: 29]

Таомлари: тикан ва заққум дарахти:

﴿لَيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِنْ ضَرِيعٍ ۖ لَا يُسْمِنُ وَلَا يُغْنِي مِنْ جُوعٍ ۖ﴾

«Уларга тикандан бошқа таом йўқдир. У на семиртирмас ва на очликни кетказмас».

[Ғошия: 6-7]

﴿أَذْلِكَ خَيْرٌ نُزْلًا أَمْ شَجَرَةُ الزَّقُّومِ ۖ إِنَّا جَعَلْنَهَا فِتْنَةً لِلظَّالِمِينَ ۖ إِنَّا شَجَرَةُ تَخْرُجُ فِي أَصْلِ الْجَحِيمِ ۖ طَلْعُهَا كَأَنَّهُ رُءُوسُ الشَّيَاطِينِ ۖ فَإِنَّهُمْ

لَا يَكُونُ مِنْهَا فَمَالٌ شُونَ مِنْهَا الْبُطُونَ ﴿٦٦﴾ ثُمَّ إِنَّ لَهُمْ عَلَيْهَا لَشَوْبًا مِّنْ حَمِيمٍ

﴿٦٧﴾

«Манзил ўлароқ ана ўша яхшими ёки заққум дарахтими? Албатта, Биз у(дарахт)ни золимлар учун фитна қилдик. Дарҳақиқат, у бир дарахт бўлиб, дўзах қаъридан чиқур. Унинг (мева) тугар жойи худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. Бас, албатта, улар ундан егувчилардир. Ундан қоринларни тўлдиргувчилардир. Сўнгра, бунинг устига, улар учун ўта қайноқ сувдан аралаштирма ҳам бор». [Соффот: 62-67]

Ичимликлари: Қайноқ сув, йиринг, эритилган маъдан

Ҳамийм: жуда қайноқ сув.

Ғассоқ: Йирингдан ташкил топган суюқ сув

Содийд: Дўзах аҳлининг гўшtidан оқиб чиққан суюқлик.

Маҳл: Қизитилган ёғ каби нарса.

﴿وَسُقُوا مَاءً حَمِيمًا فَقَطَّعَ أَمْعَاءَهُمْ﴾

«Ўта қайноқ сув ила суғорилиб, ичаклари титилиб кетур». [Муҳаммад: 15]

﴿هَذَا فَلْيَذُقُوهُ حَمِيمٌ وَغَسَّاقٌ﴾

«Мана буни татиб турсинлар: қайноқ сув ва йирингни!» [Сод: 57]

﴿مِنْ وَرَائِهِ جَهَنَّمُ وَيُسْقَىٰ مِنْ مَّاءٍ صَدِيدٍ﴾

«Унинг ортида жаҳаннам бордир. Йиринг сув ила суғориладир». [Иброҳим: 16]

﴿وَإِنْ يَسْتَغِيثُوا يُعَاثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا﴾

«Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қўғирувчи сув билан «ёрдам» берилур. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!» [Каҳф: 29]

Кийимлари: Оловдан кийим, қора мойдан шим.

﴿فَالَّذِينَ كَفَرُوا قُطِعَتْ لَهُمْ ثِيَابٌ مِنْ نَارٍ يُصَبُّ مِنْ فَوْقِ رُءُوسِهِمُ الْحَمِيمُ﴾

«Бас, куфр келтирганларга оловдан кийим бичилди. Бошлари устидан ўта қайноқ сув қуйиладир». [Ҳаж: 19]

﴿وَتَرَى الْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ مُّقَرَّنِينَ فِي الْأَصْفَادِ ۖ ﴿١٩﴾ سَرَابِيلُهُمْ مِنْ قَطَرَانٍ وَتَعْشَىٰ وُجُوهُهُمْ النَّارُ ﴿٢٠﴾﴾

«Ва у кунда жиноятчиларни кишанлар ила тўпланган ҳолларида кўрасан. Уларнинг ки-

йимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов қоплагандир». [Иброҳим: 49-50]

Терилар етиб пишиши:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا سَوْفَ نُصْلِيهِمْ نَارًا كُلَّمَا نَضِجَتْ جُلُودُهُمْ
بَدَّلْنَاهُمْ جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَزِيزًا حَكِيمًا﴾

«Оятларимизга куфр келтирганларни, албатта, дўзахга киритармиз. Қачонки, терилари етиб пишганда, азобни тотишлари учун бошқа тери алмаштирармиз. Албатта, Аллоҳ Азийз ва Ҳакийм Зотдир». [Нисо: 56]

Эритиш:

﴿هَذَانِ خَصْمَانِ اخْتَصَمُوا فِي رَبِّهِمْ ۖ فَالَّذِينَ كَفَرُوا قُطِعَتْ لَهُمْ ثِيَابٌ مِّن
نَّارٍ يَصُبُّ مِن فَوْقِ رُءُوسِهِمُ الْحَمِيمُ ﴿١٩﴾ يُصْهَرُ بِهِ ۚ مَا فِي بُطُونِهِمْ وَأَجْلُودٌ ﴿٢٠﴾
وَوَلَّهُم مَّقْلَعٌ مِّنْ حَدِيدٍ ﴿٢١﴾ كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا مِنْ غَمٍّ أُعِيدُوا فِيهَا
وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴿٢٢﴾﴾

«Мана бу икки ғаним Раббилари ҳақида талашган эдилар. Бас, куфр келтирганларга оловдан кийим бичилди. Бошлари устидан ўта қайноқ сув қуйилур. У билан қоринларидаги нарсалар ва терилари эритилур. Улар учун темир гурзилар бор. Улар ҳар қачон ундаги ғамдан чиқмоқчи бўлсалар, унга қайтарилиур-

лар ва «Ёниш азобини тотинг!» дейилур». [Ҳаж:
19-22]

Зарба:

﴿وَمَنْ حَقَّ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنْفُسَهُمْ فِي جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿١٠٣﴾
تَلْفَحُ وُجُوهُهُمُ النَّارَ وَهُمْ فِيهَا كَالِحُونَ ﴿١٠٤﴾﴾

«Кимнинг мезони енгил келса, бас, ана
ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннам-
да абадий қолгувчи бўлибдилар. Юзларини
олов куйдирур. Улар унда бадбашара ҳолда
бўлурлар». [Мўъминун: 103-104]

Айлантириш:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكُفْرِينَ وَأَعَدَّ لَهُمْ سَعِيرًا ﴿٦٥﴾ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَا يَجِدُونَ
وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٦٦﴾ يَوْمَ ثَقُلَتْ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَلَيْتَنَّا أَطَعْنَا اللَّهَ
وَأَطَعْنَا الرَّسُولَ ﴿٦٧﴾﴾

«Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва
уларга дўзахни тайёрлаб қўйди. Улар унда
абадий бардавом қолурлар. На бир дўст ва на
бир ёрдамчи топа олмаслар. Юзлари олов ичида
айлантирилаётган кунда улар: «Эҳ, кошки,
Аллоҳга итоат қилсак эди, Расулига итоат
қилсак эди», дерлар». [Аҳзоб: 64-66]

Судралиш:

﴿إِنَّ الْمُجْرِمِينَ فِي ضَلَالٍ وَسُعْرٍ ﴿٤٧﴾ يَوْمَ يُسْحَبُونَ فِي النَّارِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ ذُوقُوا مَسَّ سَقَرَ ﴿٤٨﴾﴾

«Албатта, жинояткорлар адашувда ва олов-оташдадирлар. Юзтубан дўзахга судраладиган кунда, жаҳаннам азобини татиб кўринг, (дейилур)». [Қомар: 47, 48]

Ҳасрат ва надомат:

﴿وَلَوْ أَنَّ لِكُلِّ نَفْسٍ ظَلَمَتْ مَا فِي الْأَرْضِ لَافْتَدَتْ بِهِ ۖ وَأَسْرُوا النَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوُا الْعَذَابَ ۖ وَفُضِيَ بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ ۚ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

«Агар ҳар бир зулм қилган жонга ер юзидаги ҳамма нарса берилса, уни фидо қилган бўлар эди. Азобни кўрганларида ичларида надомат чекдилар. Улар ўртасида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас». [Юнус: 54]

Ундан халос бўлиш учун барча нарасини беришга тайёр:

﴿إِذَا رَأَتْهُمْ مِّن مَّكَانٍ بَعِيدٍ سَمِعُوا لَهَا تَغِيْظًا وَزَفِيرًا ﴿١٣﴾ وَإِذَا أَلْقَا مِنْهَا مَكَانًا ضَيِّقًا مُّقْرَّبَيْنِ دَعَوْا هُنَالِكَ ثُبُورًا ﴿١٤﴾ لَا تَدْعُوا الْيَوْمَ ثُبُورًا وَاحِدًا وَادْعُوا ثُبُورًا كَثِيرًا ﴿١٥﴾﴾

«Вақтики у уларни узоқ жойдан кўрганида, унинг ғазабнок қайнашини ва бўкиришини

эшитурлар. Унинг тор жойига кишанланган ҳолларида ташланганларида эса, ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тиларлар. Бугунги кунда бир ҳалокатни эмас, кўп ҳалокатни тиланглар!» [Фурқон: 12-14]

Ҳалокат тилаб дуо қиладилар:

﴿وَمَنْ حَقَّ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ فِي جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿١٣﴾ تَلْفَحُ وُجُوهُهُمُ النَّارَ وَهُمْ فِيهَا كَالِحُونَ ﴿١٤﴾﴾

«Кимнинг мезони енгил келса, бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда абадий қолгувчи бўлибдилар. Юзларини олов куйдирур. Улар унда бадбашара ҳолда бўлурлар». [Мўъминун: 103-104]

Қичқирик:

﴿وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا كَذَٰلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَافِرٍ ﴿٣٦﴾ وَهُمْ يَصْطَرِخُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرُ وَجَاءَكُمُ الْتَذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَّصِيرٍ ﴿٣٧﴾﴾

«Куфр келтирганларга жаҳаннам оташи бордир. Уларга на ҳукм қилинмаски, ўлсалар ва на улардан у(жаҳаннам)нинг азобидан енгиллатилмас. Ҳар бир кофирни шундоқ жазолай-

миз. Улар у ерда: «Эй Раббимиз!!! Бизларни чиқар!!! Қилиб юрган амалларимиздан бошқа, солиҳ амаллар қиламиз!!!» деб доду фарёд солурлар. «Сизларга эслайдиган одам эслагудек умр бермаган эдикми?! Сизларга огоҳлантиргувчи келмаган эдими?! Бас, энди, тотаверинглар! Золимларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир», (дейилур)». [Фотир: 36-37]

Орқага қайтишни сўраш:

﴿وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذِ الْمُجْرِمُونَ نَاكِسُوا رُءُوسِهِمْ عِندَ رَبِّهِمْ رَبَّنَا أَبْصَرْنَا وَسَمِعْنَا فَارْجِعْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا إِنَّا مُوقِنُونَ﴾

«Гуноҳкорларнинг Раббилари ҳузурида бошларини эгиб туриб: «Ё Раббимиз, кўрдик, эшитдик. Бас, бизни ортга қайтар, яхши амал қиламиз. Албатта, биз ишониб етдик», дейишларини кўрсангиз эди». [Сажда: 12]

﴿قَالُوا رَبَّنَا غَلَبَتْ عَلَيْنَا شِقْوَتُنَا وَكُنَّا قَوْمًا ضَالِّينَ ﴿٣٨﴾ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْهَا فَإِنَّا ظَالِمُونَ ﴿٣٩﴾ قَالَ أَحْسَنُوا فِيهَا وَلَا تُكَلِّمُونِ ﴿٤٠﴾﴾

«Улар: «Ё Раббимиз, бадбахтлигимиз ўзимиздан устун келиб, залолатга кетган қавм бўлган эканмиз. Ё Раббимиз, бизни бундан чиқаргин, агар яна (эски ҳолимизга) қайтсак,

бас, албатта, золимлардан бўлурмиз», дерлар. У Зот: «У(ер)да хор бўлиб қолаверинг ва Менга гапирманг!» деди». [Мўъминун: 106-108]

Жаннат

Жаннат эшиклари:

﴿وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلَامٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ ﴿٧٣﴾ وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقْنَا وَعَدَهُ وَأَوْرَثَنَا الْأَرْضَ نَتَبَوَّأُ مِنَ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ فَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ ﴿٧٤﴾﴾

«Ва Раббиларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар. Токи унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда кириңг», дедилар. Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Энди ундан хоҳлаган жойимиз-ни оламиз», дедилар. Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши бўлди!» [Зумар: 73-74]

Саккизта дарвозаси бор: Намоз, жиҳод, рўза ва садақа дарвозалари:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(مَنْ أَنْفَقَ زَوْجَيْنِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ تُودِيَ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ يَا عَبْدَ اللَّهِ هَذَا خَيْرٌ فَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّلَاةِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّلَاةِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجِهَادِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الْجِهَادِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصِّيَامِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الرِّيَّانِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّدَقَةِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّدَقَةِ فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، بِأَيِّ آتٍ وَأُمِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا عَلَى مَنْ دُعِيَ مِنْ تِلْكَ الْأَبْوَابِ مِنْ ضَرُورَةٍ فَهَلْ يُدْعَى أَحَدٌ مِنْ تِلْكَ الْأَبْوَابِ كُلِّهَا قَالَ نَعَمْ وَأَرْجُو أَنْ تَكُونَ مِنْهُمْ).

«Кимки Аллоҳ йўлида икки нарсани сарф қилса (масалан: икки динор, икки дирҳам, икки кийим, икки туя ёки шунга ўхшаш икки неъмат), унга жаннат эшикларидан: “Эй Аллоҳнинг қули! Бу – яхшиликдир”, деб чақириқ бўлади.

— Ким намоз аҳлидан бўлса, у намоз эшигидан чақирилади.

— Ким жиҳод аҳлидан бўлса, у жиҳод эшигидан чақирилади.

— Ким рўза тутувчи бўлса, у Райён эшигидан чақирилади.

— Ким садақа берувчи бўлса, у садақа эшигидан чақирилади».

Шунда Абу Бакр разияллоҳу анҳу дедилар: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ!

Ким шу эшиклардан биридан чақирилса, унга бошқалари керак бўлмайди-ку. Лекин бир одам барча эшиклардан ҳам чақирилиши мумкин-ми?» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳа, ва мен умид қиламанки, сен шулардан бўласан». Имом Бухорий ривояти.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(فِي الْجَنَّةِ ثَمَانِيَةُ أَبْوَابٍ فِيهَا بَابٌ يُسَمَّى الرَّيَّانَ لَا يَدْخُلُهُ إِلَّا الصَّائِمُونَ).

«Жаннатда саккизта эшиги бор. Уларнинг орасида Райён деган эшик бор, унга фақат рўзадорлар киради», дедилар. Имом Бухорий ривояти.

Унда ўлим, касаллик, малолланиш ва кийим эскириши йўқ, доим ёш бўладилар:

Абу Саид Худрий ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(يُنَادِي مُنَادٍ لَكُمْ أَنْ تَصِحُّوا فَلَا تَسْقَمُوا أَبَدًا وَإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَحْيُوا فَلَا تَمُوتُوا أَبَدًا وَإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَشَبُّوا فَلَا تَهْرُمُوا أَبَدًا وَإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَنَعَمُوا فَلَا تَبْتَئِسُوا أَبَدًا).

«(Жаннатда) жарчи шундай нидо қилади: «Сизларга соғлиқ берилди, энди ҳеч қачон касал бўлмайсизлар. Сизларга ҳаёт берилди, энди ҳеч қачон ўлмайсизлар. Сизларга ёшлик берилди, энди ҳеч қачон қаримайсизлар.

Сизларга доимий неъмат берилди, энди ҳеч қачон ҳасрат чекмайсизлар». Имом Муслим ривояти.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ يَنْعَمُ لَا يَيْئَسُ لَا تَبْلَى ثِيَابُهُ وَلَا يَفْنَى شَبَابُهُ).

«Ким жаннатга кирса, неъматланади, ғам кўрмайди, кийимлари эскирмайди, ёшлиги тугамайди», дедилар. Имом Муслим ривояти.

Қасрлар ва анҳорлар:

(لَكِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ لَهُمْ غُرَفٌ مِنْ فَوْقِهَا غُرْفٌ مَبْنِيَّةٌ تَجْرَى مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ الْمِيعَادَ)

«Лекин Раббиларига тақво қилганлар учун болохоналар устидан болохоналар бино қилингандир. Остларидан анҳорлар оқиб турур. Аллоҳнинг ваъдаси шу! Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас». [Зумар: 20]

(مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وُعدَ الْمُتَّقُونَ فِيهَا أَنْهَارٌ مِنْ مَاءٍ غَيْرِ آسِنٍ وَأَنْهَارٌ مِنْ لَبَنٍ لَمْ يَتَغَيَّرَ طَعْمُهُ وَأَنْهَارٌ مِنْ خَمْرٍ لَذَّةٍ لِلشَّارِبِينَ وَأَنْهَارٌ مِنْ عَسَلٍ مُصَفًّى وَلَهُمْ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَمَغْفِرَةٌ مِنْ رَبِّهِمْ كَمَنْ هُوَ خَالِدٌ فِي النَّارِ وَسُقُوا مَاءً حَمِيمًا فَقَطَّعَ أَمْعَاءُهُمْ)

«Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (шуки): ичида айнимаган сувли анҳорлари, таъми ўзгармаган сутли анҳорлари, ичувчиларга лаззатбахш хамр(шароб)ли анҳорлари, мусаффо асалли анҳорлари бор. Улар учун унда барча мевалар ва ўз Раббиларидан мағфират бор. (Ўшалар) оташда мангу қолувчи ва ўта қайноқ сув ила суғорилиб, ичаклари титилиб кетган кимсага ўхшарми?» [Муҳаммад: 15]

Егуликлар:

﴿إِنَّ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ الْيَوْمَ فِي شُغْلٍ فَاكِهُونَ ﴿٥٨﴾ هُمْ وَأَزْوَاجُهُمْ فِي ظِلَالٍ عَلَى الْأَرَائِكِ مُتَكِئُونَ ﴿٥٩﴾ لَهُمْ فِيهَا فَاكِهَةٌ وَلَهُمْ مَا يَدَّعُونَ ﴿٦٠﴾ سَلَامٌ قَوْلًا مِنْ رَبِّ رَحِيمٍ ﴿٦١﴾﴾

«Албатта, жаннат эгалари у кунда роҳатланиш ила машғуллар. Улар ва уларнинг жуфтлари сояларда сўриларда ёнбошлаб ётурлар. Улар учун у ерда мевалар бордир. Улар учун у ерда истаган нарсалари бордир. Раҳим бўлган Раббдан «Салом» сўзи бордир». [Ёсин: 55-58]

Мева ва гўштлар:

﴿وَفَلَكِهَةٌ مِمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿٦٢﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٦٣﴾﴾

«Ва улар хоҳлаган мевалар билан. Иштаҳалари тусаган қуш гўшти билан». [Воқеа: 20, 21]

Ичимликлар:

﴿إِنَّ الْأَبْرَارَ لَفِي نَعِيمٍ ﴿٢٢﴾ عَلَى الْأَرَائِكِ يَنْظُرُونَ ﴿٢٣﴾ تَعْرِفُ فِي وُجُوهِهِمْ نَضْرَةَ النَّعِيمِ ﴿٢٤﴾ يُسْقَوْنَ مِنْ رَحِيقٍ مَخْتُومٍ ﴿٢٥﴾ خِتَمُهُ مِسْكًَ وَفِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَفِسُونَ ﴿٢٦﴾ وَمِزَاجُهُ مِنَ تَسْنِيمٍ ﴿٢٧﴾ عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا الْمُقَرَّبُونَ ﴿٢٨﴾﴾

«Албатта, аброрлар жаннати наъиймдадурлар. Пардали баланд сўрилар устида назар солиб турурлар. Уларнинг чеҳраларидан жаннат равнақини билиб оласиз. Улар муҳрланган, ниҳоятда пок шаробдан ичурлар. У(шароб)нинг хотимаси мискдандир. Ва шу нарса учун мусобақа қилувчилар мусобақа қилсинлар! У шаробнинг аралашмаси «Таснийм»дандир. У (Таснийм) бир булоқдирки, ундан муқарраблар ичарлар». [Мутоффиийн: 22-28]

Аёллар: Ҳурул-айн:

﴿إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿٢٩﴾ أُولَٰئِكَ لَهُمْ رِزْقٌ مَّعْلُومٌ ﴿٣٠﴾ فَوَٰكِهُ وَهُمْ مُكْرَمُونَ ﴿٣١﴾ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٣٢﴾ عَلَى سُرُرٍ مُّتَقَدِّلِينَ ﴿٣٣﴾ يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِكَأْسٍ مِّنْ مَّعِينٍ ﴿٣٤﴾ بَيْضَاءَ لَّدَّةٍ لِلشَّرِبِينَ ﴿٣٥﴾ لَا فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا يُنْزَفُونَ ﴿٣٦﴾ وَعِنْدَهُمْ قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ عِينٌ ﴿٣٧﴾ كَأَنَّهُنَّ بَيْضٌ مَّكْنُونٌ ﴿٣٨﴾﴾

«Магар Аллоҳнинг мухлис бандаларигина (ҳозир қилинмаслар). Ана ўшаларга, ўзларига маълум ризқ бордир. Мева-чевалар бордир. Улар икром қилинган ҳолларида... Сернеъмат жаннатлардадирлар. Сўрилар устида бир-бирларига қараган ҳолларида бўлурлар. Уларга оқар чашмадан қадаҳлар айлантириб турилур. У оппоқ, ичгувчига лаззатбахшдир. Унда ҳеч бир зарар йўқдир ва ундан сархуш ҳам бўлмаслар. Олдиларида кўзларини тийгувчи шаҳло кўзлилар бордир. Улар худди асраб қўйилган тухумга ўхшарлар». [Соффот: 40-49]

﴿وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ اَنَّ لَهُمْ جَنَّتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ رِزْقًا قَالُوا هَٰذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلُ وَأَنُتُوا بِهِ مُتَشَبِهًا وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

«Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга улар учун остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар борлигининг башоратини беринг. Қачонки уларнинг мевасидан баҳрааманд бўлсалар, бундан аввал ҳам ризқланган эдик дерлар. Уларга ўхшаш нарсалар берилгандир. Уларга у ерда покиза жуфтлар бор ва улар у ерда абадий қолурлар». [Бақара: 25]

Аллоҳнинг юзига қараш:

Суҳайб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ - قَالَ - يَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى تَرِيدُونَ شَيْئًا أَزِيدُكُمْ فَيَقُولُونَ أَلَمْ تُبَيِّضْ وُجُوهَنَا أَلَمْ تُدْخِلْنَا الْجَنَّةَ وَتُنَجِّنَا مِنَ النَّارِ - قَالَ - فَيَكْشِفُ الْحِجَابَ فَمَا أُعْطُوا شَيْئًا أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنَ النَّظَرِ إِلَى رَبِّهِمْ عَزَّ وَجَلَّ).

«Жаннат аҳли жаннатга кирганида Аллоҳ таборака ва таоло: «Бирор нарса зиёда қилишимни хоҳлайсизларми?» дейди. Улар: Юзларимизни ёруғ қилиб, бизни жаннатга киритиб, дўзахдан нажот бердингку!» дейишади. Шунда У Зот пардани очиб юборади. Уларга Раббилари азза ва жаллага назар солишдан суюклироқ нарса берилмайди». Имом Муслим ривояти.

Аллоҳ розилиги:

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إِنَّ اللَّهَ يَقُولُ لِأَهْلِ الْجَنَّةِ يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ يَقُولُونَ لَبَّيْكَ رَبَّنَا وَسَعْدَيْكَ فَيَقُولُ هَلْ رَضِيتُمْ فَيَقُولُونَ وَمَا لَنَا لَا نَرْضَى وَقَدْ أُعْطِينَا مَا لَمْ نَعْطِ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ فَيَقُولُ أَنَا أُعْطِيكُمْ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ قَالُوا: يَا رَبِّ وَأَيُّ شَيْءٍ أَفْضَلُ مِنْ ذَلِكَ فَيَقُولُ أَحِلُّ عَلَيْكُمْ رِضْوَانِي فَلَا أَسْخَطُ عَلَيْكُمْ بَعْدَهُ أَبَدًا).

«Аллоҳ жаннат аҳлига: «Эй жаннат ахли!» дейди. Улар: «Лаббайка Роббанаа ва саъдайка», дейишади. (Яъни: «Лаббай, Раббимиз, амрингга мунтазирмиз!») У Зот: «Рози бўлдингизми?» дейди. Улар: «Нега рози бўлмайлик, ё Рабб? Ахир махлуқотларингдан ҳеч кимга бермаганингни бизга бердинг-ку!» дейишади. У Зот: «Сизларга бундан ҳам афзалини берайми?» дейди. Шунда У Зот: «Сизларга розилигимни нозил қиламан ва бундан кейин сизларга ҳеч қачон ғазаб қилмайман», дейди». Имом Бухорий ривояти.

Ўтиргич ва суянғичлар:

﴿وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاعِمَةٌ ۖ لِّسَعْيِهَا رَاضِيَةٌ ۖ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ۖ لَا تَسْمَعُ فِيهَا لَغِيَةً ۖ فِيهَا عَيْنٌ جَارِيَةٌ ۖ فِيهَا سُرُرٌ مَّرْفُوعَةٌ ۖ وَأَكْوَابٌ مَّوْضُوعَةٌ ۖ وَنَمَارِقُ مَصْفُوفَةٌ ۖ وَزَرَّابِيُّ مَبْثُوثَةٌ﴾

«Ўшал кунда бир чехралар неъмат хурсандлиги билан тўладир. Улар ўз ишларидан рози. Олий жаннатдадир. Унда бекорчи гапларни эшитмаслар. Унда оқиб турган булоқлар бор. Унда баланд-баланд сўрилар бор. Ва тайёрлаб қўйилган қадаҳлар бор. Ва саф-саф қилиб тизилган ёстиклар бор. Ҳамма ёққа тўшалган гиламлар бор». [Ғошия: 8-16]

Суҳбат:

﴿وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ ﴿١٠﴾ أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ ﴿١١﴾ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿١٢﴾ ثُلَّةٌ مِّنَ الْأُولَىٰ ﴿١٣﴾ وَقَلِيلٌ مِّنَ الْآخِرِينَ ﴿١٤﴾ عَلَىٰ سُرُرٍ مَّوْضُونَةٍ ﴿١٥﴾ مَّتَّكِعِينَ عَلَيْهَا مُتَقَابِلِينَ ﴿١٦﴾ يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخْلَدُونَ ﴿١٧﴾ بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقٍ وَكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿١٨﴾ لَا يَصَدَّعُونَ عَنْهَا وَلَا يُنْزِفُونَ ﴿١٩﴾ وَقَلِهَاةٍ مِّمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿٢٠﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِّمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾ وَحُورٌ عِينٌ ﴿٢٢﴾ كَأَمْثَلِ اللَّوْلُؤِ الْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾ جَزَاءُ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾ لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا تَأْثِيمًا ﴿٢٥﴾ إِلَّا قِيلًا سَلَامًا سَلَامًا ﴿٢٦﴾﴾

«Ва пешқадамлар, пешқадамлар. Улар (Аллоҳга) яқин бўлганлар. Сернеъмат жаннатлардадирлар. Аввалгилардан кўпчилик. Ва охиргилардан озчилик. Тўқима сўрилардадирлар. Бир-бирларига рўбарў бўлиб ёнбошлаган ҳолдадирлар. Атрофларида мангу ёш йигитлар айланиб юрурлар. Оқар чашма майи тўлатилган қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан. Ундан бош оғриғи ҳам, маст ҳам бўлмаслар. Ва хоҳлаган меваларини олиб. Иштаҳалари тусаган қуш гўштини олиб (айланиб юрарлар). Яна, кўзи гўзал ҳурлар бор. Мисоли яширилган дур каби. Булар — қилиб юрган амалларнинг мукофоти-дур. Улар у(Жаннат)да беҳуда, гуноҳ(сўз)ларни

эшитмаслар. Магар «Салом, салом» дейилгани-
ни (эшитарлар). [Воқеа: 10-26]

Қазои қадарга иймон келтириш

1. Қазои қадарга иймон келтиришдан мурод
2. Қазои қадарга иймон келтириш манзила-ти
3. Қазои қадарга иймон келтириш мартаба-лари
4. Кучли мўмин ва заиф мўмин ҳадиси ҳақи-да суҳбат
5. Амалга ёрдам
6. Қилаётган ишларимизда Тақдирнинг тутган ўрни
7. Тақдирни ўзига ҳужжат қилиб олиш
8. Шариат ва тақдирга нисбатан вожибот-лар
9. Фирқаларнинг тақдир ҳақидаги сўзлари
10. Тақдир, сабаблар ва бандалар амаллари

1. Қазои қадарга иймон келтиришдан мурод

А) «Қазо» ва «Қадар» сўзларининг луғатдаги маънолари:

Қазо — ҳукм қилиш, қарор чиқариш.

Қадар — тақдирлаш, бир нарсанинг ўлчовини белгилаш.

Б) Қазо ва қадарга иймон келтиришнинг шариатдаги таърифи:

Аллоҳ таоло азалдан барча махлуқотларнинг тақдирини белгилаганига ишонишдир. Яъни, У Зот уларнинг маълум вақтларда, маълум сифатларда содир бўлишини олдиндан билган, уларнинг ҳаммасини ёзиб қўйган, уларнинг содир бўлишини ирода қилган ва уларни бири-биридан кейин яратган. Шундай экан, банда ишониши керакки, оламдаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг яратгани бўлиб, У Зот уни билиб, ёзиб, ирода қилиб, яратгандир. Шунингдек, сенга етган нарса сендан четлаб ўта олмайди, сеники бўлмаган нарса эса сенга ҳеч қачон берилмайди.

Қазо ва қадарга иймон келтиришдан мурод:

Қазои қадарга иймон келтириш

Қазо — луғатда ҳукм қилиш, бир ишни пухта ва мукамал адо этиш.

Қадар — луғатда тақдирлаш, ишлар ўлчовини ва миқдорини қамраб олиш

Аллоҳ таоло азалдан махлуқотларнинг барчасининг тақдирини битиб қўйганига иймон келтиришдир. У Зот қайси пайтда ва қандай сифатда содир бўлишини билган.

Оламдаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг яратгани эканига, У Зот уни билиб, ёзиб қўйгани ва унинг содир бўлишини ирода этганига иймон келтириш. Шунингдек, сенга етган нарса, сени четлаб ўтмайди. Сени четлаб ўтган нарса, сенга ети-ши керак эмас эканига иймон келтириш.

2.Қазои қадарга иймон келтиришнинг диндаги ўрни

1. Олти иймон арконларининг бири. Иймон усиз комил бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(الإيمان أن تؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسله واليوم الآخر، وتؤمن بالقدر خيره وشره).

«Иймон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшисию ёмонига иймон келтиришингдир».

2. У тавҳид тизимидир. Ким Аллоҳни ягона деб билса-ю, тақдирни инкор этса, у ҳолда унинг инкори тавҳидини бузади. Чунки тақдирга иймон келтириш Аллоҳнинг рубубиятда ягона эканига боғлиқдир. Ким тақдирни инкор этса, у Аллоҳ бандаларнинг амалларини яратганини инкор этиб, Аллоҳ билан бирга бошқа яратувчи бор деб даъво қилган бўлади. Тақдирга иймон келтириш эса, Аллоҳнинг исм ва сифатларидаги ягона эканига ҳам боғлиқдир, айниқса, Унинг илм, қудрат, ҳикмат, ирода ва адолат сифатларига.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳоба-ларга тақдир масалаларини таълим беришлари: Ибн Аббос разияллоҳу анҳумонинг қуйидаги ҳадислари бунга далилдир. У киши айтдилар: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқаларида эдим У зот шундай дедилар:

(يا غلام إني أعلمك كلمات؛ احفظ الله يحفظك، احفظ الله تجده تجاهك، إذا سألت فاسأل الله، وإذا استعنت فاستعن بالله، واعلم أن الأمة لو اجتمعت على أن ينفعوك بشيء لم ينفعوك إلا بشيء قد كتبه الله لك، ولو اجتمعوا على أن يضروك بشيء لم يضروك إلا بشيء قد كتبه الله عليك، رفعت الأقلام وجفت الصحف).

«Эй бола, сенга бир нечта калималарни ўргатаман: Аллоҳнинг ҳақларига (Унинг буюрганларини қилиб, қайтарганларидан қайтиб) риоя қилсанг, У ҳам сени (дунё ва охиратдаги мусибатлардан) сақлайди. Аллоҳ(нинг ҳақлари)га риоя қилсанг, Уни рўпарангда (доимо сенга ёрдам бераётганини) кўрасан. (Бирон нарса) сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Ёрдам сўрамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан ёрдам сўра. Шуни (аниқ) билгинки, агар бутун уммат (инсонлару жинлар атиги) бир нарсадагина сенга ёрдам бериш учун тўпланса, Аллоҳ сенинг фойдангга ёзиб қўйган нарсадагина ёрдам бера олади. Агар (барчалари) сенга (атиги) бир зарар етка-

зиш учун тўпланишса, Аллоҳ сенинг зарарингга ёзиб қўйган нарсадагина зарар бера олишади. (Тақдирларни ёзган) қаламлар (ёзишдан) кўтарилган (тўхтаган), (ёзилган) саҳифалар қуриб бўлган (бошқа ёзилмайди)».¹

3. Тақдир мартабалари ҳамда бу борада аҳли сунна ва аҳли бидъатларнинг тутган йўли

Биринчи мартаба: Илм

Ундан мурод: Аллоҳ таоло Ўзининг азалий ва абадий илми билан барча махлуқотнинг нима амал қилишини, уларнинг итоат ва гуноҳларини, ризқ ва умрларини олдиндан билганига иймон келтиришдир.

Бунга далил: Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَعِنْدَهُ مَفَاتِيحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ...﴾

«Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, Уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир». [Анъом: 59]

¹ «Термизий сунани», «Қиёмат сифатлари китобидан» 59-боб, 4-жуз, 667-саҳифа. У ҳақида: «Бу ҳадис ҳасан (яхши) ва саҳиҳ (ишончли)», – деган. Албоний ҳам уни саҳиҳ деб тасдиқлаган. «Саҳиҳ Сунаан ат-Термизий», 2-жуз, 308-саҳифани қаранг.

﴿... وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا﴾

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўз илми ила ўраб олгандир». [Талоқ: 12]

Иккинчи мартаба: Ёзиш

Бундан мурод: Аллоҳ халоиқ тақдирини Лавҳул-маҳфузга ёзиб қўйди.

Бунга далил: Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِنَّ ذَلِكَ فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾ (۷۰)

«Аллоҳ, албатта, осмону ердаги нарсани билишини, ана ўша, албатта, китобда эканини ва, албатта, у нарса Аллоҳга осон эканини билмайсизми?!» [Ҳаж: 70]

Учинчи мартаба: Хоҳиш, ирода ва қудрат

Бу сўзлар билан шунга ишониш назарда тутилади: Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади, У хоҳламаган нарса бўлмайди. Осмонлар ва ердаги ҳар қандай ҳаракат ёки сокинлик фақат Аллоҳнинг иродаси билангина бўлади. Унинг мулкида У хоҳламаган нарса юз бермайди. У мавжуд ва мавжуд бўлмаган ҳар бир нарсага қодир Зотдир.

Бунга далил: Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ ۖ وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾

«Сизлардан истиқомат(тўғри йўл)да бўлиш-ни хоҳловчилар учундир. Оламларнинг Рабби Аллоҳ хоҳламаса, сизлар хоҳлай олмассизлар».
[Таквир: 28-29]

﴿فَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ...﴾

«Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмоқчи бўлса...»
[Анъом: 125]

Тўртинчи мартаба: Яратиш

Бундан мурод: ер ва осмондаги ҳеч бир мавжудот йўқки, уни Аллоҳ таоло яратмаган бўлса, яъни, У Зот яратгувчидир, Ундан бошқа яратгувчи йўқ ва Рабб ҳам Унинг Ўзи. Шунингдек, Аллоҳ таоло бандаларнинг ўзларини, қудратини, иродасини ва амалларини яратганига иймон келтириш.

Бунга далил: Аллоҳ таоло айтади:

﴿...وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ...﴾

«...У ҳамма нарсани Ўзи яратди...» [Анъом: 101]

﴿وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ﴾

«Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» [Соффот: 96]

Биринчи мартаба: Илм

Аҳли сунна вал жамоанинг наздида: Аллоҳ таолонинг илми кенг ва барча нарсани қамраб олган. Бўлиб ўтган ва бўладиган ва бўлмаган, агар бўлганида қандай бўлишини билади деб иймон келтириш.

Аллоҳ олдиндан барча нарсани билиши — мажбурлашни англатмайди. Балки, У Зот бандалар нима амал қилишларини ўз ихтиёрлари ва иродалари билан қилганларидан олдинроқ билиб қўйганини англатади. Демак, У Зот бандани мажбурловчи эмас, ғайбни билувчидир.

Ким инкор қилган: Қадарияларнинг ғулувга кетганлари.

Иккинчи мартаба: Ёзиш

Аҳли сунна вал жамоа наздида: илгари ёзиб қўйиш (тақдирга ёзилиши) — мажбурлаш эмас, балки, амал қилишга ундайди. Чунки ҳар бир инсон ўзи яратилган нарса учун осонлаштирилгандир.

Бунинг маъноси: Аллоҳ таоло бандалар ихтиёр ва иродалари билан қиладиган амалларини олдиндан билиб, уни ёзиб қўйган.

Ким инкор қилган: Қадарияларнинг ғулувга кетганлари.

Учинчи мартаба: Хоҳиш, ирода ва қудрат

Аҳли сунна наздида: Аллоҳ таолода икки ирода бор — кавний ва шаръий.

— Гуноҳлар Аллоҳнинг кавний иродаси билан содир бўлади, лекин, У Зот уларни шаръан хоҳламайди.

— Итоатлар эса Аллоҳнинг ҳам шаръий, ҳам кавний иродаси билан бўлади.

Буни инкор этганлар:

— Муътазила қадариялар: улар кавний иродани инкор этиб, фақат шаръий иродага иймон келтиришган.

— Жабриялар эса аксинча, кавний иродага иймон келтирганлар, лекин уни шаръий ирода билан бир деб ҳисоблашган.

Тўртинчи мартаба: Яратиш

Аҳли сунна ва жамоа наздида: Аллоҳ берган ирода ва қудрат орқали бандаларнинг амаллари ҳам Аллоҳ томонидан яратилган. Шунинг

учун, амалларни Аллоҳ яратган, аммо банданинг феъли ҳисобланади. Банданинг амали (бандада ҳақиқий ирода ва қудрат бор, у шу орқали амални бажаради. Шунинг учун, у ҳақиқий феъл эгаси ва ўзи қилган иши учун масъулдир.) Аллоҳ томонидан яратилган (феълнинг мавжуд бўлишининг асосий сабаби Аллоҳнинг яратишидир. Аллоҳ ўша банданинг қудрати ва иродасини яратган. Ҳеч бир нарса Унинг кавний иродасидан ташқари бўлмайди.)

У амаллар бандага феъл ва касб жиҳатидан мансуб бўлади. Шунинг учун, у қилган ишига қараб савоб ёки жазо олади. Аллоҳ таолога эса яратиш ва вужудга келтириш жиҳатидан нисбат берилади.

«Ёмонлик Аллоҳга нисбат берилмайди» деганда шундай маъно назарда тутилади: Аллоҳнинг феъли томонидан қаралганда — У қилган ҳар бир иш ҳикмат ва яхшиликдир; аммо, банданинг қилган амали томонидан қаралганда, унда ўзи учун ёмонлик бўлиши мумкин.

Ким инкор қилган: Муътазилалар.

4. Кучли мўмин ва заиф мўмин ҳадиси ҳақида суҳбат

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(الْمُؤْمِنُ الْقَوِيُّ، خَيْرٌ وَأَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِ الضَّعِيفِ، وَفِي كُلِّ خَيْرٍ، اخِرُصَّ عَلَى مَا يَنْفَعُكَ، وَاسْتَعِزْ بِاللَّهِ وَلَا تَعْجِزْ، وَإِنْ أَصَابَكَ شَيْءٌ، فَلَا تَقُلْ لَوْ أَنِّي فَعَلْتُ كَانَ كَذَا وَكَذَا، وَلَكِنْ قُلْ قَدَرُ اللَّهِ وَمَا شَاءَ فَعَلَ، فَإِنَّ لَوْ تَفْتَحُ عَمَلَ الشَّيْطَانِ).

«Кучли мўмин заиф – кучсиз мўминдан афзал ва Аллоҳга суюклироқдир. Ҳар иккисида ҳам яхшилик бор. Сен (эй мўмин) ўзингга манфаат келтирадиган нарсаларга ҳарис бўл! Аллоҳдан мадад тилаган ҳолингда (доимо ҳаракатда бўлгин), ожизлик (дангасалик ва сусткашлик) қилмагин! Бошингга бирор мусибат тушса «агар мен фалон чорани кўрганимда бундай мусибат тушмас эди», демагин, балки, «Аллоҳнинг тақдирида битиб қўйилган иш содир бўлди, У Зот Ўзи хоҳлаган нарсани амалга оширди», дегин! (Аллоҳга таслим бўлиб, тақдирига рози бўлиб, яна илм билан амал қилишда, сабабларни бажариш билан ҳаракатда давом этавергин). Зеро «Агар...» дейиш (ўтиб кетган ишларга афсус-надомат чекиб, сабабчиларни

маломат қилиб ўтиравериш) шайтоннинг ишларига йўл очади».¹

Ибодат ва ёрдам сўраш

Қисм:	Аллоҳдан ёрдам сўраш	Аллоҳга ибодат:	Эслатма
(1) Кучли мўмин	✓	✓	Амр ва тақдирни, суннатга мувофиқ келиши ва ихлосни риоя қилади.
(2) Заиф мўмин	✗	✓	Ғазабланган жаҳлда
(3) Бидъатчи	✓	✓ Суннатга мувофиқ эмас	Адашган
(4) Ёмон одамлар	✗	✗	Ғазаб қилинган

¹ Имом Муслим ривояти (2664).

5. Амалга ёрдам

Аҳли сунна вал жамоа

— Амалдан олдин:

Ақл эгалари, фитрати соғлом бўлган кишиларга Аллоҳ расулларни юборди ва уларга Ўзи вожиб қилган амалларни бажариш қувватини берди.

Кимки булардан бирортасидан маҳрум бўлса, Аллоҳ унинг зиммасидан таклифни (шариат масъулиятини) кўтариб қўйган. Масалан, мажнун, рисолат келмаган давр одамлари, эшитиш ва кўриш қобилиятидан маҳрум бўлганлар ҳамда мажбурланганлар — буларнинг барчаси шариатга амал қилишга мукаллаф эмас, чунки, улар бундай амални бажаришга қодир эмаслар.

— Шунингдек амал билан бирга:

Ҳидоят йўлини хоҳлаган ва унда юрган кишини Аллоҳ икром қилади. Қалбини кенг қилиб, ишини осон қилади ва ҳидоятини янада зиёда қилади. Ким Аллоҳ ёрдам бергандан кейин ҳам ҳидоят йўлидан бош тортса, Аллоҳ уни хор қилади, қалбини оғдириб, кўзию қулоғига муҳр босади.

6. Қилаётган ишларимизда Тақдирнинг тутган ўрни

Амалдан олдин ёрдам бериш бу адолат.

Амалдан олдин ақл, аъзолар, хоҳиш ва шариат билан ёрдам берган.

Ҳикмат: Амал қилаётган вақтимиздаги ёрдам

Аллоҳ истаган бандасига сабабларни қўллаб ҳаракат қилгани учун қалбини очиб қўяди, ҳидоят беради, ишини осон қилади ва амал қилишга куч-ғайрат ато этади.

7. Қилинган айб ишга эмас, бошга тушган мусибатга тақдирни ҳужжат қилиш

Аҳли сунна вал жамоа эътиқод қиладики, банда томонидан гуноҳ қилиш айб саналади, у бундан тавба қилиб, истиғфор айтиши вожибдир. Одам, Нўҳ ва Мусо алайҳиссаломлар ҳам шундай қилганлар — уларнинг ҳар бирлари хатоларидан тавба қилиб, истиғфор айтганлар ва Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилган.

Аллоҳ таоло инсоннинг гуноҳи сабабли унга тушадиган мусибатларни Ўзи хоҳлаган ҳикмат ила тақдир этган бўлса, бу Аллоҳнинг тақдири-

дадир. Инсон бу каби ҳолатларда тақдирни далил қилишга ҳақли. Чунки Одам алайҳиссалом ҳам жаннатдан чиқарилиши масаласида¹ тақдирни далил қилиб келтирган — яъни, жаннатдан чиқарилиш Аллоҳ таолонинг шундай тақдири бўлиб, у дарахтдан егани сабабидан содир бўлган эди. Шунинг учун, бу ишда унинг айби йўқ эди.

Худди шундай, агар бирор киши тезлик сабабли ҳодисага учраб, машинаси урилса ва ўзи шикастланса, ўзининг тез ҳайдаганидан афсусланса ва гуноҳини тан олса-ю, лекин, унга етган мусибат ҳақида «бу тақдирда шундай бўлган» деб далил келтиши жоиз.

Шунингдек, агар бир инсон қирқ ёшга киргач, Аллоҳ уни намозга ҳидоят қилса, кейин кимдир унга «нега шу пайтгача намоз ўқима-

¹ Ҳадис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Одам билан Мусо тортишиб қолишди. Мусо: «Хатоинг сабаб жаннатдан чиқарган Одам сенмисан», дедилар. Шунда Одам алайҳиссалом: «Аллоҳ рисолати ва каломи билан танлаб олган, Мусо бўла туриб, яратилишимдан олдин тақдиримга битилган нарса учун мени маломатлайсанми?» деди. Расулуллоҳ: «Одам Мусонинг устидан ғалаба қозонди», дедилар. (Муттафақун алайҳи), имом Бухорий (3409) ва имом Муслим (2652) ривояти.

гансан?» деб маломат қилса, у эса «бу Аллоҳнинг тақдири, У нима хоҳласа, шуни қилур» деса, бу ҳам жоиз. Чунки, у гуноҳидан тавба қилиб, Аллоҳга қайтган.

Аммо бир одам намоз ўқимайди, унга «намоз ўқи» дейилганда эса «бу Аллоҳнинг тақдири» деб жавоб берса, у гуноҳни тақдир билан оқламоқда. Бу эса, хато ва залолатдир. Демак, тақдирни далил қилиш, фақат, мусибатларга нисбатан жоиз, гуноҳ ишларга эса тавба қилиш, афсусланиш ва истиғфор айтиш вожибдир. Аллоҳу аълам.

Тақдирни ҳужжат қилиш:

Мусо:

Одам алайҳиссаломни дарахтдан егани учун маломатладими?

— Йўқ.

Жаннатдан чиқарилгани учун маломатладими?

— Ҳа.

Одам:

Дарахтдан еганига тақдирни далил қилди-ми?

— Йўқ.

Жаннатдан чиқарилишда тақдирни далил қилдими?

— Ҳа.

Тақдирни далил қилиш:

— Мусибат ўрнида жоиз.

— Айб ишига ножоиз.

8. Шариат ва тақдирга нисбатан вожиботлар

Биринчидан: Шариатга нисбатан:

— Амал қилишда жидду жаҳд қилиш

— Камчилик ва беъътиборлик учун истиффор айтиш

Иккинчидан: Тақдирга нисбатан:

— Аллоҳдан ёрдам сўраш ва Унга таваккул қилиш

— Тақдир этилган нарсага сабр қилиш

9. Тақдир ҳақида фирқаларнинг қарашлари

Фирқа: ғулуvgа кетган мажусийлар (илк қадарийлар)

Тақдир:

Илм ва ёзиш — йўқ

Хоҳиш ва яратиш — йўқ
Шариатни улуғлаш — бор
Сабаблар ва банда амаллари — бор

Сифатларни ишлатиш:

Адолат — бор
Ҳикмат — бор
Қудрат — йўқ

Фирқа: мажусий муътазилалар

Тақдир:

Илм ва ёзиш — бор
Ирода хоҳиш ва яратиш — йўқ
Шариатни улуғлаш — бор
Сабаблар ва банда амаллари — бор

Сифатларни ишлатиш:

Адолат — бор
Ҳикмат — бор
Қудрат — йўқ

Фирқа: мушрик жабрий сўфийлар

Тақдир:

Илм ва ёзиш — бор
Хоҳиш ва яратиш — бор
Шариатни улуғлаш — йўқ
Сабаблар ва банда амаллари — йўқ

Сифатларни ишлатиш:

Адолат — йўқ

Ҳикмат — йўқ

Қудрат — бор

Фирқа: иблисий жабрий жаҳмийлар

Тақдир:

Илм ва ёзиш — бор

Хоҳиш ва яратиш — бор

Шариатни улуғлаш — йўқ қарама қарши

Сабаблар ва банда амаллари — йўқ

Сифатларни ишлатиш:

Адолат — йўқ

Ҳикмат — йўқ

Қудрат — бор

Фирқа: ашъарийлар

Тақдир:

Илм ва ёзиш — бор

Хоҳиш ва яратиш — бор

Шариатни улуғлаш — бор

Сабаблар ва банда амаллари — белги

Сифатларни ишлатиш:

Адолат — бор

Ҳикмат — йўқ

Қудрат — бор

Фирқа: аҳли сунна вал жамоа

Тақдир:

Илм ва ёзиш — бор

Хоҳиш ва яратиш — бор

Шариатни улуғлаш — бор

Сабаблар ва банда амаллари — бор

Сифатларни ишлатиш:

Адолат — бор

Ҳикмат — бор

Қудрат — бор

Имом Бухорий ўз санади билан Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

قَالَ رَجُلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَعْرِفُ أَهْلَ الْجَنَّةِ مِنْ أَهْلِ النَّارِ؟ قَالَ ﷺ: (نَعَمْ). قَالَ: فَلِمَ يَعْمَلُ الْعَامِلُونَ؟ قَالَ ﷺ: (كُلُّ يَعْمَلُ لِمَا خُلِقَ لَهُ، أَوْ لِمَا يُسَّرُّ لَهُ).

Бир киши: Ё Расулуллоҳ! Жаннат аҳли ва дўзах аҳли маълумми?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа», дедилар. Шунда у: «Унда амал қилувчилар нимага амал қилади?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Барча нима учун яратилган бўлса ёки нимага осон қилинса, ўша учун амал қилади», дедилар.¹

¹ Имом Бухорий (4945).

Аҳли сунна вал жамоа эътиқоди:

1. Яратиш билан адолат ўртасида зиддият йўқ: Аллоҳ ҳар бир нарсани яратган ва У Зот инсонларга зулм қилмайди.

2. Шариат билан тақдир ўртасида ҳам зиддият йўқ: Аллоҳ бизни буюрди, қайтарди ҳамда амал қилиш учун қувват ва ихтиёр берди.

3. Аллоҳнинг бандалар амалини яратиши билан уларнинг амал қилиш қуввати ўртасида зиддият йўқ: Аллоҳ бандаларни яратган ва амал қилишга қувват ҳам берган.

Қудрат билан сабаблар ўртасида зиддият йўқ: Аллоҳ ҳар бир нарсани тақдир қилган, сабаблар эса таъсир этувчи омиллар бўлиб, улар ҳам Аллоҳнинг тақдиридандир.

9. Тақдир, сабаблар ва бандаларнинг амаллари ҳақида

Бидъатчилар: Аллоҳ нарсаларни сабаблар ёнида яратади, лекин, улар орқали эмас.

Бу сўз Қуръонга ва Аллоҳ яратган табиатга хилоф. Бундай эътиқод — бидъат ва ширкдир.

Аҳли сунна вал жамоа: Сабаб орқали ва Аллоҳнинг изни билан бир нарса амалга ошади.

Тўртинчи босқич

1. Иймон ва куфрнинг ҳақиқати ва катта гуноҳларни бажарган инсоннинг ҳукми

2. Бошқа ақидавий масалалар

Биринчидан

Исмлар, аҳкомлар масаласи, Иймон ва куфрнинг ҳақиқати, Кабира гуноҳларни бажарган инсоннинг ҳукми

1. Исмлар ва аҳкомлар масаласи
2. Ислom динининг таърифи
3. Аҳли сунна вал жамоа наздида мутлақ иймон ҳақиқати
4. Куфрнинг ҳақиқати
5. Кабира гуноҳ бажарган инсоннинг ҳукми
6. Мутлақ иймон арконлари ва уни бузувчи нарсаларнинг далиллари

1. «Исмлар ва ҳукмлар масалалари», деганда нима назарда тутилади

Ақида илмида «исмлар» деганда: Шариатда келган дин мартабаларига оид номлар назарда тутилади. Улар — «Ислом», «Иймон», «Эҳсон» кабилар. «Тавҳид», «Ихлос» каби атамалар ҳам шулар жумласидандир. Шунингдек, уларнинг муқобиллари — «Куфр», «Ширк», «Нифоқ», «Фисқ» каби тушунчалар ҳам шунга киради.

«Ҳукмлар» деганда мазкур шариатдаги исмларни муайян шахсларга татбиқ этиш назарда тутилади. Яъни, у киши мусулмонми, мўминми, мўҳсинми ёки кофир, мушрик, мунофиқ, фосиқми, шулар ҳақида ҳукм чиқариш. Бу ҳукмлардан дунё ҳаётидаги баъзи ҳукмлар ҳам келиб чиқади: масалан, ал-вало вал-баро, никоҳ шартлари, мерос, гувоҳликни қабул қилиш, мусулмонлар қабристонига дафн этиш каби масалалар. Шунингдек, охиратга оид ҳукмлар ҳам бор: масалан, жаннат ёки дўзах ҳақидаги ҳукмлар, дўзахда абадий қолмаслик, қабр неъмати ёки азоби каби масалалар.

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Исмлар ва ҳукмлар» атамасидан мақсад, динга оид исмлар, масалан: мусулмон, мўмин, кофир ва фосиқ кабилар ҳамда уларнинг дунё ва охирадаги ҳукмлари дир».¹

Яна айтадиларки: «Такфир ва тафсиқ масалалари, “исмлар ва ҳукмлар” масалаларидандир. Уларга охирадаги ваъда ва ваъид (мукофот ва жазо) боғлиқ бўлади. Шунингдек, дунё ҳаётида уларга вало ва баро, ўлдириш, маъсумлик ва бошқа ҳукмлар ҳам боғлиқдир»².

2. Ислом динининг таърифи

Диннинг луғатдаги таърифи:

«Даана» феъли ўз-ўзидан (тўғридан-тўғри) ишлатилганда — эгаллади, бошқарди, бўйсундирди деган маъноларни англатади.

Агар у бир нарсага боғлаб (ҳарф воситасида) ишлатилса:

«Ба» ҳарфи билан: дāна (биҳи) — яъни, шу нарсага бўйсунди, уни қабул қилди.

¹ «Мажмўъ ал-фатово» (13/38).

² «Мажмўъ ал-Фатово» (12/468).

«Ла» ҳарфи билан: (даана лаҳу) — яъни, унинг олдида бўйсунди, унга итоат қилди.

«Дин» сўзининг араб тилидаги маъноси бўйсунуш ва итоат тушунчаси атрофида айланади.

Диннинг диншунос олимлар истилоҳидаги таърифи:

Дин — бу икки зот ўртасидаги муқаддас муносабат бўлиб, улардан бири ҳукмронлик қилади, бошқаради ва итоат эттириб туради. Иккинчиси эса, шу ҳукмга бўйсунувчи ва итоат қилувчи бўлади. Бу муносабат улар орасидаги муайян шариат ёки қонун асосида бўлади.

Ислом динининг таърифи:

Бу икки зот ўртасидаги ибодат алоқаси:

Биринчи — Аллоҳ: У Зотнинг мисли йўқ, яратиш, мулк ва бошқарувда ягона. У барча ҳаёт соҳаларида Расулимиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ олиб келган охирги насх этувчи дин асосида ҳукм юритувчидир.

Иккинчиси — банда: Аллоҳ таолога муҳаббат, қўрқув ва умид билан таслим бўлган, итоат қилган ва бўйин сунган зотдир. У ҳам барча ҳаёт соҳаларида Муҳаммад ибн Абдуллоҳ олиб келган насх этувчи дин асосида бўйин эгади.

Ислом дини — Ҳаётнинг барча жабҳаларида Пайғамбарларнинг хотами Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариат билан ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилиш демакдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلِ اللَّهُ أَعْبُدُ مُخْلِصًا لَهُ دِينِي﴾

«Сиз: «Динимни Ўзига холис қилган ҳолимда Аллоҳгагина ибодат қилурман», деб айтинг». [Зумар: 14]

Дунё ва охират, руҳ ва тана, бир шахс ва жамият фақат дин билан ислоҳ бўлади. Шунингдек, Вало (Аллоҳ учун яхши кўриш) ва Баро (Аллоҳ учун ёмон кўриш) вожиб дея эътиқод қиламиз.

3. Аҳли сунна вал жамоа наздида мутлақ иймон ҳақиқати

Аҳли сунна вал жамоа наздидаги мукаммал иймон — бу сўз ва амалдан таркиб топган бир бутун ҳақиқатдир. У фақат иккаласи биргаликда бўлсагина тўғри бўлади. Агар сўз тўлиқ

йўқолса, иймон ҳам тўлиқ йўқолади. Агар амал тўлиқ йўқолса, иймон ҳам тўлиқ йўқолади.

У таркибли ҳақиқат бўлгани учун, сўз ёки амалнинг иймонни бузувчи нарсалар қаторига кирмайдиган қисми йўқолса, у ҳолда иймоннинг қолган қисми сақланиб қолади.

Иймон таркибли ҳақиқат.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Бу зикр қилинганларнинг барчаси иймон ҳақиқатини билмаганлар... Иймон эса, буларнинг барчасидан юқори нарсадир. У қуйидагилардан таркиб топган бир ҳақиқатдир: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсаларни илм билан билиш, қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор, муҳаббат ва хўшуъ билан унга итоат қилиш, ботин ва зоҳирда амал қилиш, имкон қадар уни ҳаётга татбиқ этиш ва унга даъват қилиш.¹

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтганидек: «Бир нечта уламолар аҳли сунна вал жамоа наздида иймон — сўз ва амал эканига ижмоъ қилганла-

¹ Фавоид (159).

рини ривоят қилишган. Бу эса суннатнинг шиорларидан бири бўлиб қолган.¹

Суфён ибн Уяйна раҳимахуллоҳ айтадилар: «Ўнта суннат бор. Кимда улар бўлса, у суннатни тўлиқ бажарган бўлади, ким улардан бирорта-сини тарк этса, суннатдан бир қисмини тарк этган бўлади. Улар қуйидагилар: тақдирни тасдиқлаш, Абу Бакр ва Умарни афзал билиш, ҳавз, шафоат, тарози, сирот кўпригини эътироф этиш ва иймон — сўз ва амалдир...»².

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ айтадилар: Биздаги «Суннат асослари» шундай: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари тутган йўлни маҳкам ушлаш ва уларга эргашиш... ва иймон — сўз ва амалдир, у зиёда ва нуқсонга учрайди...³.

Ибн Таймия ва Ибн Қаййим раҳимаҳумаллоҳ салафлар «Иймон — сўз ва амал» деган сўзлари билан нимани назарда тутганларини тушунтириб айтганлар: яъни, у — қалбнинг сўзи,

¹ Мажмуъ ал-фатово (7/308).

² Лалакойининг «Аҳли сунна вал жамоа эътиқоди асосларининг шарҳи» (1-жилд, 155-156-бетлар).

³ Олдинги манба (1/156-164). «Иймон сўз ва амалдир» — (159).

қалбнинг амали, тилнинг сўзи ва аъзоларнинг амалидир.

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Са-лафлар ижмоъ қилганларки, иймон — сўз ва амал бўлиб, у зиёда бўлиб, камайиб туради. Яъни, иймон — қалбнинг сўзи ва амали, кейин тилнинг сўзи ва аъзоларнинг амалидир».¹

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Иймоннинг зоҳири ва ботини бор». Зоҳири — тилнинг иқрори ва аъзоларнинг амалидир; Ботини — қалбнинг тасдиқи, итоати ва муҳаббатидир. Шунинг учун, иймоннинг фақат зоҳири (ташқи амал) инсон қони, моли ва зурриёти-ни маъсум қилса ҳам, унга охиратда фойда бермайди. Шунингдек, фақат ботин (ички эътиқод) зоҳирсиз етарли бўлмайди, магарам, агар амал қилишга ожизлик, мажбурият ёки ҳалок бўлиш хавфи сабаб бўлса, шундагина истисно этилади. Демак, ҳеч қандай монеълик йўқ бўлса, зоҳирда амал кўринмаса, бу ботиннинг бузуқлиги ва иймондан холи эканига далил. Зоҳирдаги амал камлиги иймон камли-

¹ «Мажмӯъ ал-фатово» (7/672).

гига ва амал кучлилиги иймон кучлилигига далил бўлади.¹

Агар Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган «Иймон бутоқлари» ҳақидаги ҳадисни тафаккур қилсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларидан бошланади:²

(الإيمان بضع وسبعون شعبة)،

«Иймон етмишдан ортиқ шўъба (шоҳ)дан иборатдир».

Биз ўргандикки, иймон — бу ягона, бўлинмас нарса эмас, балки, бир нечта бўлак ва шоҳлардан таркиб топган ҳақиқатдир. Мана шу – аҳли сунна вал жамоа билан бидъат ва залолат аҳллари ўртасидаги энг катта фарқдир. Чунки, барча залолатдаги фирқалар — хавориж, мўътазила ва мўржиалар — иймонни бўлинмайдиган ягона нарса деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли, уларнинг наздида, иймоннинг бир қисми йўқолса, барчаси йўқолган бўлади. Аммо аҳли сунна вал жамоа эса, иймонни бир нечта бўлак ва шуъбалардан иборат деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун у зиёда бўлиб ҳам, нуқсонга

¹ Фавоид (128-129)

² «Саҳиҳ Муслим», «Иймон китоб»и, «Иймон шўъбалари сонининг баёни» бобини қаранг (57) (1/63).

учраб ҳам туради: ҳар қачон бир бутоқ ортса — иймон ҳам ортади; бир бутоқ камайса — иймон ҳам камаяди. Лекин, ўша йўқолган бутоқ иймонни бутунлай йўқотадиган (яъни уни бузадиган) шуъба бўлмаслиги шарт.

Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Энг юксаги... ва энг пасти...» деган сўзларидан биз шундай хулоса чиқарамизки, иймоннинг бу шуъбалари Ислом динидаги мартаба ва аҳамият жиҳатидан турличадир. Яъни ҳаммаси бир хил даражада эмас. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

«Энг юксаги – гувоҳлик..., энг пасти – йўлдан озорни олиб ташлаш... ва ҳаё – имоннинг бир шохчасидир», деган сўзларидан ҳам шуни англаймизки, иймон – тил ва қалбга оид сўзлардан ҳамда қалб ва аъзолар билан бажариладиган амаллардан таркиб топгани ҳақиқатдир.

Аҳли сунна вал жамоанинг мазҳаби — осон, аниқ ва равшан бўлиб, Қуръон ва суннат матнларидан олинган.

Мутлақ иймоннинг ҳақиқати, унинг зиёда бўлиши ва озайиши ҳақида:

У бутуқлар ва қисмлардан таркиб топган ҳақиқатдир.

Унинг энг олий ва энг паст даражалари бор.

У – тил билан айтиш, қалб билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишдир.

У сўз ва амалдир: қалбнинг сўзи ва амали, тилнинг сўзи ва аъзоларнинг амали.

Агар сўзнинг ҳаммаси йўқолса, иймон ҳақиқати йўқолади; агар амалнинг ҳаммаси йўқолса, иймоннинг ҳақиқати йўқолади. Чунки бу ҳақиқат сўз ва амалдан иборат.

Агар амал ёки сўзнинг иймонни бузмайдиган қисми йўқолса, унда қолган қисми сақланиб қолади.

Иймон ҳақиқати шўъбалар кўпайиши билан зиёда бўлади, улар камайиши билан эса камаяди.

Иймон:

*Етмиш қанча бутуқ

*Энг юқори қисми: «Лаа илааҳа иллаллоҳ» шаҳодати ва энг пастки қисми йўлдаги азиятни олиб ташлаш.

*Ҳаё иймоннинг бир бутуғи

Мутлақ иймоннинг ҳақиқати: сўз ва амал – зиёда бўлади ва озаяди

Мутлақ иймон арконлари:

Иймон ҳақиқати: 1. Қалб сўзи:

Бундан мурод: иймон арконлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган барча нарсаларни қалбан тасдиқлаш, ишонч билан қабул қилиш ва иқрор бўлишдир.

Бунга далил:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ لَا يَحْزُنكَ الَّذِينَ يُسْرِعُونَ فِي الْكُفْرِ مِنَ الَّذِينَ قَالُوا آمَنَّا بِأَفْوَاهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِن قُلُوبُهُمْ...﴾

«Эй Пайғамбар! Оғизлари ила, иймон келтирдик, деб қалблари иймон келтирмаганлар ва яхудий бўлганларнинг куфрга ошиқадиганларидан маҳзун бўлманг...» [Моида: 41]

Иймон ҳақиқати: 2. Қалб амали:

Бундан мурод: қалбнинг бўйсуниси ва итоат этиши бўлиб, у қалб амалларини ифодалайди. Яъни Аллоҳга ихлос билан барча ибодат турларини бажариш, Унга муҳаббат, қўрқув, умид, розилик ва таваккул каби амаллар билан бўйсунишдир.

Бунга далил:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ...﴾

«Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Раббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир». [Анфол: 2]

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ...﴾

«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, буюрилган эдилар...» [Баййина: 5]

﴿.. وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилингиз». [Моид: 23]

﴿... فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«... Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар». [Оли Имрон: 175]

Иймон ҳақиқати: 3. Тил сўзи:

Бундан мурод: Ислом калимасини айтиш ва лозим бўлган нарсаларини тасдиқлаш

Бунга далил:

﴿قُولُوا آمَنَّا بِاللَّهِ...﴾

«Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Исога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Раббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик». [Бақара: 136]

﴿... وَقُلْ ءَامَنْتُ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ مِنْ كِتَابٍ...﴾

«Айтинг: «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим...» [Шўро: 15]

(أمرت أن أقاتل الناس)

«Одамлар билан урушишга буюрилдим, токи...»

Иймон ҳақиқати: 4. Аъзоларнинг амали:

Бундан мурод: намоз, рўза, закот, ҳаж ва шу каби фарз амалларни бажариш ҳамда ҳаром қилинган нарсаларни тарк этиш орқали амалий зоҳирий бўйсунишдир.

Бунга далил:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ۝۱ الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ۝۲ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ۝۳﴾

«Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Раббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир. Улар намозни тўқис адо этадиганлар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қиладиганлардир. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Уларга Раббилари ҳузурида даражалар, мағфират ва карамли ризқ бор». [Анфол: 2-4]

{... وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَنَكُمْ...}

«... Аллоҳ иймонингизни зое қилмайди...»
[Бақара: 143]

(الإيمان بضع وسبعون شعبة..)

«Иймон етмиш қанча бутоқ...» Абдулқойс вафди ҳақида ҳадис.

{فَإِنْ تَنَزَّعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ...}

«Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг...» [Нисо: 59]

6. Аҳли сунна вал жамоа наздида куфрнинг ҳақиқати:

Куфр луғатда:

Бу — ёпиш ва беркитиш маъносини англатади. Масалан, кимдир совутини кийим билан ёпса, «у совутини кофир қилди» дейилади. Шунингдек, ким ҳақни ёпса, у ҳаққа кофир бўлди. Ким неъматни инкор этиб, уни ёпса, у неъматга кофир бўлди. Ким донни ер тупроғи билан ёпса, у ерни кофир қилди, дейилади.¹

Куфр шаръий истилоҳда:

Иймонсизлик ёки бошқача қилиб айтганда, иймоннинг зиддидир.

Аҳли сунна вал жамоа наздида, иймон — сўз ва амалдир: қалбнинг сўзи ва амали, тилнинг сўзи ва аъзоларнинг амали бўлгани каби, куфр ҳам шундай. Чунки куфр — иймоннинг йўқлиги бўлиб, у сўз ёки амалнинг йўқлиги ёки улардан бирининг йўқлигидир.

¹ Шундай маънода Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи келган: «(Унинг) ўсимлиги кофирларни ҳайратга солади» [Ҳадид: 20], яъни бу ерда «кофирлар» деганда деҳқонлар назарда тутилган. Чунки деҳқон уруғни ерга кўмиб, уни ёпади, шунинг учун у «кофир» деб аталган.

Шунингдек, куфр — иймоннинг зидди бўлгани учун, у инсонни иймондан чиқарадиган нарсани содир этишдир. Яъни, инсон қалбининг сўзи ёки амали, тилнинг сўзи ёки аъзоларнинг амалини бузадиган, шариатда куфр деб баён қилинган нарсани қилиш билан кофир бўлади.

Шундай экан, куфр фақат қалбнинг сўзи ёки амалигагина тегишли эмас, аксинча, тил ва тана аъзолари орқали ҳам бўлади. Демак, иймоннинг тўрт устунидан бирини бузадиган ҳар қандай сўз ёки амал — иймонни бутунлай йўқотувчи нарса ҳисобланади.

Шайх Ибн Боз раҳимахуллоҳ шундай деганлар: «Исломни бузувчи нарсалар, яъни, диндан чиқишга сабаб бўлувчи амаллар “навоқиз” деб аталади. Бузувчи амал — сўз билан, амал билан, эътиқод билан ёки шубҳа билан ҳам бўлиши мумкин. Демак, одам айтаётган бир гапи билан, қилган амали билан, қалбидаги эътиқоди билан ёки унда пайдо бўлган шубҳа билан ҳам диндан чиқиб кетиши мумкин. Ана шу тўрт нарсанинг ҳар бири ақидани бузувчи ва уни йўқ қилувчи сабаб бўлиши мумкин». (Иймон ва

куфр масалаларини тўлиқ ўрганмагунча бу борада гапириш мумкин эмас. Шунинг учун, толиби илм бу борада гапиришдан олдин, бу масалага оид кўп китоблар ўқиши ва катта олим устозлардан дарс олиши лозим.)

Куфр ҳақиқати: 1. Қалб сўзи:

Бундан мурод: Аллоҳ таоло, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дин ёки динда барчага маълум бўлган нарсани ёлғонга чиқариш ва инкор этишдир.

Бунга далил:

﴿وَجَحَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنْفُسُهُمْ...﴾

«Ва ўзлари аниқ билиб туриб, зулм ва кибр туфайли у(мўъжиза)ларни инкор этдилар...»
[Намл: 14]

﴿بَلْ كَذَّبُوا بِمَا لَمْ يُحِيطُوا بِعَلَمِهِ...﴾

«Балки улар ўзлари илмини билмаган нарсани ёлғонга чиқардилар...» [Юнус: 39]

Куфр ҳақиқати: 2. Қалб амали:

Ундан мурод – ширк, нифоқ, Аллоҳ таолони, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини, динни ёки диндан бирор нарсани ёмон кўришдир.

Аллоҳ таолонинг шариатига тенг ёки ундан яхшироқ шариат бор ёки Аллоҳнинг шариатидан бошқа нарса билан ҳукм қилиш мумкин, деб эътиқод қилиш.

Бунга далил:

﴿... لَيْنَ أَشْرَكَتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ﴾

«... Агар ширк келтирсангиз, албатта, амалингиз беҳуда кетур». [Зумар: 65]

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ ءَامَنَّا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ﴾

«Ва одамлардан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик, дейдиганлари бор. Ҳолбуки, улар мўмин эмаслар». [Бақара: 8]

Куфр ҳақиқати: 3 Тил сўзи:

Бундан мурод: Аллоҳ таолони, Расулуллоҳни ёки динни ҳақорат қилиш. Аллоҳни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёки динни масҳара қилиш ва устидан кулиш — гарчи буни ҳалол деб ҳисобламаса ҳам.

Бунга далил:

﴿وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَخُوضُ وَنَلْعَبُ قُلْ أَبِاللَّهِ وَءَايَاتِهِ وَرَسُولِهِ
كُنْتُمْ تَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦٥﴾﴾

«Агар улардан сўрасангиз, албатта: «Биз фақат ўзимизча гап қилиб ўйнаётган эдик, холос», дейишади. Сиз: «Аллоҳни, Унинг оятларини ва расулини истехзо қилаётган эдингизми?» деб айтинг». [Тавба: 65]

Куфр ҳақиқати: 4. Аъзолар амали:

Бундан мурод: амал қилишни бутунлай тарк этиш, айниқса, намозни (Намозни бутунлай тарк қилиш куфр, аммо уни тарк қилган инсон айнан ўша одам кофир бўлиши ҳақида ихтилоф бор, Тўғрироқ сўз эса, токи унг ҳужжат қоим қилинмагунча, шахслар кофир дейилмайди. Бу масала ҳақида батафсил бошқа катта китобларга қайрилинг.); пайғамбарни ўлдириш ёки унга ёрдам бериш, Қуръон мусхафини қасддан оёқ остига босиш, бутларга сажда қилиш — ҳатто буни ҳалол деб билмаса ҳам.

Бунга далил:

﴿قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ﴾

«Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг», деб айтинг. Бас, агар ортга қайтсалар, албтта, Аллоҳ, кофирларга муҳаббат қилмас». [Оли Имрон: 32]

﴿وَيَقُولُونَ ءَامَنَّا بِاللّٰهِ وَبِالرَّسُولِ وَأَطَعْنَا ثُمَّ يَتَوَلَّى فَرِيقٌ مِّنْهُمْ مِّنْ بَعْدِ ذَٰلِكَ وَمَا أُولَٰئِكَ بِالْمُؤْمِنِينَ﴾

«Улар: «Аллоҳга ва Пайғамбарга иймон келтирдик ва итоат қилдик», дерлар. Сўнгра улардан бир гуруҳи юз ўгириб кетурлар. Ана ўшалар мўмин эмаслар». [Нур: 47]

﴿فَلَا صَدَقَ وَلَا صَلَّى ۖ وَلَٰكِن كَذَّبَ وَتَوَلَّى ۖ﴾

«Бас, у тасдиқламади ва намоз ўқимади. Лекин ёлғонга чиқарди ва юз ўгирди». [Қиёмат: 31, 32]

Куфрнинг турлари

Куфр икки хил бўлади: катта куфр — диндан чиқарадиган куфр.

Кичик куфр — диндан чиқармайдиган куфр.

Катта куфр – айтиб ўтганимиз каби Аллоҳ ва расулига иймон келтирмасликдир. Иймон келтирмаслик, ёлғонга чиқариш, шак-шубҳа, қарши чиқиш ёки юз ўгириш каби нарсалар билан содир бўлади.

Аммо кичик куфр эса, у шундай амал бўлиб, у ҳақида «куфр» деган таъбир ишлатилган бўлса-

да, Куръон ва суннат далиллари уни Исломдан чиқарувчи куфр эмаслигини кўрсатади.

Баъзилар эса куфрни бошқача тақсимлайдилар: яъни, эътиқодий куфр ва амалий куфр деб икки турга бўладилар.

Баъзилар катта куфрни қуйидаги турларга бўладилар:

1. Ёлғонга чиқариш куфри – бу пайғамбарларга кофир бўлиш ва уларнинг ростлигини тил билан инкор этишдир.

2. Шубҳа куфри – бу пайғамбарнинг ҳақлиги ҳақида шубҳаланиш, яъни, тасдиқламайди ҳам, инкор ҳам қилмайди.

3. Ибо куфри – бу ҳасад, кибр, кўркув ёки оталар динини яхши кўриш каби хоҳишлар туфайли пайғамбарлар олиб келган ҳақиқатга бўйсуннишдан бош тортишдир.

4. Юз ўгириш куфри – бу Аллоҳ динини ўрганиш ва унга қарашдан бутунлай юз ўгиришдир.

Кофирга чиқаришнинг маъноси:

Мусулмонни куфрга олиб борувчи сабаблардан бири туфайли уни куфрда айблаш.

Беҳақ такфир қилиш — бу мусулмонлиги аниқ далил билан собит бўлган кишига куфр

ҳукмини бериш ва муслмон экани очиқ-ойдин бўлган кишини аниқ далилларсиз Исломдан чиқаришдир.

Ҳақсиз куфрга чиқариш хатари:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(أَيُّمَا رَجُلٍ قَالَ لِأَخِيهِ: يَا كَافِرُ؛ فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدُهُمَا).

«Қайси бир киши биродарига: «Эй кофир» деса, иккисидан бирига қайтади».¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(لَا يَرْمِي رَجُلٌ رَجُلًا بِالْفُسُوقِ، وَلَا يَرْمِيهِ بِالْكُفْرِ، إِلَّا أَزْدَدَتْ عَلَيْهِ، إِنْ لَمْ يَكُنْ صَاحِبَهُ كَذَلِكَ).

«Бир киши бошқани фосиқ ёки кофир деса, агар ўша киши ўшандай бўлмаса, у сўз ўзига қайтиб келади».²

Кофирга чиқариш қоидалари:

1. Шариатда куфрга чиқарувчи амал собит бўлиши керак.

¹ Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадис. Бухорий (6104) «Адаб» китобида «Бирортасини таъвилсиз кофир деб атаган киши – ўзи шу сўзни айтганидек бўлади» боби остида ривоят қилган. Муслим эса, (60) «Иймон» китобида «Биродарини «эй кофир» деган киши ҳақида» боби остида ривоят қилган.

² Имом Бухорий (6045).

2. Кимнинг Исломда эканлиги яққол аниқ бўлса, у фақат яққол аниқ далил билангина Исломдан чиқади.
3. Бизга фақат зоҳири маълум, сир-асрорлар эса Аллоҳ таолога ҳавола қилинган.
4. Бирор инсонни куфрда айблашдан олдин аниқ текшириш вожибдир.
5. Кимнидир кофир деб ҳукм қилиш, фақатгина, такфирнинг шартлари ва унинг тўсқинликларини билган олимдан содир бўлиши лозим.

Биринчи шарт: ушбу сўз, амал ёки тарк (яъни бир ишни қилмаслик) Қуръон ёки суннат далили билан куфр экани собит бўлиши керак.

﴿قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ ۖ وَالْإِثْمَ وَالْأَلْبَنَىٰ ۚ بَعْضُ الْحَقِّ وَأَنْ تُشْرِكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ ۖ سُلْطَانًا وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Сиз: «Раббим фақатгина ошкора ва яширин фаҳш ишларни, гуноҳларни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳга ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсани айтишни ҳаром қилган, холос», деб айтинг».

[Аъроф: 33]

Иккинчи: Мукаллаф инсондан содир бўлиши.

Саҳиҳайнда Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар:

(أَيُّمَا امْرِئٍ قَالَ لِأَخِيهِ: يَا كَافِرُ، فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدُهُمَا، إِنْ كَانَ كَمَا قَالَ، وَإِلَّا رَجَعَتْ عَلَيْهِ).

«Қайси бир киши биродарига: «Эй кофир» деса, иккисидан бирига тегади. Агар у айтгандай бўлса, бояги кишига тегади. Агар ундай бўлмаса, ўзига қайтади». (Яъни бировни кофир дейиш гуноҳи ўзига қайтади. Бу — сўзи билан кофир бўлиб кетади дегани эмас. Саҳобалар ва кўплаб олимлар ҳадисни шундай изохлаганлар. Яъни, бировни кофир деган сўзининг гуноҳи ўзига қайтади деганидир.)

Учинчи: Ҳужжат етиши:

﴿... وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّى نَبْعَثَ رَسُولًا﴾

«... Токи Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз». [Исро: 15]

Саҳиҳ Муслимда Абу Ҳурайра разияллоху анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи ва саллам:

(وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ، لَا يَسْمَعُ بِي أَحَدٌ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ يَهُودِيٍّ، وَلَا نَصْرَانِيٍّ، ثُمَّ يَمُوتُ وَلَمْ يُؤْمِنْ بِالَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ، إِلَّا كَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ).

«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам-ки, охир замон умматларидан на бир яҳудий, ва на бир насроний менинг хабаримни эшитса-ю, кейин мен олиб келган динга иймон келтирмасдан ўлиб кетса, албатта, жаҳаннам эгаларидан бўлади!», дедилар.

Такфир қоидалари:

1. Жаҳолат (илмсизлик)
2. Хато
3. Таъвил
4. Мажбурлаш

Биринчи: жаҳолат (илмсизлик)

Шахс бу сўз ёки амал куфр эканини билиши шарт. Аллоҳ таоло айтади:

﴿... وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا﴾

«... Токи Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз». [Исро: 15]

Яъни, яқинда Исломни қабул қилган киши шариат ҳукмларини билиб олишга ҳали улгурмаган бўлиши, Исломдан узоқ жойда яшаб, Қуръонни тушуниб етадиган тарзда

бўлмаслиги ёки ҳукм махфий қолиб баёнлаб беришга мухтож бўлиши мумкин.

Иккинчи: Хато

Бу — бир нарсани қилмоқчи бўлиб бошқа нарсани қилиб қўйиш.

Саҳиҳайндаги ривоятда, таом ва ичимлиги ортилган туясини йўқотиб қўйган бир одам ҳақида келган хадисда: «Кейин у туясини ўзининг ёнида турган ҳолда топди. У тўянинг арқонини ушлаб, шундай деди: «Аллоҳим, Сен менинг қулимсан, мен эса Сенинг Раббингман!» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай дедилар:

(أَخْطَأُ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ).

«Қаттиқ хурсанд бўлгандан хато қилди».

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки:

(إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأَ وَالنَّسْيَانَ وَمَا اسْتَكْرِهُوا عَلَيْهِ).

«Аллоҳ таоло умматимнинг хатосидан, унутган нарсасидан ва мажбурланган ишидан кечди». Ибн Можа ривояти. Албоний саҳиҳ деган.

Аллоҳ таоло айтади:

(... رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا...)

«Ё Раббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин». [Бақара: 286]

Учинчи: Таъвил

Шаръий далилни унинг ҳақиқий ўрнидан бошқа жойга қўйиш — уни тушунмаслик ёки нотўғри тушуниш сабабли содир бўлади; таъвил эса, умуман олганда, хатонинг бир туридир.

﴿... وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ فِيمَا أَخْطَأْتُمْ بِهِۦ وَلَٰكِن مَّا تَعَمَّدَتْ قُلُوبُكُمْ...﴾

«Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ. Аммо дилдан қасд қилган бўлсангиз...» [Аҳзоб: 5]

У тўғри деб ҳисоблаган таъвили бўлмаслиги керак, балки, унинг таъвили хатолигини унга баён қилиш лозим.

Тўртинчи: Мажбурлаш

Бир шахсни ўзи хоҳламайдиган ва ихтиёрий равишда қилмайдиган ишни қилишга мажбурлаш.

Фақат мажбурликдан қутулишни истаган мажбур ҳолда бўлмаслиги керак. Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِّنَ اللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

«Ким иймондан сўнг Аллоҳга куфр келтирса, қалби иймон ила ором топа туриб зўрланганлар бундан мустасно — ким кўксини куфрга очса, бас, уларга Аллоҳдан ғазаб бор. Уларга улкан азоб бор». [Наҳл: 106]

Аммор ибн Ёсир разияллоҳу анҳуни мушриклар олиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат қилмагунича жим қўймасдан қийнаган машҳур қиссада: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келганларида, У зот:

(كَيْفَ تَجِدُ قَلْبَكَ؟) قَالَ: مُطْمَئِنًّا بِالْإِيمَانِ. قَالَ ﷺ: (إِنْ عَادُوا فَعُدْ).

«Қалбингни қандай ҳолда топмоқдасан», деб сўрайдилар. Шунда: «Иймон билан хотиржам ҳолда», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар яна шундай қилсалар, сен ҳам шундай қилавер», дедилар. Имом Ҳоким ривоят қилиб саҳиҳ деганлар.

Абу Бакр Жассос раҳимаҳуллоҳ айтадилар:
«Бу — мажбурият ҳолатида куфр сўзини ошкор
айтишнинг жоизлиги ҳақидаги асосдир».

Исмлар ва ҳукмлар масалаларидаги қоидаларнинг хулосаси

1. Бу борада луғавий маъноларга эмас, шаръий маъноларга суяниб амал қилиш.
2. Иймон ягона нарса эмас, аксинча, таркиб топган ҳақиқат эканини айтмоқ.
3. Ваъда ва ваъид ҳақидаги барча далилларга амал қилиш. Бир томонини олиб, иккинчисини инкор қилмаслик керак.
4. Ислом ҳукми илм ва амал қилган ҳар бир киши учундир — яъни икки шаҳодатнинг маъносини билиб, уларнинг талабларига амал қилишни ўз зиммасига олган ҳолда айтган киши учун. Аммо кимки маъносини билиб амал қилмаса ёки амал қилсаю маъносини билмаса, масалан, икки шаҳодатни маъносини англамай айтса, бу икковидан ҳам Ислом қабул қилинмайди.
5. Ким яқин (аниқ сабаб) билан мусулмон бўлган бўлса, яқин (аниқ сабаб) билангина Исломдан чиқади холос.

Бу эса шариатда белгиланган куфр сабаб-
лари орқали, аниқ ўрганиш асосида ва фақат
росих уламолар томонидан содир бўлади.

5. Кабира гуноҳни бажарган инсоннинг ҳукми

Кабийра гуноҳ таърифи:

Бу – шариатда ҳад, (жазо) лаънат, Аллоҳнинг
ғазаби ёки дўзах билан таҳдид қилинган гуноҳ
бўлиб, шу билан бирга, бу амални қилган
одамни диндан чиқармайдиган гуноҳ.

Фирқа: (1) Аҳли сунна вал жамоа

Дунёдаги номи: Фосиқ, иймони билан
мўмин, катта гуноҳи сабабли фосиқ.

Ундан иймон бутунлай суғуриб олинмайди
ва иймони тўлиқ ҳам дейилмайди.

Охиратдаги ҳукми: Аллоҳнинг иродаси ос-
тида — хоҳласа афв этади, хоҳласа азоблайди.
Лекин у дўзахда абадий қолмайди.

Фирқа: (2) Хавориж

Дунёдаги номи: кофир

Охиратдаги ҳукми: дўзахда абадий қолади

Фирқа: (3) Муътазилалар

Дунёдаги исми: мўмин ҳам кофир ҳам эмас.
Икки манзилат ўртасида.

Охиратдаги ҳукми: Дўзахда абадий қолади

Фирқа: (4) Муржиа

Дунёдаги номи: Иймони комил мўмин

Охиратдаги ҳукми: Аллоҳнинг иродаси ос-
тида

Тўртинчи босқич

Иккинчи — ақида масалаларининг қолган қисмлари

Биринчи: Саҳобаларга нисбатан муноса- бат

Бу бобда:

1. Саҳобийнинг таърифи
2. Нима учун саҳобаларни яхши кўрамиз?
3. Саҳобаларга нисбатан бизнинг бурчимиз
4. Саҳобалар ҳақида қалб ва тилни ҳар қандай айблашдан соф тутиш вожиблигига далиллар
5. Саҳобаларнинг фазл ва мартабада бир-бирларидан фарқ қилишлари
6. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан жаннат билан башорат қилинган саҳобалар ҳақида гувоҳлик
7. Халифаларни бир-бирларидан афзал кўриш масаласи
8. Тўрт халифанинг хилофатдаги тартиби масаласи
9. Саҳобалар ўртасида содир бўлган ихтилофларга муносабат

10. Саҳобаларнинг айбларига оид ривоятларга муносабат
11. Саҳобаларнинг маъсумлиги ҳақидаги масала

1. Саҳобийнинг таърифи

У Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан уйғоқ ҳолида (яъни тушда эмас) учрашган, унга иймон келтирган ва шу ҳолда вафот этган шахсдир.¹

Танбеҳлар:

1. Саҳобалар умумий «дўстлик» маъносидаги ҳамроҳлик тушунчасига кирмайди, яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлган, лекин, иймон келтирмаган киши саҳоба ҳисобланмайди. Албатта, учрашиш билан бирга иймон ва унда собит қолиш ҳам шарт.

2. Мунофиқлар саҳобалар сафидан ҳисобланмайди.

Мунофиқлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга маълум эдилар ва У зот улардан баъзиларини саҳобалардан Ҳузайфа каби зотларга хабар берган эдилар.

4. Муҳожирлар орасида, Бадр аҳли ичида, шунингдек, саҳобалар орасидан машҳур бўлган

¹ «Қавоид ат-таҳдис» – Қосимий, 200-бет; «Ал-Боис ал-Ҳасис», 176-бет; «Ат-Тақийд вал-Идох» – Ироқий, 291-бет; «Усулул-ҳадис» – доктор Ажжож ал-Хатиб, 385-бет.

ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан масъулият юклатилганлар ичида мунофиқлар йўқ.

5. Катта мунофиқлар ўзларининг мунофиқлиги билан машҳур бўлган, уларнинг изидан эргашганлар эса, номаълум, уммат ичида танилмаган.

6. Биз мунофиқларни аниқлаб таниш билан ибодатга буюрилмаганмиз; кимнинг мунофиқлиги очиқ бўлиб, таъсири маълум бўлган бўлса, у тарихда тилга олинган; таъсири бўлмаганлар эса, йўқолиб кетган, номлари саҳобалар қаторида сақланмаган.

Саҳобаларга нисбатан бизнинг бурчимиз

Икки хил бурч бор: қалб ва тил билан.

Биринчи — қалб билан:

— Нафратнинг ҳар қандай иллатидан қалбни поклаш.

— Қалбни саҳобаларга бўлган муҳаббат билан тўлдириш.

— Уларни ёмон кўрганларни ёмон кўриш.

Иккинчи — тил билан:

Уларни камситувчи ҳар қандай сўздан тийилиш.

«Сано» — яъни:

1. Уларнинг яхшиликлари ва фазилатларини эътироф этиш.
2. Тўғри эътиқодни сақлаш.
3. Улар ҳаққига дуо қилиб, истиғфор айтиш.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига нисбатан бизнинг бурчимиз

А) Қалбни уларга нисбатан муҳаббат билан тўлдириш — Аллоҳ улардан рози бўлсин.

Б) Қалбни уларга ёки улардан баъзиларга нисбатан ҳар қандай ғараз, гина ёки адоватдан поклаш.

В) Уларни мақташ, фазилатлари, гўзал сифатлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан моллари, жонлари ва фарзандлари билан жиҳод қилганларини зикр қилиш, улар учун дуо ва истиғфор айтиш.

Г) Уларнинг мартабаларини тушуриши мумкин бўлган ҳар қандай сўздан тилни тийиш, айниқса, уларни сўкиш, ҳақорат қилиш, кофир ёки фосиқ деб аташдан ҳам тийилиш. Аллоҳ бизни буларнинг барчасидан сақласин.

Д) Уларни ёмон кўрганларини ёмон кўриш ва душман тутиш.

Е) Уларнинг фазилатларини ёйиш, шон-шарафларини ҳимоя қилиш ва улар ҳақидаги тўғри эътиқодни баён қилиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳақида қалб ва тилни саломат сақлаш вожиблигига далиллар: Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ﴾

«Улардан кейин келганлар: «Ё Раббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, иймон келтирганларга қалбимизда нафрат (пайдо) қилмагин. Ё Раббимиз, албатта, Сен шафқатли ва меҳрибонсан», дерлар». [Ҳашр: 10]

Демак, одамлар уч тоифага бўлинадилар: муҳожирлар ва ансорлар — булар олдингилар, аввал ўтганлар. Учинчи қисм: улардан кейин келганлар. Киши қалбини саҳобларга нисбатан саломат қилиб, улар ҳаққига истиғфор айтувчи

бўлмагунча, саҳобаларга яхшилик билан эрга-
ган инсон бўлмайди.

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Уларн-
инг (яъни саҳобаларнинг) ҳаққига истиғфор
айтишга буюрилдилар, улар эса сўкдилар».¹

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу:
«Одамлар уч тоифадир; икки тоифа ўтиб кетди,
биттаси қолди. Сизлар учун энг яхши ҳолат
қолган шу тоифада бўлишингиздир», дедилар
ва «Ҳашр» сураси оятларини тиловат қилдилар.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам
айтадилар:

(لا تسبوا أصحابي، فوالذي نفسي بيده لو أن أحدكم أنفق مثل أحد ذهباً ما بلغ مد
أحدهم ولا نصيفه)

«Менинг саҳобаларимни ҳақоратламанглар!
Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бирор-
тангиз Ухуд тоғидек тиллони садақа қилса ҳам,
улар (қилган садақа)нинг бир муддига, ҳатто
унинг ярмига ҳам етмайди». Муттафақун
алайҳ.²

¹ Бу ривоятни Ожуррий «Аш-Шариъа» асарида (1988-йилги
нашр, 5-жилд, 2497-бет) зикр қилган. У заиф ҳадисдир.
Таҳқиқ изоҳига қаранг.

² Имом Бухорий (3673) ва имом Муслим (2540)

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бирортасини камситса ёки улардан бири қилган бирор иш сабабли ундан нафратланса ёки уларнинг нуқсонларини зикр қилса, у бидъатчи ҳисобланади. Токи у барча саҳобаларга раҳмат тилаб, қалби улар ҳақида пок бўлмагунча».

Яна айтганларки: «Агар сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини ёмонлик билан тилга олган бирор кишини кўрсанг, унинг Исломига шубҳа қил».

4. Саҳобаларнинг фазл ва мартаба жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилишлари

Аҳли сунна вал жамоа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир саҳобасига — У зот билан бир йил, бир ой, бир кун, бир соат ёки бундан кўпроқ ёки кам вақт суҳбатда бўлган бўлсин — барчасига фазилатни собит деб биладилар. Аммо, улар саҳобалар ўртасида фазилат ва мартаба жиҳатидан фарқ борлигини ҳам эътироф этадилар. Бу фарқ суҳбатнинг

давомийлиги, илм ва амал даражасига қараб бўлади.

Шу боис, саҳобаларнинг энг афзали: Хулафои Рошидинлар. Сўнгра маслаҳат аҳлидан бўлган беш киши, кейин муҳожирлар, улардан кейин ансорлар турадилар. Бу тартиб ҳам Исломга илк кирганлик, илм ва амал даражасига қараб белгиланган. Шунингдек, Бадр аҳли бошқалардан афзал, Ридвон байъатида иштирок этганлар бошқалардан афзал, Ҳудайбиядан олдин жиҳод қилган ва мол сарфлаганлар кейинги саҳобалардан устун деб биладилар. Шунингдек, улар саҳобалардан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган ҳар бир киши тобеинлардан — улар қанча яхшилик қилмасин — саҳобалик фазилати билан устун туради, деб эътиқод қиладилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا لَكُمْ أَلَّا تُنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلِلَّهِ مِيرَاثُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا يَسْتَوِي مِنْكُمْ مَنْ أَنْفَقَ مِنْ قَبْلِ الْفَتْحِ وَقَتْلَ أُولِيكَ أَعْظَمُ دَرَجَةً مِّنَ الَّذِينَ أَنْفَقُوا مِنْ بَعْدُ وَقَتْلُوا وَكُلًّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَىٰ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ﴾

«Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида эҳсон қилмайсизлар? Ҳолбуки, осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Сизлардан ҳеч ким

фатҳдан илгари эҳсон қилганларга ва урушда қатнашганларга баробар бўла олмас. Уларнинг даражалари фатҳдан сўнг эҳсон қилганлардан ва урушда қатнашганлардан кўра улуғдир. Аллоҳ барчага яхшиликни ваъда қилган. Ва Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир». [Ҳадид: 10]

Шундай қилиб, бу оят саҳобаларнинг мартабалари турлича эканлигига очиқ далилдир. Бу ерда «фатҳ» дегани — Ҳудайбия сулҳи назарда тутилган. Демак, Ҳудайбиядан олдин Исломни қабул қилганлар пешқадамлар — ундан кейин Исломга кирганлар эса уларга яхшилик билан эргашганлардир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ أُولَئِكَ مِنْ الْمُهِجَرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Уларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Уларда

абадий қолурлар. Ана ўша улкан ютуқдир».

[Тавба: 100]

Тобеин ёки улардан кейин келган киши баъзи амалларда баъзи саҳобаларга нисбатан кўпроқ ажр олиши мумкин. Лекин, ажрнинг кўплиги уни саҳобадан афзал қилади дегани эмас. Чунки саҳобалик мақомини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Аллоҳу аълам.

Саҳобаларнинг даражалари:

— Тўрт халифа

— Машвара аҳли [Талҳа, Зубайр, Саъд, Абдураҳмон ибн Авф]

— Муҳожирлар

— Ансорлар

— Фатҳдан олдин Исломни қабул қилганлар

— Қолган саҳобалар

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ «Усулус-Сунна» рисоласида шундай дейди:¹ Ушбу умматнинг Пайғамбаридан кейинги энг яхшиси: Абу Бакр ас-Сиддиқ, сўнг Умар ибн Хаттоб, сўнг Усмон ибн Аффон. Биз бу уч кишини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари қандай тартибда афзал кўрган бўлсалар,

¹ Имом Бухорий (3698) ва Абдуллоҳ ибн Аҳмад «Суннат» (2/590) (1400-1401).

шундай тартибда афзал кўрамиз. Бу борада улар ихтилоф қилмаганлар. Бу ушовларидан кейин "Шўро аҳли" бўлган беш киши келади: Али ибн Абу Толиб, Талҳа, Зубайр, Абдуррахмон ибн Авф ва Саъд. Уларнинг ҳар бири халифаликка лойиқ ва ҳар бири имомдир. Биз бу ҳақда Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисга амал қиламиз: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тирик бўлган чоғда ва саҳобалари орамизда кўп бўлган пайтда (саҳобаларнинг) афзаллигини шундай санар эдик: Абу Бакр, сўнг Умар, сўнг Усмон, кейин эса сукут қилардик».¹

"Шўро аҳли"дан кейин Бадр аҳлидан бўлган муҳожирлар, сўнггра ансорлардан бўлган Бадр аҳли. Динга эрта кириши ва хижратига қараб баҳоланар эдилар. Сўнггра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан кейинги энг афзал одамлар. У зот юборилган аср аҳлидир. Кимки У зот билан бир йил, бир ой, бир кун, ёки бир соат ҳам бирга бўлган бўлса ёки У зотни бир марта бўлса ҳам кўрган бўлса, у киши саҳоба саналади. Унинг саҳобалик даражаси У зот билан қанча муддат бирга бўлганига

¹ Имом Муслим (2535).

боғлиқ. У зот билан илгарироқ бирга бўлган ва кўпроқ эшитган, кўпроқ кўрганлар фазилатда юқорироқ бўлади.

Шунингдек, саҳобаликнинг энг паст даражасидаги киши ҳам Пайғамбарни кўрмаган, лекин, Аллоҳга барча яхши амаллар билан йўлиққан авлоддан афзалдир. Чунки бу саҳобалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганлар, эшитганлар ва У зот билан суҳбатда бўлганлар. Бир озгина Пайғамбарни кўрган ва унга иймон келтирган саҳобий, улардан кейин келган тобеинлардан, гарчи, у тобеин барча яхшиликларни қилган бўлса ҳам яхшироқдир.

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннат билан гувоҳлик берган саҳобалар ҳақида

Жаннат ҳақидаги гувоҳлик икки турга бўлинади:

1. Сифатга боғлиқ умумий гувоҳлик.
2. Шахсга боғлиқ махсус гувоҳлик.

Биз гувоҳлик берамизки, Аллоҳ таоло саҳобаларнинг барчасига жаннатни ваъда қилган. Бу ҳақда У Зот шундай деган:

﴿... وَكَلَّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَىٰ...﴾

«Аллоҳ барчага яхшилиқни ваъда қилгандир...» [Ҳадид: 10]

Шунингдек, Аллоҳ мўминларнинг барчасига жаннатни ваъда қилган.

Аммо маълум шахсларга гувоҳлик беришга келсак, биз фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннат билан башорат берганларга ёки Аллоҳ улар учун жаннатда нима тайёрлаб қўганини билдирганларга, ёхуд, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни жаннатда кўрганини айтганларга ва шунга ўхшаш башорат берилганларга гувоҳлик берамиз.

Аллоҳ таоло жаннат билан башорат берганлар қуйидагилардир:

1. Жаннат башорати берилган ўн саҳоба.

Изоҳ: Улар — тўрт халифа, шўро аъзоларидан тўрт киши, Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл (Абу Аъвор) ва Абу Убайда.

Далил: Саид ибн Зайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

(عشرة في الجنة: أبو بكر في الجنة، وعمر في الجنة، وعلي وعثمان والزبير وطلحة وعبد الرحمن وأبو عبيدة وسعد بن أبي وقاص) قال: (فَعَدَّ هؤلاء التسعة وسكت عن العاشر)، فقال القوم: (ننشذك الله يا أبا الأعور من العاشر)؟ قال: (نشدتموني بالله، أبو الأعور في الجنة)

«Ўн киши жаннатда: Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Али, Усмон, Зубайр, Талҳа, Абдураҳмон, Абу Убайда ва Саъд ибн Абу Ваққос жаннатда», деди. Сўнг у тўққизтасини санади-ю, ўнинчисини айтмади. Шу пайтда одамлар: «Аллоҳ ҳаққи учун, эй Абу Аъвор, ўнинчиси ким?» деб сўрашди. У: «Сизлар мени Аллоҳ номи билан сўрадинглар, ўнинчиси Абу Аъвор жаннатда», деди. Тирмизий ривояти.

2. Бадр аҳли.

Изоҳ: Улар уч юз ўн қанча киши.

Далил:

(لعل الله اطلع على أهل بدر فقال: اعملوا ما شئتم فقد وُجبت لكم الجنة، أو فقد غفرت لكم)

Аллоҳ Бадр аҳлиги қараб: «Хоҳлаган ишингизни қилаверинглар! Сизларга жаннат вожиб бўлди ёки гуноҳингизни кечирдим», деган. Бухорий ривояти.

3. Ризвон байъатида иштирок этганлар.

Изоҳ: Улар бирминг тўрт юздан ортиқ киши бўлган. Далил:

(لا يدخل النار - إن شاء الله - من أصحاب الشجرة أحد من الذين بايعوا تحتها)

«Иншааллоҳ Дарах остида байъат берганлардан ҳеч қайсиси дўзахга кирмайди». Имом Муслим ривояти.

4. Собит ибн Қайс.

Далил: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у киши ҳақида шундай деганлар:

(اذهب إليه فقل له: إنك لست من أهل النار، ولكنك من أهل الجنة)

Унга бориб: «Сен дўзах ахлидан эмас, аксинча, жаннат ахлидансан», дегин». Бухорий ривояти.

Жаннат билан башоратланганлар:

5. Билол ибн Рабоҳ
6. Зайд ибн Ҳориса
7. Ҳотиб ибн Балтаъа
8. Уккоша ибн Миҳсон
9. Саъд ибн Муъоз
10. Умму Сулайм бинт Милҳон

Далил: «Аҳли сунна вал жамоа ақидасида Саҳобаи киромлар ҳақида» асари, 2-жилд, 776-бет ва ундан кейинги бетлар.

7. Халифаларни бир-бирларидан афзал кўриш масаласи

Аҳли сунна вал жамоа халифаларнинг тўрт-тасини бошқа саҳобалардан афзал деб иттифоқ қилганлар. Улар аввало Абу Бакрни сўнгра Умарни афзал кўришади. Усмон билан Алининг афзаллиги ҳақида эса ихтилоф бўлган: аҳли суннанинг кўпчилиги Усмонни Алидан афзал деб билган, баъзилари бу мавзуда гапирмаган, баъзилари эса Алини афзал кўрган. Аммо аҳли сунна вал жамоанинг охири қарор топган фикри, уларнинг фазилатдаги тартиби халифаликдаги тартибларига мувофиқдир. Аммо улар Усмонни Алидан афзал кўриш масаласида ихтилоф қилган одамни залолатда деб ҳукм чиқариладиган эътиқод асосларидан ҳисобламаганлар. Чунки аҳли сунна вал жамоадан баъзилари бу борада Алини афзал деганлар.

8. Халифаликдаги тартиблари ҳақидаги масала

Аҳли сунна вал жамоа тўрт халифанинг халифаликдаги тартибини ақида масаласига киритганлар ва бу борада ихтилоф қилганлар-

ни залолатда деб билганлар. Чунки бу масаладаги ихтилоф саҳобалар ва аҳли сунна вал жамоа ижмосига хилофдир.

Таҳовий раҳимахуллоҳ машҳур ақийда китобида шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг бутун уммат орасидаги энг авло ва афзал инсон Абу Бакр разияллоҳу анҳу уларни халифа деб эътиқод қиламиз. Сўнгра Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу сўнгра Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу сўнгра Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу. Улар тўрт халифа — «Хулофои Рошидин» ва ҳидоят топган имомлар.¹

Абу Усмон Собўний раҳимахуллоҳ шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг афзал саҳобалари — аввало Абу Бакр, сўнгра Умар, сўнгра Усмон сўнг Али деб эътиқод қилишади ва гувоҳлик беришади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек тўғри йўлдаги халифалар. Саид ибн Жумҳон орқали Сафинадан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

¹ «Таҳовия»га Баррокнинг изоҳи, 364-бет.

саллам хабар берганлари каби: «Мендан кейин халифалик ўттиз йил давом этади»¹. Уларнинг даври тугаганидан сўнг иш яна зўравон ҳукмронликка қайтади».

Ҳадис аҳли эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан кейин ҳазрати Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг халифалигини саҳобаларнинг уни танлаши ва унга иттифоқ билан байъат қилишлари орқали исботлайдилар. Улар «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам динимиз учун рози бўлган кишидан дунё ишларимиз учун рози бўлдик», деганлар. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик пайтларида ҳам Абу Бакр ҳақида шундай сўзлар айтар эдиларки, улар саҳобаларга ундан кейин халифаликка энг лойиқ киши Абу Бакр эканини англатар эди.²

Сўнгра Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳунинг халифалиги — Абу Бакр разияллоҳу анҳу ўзидан кейин у кишини халифа қилиб тайинлади ва саҳобалар шунга иттифоқ қилишди.

¹ Имом Тирмизий (2226).

² «Ақидатус-салаф ва асҳоб ал-ҳадис», 289–290 бетлар.

Аллоҳ таоло у кишининг халифалик даврларида Исломни олий, шаънини улуғ қилди.

Сўнгра Усмон разияллоҳу анҳунинг халифалиги — шўро аҳлининг иттифоқи ва барча саҳобаларнинг розилиги билан бўлди ва иш у кишига юклатилди.

Сўнгра Али разияллоҳу анҳунинг халифалиги — саҳобаларнинг унга байъат беришлари билан содир бўлди. Ҳар бири у киши ўша вақтда халифаликка энг муносиб ва энг ҳақли шахс деб билдилар. Унга осий бўлишни ва қарши чиқишни жоиз деб билмадилар.

Манашулар тўғри йўлдаги тўрт халифалар. Аллоҳ таоло улар орқали динни мустаҳкам қилди.

9. Саҳобалар ўртасида содир бўлган ихтилофларга муносабат

Саҳобалар ўртасида содир бўлган низолар борасида аҳли сунна вал жамоанинг мавқифи шундайдир: улар ўртасида бўлган воқеаларга аралашишдан ва улар ҳақида баҳс қилишдан тийилади. Хусусан, Али разияллоҳу анҳу билан Оиша разияллоҳу анҳо, Талҳа разияллоҳу анҳу

ва Зубайр разияллоҳу анҳу ўртасидаги «Жамал» жанги ёки ҳазрати Али разияллоҳу анҳу билан ҳазрати Муовия разияллоҳу анҳу ўртасидаги «Сиффийн» воқеасидан қатъи назар, барчасига тааллуқлидир.

Ҳар бири ижтиҳод қилган ва тўғри йўл ўз тарафида деб ҳисоблаган. Уларнинг ихтилофи дунёвий манфаат учун эмас, аксинча, Ислом шариатини ўрнатиш йўлида бўлган.

Баъзи салафлар фитна ҳодисалари ҳақида сўралганда шундай деган:

﴿تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْأَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Улар бир уммат эди, ўтиб кетдилар. Уларга ўзлари касб қилганлари бўлади. Сизларга ўзингиз касб қилганингиз бўладир. Уларнинг қилган амалларидан сиз сўралмассиз». [Бақара: 134]

Ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Бу фитна — Аллоҳ бизларнинг қиличларимизни ундан сақлаган фитна эди, бас, биз ҳам тилларимизни ундан сақлайлик».

Ожуррий «Аш-Шариъа» китобида шундай дейди: «Кимки саҳобалар ва аҳли байтнинг (Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин) фазилатлари ҳақида баён қилган нарсаларимизни диққат билан ўрганса, уларни севиши, уларга раҳмат тилаб мағфират сўраши, улар ҳаққига дуо қилиши, тавфиқ бергани учун Аллоҳ азза ва жаллага шукр қилиши лозим. Шунингдек, улар орасида содир бўлган нарсаларни зикр қилмасин ва излаб суриштирмасин».

Агар бидъатга алданган, ҳақ йўлдан озган жоҳил киши бизга қарши чиқиб: «Фалончи нега фалончи билан урушган?», «Нега фалончи фалончини ўлдирган?» деб савол берса, унга шундай дейилади:

«Биз билан сенинг бу ҳақда гапиришингга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бу масала бизга наф келтирмайди ва биз буни билишга мажбур ҳам эмасмиз». Агар у: «Нега?» деб сўраса, унга шундай жавоб берилади:

«Чунки бу фитналар саҳобалар разияллоҳу анҳум даврида содир бўлган. Ўз илмларига таяниб шу қарорга келганлар. Улар бу ишлари-

нинг маъносини бошқалардан яхшироқ тушунганлар ва кейин келганлардан кўра тўғрироқ йўлда бўлганлар. Чунки улар жаннат аҳли ва Қуръон уларга нозил бўлган зотлар».¹

10. Саҳобаларнинг айбларига оид ривоятларга муносабат

Ривоятлар икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм — ва у кўп ривоятларни ўз ичига олади: Саҳобаларга нисбат берилган ривоятнинг барчаси ёлғон, қўшимча қўшилган, камайтирилган ёки маъноси ўзгартирилган. Бундай нарсаларнинг барчаси ботил ва мардуддир.

Иккинчи қисм — ва у жуда оз:

Тўғри ва рост ривоятлар.

Улар икки тоифадан бирига киради:

А) Улар ижтиҳодда тўғри йўл тутган, лекин, ривоят қилувчи уларни хатога йўл қўйган, деб гумон қилган.

¹ Аш-Шариъа: 5/2485-2586.

Б) Ёки улар ижтиҳодда хатога йўл қўйган, аммо, бу ижтиҳодда бўлгани учун узрли саналади ва ижтиҳоди учун ажр оладилар.

11.Саҳобаларнинг маъсумлиги ҳақидаги масала

Биз саҳобалар хатодан ва гуноҳдан маъсум эмас деб эътиқод қиламиз. Аммо шунга қарамасдан, улар пайғамбарлардан кейинги энг яхши инсонлардир деб ишонамиз. Улар — ушбу уммат авлодларининг энг сараларидан ҳам сараси. Шунинг учун, улардан содир бўлган хатолар уларнинг тўлиб тошган фазилатлари ва яхшиликлари ичида йўқолиб кетади. Бир неча сабабларга кўра улар Аллоҳнинг мағфиратига энг яқин инсондирлар:

— Улар қилган кўплаб яхши амаллар гуноҳларини ювиб ташлайди.

— Яхшиликларининг савоби уларга кўпайтириб берилади.

— Саҳобалик ва Исломга эрта киришлик фазилати бор.

— Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига энг ҳақли кишилардир.

— Улар дунёда турли синов ва қийинчиликларга дуч келганлар.

— Аллоҳ уларга тавба қилишга ва хатоларидан қайтишга тавфиқ берган.

Иккинчи: Аҳли байтга муносабат

Бу бобда:

1. Аҳли байттан мурод
2. Аҳли байтнинг насл жиҳатидан фазли
3. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байт ҳақидаги васияти
4. Аҳли байтга нисбатан мусулмонларнинг бурчи
5. Саҳобалар ва аҳли байт ҳақида аҳли сунна вал жамоанинг тутган ўрталик йўли
6. Саҳобалар ёки аҳли байтни ҳақорат қилиш ҳукми

1. Аҳли байт кимлар

Аҳли байт — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари, фарзандлари ва садақа уларга ҳаром қилинган қариндошларидир. Масалан, Али, Жаъфар ва Аббос оиласи ҳамда авлодлари шулар жумласидандир.¹

Ҳалимий раҳимаҳуллоҳ шундай деган: «Аҳли байт номи Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошлари ва аёлларига нисбатан ишлатилади».²

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Аҳли байт деганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ва садақа ҳаром қилинган қариндошлари назарда тутилади. Шунингдек, уларнинг авлодлари ҳам шу маънога киради. Шу тариқа ривоятлар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади.³

¹ «Саҳиҳул Бухорий», Закот китоби, «Набий ﷺ учун садақа ҳақида зикр қилинган нарсалар» боби, 1491-ҳадис.

² «Ал-Минҳож фи шуъаб ал-иймон» (2/140).

³ Фатҳул-борий (3/446).

2. Аҳли байтнинг насл жиҳатидан фазли

Имом Муслим «Саҳиҳ» асарида Воила ибн Асқоъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай деганларини эшитдим:

(إن الله اصطفى كنانة من ولد إسماعيل، واصطفى قريشًا من كنانة، واصطفى من قريش بني هاشم، واصطفاني من بني هاشم).

«Аллоҳ Исмоил авлодидан Кинона қабиласини танлаб олди, Кинонадан эса Қурайшни, Қурайшдан Бану Ҳошимни, Бану Ҳошимдан эса мени танлаб олди».¹

3. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байт ҳақидаги васияти

Зайд ибн Арқом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

قام رسول الله ﷺ فينا بماء يدعى خمًا بين مكة والمدينة، فحمد الله وأثنى عليه وذكر ووعظ ثم قال: (أما بعد: ألا أيها الناس إنما أنا بشر يوشك أن يأتيني رسول ربي عز وجل: وإنني تارك فيكم ثقلين: أولهما كتاب الله عز وجل فيه الهدى والنور، فخذوا بكتاب الله واستمسكوا به – فحث على كتاب الله ورغّب فيه – وقال: وأهل بيتي، أذكركم الله في أهل بيتي، أذكركم الله في أهل بيتي، أذكركم الله في أهل بيتي).

¹ Имом Муслим (2276).

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка билан Мадина орасидаги Хум деган булоқ ёнида орамизда туриб хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду санолар айтдилар, сўнг ваъз қилдилар, эслатма қилдилар. Сўнгра шундай дедилар: «Аммо баъд. Эй одамлар! Огоҳ бўлинглар! Мен ҳам бир инсонман. Яқинда Раббимнинг элчиси (ўлим фариштаси) келади, мен унга ижобат қиламан. Сизларга икки муҳим нарсани қолдириб кетаябман. Биринчиси Аллоҳнинг китоби, унда ҳидоят ва нур бордир. Аллоҳнинг китобини олиб, уни маҳкам тутинглар». У зот шундай деб Аллоҳнинг Китобига чақириб, унга тарғиб қилдилар. Сўнгра: «Ва аҳли байтимни ҳам (қолдириб кетяпман). Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман. Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман. Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман», дедилар».¹

Аҳли байтга нисбатан бизнинг бурчимиз:

Биринчи: Қалб:

- Адоват ва ёмон кўришдан халос бўлиш
- Муҳаббат ва ҳурмат билан тўлдириш.

Иккинчи: Тил:

- Камситиш ва ҳақоратдан тийилиш.

¹ Имом Муслим ривояти (2408).

Хурматлаш:

1. Фазилат ва яхши хислатлари билан сифатлаш.
2. Саҳиҳ эътиқод.

4. Аҳли байтга нисбатан мусулмонларнинг бурчи

Аҳли байтни ёмон кўриш ва уларга нисбатан кўнгилда адоват сақлашдан қалбни саломат сақлаш. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(والذي نفسي بيده، لا يغيضنا أهل البيت أحد إلا أدخله الله النار)

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Биз аҳли байтни ким ёмон кўрса, Аллоҳ уни дўзахга киргизади». Имом Ҳоким Мустадрокда ривоят қилган.¹

Уларни яхши кўриш ва ҳурматлаш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(أحبوا الله لما يغذوكم به من نعمه، وأحبوني لحب الله، وأحبوا أهل بيتي لحبي)

Сизларга бераётган (сон-саноқсиз) неъматлари сабабли Аллоҳни севинглар. Мени Аллоҳ учун яхши кўринглар. Мен яхши кўрганим учун

¹ Имом Ҳоким Мустадроки (4700).

аҳли байтни яхши кўринглар. Имом Ҳоким Мустадрокда ривоят қилган.¹

Уларни дўст тутиш, душманлик қилмаслик ва уларнинг ҳурматини сақлаш: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

(أذكركم الله في أهل بيتي).

«Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман».²

Аввалги ҳадисда зикр қилинганидек, агар динга хилоф бўлмаса, уларнинг юриш-туришлари ва ҳаёт йўлларига эргашиш.

Бунинг барчаси мусулмон бўлганларига ва насаби аниқ бўлганларига тааллуқли. Аммо, улардан кофир бўлган кишига эса насаби на дунёда ва на охирада фойда бермайди.

5 Саҳобалар ва аҳли байт ҳақида аҳли сунна вал жамоанинг рофизийлар ва носибийлар орасидаги ўрта йўл

Аҳли сунна вал жамоанинг саҳобалар ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли

¹ Имом Тирмизий ривояти (3789) ва Шайх Албоний заиф деган (176).

² Манбаси зикр қилинди.

байтига бўлган муносабати аввал баён қилинди. Улар бу зотларни мақомларидан юқори кўтариб, илоҳий даражага чиқармайдилар ёки уларни маъсум демайдилар. Шу билан бирга, уларни ёмон кўриб, адоват ва нафрат ҳам қилмайдилар. Аксинча, уларни яхши кўриб дўст тутадилар.

Улар шу тариқа аҳли байт ҳақида ғулувга кетганлар билан уларга нисбатан жафо қилганлар орасида ўрта йўлни тутганлар. Чунки рофизийлар (шиалар) ғулувга кетганлар, носибийлар эса жафокорлар. Шунингдек, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига нисбатан ғулувга кетган ва жафо қилганлар орасида ҳам ўрта йўлни тутганлар. Рофизалар саҳобаларга нисбатан жафодор ва баъзи носибийлар ғулувга кетганлар.

6. Саҳобалар ва аҳли байтни ҳақорат қилишнинг ҳукми

Саҳобалар ва аҳли байтни ҳақорат қилиш турли хил бўлади:

Биринчиси: уларни (саҳобаларни) кофирга чиқариш ёки уларнинг барчасини ёки кўпини

фосиқ деб аташ орқали ҳақорат қилиш. Бу турдаги ҳақорат куфр ва диндан чиқиш ҳисобланади.¹

Иккинчидан: улардан фазилати тавотур даражасида маълум бўлганларини (хусусан, халифаларни) кофирлик ёки фисқ билан ҳақорат қилиш — куфр ва диндан чиқиш ҳисобланади.

Учинчидан: фазилати тавотур даражасида маълум бўлмаган саҳобани ҳақорат қилиб, динига тегишли сўз билан ҳақорат қилиш — фисқ ва катта гуноҳдир.

Тўртинчиси: Улардан баъзиларни дини ва адолатига тухмат қилмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиш — масалан, уни кўрқоқлик, бахиллик, илмнинг камлиги ёки зоҳидликнинг етишмаслигида айблаш. Бундай ишни қилган киши фосиқ бўлади ва таъзирини бериб жазолашга лойиқ.

¹ Саҳобаларни ҳақорат қилиш ридда (диндан қайтиш) ҳисобланади. Чунки бу Аллоҳнинг уларни поклагани ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улар ҳақидаги мадҳига очиқдан-очиқ қарши чиқишдир. Ваҳйни рад этиш эса очиқ куфрдир.

Учинчидан: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаларига бўлган муносабат

Бу бобда:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг исмлари.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаларига нисбатан бизнинг бурчимиз.

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг исмлари

У зот ўн учта аёл билан никоҳланган эдилар.

Биринчи аёллари: Хадича бинт Хувайлид разияллоҳу анҳо. Ҳижратдан уч йил аввал вафот этганлар. Фарзандларининг онаси, энг аввал иймон келтирган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишларида ёрдам берган аёллари ва У зотнинг наздида катта мақомга эга эдилар.¹

Иккинчи: Савда бинт Замъа разияллоҳу анҳо: Хадича разияллоҳу анҳодан кейин уйланган биринчи аёллари бўлиб, уч йил ёки

¹ «Саҳиҳ Муслим» (2435).

ундан кўпроқ вақт давомида ягона завжалари бўлганлар. Кейинчалик катта ёшга етганларида навбатларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни рози қилиш учун Оиша разияллоҳу анҳога ҳадя қилганлар.¹

Учинчи: Оиша разияллоҳу анҳо: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан олти ёшларида никоҳланиб, тўққиз ёшларида уйларида кирганлар. Аёлларининг ичида ундан бошқа бокира бўлмаган. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ичида энг афзали ва Хадича разияллоҳу анҳодан кейин қалбига энг севимлиси эдилар.²

Тўртинчи: Ҳафса разияллоҳу анҳо. Умар разияллоҳу анҳунинг қизи. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ҳижратнинг учинчи йили уйланганлар. Кўп рўза тутадиган ва кўп намоз ўқийдиган ибодатгўй аёл эдилар. Ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бир марта талоқ қилган эдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом келиб: «Аллоҳ сизга Ҳафсани қайтаришингизни буюрмоқда,

¹ Бухорий (5212) ва Муслим (1463).

² Саҳиҳ Бухорий (2384).

чунки у рўздор ва ибодатгўй аёлдир ва у жаннатдаги хотинингиз бўлади», деган.¹

Бешинчи: Зайнаб бинт Хузайма разияллоху анҳо «мискинлар онаси»: чунки улар мискинларни озиқлантирар ва садақа бериб турар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан икки ёки уч ой бирга яшаганлар, сўнгра ҳижратнинг тўртинчи йили вафот этганлар.

Олтинчи: Умму Салама Ҳинд бинт Умайя разияллоху анҳо: аёлларнинг энг гўзалларидан ва насаб жиҳатидан энг шарафлиларидан эдилар. Уларнинг вафоти 61-ҳижрий йилда бўлган.

Еттинчи: Зайнаб бинт Жаҳш разияллоху анҳо: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг мавлолари Зайд ибн Ҳорисадан кейин уни никоҳларига олганлар. Дин, тақво, саховат ва яхшиликда аёллар саййидаларидан эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг бошқа аёлларига фахрланиб: «Мени Аллоҳ етти қават осмон устидан никоҳлаб берди», дер эдилар.

¹ Табароний (18828) ва Ҳоким «Ал-Мустадрок»да ривоят қилган.

Саккизинчи: Жувайрия бинт Ҳорис разияллоҳу анҳо: Бану Мусталиқ ғазотидан кейин асирликка тушган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни озод қилиб, уйланганлар. Шу сабабли, мусулмонлар: «Расулуллоҳнинг қудалари» деб, уларнинг қабиласидан юзта асирни озод қилганлар. Бу эса қавмларига бўлган баракаларидан эди.

Тўққизинчи: Умму Ҳабиба Рамла бинт Абу Суфён разияллоҳу анҳо: эрлари Убайдуллоҳ ибн Жаҳш муртад бўлганидан кейин, Исломда собит қолдилар. Аллоҳ уларга энг яхши ва афзал инсон — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини насиб қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга насаб жиҳатидан энг яқин ва маҳр жиҳатидан энг кўп олган аёл бўлганлар. Улар Ҳабашистонда юрганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам никоҳларига олганлар.

Ўнинчи: Сафийя бинт Ҳуяй ибн Ахтоб разияллоҳу анҳо — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбардан кейин уни озод қилганлар ва у билан никоҳланганлар. Аёлларнинг энг улуғларидан бўлиб, ибодат, тақво,

зоҳидлик, эҳсон ва саховатда машҳур эдилар. Насаб, гўзаллик ва дин жиҳатидан ҳам юксак даражада эдилар. Аллоҳ улардан рози бўлсин.

Ўн биринчи: Маймуна бинт Ҳорис разияллоҳу анҳо: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охирги завжалари эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Маймуна» (яъни хушчақчақ) деб атаганлар. Тақводор ва қариндошлар билан алоқани мустаҳкам тутувчи аёл эдилар.

Ўн иккинчи ва ўн учинчи: Асмо бинт Нуъмон Ал-Киндийя ва Амра бинт Язид Ал-Килобийя

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни никохларига олганлар, лекин улар билан яқинлик қилмасдан, қайтариб юборганлар.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаларига нисбатан бизнинг бурчимиз

Аёлларига нисбатан бизнинг бурчимиз:

Биринчидан: Қалб

Обруларига путур етқазадиган маънолардан
поклаш

1. Муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром билан тўлди-
риш.

2. Дунё ва охиратдаги завжалари

Иккинчи: Тил

Улар ва хоссатан Оиша разияллоҳу анҳони
ҳақорат қилишдан тийилиш.

1. Яхши ва фазилатли амаллари билан мақ-
таймиз.

2. Улар ҳақида тўғри ақидада бўламиз.

— Уларни «мўминлар оналари» деб эътиқод
қилиш. Шундай экан, уларга онага нисбатан
бўладиган ҳурмат ва эҳтиром каби муносабатда
бўлиш лозим. Никоҳга нисбатан она каби
маҳрам, лекин, оналарга хилоф ўлароқ улар
билан парда орқасида гаплашиш лозим.
Қизлари ва опа-сингиллари эса маҳрам эмас.

— Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг дунёда ҳам, охиратда ҳам завжа-
лари эканигига иймон келтириш.

— Оиша разияллоҳу анҳони туҳмат қилинган
нарсадан соф эканига иймон келтириш. Чунки,
Аллоҳ унинг поклигини осмондан нозил қил-

ган. Шунинг учун, у нозил қилинган оятдан кейин Оиша разияллоҳу анҳога туҳмат қилган киши Қуръонни ёлғонга чиқаргани учун кофир ҳисобланишига ижмоъ қилинган.

— Фазилатлари ва қадрларини тушурадиган ҳамда уларга озор берадиган нарсалардан огоҳ бўлиш лозим. Чунки уларга озор бериш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга озор бериш демакдир.

Тўртинчи: Кароматлар

Бу бобда:

1. Кароматнинг таърифи
2. Кароматнинг турлари

1. Кароматнинг таърифи

Каромат: Аллоҳ валийларининг қўллари орқали содир этадиган ғайри оддий ишлар.¹

Аллоҳ пайғамбарларнинг қўллари орқали содир этадиган ишлар «мўъжиза» ва «оят» деб аталади.

¹ «Қуртубий тафсири», 1-жилд, 69-бет.

Валийларнинг кароматлари пайғамбарларнинг мўъжизаларидир. Чунки Аллоҳ таоло уларни У Зотнинг пайғамбарларига эргашганлари сабабли бу кароматлар билан икром этган.

2. Кароматнинг турлари

Кароматлар ҳар хил:

Булардан бири илм ва кашфиётга боғлиқ бўлади. У бошқалар эшитмайдиган нарсани эшитади ёки бошқалар кўрмайдиган нарсани кўради. Масалан: Умар разияллоху анхунинг шаҳар минбарида турган ҳолда Шарқда жойлашган Наҳованддаги лашкарни кўриши ва унга нидо қилиши, лашкар эса унинг йўл-йўриғини эшитиб, душман найрангидан омон қолиши каби ҳоллар.¹

Булардан бири қудрат ва таъсир билан боғлиқ. Масалан, душманига тегишмай туриб уни ҳалок қилиш, душман ўзини унинг олдида паст тутиб, уни яхши кўриб қолиши. Бунга мисол: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва

¹ Байҳакий «Ал-Иътиқодул-ҳидая ила сабили-р-рошаад» асарида «Авлиёлар кароматлари ҳақида сўз» бобида ривоят қилган (381).

салламнинг мавлолари Сафинанинг шер билан бўлган воқеаси¹ ва Абу Муслим Хавлоний раҳимаҳуллоҳнинг Абул Асвад Ал-Аънсий билан бўлган воқеаси.²

¹ Ибн Касирнинг «Ал-Бидя ва-н-Ниҳоя» асари, «Убайда ва у билан боғлиқ ҳодисалар зикри» боби, 8-жуз, 263-бет.

² Ибн Таймиянинг «Мажмуъ ал-Фатаво» асари, 11-жуз, 279-бет.

Бешинчи: Аҳли сунна вал жамоа

Бу бобда:

1. Аҳли сунна вал жамоанинг таърифи
2. Аҳли сунна вал жамоанинг энг муҳим сифатлари
3. Аҳли сунна вал жамоанинг мезони
4. Аҳли сунна вал жамоанинг ахлоқи
5. Аҳли сунна вал жамоанинг энг муҳим сифатларини бидъат аҳлининг энг муҳим сифатлари билан таққослаш.

1. Аҳли сунна вал жамоа ким?

Бу ҳақда аввал сўз борган эди, энди шайхул-Ислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтган сўзларини қисқача баён қиламиз:

«Улар — ҳар қандай бузуқиликдан ҳоли соф Ислом аҳлидирлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларидаги нажот топувчи фирқадир:

(وستفترق أمتي ...)

«Умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади...»¹

Қуйидаги ҳадисга кўра нусрат топувчи тоифа:

(لا تزال طائفة ...)

«Умматимдан бир тоифа ҳақ устида бардавом бўлади ...»²

Улар орасида сиддиқлар ҳам бор, яъни иймонида, сўзида ва амалларида ростгўй бўлганлар ҳамда жаннатни тасдиқлаганлар.

¹ Имом Тирмизий (2641) ва имом Албони «Саҳиҳ силсила» асари (203, 204).

² Муттафакун алайҳ. Имом Бухорий (71) ва имом Муслим (157).

Шунингдек, шаҳидлар, яъни Аллоҳ йўлида қатл қилинганлар.

Солиҳлар — қалби ва аъзолари солиҳ амаллар билан покланганлар.

Абдоллар — динга ёрдам бериш ва уни ҳимоя қилишда бир-бирининг ўрнига келадиганлар. Улардан бири вафот этса, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди.

2. Аҳли сунна вал жамоанинг энг муҳим илмий сифатлари

1. Аллоҳнинг каломини одамларнинг ҳар хил сўзларидан устун қўйиш.

2. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлини ҳар қандай шахснинг йўлидан устун қўйиш.

3. Шунингдек, уларнинг сифатларидан бири – муҳожирлар ва ансорлардан бўлган илк авлод йўлига эргашиш, тўғри йўлдаги халифалар суннатига маҳкам ёпишиш ва саҳобалар идтифоқ қилган нарсаларга амал қилишдир.

Шу сабабдан уларнинг номларидан бири – аҳли сунна вал жамоадир.

«Жамоа» – бирлашиш ва ижмоъга (иттифоққа) амал қилишдир.

3. Аҳли сунна вал жамоанинг сўз ва амаллардаги мезони

1/ Қуръони карим.

2/ Суннат.

3/ Тўғри тартибга солинган ижмоъ: яъни салафи солиҳлар тутган йўл.

Динга тааллуқли бўлган одамларнинг ички ва ташқи сўзлари ҳамда амаллари шу ўлчовга солинади: агар унга мос келса, ҳақ. Агар унга тескари бўлса, ботил ҳисобланади.

4. Аҳли сунна вал жамоанинг амалий ахлоқларидан

1. Шариатга мувофиқ равишда маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш, яъни бу иш илм, ҳалимлик ва ҳикмат билан бўлиши.

2. Мусулмонлар жамоасини сақлаш: мусулмонларнинг ҳукмдорлари ёмонликка буюрмас экан, солиҳ ёки фожир бўлишидан қатъий назар, уларга қулоқ солиш ва итоат этиш. Улар билан бирга ҳаж қилиш, жиҳодга чиқиш, жума

ва ҳайитларни бирга ўтказиш ҳамда ҳукмдорлар ва умматга насиҳат қилиш.

3. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларига амал қилган ҳолда, Муслмонлар орасида муҳаббат ва ҳамжихатликни тарқатиш ва мустаҳкамлаш:

(المؤمن للمؤمن كالبنيان، يشد بعضه بعضًا) وشبك بين أصابعه ﷺ،

«Муслмон муслмон учун бино каби, бир-бирини қўллаб-қўвватлайди», дедиларда бармоқларини бир-бирига киргиздилар.¹ Яна айтганларки:

(مثل المؤمنين في توادهم...)

«Муслмонларнинг бир-биринга бўлган муҳаббатининг мисоли...»²

4. Улар балоларга сабр қилиш, фаровонлик пайтида шукр қилиш ва тақдир ҳукмига рози бўлишга буюрадилар.

Улар яхши ахлоқ ва гўзал амалларга даъват қилишга эътибор берадилар ва эътиқоднинг тўғри бўлиши билан ахлоқнинг гўзал бўлиши

¹ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (481) ва имом Муслим (2585).

² Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (6011) ва имом Муслим (2586).

ўртасида боғлиқлик бор деб эътиқод қиладилар. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай сўз келган:

(أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ أَخْلَاقًا).

«Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи гўзалроғидир».¹

Шунинг учун уларнинг даъватларидан бири: қариндошчилик алоқаларини мустаҳкамлаш, ота-онани ҳурмат қилиш, қўшнилари билан яхши муомалада бўлиш, етим-есирлар, муҳтожлар ва мусофирларга эҳсон қилиш ҳамда ишчилар ва хизматчиларга меҳр билан муносабатда бўлишдир.

Уларнинг даъватларидан яна бири: кибр, мағрурлик, зулм ва ноҳақлик каби ёмон хулқлардан қайтаришдир.

¹ Имом Тирмизий (1162) ва Абу Довуд (4682) ва имом Албоний «Саҳиҳ Жомеъ» асарида (1230)-рақамда саҳиҳ деган.

5. Аҳли сунна ва жамоа билан аҳли бидъатнинг энг муҳим сифатларини таққослаш

Солиштириш мавзуси: Шаръий матнларга муносабат

— Аҳли сунна вал жамоа: улуғлаш ва таслим
бўлиш

Сабаби: Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

«Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида, ўз ишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашиш-ла адашибди». [Аҳзоб: 36]

﴿إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۚ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Албатта, мўминларнинг Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига ораларида ҳукм чиқариш учун чорланганларидаги гаплари: «Эшитдик ва

итоат қилдик», демоқларидир. Ана ўшаларнинг ўзларигина нажот топгувчилардир». [Нур: 51]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُقَدِّمُوا بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан ва Унинг Расулидан олдин шошилманглар. Ва Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир». [Хужурот: 1]

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Раббингга қасамки, сизни ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!» [Нисо: 65]

— Бидъат ва залолат аҳли: беҳурматлик, рад этиш ва бузиш.

Сабаби:

Ақлий асосларига зид. Масалан: калом аҳли фирқалари.

Кашфий (илҳомий) асосларига зид. Масалан: сўфий фирқалар.

Фалсафий асосларига зид. Масалан: ботиний фирқалар.

Таққослаш мавзуси: Шариат далиллари-нинг барчасига муносабат:

— Аҳли сунна вал жамоа: барча шариат далилларига амал қилиш.

Сабаби:

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоху анху-дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар:

(مَهْلًا يَا قَوْمُ، بِهَذَا أَهْلَكَتِ الْأُمَمَ مِنْ قَبْلِكُمْ، بِاخْتِلَافِهِمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ، وَضَرْبِهِمُ الْكُتُبَ بَعْضُهَا بِبَعْضٍ، إِنَّ الْقُرْآنَ لَمْ يَنْزِلْ يُكَذِّبُ بَعْضُهُ بَعْضًا، بَلْ يُصَدِّقُ بَعْضُهُ بَعْضًا، فَمَا عَرَفْتُمْ مِنْهُ فَاعْمَلُوا بِهِ، وَمَا جَهِلْتُمْ مِنْهُ فَرُدُّوهُ إِلَى عَالِمِهِ).

«Эй қавм, шошилманг! Сизлардан олдин ўтган умматлар ана шу нарса — пайғамбарлари билан ихтилоф қилишлари ва китобларни бир-бирига қарши ишлатишлари сабабли ҳалок бўлганлар. Албатта, Қуръон бир қисми иккинчи қисмига зид бўлиши учун нозил қилинмаган, аксинча, бир қисми иккинчи қисмини тасдиқлаб нозил бўлган. Шундай экан, ундан нимани тушунсангиз — шунга амал қилинг, нимани тушунмасан-

гиз — уни аҳли илмга топширинг». (Имом Аҳмад ривоят қилган, шайх Арнаут саҳиҳ деган).

— Аҳли бидъат ва залолат: баъзи далилларга амал қилиб, баъзиларини тарк этиш.

Сабаби: Бидъатларига мувофиқ келган ўрнини оладилар:

1. Қадария ва жабриялар.

2. Хавориж ва муржиалар.

Таққослаш мавзуси: Шаръий матнлардаги «муҳкам» ва «муташибиҳ» (яъни аниқ ва маъноси яширин) оятлар:

— Аҳли сунна вал жамоа: муташибиҳ (маъноси очиқ бўлмаган) оятларни муҳкам (аниқ маъноли) оятлар нурида талқин қиладилар.

Сабаби: Аллоҳ таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخَرُ مُتَشَابِهَاتٌ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّسُخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ ءَأَمْنًا بِهٖ كُلُّ مِّنْ عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

«У сизга китобни туширган Зотдир. Унда муҳкам — ойдин оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташибиҳ оятлар ҳам

бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвийл қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига эргашадир. Унинг таъвийлини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда собит бўлганлар эса: Унга иймон келтирдик, барчаси Раббимиз ҳузуридан дир, дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эсларлар». [Оли Имрон: 7]

— Бидъат ва залолат аҳли: муҳкам оятларни муташобих оятлар асосида талқин қиладилар.

Сабаби: Бидъатларга тўғри келган ўрнини оладилар:

1. Муржиалар

2. Суфийлар

Таққослаш мавзуси: Ақл ва шаръий матнлар:

— Аҳли сунна вал жамоа: шаръий матнларни маҳкам ушлаш

Сабаби: Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَهْدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُ سُبُلَ السَّلَامِ وَيُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِهِ وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

«У билан Аллоҳ Ўз розилигини истаганларни салом йўлларига бошлар ва уларни Ўз изни

ила зулматлардан нурга чиқарар. Ҳамда сиротул мустақиймга ҳидоят қилар». [Моида: 16]

﴿... أَلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا...﴾

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим». [Моида: 3]

﴿... وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ﴾

«Сизга китобни ҳар бир нарсани баён қилувчи этиб, мусулмонларга ҳидоят, раҳмат ва хушхабар қилиб нозил этдик». [Наҳл: 89]

Зайд ибн Арқом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(أَمَّا بَعْدُ، أَلَا أَيُّهَا النَّاسُ فَإِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ أَن يَأْتِي رَسُولٌ رَّبِّي فَأُجِيبُ، وَأَنَا تَارِكٌ فِيكُمْ ثَقَلَيْنِ: أَوَّلُهُمَا كِتَابُ اللَّهِ، فِيهِ الْهُدَى وَالنُّورُ فَخُذُوا بِكِتَابِ اللَّهِ وَاسْتَمْسِكُوا بِهِ).

«Аммо баъд. Эй одамлар! Огоҳ бўлинглар! Мен ҳам бир инсонман. Яқинла Раббимнинг элчиси (ўлим фариштаси) келади, мен унга ижобат

бераман. Сизларга икки муҳим нарсани қолдириб кетябман. Биринчиси: Аллоҳнинг китоби, унда ҳидоят ва нур бор. Аллоҳнинг китобини олинглар ва уни маҳкам ушланглар». Имом Муслим ривояти

— Бидъат ва залолат аҳли: ўз фикрлари ва ҳаволарини маҳкам ушлаш.

Сабаби: Уларнинг бидъатларига мос келади.

Мундарижа

Исломий ақида фани	2
Муқаддима	3
Дарслик режаси:	7
Биринчи босқич.....	8
Ақида дарсига кириш.....	8
Рубубият тавҳиди.....	8
Биринчи – Ақида дарсига кириш	9
Иккинчи: Рубубият тавҳиди	45
Иккинчи босқич	110
Улуҳият тавҳиди	110
Биринчи: Улуҳият тавҳиди.....	110
Иккинчи: Исм-сифатлар тавҳиди.....	148
Учинчи босқич.....	196
Фаришталар, китоблар, пайғамбарлар, қиёмат куни ва қазои қадарга иймон келтириш	196
Биринчи: Фаришталарга иймон келтириш	196
Иккинчи: Китобларга иймон келтириш	230
Учинчи: Пайғамбарларга иймон келтириш	254
Тўртинчи: Қиёмат кунига иймон келтириш	289
Қазои қадарга иймон келтириш.....	385
Тўртинчи босқич.....	407
Биринчидан: Исмлар, аҳкомлар масаласи. Иймон ва куфрнинг ҳақиқати. Кабира гуноҳларни бажарган инсоннинг ҳукми:.....	407
Тўртинчи босқич.....	439
Иккинчи — ақида масалаларининг қолган қисмлари	439